

*Эргаш Жуманбулбул ўғлининг  
100 йиллигига бағишланади*

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ  
ЎҒЛИНИНГ ДОСТОН  
ВА ТЕРМАЛАРИ

БЕШ ТОМЛИК

Нашрга тайёрловчи: Ҳоди Зариф  
Масъул муҳаррир: Тўра Мирзаев

ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ

А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЕТ ИНСТИТУТИ

# БУЛБУЛ ТАРОНАЛАРИ

5-ТОМ

ДОСТОНЛАР ВА ТЕРМАЛАР

Т О Ш К Е Н Т—1973

«Булбул тароналари»нинг 5-томига шоирнинг «Уртоқ Ленин», «Таржимаи ҳол» дostonлари, замонавий ва традицион термалари, айрим дostonлардан баъзи бир парчалар киритилди. Улар Эргаш шоирнинг улкан талантли ижодкор эканлигини яққол намоён этидилар.

Асар кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли.

Булбул тароналари. 5 томлик. (Нашрга тайёрловчи Ҳ. Зариф. Масъул муҳаррир: Т. Мирзаев.) Т. 5. Т., «Фан», 1973.

ЎзССР ФА. А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг дoston ва термалари.)

Т. 5. Дostonлар ва термалар. 1973. б.

Аннотация согласно Гост 7.4—69.

Эргаш Джуманбульбуль оғли. Избранные произведения. Т. 5.

Уз

# ЎРТОҚ ЛЕНИН



Ўлтиришга бир ҳикоят айлайин,  
Ўртоқ Ленин ишин сўзман бошлайин,  
Ленин номи баланд турур, ўртоқлар!  
Бошқа сўзни энди кейин ташлайин,  
Ленин десам, кўнглим равшан бўлади,  
Достон айтиб кўпнинг кўнглин хушлайин.

Бу чоққача қанча замонлар ўтди,  
Қанча подшо, амир ҳам хонлар ўтди.  
Йўқ-юқа, камбағал билан иши йўқ,  
Элни вайрон қилиб ҳоқонлар ўтди,  
Оқ ит билан қора ит — бари бир ит,  
Ўз кайфини суриб султонлар ўтди.

У замонга боқсанг, сон-сон воқеа,  
Ҳар қишлоқда, ҳар шаҳарда ҳодиса,  
Оч-ориқдан хабар олмас бир киши,  
Бир эр чиқиб, айтолмайди:— Бу нима?

Николай даврида бой'замон бўлди,  
Камбағаллар иши кўп ёмон бўлди.

Қаттиқ кунлар кўриб қашшоқ бечора,  
Билсанг, хору зору беватан бўлди.

Бойнинг ишин қиш, ёз тинмай қилади,  
Қилмаганда нима илож қилади?!  
Бири новча, ё хизматкор, бири қул,  
Пул, мол бермай қуруқ дуо қилади.

Маишатман кайфу сафо бир ёқда,  
Меҳнат билан жабру жафо бир ёқда,  
Ҳеч сони йўқ мунглуқларнинг азасин,  
Базму ишрат, созу наво бир ёқда.

Ёронлар, замона шундай бўп озди,  
Зулмин жуда муҳтожларга ўтказди,  
Оч-ориқнинг ҳоли танг бўп юрганда,  
Раҳбар қилди Ленин ўртоқ, шоввозди.

Ўртоқ Ленин, дўстлар, дунёга келди,  
Уриниб, илмга кўп хизмат қилди,  
Дунёнинг шавқини илмда билди,  
Ғайрат қилди, кўп илм ҳосил қилди.

Кўп ўқиди Ленин, кўп мулло бўлди,  
Муллолар ичида кўп аъло бўлди,  
Илмдан кўп нафлар топиб, ёронлар,  
Гўёки бир булбулигўё бўлди.

Кўп ўқиди, дўстлар, илмни топди,  
Илмдан беадад билимни топди,  
Илмдан илм ҳосил қилиб, ёронлар,  
Неча илмсизнинг обрўйин ёпди.

Ҳамма илмни билди, илм қолмади,  
Бу одам билмаган илм бўлмади,



Ёшлигидан олим бўлиб ҳаммага,  
Дунёни<sup>2</sup>бирорта кўзга илмади.

Комил бўлиб, элга кўп аралашди,  
Иш ўргатиб, бир нечага ёрлашди,  
Оч-ориқнинг ҳолин кўриб, раҳм этиб,  
Камбағалга, муҳтожга ҳамдамлашди.

Қараса, замонни золим жойлаган,  
Золимлар ўзини ўбдан шайлаган,  
Ким дунёдор бўлса, замон шуники,  
Дунёси йўқларни кўздан тайлаган.

Ленин кўрса, йўқнинг сўзи ўтмайди,  
Шўр бошига битта тана битмайди.  
Бел қувватин сарф этиб, ким тер тўкса,  
Бечорага бир кун овқат бўлмайди.

Ленин ўртоқ кўрса, меҳнат бу ёқда,  
Меҳнатнинг фойдаси — роҳат у ёқда,  
Қулдан зиёд ишлатади йўқларни,  
Дунё учун йўқлар бир қул сиёқда.

Бири завод, бири фабрика қурган,  
Ҳисобсиз давлатга ул эга бўлган,  
Бу давлатлар йиғилгунча, ёронлар,  
Минг-минг ишчи бунда бўлгандир қурбон!

Бир хилига кўп подани боқтирган,  
Ёки тоққа, ё чўлга улоқтирган,  
Кўп ёймабсан, семиртмабсан, — дейди-да,  
Уришиб, сўкиб, кўздан ёшин оқтирган.

Мен айтайин кўрганим ҳам билгани,  
Камбағалнинг шўр бошидан ўтгани,

У турмушдан бирор асар қолмади,  
Сизга айтай унутилиб кетганни.

Пулини юбориб, ўзи ётибди,  
Камбағаллар меҳнат қилаётибди,  
Қанча фойда чиқса, бойлар оп қўйиб,  
Чирпиниб, бу қуруқ қолаётибди.

Бир хилини қўй боқтириб — чўпон қип,  
У бечора дала, даштда ватан қип,  
Минг қўйини болалатиб оп кеса,  
«Эгиз туққан қўзилари қани?»,— деб.

«Сен қўйимдан кўп ўғирлаб сотибсан,  
Сен, баччағар, бу йил бой бўп кетибсан!»  
Ҳақин бермай уришиб-уришиб сўрарди:  
«Эгиз туққан қўзиларни нетибсан?»

Сўкиб айтар: «Обор, итнинг ошини!  
Далада хўп ебди қўйнинг гўшини,  
Менинг қўйим кўпи эгиз туғади»,—  
Деб йиғдирар хушомадгўй кишини.

Хушомад қип, улар айтар: «Рост,— дейди,  
Бойнинг қўйи бу йил семизмас,— дейди,  
Бойнинг қўйи кўпи эгиз туғади,  
Шу чўпонга ит оши ҳам бас!» — дейди.

Чўпон шўрли энди шошиб қолади,  
Бойлар жуда талтайишиб қолади,  
Айтолмайди: «Ҳақим бор»,— деб бечора,  
Билган сўзидан адашиб қолади.

Бир хилига оп берган тўрт-беш туяни,  
Туя деган жонворнинг йўқ зиёни,

Бўронларда, совуқларда ҳайдаган,  
Унинг еган совуқларин қўй они.

Уйда ётиб ҳисоблади фойдани,  
Золим бойлар бўлиб юртнинг шайтони.  
Ҳар ҳафта ҳисоблаб олиб турарди,  
Йўқнинг ҳақи бўлиб — ичган, егани.

Бир хилларга берди сонсиз азобди,  
Тўрт минг, беш минг пулин тинмай қўзғабди,  
Ҳафта қарор, ой қарор қип фойдалаб,  
Ҳар на бўлган фойдасини бой опти.

Ҳар ҳафтада уч одамман киришиб<sup>3</sup>,  
Йўқ, бечора чирпиниб қуруқ қопти.  
Шу суратда ҳар қандай қип нон топса,  
Йўққа ҳеч йўқ, барисини бой опти.

Бирин бозорчи қип, бировни аттор,  
Дунёдор-да, қараб турсанг, ҳар на бор,  
Ҳар на қилса нафни ўзига қаратиб,  
Меҳнат қилиб, қуруқ қолган хизматкор.

Йўқ, бечора тинмай меҳнат қилгандир,  
Ҳар на фойда бўлса, бойлар олгандир.  
Ё ойликми, ё йилликми, камбағал —  
Меҳнат ҳосилидан қуруқ қолгандир.

Пул топганлар фойдасини кўп қилди,  
Пулдорнинг сўзини ҳар ким жуп қилди,  
Пулига хушомад қилиб бойларга,  
Бир оғиз гапини катта гап қилди.

Ҳашарга айтса, бари бирдан борарди,  
Бой айтди деб тура соп югурарди,

«Бой қараса, бахт қарайди», дерди-да,  
Қандай қилсин, ўлгудай бўп юарди.

Бир катта қозонга солиб қўп мошди,  
Ҳашарчига қилар мошоба ошди,  
Тўлдириб сув солиб уни қайнатиб,  
Суоқ қип пиширса, меҳнаткаш ичди.

Ўзи бориб ерди қўйнинг гўшини,  
Ё қўй қуйруғидан гурунч ошини,  
Қанча хизмат бўлса йўқнинг тани деб,  
Еқтирмайди йўқнинг қилган ишини.

Суоқ мош ошига йўқлар тўймайди,  
Айтган ишин битирмаса қўймайди,  
Хушомадман кун ўтказган бахтсизлар,  
Бир хилига суоқ мош ҳам теймайди.

Емай-ичмай, тириклик шу, туrolмас,  
Еб-ичишга қишда овқат тополмас,  
Бойга эланиб қарзга овқат сўраса,  
Бу баччағар фойдасиз ҳеч мол бермас.

Бирга икки бўлди фойда расими,  
Унга ҳам кўнмайди. нафс босими,  
Фойдахўрнинг моли шундай кўпайди,  
Бойлар олган юртнинг баланд-пасини.

Буғдойнинг бир қопин берди уч қопга,  
Икки қопга берса, қўшар инсофга,  
Шундай қилиб, расм бўлди судхўрлик,  
Бойнинг нафи бўлди, кўрсанг, ҳар бобга.

Қайтсин<sup>4</sup>, йўқ олмаса кун итмайди,  
Қалта ип бойловга сира етмайди,

Бир қопини уч қопига олади,  
Ўлгунча бўйнидан қарзи кетмайди.

Бир камбағал бойдан қарздор бўлсин-чи,  
Қутулолмас фойдасидан ўлгунча,  
Ой туғдими, бу ҳам туғиб туради,  
Умри ўтар шу пулдан қутулгунча.

Топганин қарзига бойга беради,  
Киш билан ёз тинмайин йўқ юради,  
Қанча меҳнат қилса, йўқнинг тани ул,  
Уйда ётиб ҳузурин бой кўради.

Бир қашшоққа бир бой юз сўм пул берган,  
Беш-олти ой топганини оп юрган,  
Фойда туғиб, кўп бўп кетган шу юз сўм,  
Туғадиган пули ўн мингга борган.

Бой айтади: «Бутун бергин пулимни,  
Кўп сўйлатиб қичитмагин тилимни,  
Ҳисобласанг, молу жойинг етмайди,  
Хўп ўзинг биласан менинг ҳолимни».

Йўқ айтолмас: «Пулинг боши юз сўм-да,  
Ундан бошқа қандай пулинг бор менда,  
Беш йил сенга топганимни мен бердим,  
Сен опқўйиб, бемол бўлдим, шарманда.

Шу йил юз сўм, кейин бердим икки юз,  
Икки йилдан сўнг олдинг-ку беш юз,  
Сўнг икки йил минг сўмдан қилиб бердим,  
Қандай пулинг қолар?! Мендан умид уз!»

Ундай деб айтолмас: «Фойдалаб қўйинг,  
Тезроқ олмасангиз, оларсиз кейин,

Молим бўлса, берар эдим мен сизга,  
Ҳеч нарсам бўлмаса, сизга не дейин?!

Бўйним кучли, фойдасиман қўя бер,  
Пулинг қанча кўпайса ҳам уя бер,  
Мен ҳам ўйга, қирга чопиб кўрайин,  
Боз устига байтал, чўбир, туя бер!»

Бой айтади: «Сенинг пулинг кўп бўлди,  
Энди қутулмассан, беҳисоб бўлди,  
Сенинг ўзинг берганинг йўқ қора пул,  
Нечов сендай бераман деб еб бўлди.

Энди, ука, юр биз билан қозига,  
Оп бораман шу қозининг ўзига,  
Ҳар келганда бир қўйимни еб кетган,  
Қози ҳурмат қилар еган тузига.

Мен тилингдан бир иқроп хат оламан,  
Ҳовлингни, ерингни гаров қиламан,  
Шу бу йилдан қолдирмайман пулимни,  
Ундириб барини сендан оламан!»

Қамбағалнинг энди кетар ҳисоби,  
Бойга ўрин ўтмай эланган гапи,  
Бой ҳисоблаб юрган ўзин кўнглида,  
Еру ҳовли асли бойнинг матлаби.

Олиб борар бечорани қозига,  
Қози ўйнар бойнинг чалган созига,  
Қамбағал шўр бўзлаб-бўзлаб йиғлайди,  
Бой қарамас унинг кўпу озига.

Қозига бой айтар: «Шунда пулим бор,  
Бу қаллоб, ўзакли жонда ўлим бор,

Қарзи билан жонни бермай қутулмас,  
Менинг ҳам уйимда қизим, улим бор.

Ўн минг сўм пулим бор — қарзи ҳасана,  
Ё мункур бўп улай-булай десана.  
Фойда туғиб, кўп бўп кетар, ўйлагин,  
Кўпаймасин, бунинг олдин осана!»

Қози сўрамайди: «Боши не эди,  
Ё пули аввалдан ўн минг сўммиди?!»  
«Бойнинг пулин бер, — деб ҳукм қилади,  
Бўлмаса, оббориб қамагин!»,— дейди.

Зор йиғлатиб олиб берар ерини,  
Қамбағалнинг манглайида борини,  
Қози, бек ҳам бари бойга бўлишар,  
Тенгламайди бойга йўқ харидорини.

Шундай қаттиқ кунлар тушиб бошига,  
Фалак титраб йўқларнинг нолишига,  
Золим бойлар мазақ қилиб куларди,  
Раҳми келмай муҳтожларнинг ёшига.

Ленин кўрса, камбағаллар меҳнатда,  
Бу меҳнат ортидан бойлар роҳатда,  
Йўқ кўролмас бу роҳатнинг бир кунин,  
Умри ўтар ўлгудай бўп хизматда.

Бой фикрича, камбағалда эс ҳам йўқ,  
Бари ёмон кўрар, шўрга дўст ҳам йўқ,  
Бор бўлганин золим, қонхўр оп қўйган,  
Ҳеч нима йўқ, баланд ҳам йўқ, паст ҳам йўқ.

Қурбонликка, худойига айтмайди,  
Бир тўй бўлса, йўққа хабар етмайди,

«Камбағалнинг несин одам дейсан»,—деб  
Муҳтож, бечорани писанд этмайдн.

Хар қаерда камбағалнинг куни йўқ,  
Рост гапирса, айтар: «Битта чини йўқ».  
Ана шундай хўрлаган бой йўқларни,  
На сурат бор, на ҳиммат бор, сини йўқ

Хушомадман бойлар кўнгили ўсган,  
Камбағалнинг йўқлик кўкайин кесган,  
Кунба-кундан боши айланиб, кўз тиниб,  
Зойнинг ваҳми билан йўқни ғам босган.

Мана шундай эди йўқларнинг ҳоли,  
Хазон бўлиб, сўлган эди жамоли,  
Кеча-кундуз золим, қонхўр зулмидан,  
Вой демоққа келмас эди мажоли.

Ленин ўртоқ кўрса, йўқлар хор бўлган,  
Пулдор эшигида интизор бўлган,  
Бола-чақасиман бари хизматкор,  
Бир хиллари қулдан ҳам баттар бўлган.

Камбағалнинг тани бойларнинг иши,  
Лекин уни одам демас бой киши,  
Бирор соат тиндирмай бу золимлар,  
Ишлатади ҳа деб ёз билан қиши.

Камбағални кўрса, эътибори йўқ,  
Канча ишни қилса сўкар, ори йўқ,  
Бахт, давлат золим бойлар қўлида,  
Камбағалга келмоқ ихтиёри йўқ.

Золимлар айтади: «Бойлар яшасин»,  
Хайри йўқ «Ҳотам тойлар» яшасин,



Йўқ-юқани дим қўшмайди ҳисобга,  
Биттаси айтмас: «Гадойлар яшасин».  
Қани бой бўп йўқнинг бошин силаса,  
Йўқ йиғласа, ул ҳам бирга йиғласа,  
Ҳалол молин кўпайтирган бой қани,  
Ўзида йўққа ҳам обрў тиласа?!

Деҳқонларнинг ҳоли шундайин ўтган,  
Шафқатсизлар илигин сўриб ютган,  
Мен сизларга несин айтай, ёронлар,  
Не йигитлар қарол бўп, сўлиб ўтган.

У вақтлар эзилган камбағал бўлди,  
Қашшоқларга бойлар кўп тараф бўлди  
Қош билан киприкни олди золимлар,  
Камбағалнинг моли бир соқол бўлди.

Ким йўқ бўлса, унда ҳузур қолмади,  
Камбағалга ҳеч ким ҳомий бўлмади,  
Иzzат, ҳурмат, обрў — бари пулдорда,  
Йўқларни ҳеч кимса кўзга илмади.

Қози, муфти — бари бойнинг чокари,  
Камбағал шўр аввалдан хизматкори,  
Иши ёқмай, меҳнат қилган йўқларга  
Ленин ўртоқ чиқиб, бўлди раҳбари.

Ленин ўртоқ ўйлади, кўп ўйлади,  
Бир нечага замонани сўйлади.  
— Қачонгача оқар, — деди, — кўз ёшлар, —  
Инқилобга белин маҳкам бойлади.

Ҳар ерлардан хабар олди: «Кимлар бор?»  
Чиқа берди: — Биз бормиз! — деб не эрлар...

Ленин энди инқилобга бош бўлди,  
Ленин сўзи ҳаммага кенгаш бўлди,  
Ҳар сўздан минг маънони топган сўнг,  
Ленин номи буларга йўлдош бўлди.

Текис, кенгдан бир йўл солгандир Ленин,  
Бойнинг ҳушин бошдан олгандир Ленин,  
Шу йўл билан донг чиқариб дунёга,  
Эзилганга раҳбар бўлгандир Ленин.



Уртоқ Лениннинг ҳар сўзин  
Бир дoston қилмоқ керак.  
Сидқидилдан таърифин,  
Мадҳин баён қилмоқ керак!

Уртоқ Ленин фикри мудом  
Мазлумларни озод этмоқ,  
Озод бўлган эллар унга  
Сидқин аён қилмоқ керак.

Бечора мазлумлар учун  
Сонсиз жафолар чеккан ул,  
Хизмат қилиб, унинг руҳин  
Кўп шодмон қилмоқ керак!

Овора бўлган эл учун  
Кўп қийнади ўз жонини,  
Айтган сўзин раҳбар қилиб,  
Йўлга равон бўлмоқ керак!

1927 йил.

# ТАРЖИМАИ ҶОЛ



Бир миңг тўққиз юз йигирма еттиланчи йилинда, иккиланчи ноябрда, чоршанба кунда Булунғур жарибининг<sup>1</sup> Қувондиқ даҳасининг Қирқшоди қишлоғида мен, Ёзувчи, Зарафшон вилоятининг Нурота жарибининг Жўш-даҳасининг Қўрғон қишлоғидан Мулла Эргаш, олтимиш бир яшар, Жуманбулбул ўғли, Жуманбулбул Мулла Холмурод ўғли, Мулла Холмурод Мулла Тошнинг ўғли, Мулла Тош Уста Лафаснинг ўғли, Уста Лафас Ёдгорнинг ўғли, ўзим ўзбек, туркман жамоасидан, уруғим қоракиса, асл қоракиса қозоёқлига қўшилади<sup>2</sup>. Мен ўз бошимдан ўтган ҳол, яхши-ёмонлик кунларимни назм билан пастда маълум қилмоқчиман:

Тил боринда турли-турли сўйлайин,  
Ўтганларим бир-бир баён айлайин,  
Бошимдан ўтганин байитман айтиб,  
Эшитганларга бир бўстон айлайин.

Бешланчи отамнинг отидир Ёдгор,  
Шў<sup>3</sup> вақтда элида сўзга эътибор,  
Ҳар ерда ўтказиб юрган сўзини,  
Чечанликда ҳеч ким бўлмай баробар.

Тўртинчи отамнинг отидир Лафас,  
Шоирликда унга ҳеч ким тешг эмас,  
Ўз вақтида сўзин элдан ўтказиб,  
Тўйларда ўланни, гапни ўйламас.

Учинчи отамнинг оти Мулла Тош,  
Мулла Тошнинг сўзи ҳар ердадир чош,  
Шўл замоннинг бориб турган доноси,  
Ўзи оқил экан, соҳиби кенгаш.

Мулла Холмурод дер бобомнинг оти,  
Шўл замонда чечанларнинг устоди,  
Булар гап бобида сўзнинг деҳқони,  
Чечан бўлган бунинг қанча авлоди.

Мулла Холмуроддан учта ул қолган,  
Учови ҳам катта шоирлар бўлган,  
Жошузоқ шоир<sup>4</sup> дейди каттасин отин,  
Шоирликда кўп шогирдлар чиқарган.

Ўртанчиси — оти Ерлақаб бўлган,  
Чечанликда тани сўз билан тўлган,  
У Жошузоқдан баланд бўлиб ўтгандир,  
Тамом умри элга шоирлик қилган.

Кичулининг<sup>5</sup> Жуманбулбулдир оти,  
Ўз вақтинда шоирларнинг устоди<sup>6</sup>,  
Ҳар қандай тўй бўлса, катта йиғинда,  
Ҳамма элга писанд бўлган абёти.

Худой берган бунга неча усулди,  
Ўзига қойил қип жами элди,  
Шў замонда шоирларнинг ичинда,  
Ҳами элга Булбўл эътибор бўлди.

Ҳар ким кўrsa қойил бўлди ўзига,  
Ҳар ким ишқибоз бўп айтган сўзига,  
Бир айтганин ҳар ким кўrsa ҳавас қип,  
Сўзи ёқиб элнинг ўгли-қизига.

Ҳавас қилди хоҳ ҳоким, хоҳ фуқаро,  
Хоҳи давлатманддир, ё бир бечора,  
Шўл замонда жами халққа машҳур бўп,  
Овозаси оша берди тобора.

Бир тош йўлга борар эди довуши,  
Олдида гапиролмасди бир киши,  
Довуши соз эди, қулоққа майин,  
Довушига мувофиқ соз чертиши.

Йигирма хил оҳанг билан сўз айтиб,  
Йигирма хил нағма, дўмбира чертиб,  
Хоҳ катта, хоҳ кичик эшитса,  
Ҳар қандай одамни балқитиб, эритиб.

Шуйтиб ўтган кўзга дунёни илмай,  
Топганин сарф қилган, сира мол қилмай,  
Шоирлигин, чечанлигин билдириб,  
Бир дамда йиғлатиб, бир дам кулдириб,  
Шуйтиб ўтган у замони Булбулнинг,  
Ҳаммани ўзига қойил қилдириб.

Қўрғонбегиларнинг бориб қошига,  
Қойил бўп қўшиғи ҳам довушига,  
Ўзи айтиб, ўзи қўйган ҳар ерда,  
Йиғинда сўз бермай бирор кишига,  
Шуйтиб ўтган у замони Булбулнинг.

Ўн ёшида айтган йиғинга кириб,  
Дим сўзи қайтмаган ҳар ерда юриб,

Мулла, хўжа, шоҳу гадо — ҳаммага,  
Шоирлик қип юрган дойим қидириб.

Дунёликдан асло бўлмаган ғами,  
Асбоб, дунёдан бўлмаган ками,  
Шоирликда танҳо бўлиб ўтганди,  
Ҳеч ким тенг бўп бўлмаган ҳамдами.

Гоҳда шоҳлар олиб бориб айттирган,  
Айтганига улар ҳам кўп тан берган,  
Айтган сўзи, чалган сози ёққан сўнг,  
Қойил бўлгандан кай инъомлар берган.

Ҳеч вақтда дунёни ўтган ўйламай,  
Бул дунёни асло писанд айламай,  
Шодлик билан умр ўтказган дунёда,  
Бунинг сўзин ҳеч бир одам тайламай.

Гоҳ шодликман умр ўтказган, гоҳ ғамда,  
Гоҳ эл билан бирга йиғлаб ҳар ерда,  
Достон айтиб, элнинг кўнглин юпатган.

Овозаси кетган ҳар мамлакатга<sup>7</sup>,  
Булбул оти маълум бўлган ҳар юртга,  
Ўзбек эли бари орзу қилгандир,  
Бирор марта бўлсак деган суҳбатга.

Шодлик билан ўтган умрининг бари,  
Кун-кундан зиёд бўп ҳам эътибори,  
Хафаликни кўрмай ўтган дунёда,  
Ўзи бўлиб доим элнинг сардори.

Ўл вақтда болалари бўлмабди,  
Ешликда дунёни кўзга илмабди,  
Дунёнинг шавқиман аввал умрида  
Боланинг қадрини анча билмабди.



Эллик ёшга кирган вақтда отамиз,  
Биз дунёга пайдо бўлган эканмиз,  
Биз учун ўзини элга талатиб,  
Бир катта тўй қилган экан ҳисобсиз.

Бешик тўй деб уч кун қипти кўпкари,  
Йиғилиб шул элнинг эрлари бари,  
Уч кун катта тапир-тупур тўй қилиб,  
Кўп элат йиғилиб тарқаб сори.

Бечора қувониб, ўзин талатиб,  
Ҳар ердан томирман тувғонин айтиб,  
Қариганда худой фарзанд берди деб,  
Қувониб, шод бўп ўзидан кетиб.

Қувониб бунинг қизигини кўрай деб,  
Яхши сулув бир қиз олиб берай деб,  
Шў замонда яхшилардан бировнинг,  
Бориш-келиш — қатнаш қилиб юрай деб.

Қўштамғали деган элдан уруви<sup>8</sup>,  
Бир домудла, сўзининг йўқ буруви,  
Шў замонда муллаларнинг каттаси,  
Қўштамғали қишлоғида туруви.

Идин намоз [билан] жумъага ўтган,  
Тамом умри элга хатиблик этган,  
Оти Мулла Утамурод домудла<sup>9</sup>,  
Ҳамма элат дойим кўп ҳурмат этган.

Мулланинг қизига совчи юбориб,  
Қуда бўлиб, унга кўп моллар бериб,  
Кўп қатнашлар қилиб, дунёлар сочиб,  
Топганини шунга ташиб оббориб.

Ун олти ёшимда никоҳ тўй қилди,  
Утови деб олти қанот уй<sup>10</sup> қилди,  
Қиш кунда уйни йиғиб кирар деб,  
Усталарни йиғиб, яхши жой қилди.

Ун саккизда отам дунёдан кетди,  
Икки кам етмишда охират сафарин этди,  
Болаларим ёш қолди деб кетарда,  
Ҳай аттанг, — деб кўп ҳам армонлар этди.

Отамизман розилашдик ул замон,  
Бу дунё ҳеч кимга бермади омон,  
Кўп сўзларни тайинлади шўл вақтда,  
Неча бир гапларни айлади баён.

Учта ўғли, икки қизи бор эди,  
Улар мендан кичик «нодонлар» эди,  
Барисидан рози бўлиб, кетарда,  
Улар ёш, деб кўп ваҳмлар ер эди.

Бизга васияти: «Шоир бўлма,— деб,  
Қўлингга дўмбира, дутор олма,— деб,  
Мен сендан розиман, болам, ҳар вақтда,  
Зинҳор, менинг касбим сира қилма,— деб...<sup>11</sup>»

Менинг касбим укаларинг қилар, деб.  
Дўмбирани улар қўлга олар, деб,  
Муллаларга кўп хизматлар қип эдим,  
Ҳай аттанг, меҳнатим бекор бўлар,— деб...

Дуом шу, фарзандим, мулла бўлгайсан,  
Яхши бўлсанг, мени дуо қилгайсан,  
Уқисанг, фарзандим, мулла бўласан,  
Насиҳатим қулоғингга олгайсан...»

Кўп сўзларни айтди, дунёдан ўтди,  
Саҳар вақти эди, оламдан кетди...  
Отамизни такфин-тажҳиз<sup>12</sup> айладик,  
Олиб бориб қора ерга жойладик ,  
Ўлмакнинг лозими — кўммак, дейди-да,  
Қабристонга олиб бориб тайладик<sup>13</sup>.

Отамизнинг бердик ошу обини,  
Сўнг-сўнг кўрдик тоза гапнинг бобини,  
Қатталарнинг кети, дўстлар, кўп ёмон,  
Энди кўрдик меросхўрнинг гапини<sup>14</sup>.

Кўп меросхўр энди бизни ушлади,  
Бошимизга кўп савдони ташлади,  
Отамизнинг қанча томир-туққани,  
Мерос деди, ўлармонлик бошлади,  
Ҳар на борин бўлиб олди ўртада ,  
Бизни энди камбағал қип ташлади...

Кўп меросхўр олди энди ўртага ,  
Меросхўрдин қолдик энди балога,  
Ҳеч суроби йўқлар келиб ушлади,  
«Ҳақим бер»,— деб бари олиб орага.

Уч ой-тўрт ой улар билан айтишдик,  
Гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа тортишдик,  
Ҳеч нарса қолмади, бўлдик ялонғоч,  
Бир-бировман итаришиб тортишдик.

Аввал-аввал анойи бўп билмадик,  
Билмагандан радди тадбир қилмадик,  
Аввалгилар хўп ўхшатиб «ҳақ» олди,  
Йиғлаб келдик, «нодонликдан» кулмадик.

Бора-бора энди бўлдик билимдон,  
Сўнг-сўнг хабардор бўп ҳолимдан, элимдан,  
Кетингилар ололмади ҳеч нарса,  
Кўпидан қутулиб кетдим тилимдан.

Меросхўр дастидан бўлдик «топ-тоза»,  
Йўқ бўлдик — камбағал бўлдик, бемаза...  
Катта рўзғор бизга қолди, ёронлар,  
«Ёмон камбағал» деб қилди овоза.

Тоза бўлдик камбағалнинг тозаси,  
Бориб турган гадейларнинг мирзаси,  
Ун одамга биз каттамыз шўл вақтда<sup>15</sup>,  
Шундай бўлди бизга қўшган ризоси...

Ана энди... ота ўлди, катта рўзғор бизга қолди. Отадан уч ўғил, икки қиз, икки энамиз бир ҳовлида истиқомат қилиб ўтира бердик. Ҳамма мол, асбоб, ҳамма нарсани меросхўрлар бўлиб олиб кетди.

Отамиз никоҳ тўйи қилиб эди. Бизнинг хотинимиз ҳам отасиникида қола берди<sup>16</sup>. Ана энди биз бир ёмон камбағал бўлиб, мингани бир эшак ҳам тополмай қолдик... Ўлган кейин кети — меросхўри ёмон бўлар экан, жами меросхўр бизни ўртага олиб, ҳар на боримизни талаб олиб, дабдала қилиб кетди, егани овқат топмай қолдик.

Ана энди ўз бошимдан ўтган кунларимни айтаман:

Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан,  
Тарбиятлар топиб манзил хонадан,  
Аввалам таваллуд топдим энадан,  
Одамнинг жинсига келган кунларим.

Бир ёшимда юзим мисли гулдай бўп,  
Ялтиллаган сочларим сунбулдай бўп,

Уч ёшимда тилларим булбулдай бўп,  
Тўрт ёшимда тўбалашган кунларим.

Беш ёшимда ўйга-қирга қидириб,  
Олти ёшда болаларни йиғдириб,  
Етти ёшда отам муллага бериб,  
Ияриб, масжидга борган кунларим<sup>17</sup>.

Мулла битиб берди «алиф» ман «бе» ни,  
Тушгача ўқидим «бе» билан «те» ни,  
Кечгача ўқидим «жим» билан «се» ни<sup>18</sup>,  
Қувониб уйимга қайтган кунларим...

Саккиз ёшда бўлиб болларга сарвар,  
Барига ўргатиб ҳам бўлиб раҳбар,  
«Чоркитоб» ни ўқиб, «Хўжа Ҳофизлар»<sup>19</sup>,  
Қиссаларни ўқиб юрган кунларим.

Тўққизда хат битмак машқига толиб,  
Бир мактабда бўлдим барига ғолиб,  
Сархат<sup>20</sup> китобларим қўйнимга солиб,  
Иншоларни битиб юрган кунларим.

Ўн ёшимда дарс китобин<sup>21</sup> бошладим,  
Қисса, ғазалларни энди ташладим,  
«Мухтасар» китобин маҳкам ушладим,  
Масъала-масоил сўрган кунларим .

Ўн биримда илми адаб ўрганиб,  
Ота-эна бизни кўрса, қувониб,  
Тоза либос кийиб, ўтдаин ёниб,  
Баччалик давронин сурган кунларим.

Ўн иккимда бўлдим бир муллабачча,  
Ҳавас қилиб мени кўрса бир неча,

Илмга хизмат қип кундуз ҳам кеча,  
Сабоқларни такрор қилган кунларим.

Кеча-кундуз яхшиларман бош қўшиб,  
Ҳамма кўрса, кўп яхши дейишиб,  
Ота билан энамиз қувонишиб,  
«Кўп яша», деб дуо қилган кунларим.

Ўн учга кирганда курашга тушиб,  
От кўтарган полвонларман<sup>22</sup> олишиб,  
Уларни йиқсам, деб ҳам куйиб-пишиб,  
Йиғинларда ор талашган кунларим...

Ўн тўрт ёшда йигитларга қўшилиб,  
Ҳар сўз бўлса маъносига тушиниб,  
«Бойваччалик» даври билан шишиниб,  
Ҳар алвонда даврон сурган кунларим...

Ўн беш ёшда юриб ҳар ерга бордим,  
Ҳар элдан яхшини, ёмонни кўрдим,  
От отланиб, «маст» бўп, қидириб юрдим,  
Ҳар элни томоша қилган кунларим...

Ота давлатида юрдим «маст» бўлиб,  
Ҳар қаерда яхшиларман дўст бўлиб,  
Неча йигитларман гаров-баст бўлиб,  
Нечовларни мот қип юрган кунларим.

Отам шод бўп, «ўғлим одам бўлар,— деб,  
Ҳар ишини ҳам қилса, қўлдан келар,— деб,  
Ҳеч ишда енгилмас, сўзин олдирмас,  
Дўстга дўст, душмандан лотин олар»,— деб,  
Мендан ота шодмон бўлган кунларим.

Ун олтида қўйди менга рўзғорни,  
«Ўзинг қил» деб неча қийин душворни,  
Дехқончилик, олги-берги, бозорни,  
Барисига аралашган кунларим.

Қўлима топширди ишнинг барини,  
«Иссиқ-совуқ», уйнинг хизматларини,  
Уйига даркорлик ҳожатларини,  
Ҳаммасидан уҳда чиққан кунларим.

Қўлима топширди рўзғор ишини,  
«Айир,— деди,— яхши-ёмон кишини,  
Ўхшат,— деди,— ватаннинг нони-ошини»,  
Тириклик савдосин қилган кунларим.

Ун еттида отам никоҳ тўй қилди,  
Эли-халқни йиғиб, ҳой-ҳуй, қилди,  
«Ўғлимга ўтов», деб катта уй қилди,  
Бўз ўрда, ўтовлар қилган кунларим.

Бир катта тўй бўлди, уч кун кўпқари,  
Катта тўй, деб келди элатнинг бари,  
Уч кунгача тапур-тупур ҳар бири,  
Тўй қилиб, талотўп қилган кунларим.

Уч юз улоқ, қирқта каттакон така,  
Йиғилган тўйга, деб ука ҳам ака,  
Озга кўнмай, талош қилиб кўпрака,  
Талашиб-тортишиб юрган кунларим.

Ун саккиз ёшимда отамиз ўлди,  
Биздай «нодон» энди етим бўп қолди,  
Меросхўрлар энди ўртага олди,  
Ҳар бирман вағирлашган кунларим.

Катта рўзғор эди, қолди ўзима,  
Қулоқ сонг, ёронлар, айтган сўзима,  
Кўп одамлар мункир келиб тузима,  
Томир-тувғон душман бўлган кунларим.

Отанинг вақтинда бари кўролмай,  
Бари кунлаб меҳимаи тенг юролмай,  
Ўлгидай бўп юради экан ияролмай,  
Бари бизга душман бўлган кунларим.

Бор кунимда бари менга келганлар,  
Топганимда ошу ноним еганлар,  
«Сенга бизлар жуда дўстмиз» деганлар,  
Ҳаммалари душман бўлган кунларим.

Бари душман бўлиб тушди изима,  
Энди бари ола қараб юзима,  
Қулоқ солмай энди айтган сўзима,  
Дўст деганлар душман бўлган кунларим.

Бўлиб-бўлиб олиб кетди «ҳақини»,  
Биз билмаймиз ҳақи бор ё йўқини,  
Зоти ё олисми, бизга яқини,  
Барига «ҳақ» бериб турган кунларим.

Бир хили бизни қозига ҳайдади,  
У ердаги берган ҳаққа кўнмади,  
Эланганга, ёлборганга бўлмади,  
Уларман судрашиб юрган кунларим.

Бари «ҳақин» олди, бўлдик биз қашшоқ,  
Топмадик минмакка бирорта эшак,  
Бизда молдан қолмай ит тува пишак,  
Бир гадой-ялонғоч бўлган кунларим.



Меросхўрдан алам тортдик зиёда,  
Бир камбағал бўлдик, яёв-пиёда,  
Камбағаллик кўп ёмон иш дунёда,  
Не қиларим билмай қолган кунларим.

Хотин қолди отасининг уйида,  
Мен билмайман не гаплар бор уйида,  
Кўп ваъдалар бўлган эди тўйида,  
Уялиб, боролмай юрган кунларим.

Ҳеч ким бизман бориш-келиш қилмади,  
Қарзу қурз изласак, топилмади,  
Бизнинг сўзимизни ҳеч ким олмади<sup>23</sup>,  
Ҳаммага нописанд бўлган кунларим...

«Оғайнилар» айтди: «Рўзғор қилолмас,  
Балки яхшилик кунлар кўролмас,  
Балки эл ичинда энди юролмас»,  
Элатга маломат бўлган кунларим.

Камбағаллик, дўстлар, ҳаддидан ошди,  
Йўқликнинг савдоси — ақлим шошди,  
Энди йигит юрар йўлдан адашди,  
Лол бўлиб, кўп ҳайрон бўлган кунларим.

Шу тартиб қиш ўтди, баҳор вақт бўлди,  
Ҳамма қўш чиқариб, тараддуд қилди,  
Ҳамма ўз бошига энди тургинди<sup>24</sup>,  
Не қиларим билмай юрган кунларим.

Биз ҳам кўклам икки танани топдик,  
Нари-бери қилиб, энди ўргатдик,  
Икки қоп баҳори буғдойни сепдик,  
Таваккал қип, қараб турган кунларим...

Ана шуйтиб, кўклам бировнинг икки хом танасини олиб келиб, икки укам — бирови етаклаб, бирови ҳайдаб, икки қоп буғдой экдик. Ана энди буғдой пишди...

Хотинимизнинг отаси Жўш даҳасига хатиб эди... Жўшга қараган уч минг уйли халқдан хирмонга юриб кафсан олар эди. Олти қизи бор эди, қариганда икки хотини икки ўғил туғди. Бизлар никоҳ тўй қилганда ўғиллари бир яшар эди. Хатибнинг акасининг уч ўғли бор эди, ўртанчи ўғлини хатиб ўғил қилиб, уйлантириб, уйини тушириб, устига ўтов қилиб бериб эди. У жуда ёмон бола эди: доим кафсанни ўғирлаб, оз тушди, деб келар эди. Уни хатибнинг хотинлари билар эди, ганада хатибга айтар эди. Ана энди уйини тушириб бергандан сўнг, бошқа қилиб, олдига энчи бериб<sup>25</sup>: «Бор, энди отангни ҳовлисига бориб ўтир»,— деб жавоб берди. Хатибнинг икки хотини ҳам эрига айтган: «...энди укангни қўй, шу куёвингни олиб келиб, кафсанга шўни қўй»,— деб эрига маъқул қилиб, одам юбориб, бизни олиб кетди, олиб бориб айтди: «...энди сен амлакдор билан бирга юриб, хирмонлардан менинг кафсанимни ол ва ҳам ўқи, менинг уйимда юра бер»,— деб бизга бир от берди, кафсанга чиқарди. Энди биз унинг айтганини қилмасак, илгаригидай эмасмиз, унга баробарлик қилолмаймиз, ахир ноилож: «Хўп бўлади»,—деб кафсанга чиқиб кета бердик. Бор айтганимиз шу бўлди: «Иниларингиз бизни сизга ёмон қилиб, кўп гапирар, «куёвинг кафсанни бундай ўғирлади, ундай ўғирлади», деб айтар; шунда сиз мендан гумонли бўлиб қолманг?! Укаларингиз доим бизни энди ёмон дейди». Шунда хатиб айтди: «Албатта, улар ёмон дейди, биз уларнинг айтганини амал қилмаймиз».

Ана энди Жўш амлакдорхонасида амлакдорлар билан кафсан териб юра бердик. Амлакдоримизнинг отини Қўзибек дер экан, ўзи тинтоб сувдай кўп кўтармани хоҳлага<sup>26</sup> одам экан, лекин бекка эътиборли, инок киши

экан. Қўзибек Жўшга чиқарда бегига: «Менга шу бачча мирза бўлади, мен нурликдан<sup>27</sup> мирза қилмайман»,— деб ўзининг бир бесоқол-жувонини мирза қилиб келибди. Амир золимнинг<sup>28</sup> вақтида Нуротада олти амлакдор турар эди, олтовининг ҳам мирзаси нурлик бўлар эди... Шундай ёмон эди, элга жуда зулм қилар эди.

Қўзибек билан юриб эдик, бир кун (у) хирмон кўтариб<sup>29</sup>, Қўштамғали даҳасига — хатибнинг овулига келиб қолди. Хатиб бир мол сўйиб, Қўзибекни зиёфат қилиб, хирмонга чиқдик. Бир ерда бир одамнинг оти Чиниқул экан. Қўзибек мирзасига:—Чиниқул бит,—деди. Мирзаси Жаниқул битди. Қўзибек айтди:—Ул-а мирза бўлмай, у Жаниқул бўлди, Чиниқул бит,—деди. Бу сафар Жийиқул битди. Қўзибек сўкди:—Бу — Жийиқул бўлди,—деди. Мирзаси шошди, битолмади. Қўзибек хатибга қараб:—Эшони хатиб, Чиниқулни битиб кўрсатинг,—деди. Унда хатиб:—У, баччага беринг,—деб мени кўрсатди. Қўзибек:—У... бачча, Чиниқул бит,—деб дафтарни менинг қўлимга олиб берди. Мен дафтарга Чиниқул деб битиб бердим. Менинг хатимни кўриб, Қўзибек:—Эшони хатиб! Шу баччани менга беринг, мен мирза қилай, хати яхши экан; сиз бошқа муллабаччани кафсанга чиқаринг, мен ўзим ёрлашаман,—деб бизни хатибдан тилади. Хатиб ҳам ноилож:—Хайр,—деди. Таги бир муллабаччаси бор эди, шуни [менинг ўрнимга кафсан йиғувчи қилиб] чиқармоқчи бўлди. Қўзибекка бизни кўп тайинлаб қўшиб юборди... Ана шундай қилиб, биз амлакдорга мирза бўлиб, хирмонларни хатлаб юра бердик...

Ҳамма ихтиёрин берди қўлима,  
Қулоқ сонг, ёронлар, айтган тилима,  
Ҳар нечук — ҳар қандай сўзман гап бўлса,  
Кўп шафқатлар қилдим, дўстлар, элима..

Яхши сўзман бариш айладим шодмон,  
Кулиб-ўйнаб илгаригидан зиёдман,  
Бари томирларнинг бариш хуш қилиб,  
Бирининг кўнглини қилмадим тарлон<sup>30</sup>.

Урлик топди хизматкорнинг баридан,  
Ҳар бир ишонимли хизматкоридан,  
Барисидан ишонимсиз бўп қолди,  
Биздан бошқа ҳамма одамларидан.

Баковул, дарғаси — бари урлади,  
Урлиги тобора-бора зўрлади,  
Қўзибек барисин ангиб, топиб ол,  
Барисин айбдор бўлиб терлади.

Менга ҳам иш берди, орқасин кўрди,  
Урлиқ топмай, охир ўзи тан берди,  
Қанча одам — барисига ишонмай,  
Чорасиз Қўзибек жуда ишонди.

Охир ихтиёрини берди қўлима,  
Ишонди, ҳар не деб айтсам, тилима,  
Неча марта кўриб, айб тополмай,  
Мени қўя берди ўзим йўлима...

[Шу йил Эргаш уч ой мирзалик қилиб, хирмон йиғиш-тирилгандан кейин ўзининг уй-рўзғор ишлари билан машғул бўлади. Дўстларининг ёрдами билан тўй қилиб, хотинини ўз ҳовлисига олиб келади. Асосан деҳқончилик билан машғул бўлса ҳам хирмон вақтида яна икки йил Қўзибекка мирзалик қилди. Учинчи йили Қўзибек Олтинсой, Кўкпоя<sup>31</sup> тарафига бек қилиб белгиланади ва Эргашни ўз хизматига чақиради. Лекин Эргаш энди унинг хизматига бормайди, бекнинг таклифини узр айтиб, қайтаради].

«Энди бунда биз бўп қолган рўзгордор,  
Бу ватандан чиқмоғимиз кўп душвор».  
Чақирса ҳам боролмадик биз энди,  
Биз — бечора, сипоҳилик на даркор?!

«Сиз Жўшда эдингиз, эдик хизматкор,  
Кўзимиз олдида эди бу рўзгор,  
Шу сабабдан хизмат қилдик биз сизга,  
Биз бўлмасак, ватан бўлар кўп абгор.

Энди уйдан чиқолмаймиз бир соат,  
Ташлаб кетсак ватан бўлар қабоҳат,  
Сипоҳи бўп биз ватанда турмасак,  
Эл ҳам айтар: «Мулла бўлди бесоат».

Бола-чақа биз бўлмасак хор бўлар,  
Албатта, бебош бўлса абгор бўлар,  
Ҳали укаларим ёши жуда ёш,  
Жуда бесаришта бўлиб зор бўлар».

Кўп узрлар айтдик, биз энди қолдик,  
Рўзгор ватан, деб ҳовлида бўлдик,  
Бу дунёнинг иши тириклик, дўстлар.  
Элга аралашиб тириклик қилдик.

Йигитлик-да одамзоднинг баҳори.  
Яхши, қобил бўлса йигит рўзгори,  
Ҳузур ҳам ҳаловат бари ёшликда,  
Ёшликдаги кунни топсинчи қари.

Йигитлик мавсуми очилган гулдай,  
Одамзоднинг умри ўтади селдай,  
Ёмон бўлса ҳар кишининг рўзгори,  
Бир кунни бўлади, ёронлар йилдай.

Қобил бўлса эр йигитнинг хотини,  
Хотин чиқаради эрнинг отини,  
Хотин қобил бўлса, эрга мувофиқ,  
Битиб, ода қип бўлмас сифатини.

Яхши, тоза бўлса йигит ватани,  
Беармон давлатли дегайсан ани,  
Қобил хотин тушса жонон йигитга,  
Айтгайсан: «Шу эрнинг дим йўқ армони».

Ёмон эрни яхши хотин боқмайми,  
Эр келса, гулдай бўп кулиб чиқмайми,  
Эр йигит хафа бўп келса даладан,  
Ёмон хотин аридай бўп чақмайми?!

Эр йигитнинг яхши бўлсин хотини,  
Қўрсатмасин ёмон хотин бетини,  
Йигитга муносиб бўлса олгани,  
Айтиб бўлмас у ул хосиятини.

Икки яхши бир бўлса, кун кечирар,  
Икки ёмон бир бўлса, ўт ўчирар,  
Ёмон бўлса эр йигитнинг олгани  
Қелаётган насибани қочирар...

Ана энди рўзғор қолди ўзима,  
Қулоқ сонг, ёронлар, айтган сўзима,  
Элат билан аралашиб биз энди,  
Ҳеч нарса кўринмай энди кўзима.

Аёлим, ёронлар, кўп мулла эди,  
Эси-ақли бутун, кўп доно эди,  
Ҳеч ишдан кам эмас эди, ҳунардан,  
Кўп хушсурат, тарафсиз барно эди...

Отадош иккита иним бор эди,  
Иккови ҳам тенгсиз йигитлар эди,  
Улар кичик эди ота ўлганда,  
Бири саккиз, бири олти яшар эди.

[Бу иккала инисини Эргаш яхши тарбиялайди ва бахши қилиб етиштиради].

Иккови ҳам ҳа деб дўмбира чертган,  
Ҳар ким кеп эшитса, уни эритган,  
Бир йигитлар эди қобил, суҳбатли,  
Бир хил бахшилардай эмас жиритган<sup>32</sup>.

Дўмбирани нағма қилса ҳар соат,  
Эшитганда қолмас эди дим тоқат.  
Ким эшитса, алқар эди дуо қип:  
«Шу қўллариинг асло кўрмасин офат».

Жуда ҳам беадад довши соз эди,  
Ҳар ким кўрса, доим ишқибоз эди,  
Ўн кун айтса, жиримайди ҳеч киши,  
Қанча кўп айтса ҳам унга оз эди.

Қойил эди эшитганнинг бариси,  
Элатда ҳар қанча ёши-қариси,  
«Отасидан зиёд бўлар» дер эди,  
Эшитганнинг «бундай»<sup>33</sup> демас бириси.

Баъзи вақт оббориб катта жойларга<sup>34</sup>,  
Катта маъракага — йигин тўйларга,  
Қандай ерга олиб борса бахши деб,  
Келган одам сиғишмаган уйларга...

Ким эшитса, дим олдидан кетмаган,  
Йигинни маҳкам қип, дим тарқатмаган,  
Бир дostonни бошлаб айтса тўйларда,  
Ода қилмай шўл дostonи етмаган<sup>35</sup>.

Ҳар ерда ўтказиб айтган сўзини,  
Ҳар ким кўрса ҳавас қилиб ўзини,  
Эътибор бўп юрган ҳар қандай ерда,  
Қўшиққа мувофиқ қилиб созини.

Дўмбирани йиғирма хил чертади,  
Шу чертишга мувофиқ қип айтади,  
Ҳар усулга солиб, қўшиқ айтган сўнг,  
Ким эшитса, нағма-оҳанг эритади.

Ҳами элат: «Жуда оҳангар»,— деди,  
Ким эшитса: «Отасича бор».— деди,  
«Сўзда, созда асло ками йўқ»,— деди,  
«Ҳеч ерда йўқ бундай нағмагар»,— деди.

Жуда қобил эди юриш-туриши,  
Кўрган элга ёққан эди ҳар иши,  
Неча кунлар ҳар ким жўра бўп юрса,  
Ҳеч ишини ёмон демас бир киши.

Кичигининг оти Абдужалилдир,  
Каттасининг оти Абдухалилдир,  
Иккови ҳам тўй-йиғиннинг гулидир,  
Маъракасин кўрмаганлар малулдир.

Аввало кичиги оламдан ўтди,  
Куйсин ўлим, ҳамма элни йиғлатди.  
Қилган иши, айтган сўзи уларнинг,  
Хумори қип, мен бебахтни йиғлатди.

Бандаман деб тақдиримга йиғладим,  
Бунисининг эсанлигин тиладим,  
Ҳар ким бўлса, дуо олдим ҳақиға,  
Куйган қулман, гапни гапга уладим...



Баҳори экканлар бугдойи бўлди,  
Мисаси яхши эди, чигиртка келди,  
Бир бошидан патир-путур ей берди,  
Эли-халқ хотири паришон бўлди.

Чигирткадан омон экин қолмади,  
Бугдой бўлиқ, бир бошидан ялмади,  
Бола-чақа йиғлаб қолди бугдой деб,  
Йиғлади деб бирор раҳм қилмади.

Тозалади экинларнинг барини,  
Баччағар йиғлатди ёшу қарини,  
Бугдой бўлган экан шунинг ризқига,  
Жуда қичаб еди бўлиқларини.

Чигиртка кеп, элни қилди овора,  
Унинг зулми оша берди тобора,  
Ҳамма элнинг экканини еб қўйди,  
Жуда шошиб қолди фақир-бечора.

Чигиртка кеп элга «яхши ишлади»,  
Қандай экин бўлса, бориб тишлади,  
Дашт элининг бори-будин еб қўйди,  
Қора уйларни еди — ялонғочлади<sup>36</sup>.

Йўқ-юқани чигиртка кеп кўчирди,  
Бойларнинг ҳам ақли жуда қочирди,  
Зогора едирди элнинг барига,  
Камбағални вилоятга<sup>37</sup> кўчирди.

Чигиртка кеп бўлди элнинг душмани,  
Зогора бўп кўп элнинг бугдой нони,  
Эли-халқни жуда қилди овора,  
Баччағар кеп, кўп шоширди ҳаммани.

Дашт элининг бир тусли-да экипи,  
Бугдойдан бошқа йўқ экин-тикини,  
Эли-халқнинг озиқларин еб қўйди,  
Кўп соттирди қиз боланинг сепини.

Кўкарган экинни сира қўймади,  
Шунча майса, барин еди, тўймади,  
Кўп бўп келди — бир саф бўлиб чигиртка,  
Икки тоғнинг ўртасига сиймади<sup>38</sup>.

Бир подшонинг қўшинидай саф бўлди,  
Чигиртканинг сўзи катта гап бўлди,  
Шу йил жуда бўлган эди баҳори,  
Ҳафтага оббормай барин еб бўлди.

Одамлар йиғлади: «Келди бало,— деб,  
Бунинг еганидан қолмас чала,— деб,  
Олти кунда шунча элни еб бўлди,  
Олди бораётир ол-ҳа, ол-а», деб.

Олти кунда олди Оқтоғдан ошди,  
Лалмикордан ўтди, сувлига етишди,  
Олти кунда ошиб энди Оқтоғдан,  
Сув ерга оралаб, ғўзага тушди.

Энди кўринг вилоят ҳам қайтар деб,  
Чигиртканинг ҳайбатига қўрқишди,  
Қўрқмай қайтсин, селдай босиб баччағар,  
Омон бермас, қайси пайкалга тушди.

Қараб турсанг, олди чоғиб боради,  
Орқаси экин бўлса гидиради<sup>39</sup>,  
Бир бошидан аччиқ-чучук демади,  
Қолдирмасдан ялаб-юқтаб боради.

Буғдойни еб бўлди, арпага тўймай,  
Кўкарган қўзқулоқ, янтоқни қўймай,  
Қоп-қора бўп, селдай босиб кўп ерни,  
Чигирткага тўлиб қолгандир ҳар сой.

Тамом еди жўхорини, тарини,  
Тоза еди кўк экиннинг барини,  
Ҳеч экин, ёронлар, ундан қолмади,  
Қолдирмасдан еб чакчак-кўкнорини.

Чигирткада ҳам нашаванд бор экан,  
Чакчак билан кўкнорга хумор экан,  
Томирман жуда еди буларни,  
Бу экинга жуда штизор экан.

Дуч келмади, экмайди экан шолини,  
Бўлмаса, еб қўйди терак-толини,  
Қора дарахт билдирмади кўп унча,  
Кўп ёмон қип қўйди даштнинг ҳолини.

Чигиртка ҳам элни «ўшатиб ишлади»  
Олдидан не чиқса, маҳкам тишлади,  
Ёзи билан юрди элни оралаб,  
Кеткиси келмади, энди қишлади.

Экинни еб қўйди, мисли ўт қўйди,  
Саратонга қайтиб бориб кўт қўйди<sup>40</sup>,  
Қатта-катта тоғнинг адир-бўзини,  
Элдан слисроқ четлаб чет қўйди.

Эли-халқ кўп кўрқди: «Уруғ қўйди, деб,  
Дашт элининг энди уйи куйди, деб,—  
Бу йил буғдой эколмади дашт эли,—  
Агар эксак, тағи чиқиб ейди, деб.

Кўкламга уруғи чиқар бола бўп,  
Чиқмай қолмас бунинг тухми чала бўп,  
Бултургидан бу йил жуда кўп бўлар,  
Шу уруғи чиқар гала-гала бўп.

Кўклам чиқса, бу ҳеч ерга сигмайди,  
Бунинг уруғига ҳеч на қилмайди,  
Бунни қазиб, ода қилиб бўлмаса,  
Муздан-қордан бунга зарар тегмайди».

Дашт элида шу йили дон бўлмади,  
Дон бўлмагач учун сомон бўлмади,  
Эл бечора жуда шошди шу йили,  
Буғдойнинг нархи ҳам арзон бўлмади.

Чигиртканинг зарби билан эл шошди,  
Кўп одамлар ақилдан адашди,  
Камбағал-қашшоқлар вилоят кўчди,  
Очликнинг зарбидан йўлда жамашди<sup>41</sup>.

Чигиртка зарбидан кўп эл оч бўлди,  
Йўқ-юқалар бир-бирга муҳтож бўлди,  
Вилоятга кўчди оч элнинг кўпи,  
Баччагар чигиртка элга ўч бўлди.

Айта берсам чигиртканинг ишини,  
Улоқтирди адади йўқ кишини,  
Хамма ерни дабдала қип еб қўйди,  
Саҳросини, қири, тоғу тошини.

Чигиртканинг ваҳми ҳаммани босиб,  
Даштни босиб ётир тумандай сасиб,  
Даштнинг эли чорва, деҳқон бечора,  
Кун кўролмай қолар камбағал, косиб.

Ҳамма одам ваҳм тушиб, ўйлашди,  
Қайда борсанг, чигирткадан сўйлашди.  
Дастирхонли олий ҳиммат йигитлар,  
Меҳмонхона эшикларин бойлашди.

Айта берсам бу сўз ода бўлмайди,  
Айтмай десам, ўзим кўнглим тўлмайди,  
Шундай бўлиб бошимиздан ўтказдик,  
Рост сўз-да, ҳеч кимга малол келмайди.

Мен шоирман, шундай айтсам ярашар,  
Эшитганлар байитимга қарашар,  
«Шундай сўз бўп ўткан экан илгарин»,  
Ёш болалар қарилардан сўрашар.

Мен чечанман, ўзим сўзнинг устаси,  
Менда қолган катта шоир нусхаси,  
Етти пуштим — барн шоирга<sup>42</sup> катта,  
Уларнинг сўзининг йўқдир қисқаси...

Менинг сўзим шу чечанлар мероси,  
Уларнинг сўзининг кўпдир ироси<sup>43</sup>.  
Улар сўзни бедаракка<sup>44</sup> сўйламас,  
Сайлаб олган тоза, қисса сараси.

Баъзи шоирларда улар сўзи йўқ,  
Сўзи тува, излаб кўрсанг изи йўқ,  
Ҳар нима деб тусмол билан сўз айтган,  
Борини айттириб кўрсанг, тузи йўқ.

Чала сўзни кўрсам зардам қайнайди,  
Чечаннинг оғзида қисса ўйнайди,  
Асл чечан қанча узун сўз айтса.  
Эшитган эл, кўп ҳам бўлса, тўймайди.

Бошимдан ўтганин баён айлайин,  
Бетартиб, беҳуда сўзин найлайин,  
Чигирткадан сўзим кетди бурилиб,  
Буни қўйиб чигирткадан сўйлайин...

Баҳор-кўклам вақтда кўп ёгин ёққан,  
Бугдой отнинг узангисига чопган<sup>45</sup>,  
Жуда бўлган шу йил ҳамма баҳори,  
Бўлгандан чигиртка офатин топган.

Чигиртка келиб тушди бир-бир бошидан,  
Ўртага олиб қолди дала-дашидан,  
Жуда бўлган эди бугдой — ҳисобсиз,  
Омон қолмай баччагарининг тишидан.

Бир кунга еткизмай барини еди,  
«Сеники бўлса ҳам меники» деди,  
Эли-халққа жабр қилди чигиртка,  
Элга келган катта бир бало эди.

Эл ичинда тўй, маърака йўқ бўлди,  
Чигиртка еб кўкарганни, тўқ бўлди,  
Бир бошидан текис еди ҳаммани,  
Ваҳмидан ҳамма эл бедумоғ<sup>46</sup> бўлди...

Бугдойин сдирди, ҳеч не қолмади,  
Ҳеч бир деҳқон ердан ҳеч не олмади,  
Ҳамма шошди, не қиларин билмайин.  
Деҳқон бойқиш не қиларин билмади.

Қаттиқ бўлиб қолди элатнинг ҳоли,  
«Қандай ўтар, — деди, — ҳоли-аҳволи»,  
Дашт элининг чорваси ҳам бўлади,  
Кунига ярайди ҳар вақтда моли.

Инимизнинг, дўстлар, келди ғайрати,  
Қўшиққа чиқмоқчи унинг мақсади<sup>47</sup>,  
«Энди ака, шошиб қолдинг»,— деди-да,  
Элга қўшиқ айтмоқ бўлди нияти.

«Рўзгоринг каттакон, харажатинг кўп,  
Буғдойинг йўқ, энди, ака, оздинг, деб,  
Ота касби чиқиб қўшиқ айтаман,  
Қўшиқ айтмоқ отамизнинг касби», деб.

Мен айтдим: «Сен ҳали ёшсан, қўйиб тур,  
Қўшиққа чиқмагин, ҳали уйда юр<sup>48</sup>,  
Бир-икки йил сабр қилгин, ошиқма,  
«Кўпман кўрган улуғ тўйдир», қараб тур».

Менинг айтганимга қулоқ солмади,  
Чиқма, дедим, энди сўзим олмади,  
Қўшиқ айтиб энди чиқди далага,  
Чиқмагин деганим бовар бўлмади.

Зотида бор эди асло қайтмади,  
Йиғин бўлса, ҳеч ким ундай айтмади,  
Овоза кўтарди элнинг барига,  
Чечанликда унга одам етмади.

Бир қиш қўшиқ айтди элни оралаб,  
Меҳмонхонанинг йиғинин саралаб,  
Ҳар ерда йигитнинг норига тушиб,  
Бир нечалар етолмайин моралаб.

Қай қишлоққа борса, бўлди талотўп,  
«Абдухалил келди!» деса, одам кўп,  
Бир овоза бўлди ўзбек элига,  
«Ҳеч ерда йўқ бундай югрук бахши» деб.

Ким эшитса, қойил айтган сўзига,  
Ҳар ким кўрса ишқибоз бўп ўзига,  
Қатта-кичик қойил — кўрганнинг бари,  
Чертган дўмбираси ҳам овозига.

Чечанликда сўзга сувдайин оққан,  
Айтган сўзи ҳамма одамга ёққан,  
Ўтириши, айтган сўзи адабли,  
Сўзга либос бериб, гавҳарлар таққан.

Энди бир бахшилар чиққан сандираб,  
Ҳар нима деб сўз даштида улоққан,  
Иззатнинг ўрнига хўрлик келтириб,  
Мақтовнинг ўрнига ёмонлаб чаққан...

Қиш билан қидирди қир билан ўйди,  
Баҳор бўлди, энди қўшиқни қўйди,  
Ҳамал, савр ўтди, жавзо дохил бўп,  
Золим фалак менинг суққиним қийди.

Мирдош деган битта бозор бор эди<sup>49</sup>,  
Тоғнинг ичи, ўзи адир ер эди,  
Уруғ қўйган экан келиб чигиртка,  
Очиб чиқиб, теварагин ер эди.

Николай золимнинг ҳокимларидан,  
Қаттақўрғон элда турганларидан,  
Мирдошда чигиртка бор, деб эшитиб,  
Хизматида юрган одамларидан.

Хатирчининг беги бор — қул-бадирак,  
Подшонинг тоғаси экан бедарак<sup>50</sup>.  
Хатирчига неча йиллар бек бўлган,  
«Шундан бошқа юрти бизга не керак».



Хатирчини тилаб олган эканди,  
Жуда кўп йиллар бек бўлган эканди,  
Бу ҳокимдан хат борибди шул бекка:  
«Мирдошга чигиртка келган эканди.

Ўткармасин бизнинг фуқаромизга,  
Бир катта қир бор дағи орамизга,  
Қайтарсин чигирткасин Тоғайбек,  
Ўтса ёмон бўлар можаромизга».

Тоғайбек отланиб, Мирдошга бориб,  
Ҳашар деб ҳар сойга одам юбориб,  
Ҳашар қилиб чигиртканинг устига,  
Чигирткани қира берди эл бориб.

Йўлдош амин деган амин<sup>51</sup> бор эди,  
Ўзи қари, кўҳна хизматкор эди,  
«Яхши шоир-бахши борми? Топ!»,— дебди,  
Кўҳна-да, ҳар гапдан хабардор эди.

«Яхши бахши борми»,— дебди сўрабди,  
Бизларни шўл амин хабар берибди,  
«Бахши бўпти,— дебди,— Булбул боласи»,  
«Олиб кел!» — деб икки одам юборибди.

Уйда эдик, ясовуллар кеп қолди,  
«Тез бўл!», деди, энди ғалоғул солди,  
Бормайман деганга сира қўймайди,  
Энди кўринг, катта ҳангома бўлди.

Борай десам, дим оёғим тортмади,  
Бормайман деганга ҳайфим етмади,  
Инимиз бормоқчи бўлди: «Дуруст», деб,  
«Қўй» десам, бунга ҳам сўзим ўтмади.

Ахир, ночор биргалашиб жўнадик ,  
Кела бердик, улай-булай демадик,  
Биргалашиб етиб келдик Мирдошга,  
Баб-баробар келдик, кейин қомадик.

Тоғайбек олдига келиб туширди,  
Хом-хатала хўрагини пиширди,  
«Бахши келди»,— деди ҳамма ҳашарчи,  
Таъриф-тавсифини ҳаддан оширди.

Тоғайбек иккита чотир қурибди,  
Бировида ўзлари ўтирибди,  
«У бирида айтсин»,— деди Тоғайбек,  
Кўп ҳашарчи бари қараб турибди.

Ана энди 'бола дўмбира чертди,  
Икки-уч термани айтди, эритди,  
Бекка ёқди сози билан қўшиғи,  
«Ҳовлига олиб бор!»,— деди, амр этди.

Бизлар кетдик Йўлдош амин уйига,  
Тоғдан тушиб, пастга қараб — қуйига,  
Икки мингча ҳашарчиман Тоғайбек,  
Бари борди ётадиган жойнга.

Устун қўйган катта томни созлади,  
Ҳаммаси сиғгудай кенг жой излади,  
Тўрт-беш ерга машғал ёқиб, ёруқ қип,  
Айтмоққа хумор-да, бу ҳам бўзлади<sup>52</sup>.

Катта йиғин бўлди ,дарёдай тошди,  
Шунча одам бари «Офарин!» дейишди,  
Ўрталикда айта берди қўшиқни  
Бир ҳам ҳангама бўп, кўп файз тушди.

Бир ҳам қўшиқ айтди Булбулдай сўйлаб,  
Ҳар хил қип дўмбира, ҳар муқом айлаб,  
Ун саккизга кирган ўзи — ёш бола,  
Бир ҳам кўтарилди тараққос бойлаб.

Айта берди қўнғироқдай довуши,  
Бари тиклаб, қимилламай бир киши,  
Томнинг ичи лиққа тўлган эркакка,  
Томнинг усти хотин теварак тиши.

Бир фасл йиғлатиб, бир дам кулдириб,  
Ҳаммасига чечанлигин билдириб,  
Гоҳ бўш қилиб, узун-чўзиб айтади,  
Гоҳ вақтда чўрчитиб, сакраб, елдириб.

Бир ҳам қўшиқ айтди дарёдай тошиб,  
«Ҳай!» деди, созига довшини қўшиб,  
Жуда катта йиғин — хотинман эркак,  
Ҳаммаси офарин деди қарашиб.

Ҳаммасига ёқар ҳар айтган гапи,  
«Гапи, sozi, довши тағи араби<sup>53</sup>,  
Худо берган, ҳар усулдан камии йўқ,  
Асл зоти яхши — улуғ мансаби<sup>54</sup>.

Ёши ҳали ёшдир, кўпдир ақили,  
Айтган сўзи бир-бирдан маъқули,  
Сўздан, создан, соз-довушдан камии йўқ,  
Адабли қип ўстирганингга балли!

Бундай бола ҳар уруғда кам битар,  
Ҳар ким мақсадига адабман етар,  
Ҳали ёш-да, кўра берса йиғинни,  
Бора-бора ҳамма шоирдан ўтар».

Ҳамма эл гуркираб дуо қилади,  
Ҳар ким дуо қиладиган болади (р),  
Тоғайбек эрони шиа баччағар,  
Бераҳм, золим, еб қўйгудай бўлади.

Ҳа деб қўшиқ айтаётир ёш бола,  
Жуда сулув ўзи, қалам қош бола,  
Тиклаб опти, кифригини қоқмайди,  
«Одамга раҳми йўқ, меҳри тош бола».

«Якка Аҳмад» дostonни шу куни айтган<sup>55</sup>,  
Оғзига ҳаммани, дўстлар, қаратган,  
Маст бўл айтиб бораётир қўшиқни,  
Гоҳ ерда кулдирган, гоҳда йиғлатган.

Ярим оқшом бўлайин деб қолганда,  
«Якка Аҳмад» дostonи ярим бўлганда,  
Айтолмайин тўхтаб қолди ёш бола,  
Дostonнинг жуда ҳам шавқи келганда.

Инимнинг айтолмай қолганин билдим,  
Золим Тоғайбекка туриб арз қилдим:  
«Ҳали катта ерга бориб айтган йўқ,  
Шунча айтди, мен энди қойил бўлдим...»

Бек буюрди ҳашарчининг барига:  
«Қимилламай ётинг ерлик-ерига,  
Қўзғолмасин турган жойдан ҳашарчи,  
Бормасин ҳеч қайси нари-берига».

Ака-ука бизлар чиқдиқ далага,  
Тақдир-да йўлиқдек катта балога,  
Бекдан жавоб бўлиб, келдик иккимиз,  
Етамиз деб, дўстлар, меҳмонхонага.

Йўлдош амин келиб энди жой солди,  
Бахшига деб тоза кўрпалар олди,  
Тоза тўшак солиб берди. Бечора  
Ётаман, деб бачча ётолмай қолди.

Ётади, ётолмай ирғиб туради,  
«Оҳ» дейди ёш бола, кўп гурс уради.  
Ётолмади фароғатда, ёронлар,  
Кўрсам, икки буйри<sup>56</sup> яшил қоради (р).

Икки буйри қоп-қора бўп кетибди,  
Баччағарнинг кўзи ўқдай ўтибди<sup>57</sup>,  
Тонг отганча ётолмади инграниб,  
Ёронлар, боланинг иши битибди.

Кўнгиллар паришон бўлди шу кеча,  
Юраклар тўла қон бўлди шу кеча,  
Тонг отганча ётолмади, ёронлар,  
Келганга пушаймон бўлди шу кеча.

Бекдан жавоб олдик бизлар кетмоққа,  
Энди эртароқ уйимизга етмоққа,  
Шунча кўрдик, ололмадик исини<sup>58</sup>,  
Қулай келса, баччага тутатмоққа.

Қолмади, ёронлар, аканинг эси,  
Ночор бўлса шундай қобил иниси,  
Ана энди қайта бердик элатга,  
Шундайда айрилар одамнинг дўси.

Йўлдош амин бирга юрди олишиб,  
Года кейин, года илгари тушиб,  
Энди уйга қайтдик кўп хафа бўлиб,  
Кечга давур базўр Оқтоғдан ошиб.

Икки эна чиқди болам, деб йиғлаб,  
Ўғлининг касалин давосин тилаб,  
Икки сингил дод, деб чиқди, Халил, деб,  
Базўр отдан тушди бачча ингғиллаб.

Тоза бўлди бизга энди қиёмат,  
Емон касал бўлса йигит азамат,  
Энди, дўстлар, бизда ҳеч жон қолмади,  
Кеча-кундуз йиғлов билан давомат.

Кеча-кундуз ҳар тарафга от чопиб,  
Қаерда дуохон-ўқиғич топиб,  
Қайтарма, деб неча одамлар келди,  
Улар кеб ўқиса, бизлар тўн ёпиб.

Ўқутмоқдан, дўстлар, армон қолмади,  
Хайру эҳсон қилдик, қабул бўлмади,  
Боқтирмоқдан, қоқтирмоқдан кўп бўлди,  
Бирови, ёронлар, ўрин олмади.

Боримни сарф қилдим ёлғиз инига,  
Ака қолган қиёматнинг кунига  
Кўп нарсалар кетди табиб-таккон деб,  
Битта бири ярамади кунига...

Қаратдик, кўрсатдик, кўп моллар кетди,  
Мулла-хўжа демай кўп ҳам кўрсатди,  
Армон қолар қаратмасам кўнглида,  
Ҳар ерда табиб-таккон излаб кетди...

Қаратув, кўрсатув жуда кўп бўлди,  
Бари молим кетди мулла, эшона.  
Укам айтар: «Қаратмагин сен энди...  
Ишим битди, ўнголмайман мен энди...

Йигит бўп йигитлик даврин суролмай,  
Бу дунёнинг шавқи-завқин кўролмай,  
Йигирмага кирмай кетиб бораман,  
Ўзим тенгу тенгқурларман юролмай»

Ким келса, ёш бачча розилашади,  
Эшитганнинг банди-бўғни бўшади,  
«Ҳеч ким сендан кўнгли қолган эмас» деб,  
Зор йиғлаб, бари «Розиман» дейишади.

Томир-тувғон, оғайнилар йиғилган,  
Ҳай аттанг, деб сусқинлари қийилган,  
Ҳар ким кўрса, ҳай аттанг, деб йиғлайди,  
Қобоғи ҳамманинг бирдай уюлган.

Қунма-қундан кета берди мажоли,  
Етган экан, эсиз, ўғил ажали,  
Шундай қобил, жонон ука кетган сўнг,  
Қандай кечар ғариб аканинг ҳоли.

Жавзо ҳам саратон бетоб бўп ётди,  
Саратон-асадда<sup>59</sup> оламдан ўтди,  
Тақдир азал куни калта бўлган сўнг,  
Орқасида бир акани йиғлатди.

Акасига тоза бўлди қиёмат,  
Тоқат қилиб туролмайди бир соат,  
Ўн тўққизда, дўстлар, оламдан ўтди,  
Акасининг иши йиғи давомат.

Ини ўлди, бари элат йиғилди,  
Болдай рўзғоримга қонлар қуюлди,  
Қатта мотам солди бизга худойим,  
Банда шўрли тақдирига қойилди.

Йиғилди, ёронлар, одамнинг бари,  
Мотам тутиб ҳамма —кўп ёшу қари,  
Ҳай аттанг, деб бошин чайқаб йиғлайди,  
Шу йиғинга келган одам ҳар бири.

Қатта-кичик келган одам йиғлашиб,  
Ҳай аттанг, деб ғамни ғамга улашиб,  
Олисроқлар булайроқ бўп йиғласа,  
Томир-тувғон бари ўртаниб-пишиб,

Ёронлар, ҳовлим бўп бир мотамхона,  
Айтган сўзим бари бўлди афсона,  
Менда, дўстлар, ақл-ҳушдан қолмади,  
Ҳолимга йиғлаб хоҳ дўст, хоҳ бегона.

Олти уруғ одам келган бариси<sup>60</sup>,  
Бари мотам тутиб ёшу қариси,  
Шум дунёси қурсин, дейди, йиғлайди,  
Шунча элнинг келган майда-ириси.

Ана энди ўн тўққиз ёшни тамом қилиб, йигирмага чиқиб, оламдан ўтди. Қанча аёллар ўртага олиб турганда, иккита қиз укаси бор эди, бирови ўн бир ёшда, бирови тўққизда, шунча хотинлар далага чиқиб, йиғлашмоқчи бўлганда, тўққиз яшар синглиси Зумрадонинг акасини йўқлаб айтгани:

Сувдан чиққан суйругим,  
Юртдан ўзган жуйругим,  
Юзга кирар деювчи эдим,  
Йигирма бўлди буйруғинг.

Айланайин оғам-ай,  
Бошга санчган жиғам-ай,  
Эли-юртим обдони,  
Элимда олтин соқам-ай,



Югрук отдай чопишлим,  
Нор туядай топишлим,  
Йиғин-тўйлар бўлганда,  
Довши Булбул довушлим.

Ишонганим сен эдинг,  
Сенга ишонган мен эдим,  
Айналайин, мен сени  
Юзга кирар деб эдим.

Айналсин сендай уканг-ай,  
Ярқираб юрган акам-ай,  
Ярқираб оғам юрганда,  
Ғариб синглингга не кам-ай,

Сўзман<sup>61</sup> элдан ўзганим,  
Соз-довушин сўзганим,  
Акамдан қолдим айрилиб,  
Билмайман недир ёзганим.

Нега синглинг ўлмайди,  
Ўзини қурбон қилмайди,  
Сенинг учун жон бериб,  
Сенга фидо бўлмайди?!

Сен эдинг элим обдони,  
Юртимнинг ўзган гапдони,  
Ўлсин синглинг, оғасин  
Излаб топсин-чи қани!

Сендай йигит йўқ бўлса,  
Мендай синглинг ўлмасми,  
Сенинг энди куюгинг,  
Мени ода қилмасми?!

Ўлсин уканг, чироғим,  
Ўтинга куйиб ўлмасми,  
Сенинг гаминг укангни  
Ерман яксон қилмасми?!

Уканг ўлар соғиниб,  
Ен-ёғига чопиниб,  
Сен борингда тўйларда  
Тилла-кумуш тақиниб,  
Синглингнинг энди суяги  
Тошларга қолди чақилиб.

Акамдан қолдим айрилиб,  
Чалчиқ ердан тайрилиб,  
Юртдан ўзган ёрқиним,  
Қолдим-ку қанотим қайрилиб.

Қандай акам бор эди,  
Бир ўткир ханжар эди,  
Бир ўзининг қадири  
Юз йигитча бор эди,  
Йигитларнинг ичинда  
Ҳайбатли улкан нор эди,  
Эли-юртим обдони,  
Бир олғир шунқор эди,  
Ҳар ким кўрса ҳавас қип,  
Шундай бўлса дер эди,  
Шундай акадан айрилган,  
Синглиси қандай шўр эди,  
Илоҳи ўлсин Тоғайбек,  
Шў кўзи қандай кўз эди.

Оқиб тушсин кўзи энди,  
Хўр бўлиб ўлсин ўзи энди,

Ириб-чириб ўлгай-да,  
Кун кўрмай ўлсин тез энди,  
Шўл шум бекнинг дастидан,  
Куюб ўлдик-ку биз энди.

Қарғишим ерда қолмасин,  
Яхшилик куни бўлмасин,  
Унинг ҳам насли кулмасин,  
Дунёда насли қолмасин...  
Айрилиб қолдим акамдан,  
Ҳеч ким мендай бўлмасин.

Мен-мен эдим, мен эдим,  
Мен ҳам элман тенг эдим,  
Бировни эл мақтаса,  
Менча борми деб эдим.

Тилим кетди, гунг бўлдим,  
Қора ерман тенг бўлдим,  
Акамдан қолдим айрилиб,  
Мен ҳаммадан кам бўлдим,  
Шундай акам кетган сўнг,  
Мен қандай одам бўлдим.

Шўрли бўлди манглайим,  
Ўйли<sup>62</sup> бўлди танглайим,  
Шундай акам йўқ бўлди,  
Ёронлар, энди найлайн...

Ана энди катта синглисини оти Маҳкамой эди, у ўн бир ёшида эди. Ана энди икки синглиси тўда бўлган хотинларнинг икки ёғида туриб, бирови [Абдуҳалилнинг] телпагини бошига кийиб, бирови салласи-пўтасини

бошига қўйиб, иккови ҳам зор йиғлаб, товшининг бо-  
рича бўзлаб, довшини қўя бериб, бири йиғиннинг бу  
ёғида, бири бу ёғида олмоқ-солмоқ қилиб, бири айтса,  
бири қараб туриб, ул айтса, бул қараб туриб, иккови  
бир-бирига навбат бериб, акасини айтиб йиғлади.  
Шу йиғинга қанча йиғилган аёлларнинг ичида, ҳар  
ерда биров ўлса, бориб айтиб йиғлаб юрган гўяндалар-  
дан бешта-ўнта айтувчилар ҳам бор. Шунда шул икки  
укаси гўяндаларга ҳам сўз бермай, иккови айтишиб  
йиғлаша берган. Қанча одам бўлса, шу икковининг  
айтганини эшитиб, ҳаммаси ҳайрон қолган... «Бу икко-  
ви бу сўзларни қаёқдан топади, шунча одамнинг ичи-  
да шошмайди, сурунмайди, ё ўйлаб туриб гап тополмай  
қолмайди, униси айтиб бўлганча, буниси чоқлаб тур-  
ганига қара-да...», — деб ҳаммаси қойил бўлиб, шулар-  
нинг айтган сўзини эшитган олис-яқиндан келган одам-  
лар йиғлаган ҳам йиғлаган, йиғламаган ҳам йиғлаган,  
ҳеч ким ўзини тўхтатиб туrolмаган. Икки боланинг зо-  
риллаб йиғлагани тошни сув қилар эди. Нима учун?  
«Куйгандан кул чиқар» деган эмасми, иккови ҳам куйиб  
бораётган. Шундай қилиб, «Куйганинг оғзига қарама»  
деган. Шу пилла куйган кўнгил, оғзига нима келса,  
айтиб юборади. Ўзи куйиб, ўртаниб турган эмасми, ни-  
ма бўлса айта солади... «Бошга тушса, илож борми?».  
«Бошга тушса, кўз тортар»... Каттасининг акасини йўқ-  
лаб айтгани:

Олғир қушнинг шунқори,  
Югрукларнинг тулпори,  
Эр йигитнинг сардори,  
Тенгқурларин тождори.

Шунқор акам, вой-вой,  
Раҳбар акам, вой-вой.

Кичкинасининг айтгани:

Сулув ўтнинг суйруги,  
Чечанларнинг жуўруги,  
Куймайин энди қайтаман,  
Шундайин бўлса буйруги.

Югрук акам, вой-вой,  
Билгир акам, вой-вой.

Каттасининг айтгани:

Тенгқурларин обдони,  
Элатимнинг гапдони,  
Йигитларнинг сиртлони,  
Сайилларнинг полвони.

Арслон акам, вой-вой,  
Полвон акам, вой-вой.

Кичкинасининг айтгани:

Бўз қушдайин толпирим,  
Қарчиғайдай олғирим,  
Итилгидай тепкирим,  
Баҳриндай бўп чалпирим.

Лочин акам, вой-вой,  
Баҳрин акам, вой-вой...

Каттасининг айтгани:

Қийган тўни ярашган,  
«Бу ким эди» деб сўрашган,  
Ҳар ким кўрса ўзингни,  
Ҳавас қилиб қарашган.

Кичкинасининг айтгани:

Акам Ҳотам ҳимматлим,  
Лочин, туйғун келбатлим,  
Дўст-душманга ҳайбатлим,  
Бекдан, шоҳдан мурватлим.

Ҳотам акам, вой-вой,  
Рустам акам, вой-вой.

Каттаси:

Синда синли, синбатлим,  
Сулув лочин сувратлим,  
Элдан сўзин ўтказган,  
Тўйда қизиқ суҳбатлим.

Гапдон акам, вой-вой,  
Сўздон акам, вой-вой.

Киччиси:

Эл-юртимнинг гапдони,  
Йигитларнинг обдони,  
Кўпнинг тушган кўзига,  
Бўз боланинг полвони.

Полвон акам, вой-вой,  
Мардон акам, вой-вой.

Каттасининг айтгани:

Қора қушдай салмоқлим,  
Тўйдан ҳақин олмоқлим<sup>63</sup>,  
Ешлигингдан элларда,  
Йиғинга сардор бўлмоқлим.

Сардор акам, вой-вой,  
Гамхўр акам, вой-вой.

Киччисининг айтгани:

Йиғин-тўйнинг сардори,  
Йигитларнинг қўчқори,  
Бўзболанинг сарвари,  
Йигитнинг қиммат гавҳари.

Қиммат акам, вой-вой,  
Гавҳар акам, вой-вой.

Каттасининг айтгани:

Тинмай уканг дод этар,  
Менга хуморинг тутар,  
Сендай йигит ҳар элга,  
Изласа ҳам кам битар.

Топилмасим, вой-вой,  
Ширин сўзим, вой-вой.

Киччисининг айтгани:

Қўлда кескир олмосим,  
Ишда чарчаб толмасим,  
Қимматбаҳо чироғим,  
Изласа топилмасим.

Меҳрибоним, вой-вой,  
Танда жоним, вой-вой.

Каттасининг айтгани:

Хумор қилар сўзларинг,  
Топилмайди изларинг,

Синглингни тентак қилмасми,  
Қуралай қора кўзларинг.

Хуш суратим, вой-вой,  
Қуралай кўзим, вой-вой.

Киччисининг айтгани:

Еронлар, энди қайтайин,  
Дардимни кимга айтайин,  
Шундай акамдан айрилиб,  
Мен қандай тоқат этайин?!  
Сенга жонимни бермасам,  
Синглинг бўлмай кетайин.

Шунқор акам, вой-вой,  
Сардор акам, вой-вой...

Катгасининг айтгани:

Ёмон кийим киймадинг,  
Сира қобоғинг уймадинг,  
Авайлаб мени ўстириб,  
Манглайимга сизмадинг.

Меҳрибон акам, вой-вой,  
Гапдон акам, вой-вой.

Кичкинасининг айтгани:

Қуш боласи уяда,  
Уяси унинг қияда,  
Элнинг йигитларидан,  
Менинг акам зиёда.

Сардор акам, вой-вой,  
Ғамхўр акам, вой-вой.



Каттасининг айтгани:

Эл, йиғиннинг сараси,  
Акам бекларнинг<sup>64</sup> жўраси,  
Сенга шикаст теккани,  
Манглайимнинг қораси.

Қимматбаҳом, вой-вой,  
Жоним акам, вой-вой.

Кичкинасининг айтгани:

Эл кўзига кўринган,  
Йиғин ерда билинган,  
Қандай билгир бўлса ҳам,  
Олдинга келса суринган.

Сусли акам, вой-вой,  
Ҳушли акам, вой-вой.

Каттасининг айтгани:

Йигитларнинг тўраси,  
Яхшиларнинг сараси,  
Ҳотам Тойдай ҳимматинг,  
Бекларнинг акам сараси.

Ҳайбатли акам, вой-вой,  
Ҳимматли акам, вой-вой.

Каттасининг айтгани:

Кўпкарида илгирим,  
Чечанликда билгирим,  
Тараф-тортиш бўлганда,  
Бўридай юлпиб-юлпирим.

Билакли акам, вой-вой,  
Юракли акам, вой-вой.

Кичкинасининг айтгани:

Менинг акам Ҳотам Той,  
Ўтига куйиб ўлдим-ай,  
Маъракада туришинг,  
Олғир тарлон қарчигай.

Шунқор акам, вой-вой,  
Сардор акам, вой-вой.

Ана энди шу тартибда икки бола кечга довур олмоқ-солмоқ — бири айтса, бири қараб туриб, тўрнинг икки ёғида айта берган, асло буларнинг сўзи — байти ода бўлмаган. Келган хотин-қиз, кайвонилар — бари айтишган: «Булар чечан — югрукнинг зоти, ҳамма элга гап берган буларнинг авлоди, отаси жами чечанларнинг устоди, гап бобида буларга тараф йўқ», — деб бари қойил бўлиб, зор-зор йиғлаб, қулоқ солган-да, ўтирган.

Кўп йиғлаган эмасми, ҳамманинг хотири бузилган. Аёллар аёллар билан, эркаклар эркаклар билан тўда-тўда, тўп-тўп бўлиб, шу маъракага қанча одам келган, ҳеч қайсисида ҳуш йўқ. Қанча бўз бола йиғилган бўлса, бари бахшининг мўйинса жўралари эмасми, бари бўтадай бўзлаб, из-из этиб йиғлаб, барининг ақли-ҳуши ўзидан кетиб: «Эсиз йигит», дейди.

Ана энди шу вақтда бебахт акаси дунёдан тўйиб, ёлғиз уканинг ўтига куйиб, қадди букилиб, кўзидан найсондай ёш тўкилиб, одамларнинг ичида зор-зор йиғлаб айтган сўзлари:

...Айрилдим ёлғиз инимдан,  
Улгиси яхши синимдан,

Шодлик йўқ кўрган кунимдан,  
Безор бўл ширин жонимдан,  
Кечдим манзил-маконимдан,  
Айрилдим меҳрибонимдан,  
Сўзамол суҳандонимдан,  
Елғиз иним, жононимдан,  
Равшан ойдай тобонимдан,  
Нетай, найлай?! Жудо бўлдим.

Елғиз иним, жигаримдан,  
Нетай, қўзи-қўчқоримдан,  
Қўлда олғир шунқоримдан,  
Қаторда юрган норимдан,  
Серсавдоли бозоримдан,  
Соғинганда хуморимдан,  
Қўлимда ҳар на боримдан,  
Инон-ихтиёримдан,  
Новда ўсган чиноримдан,  
Дарахти соядоримдан,  
Элимга эътиборимдан —  
Барисидан жудо бўлдим.

Мен айрилдим давлатимдан,  
Нетай, сини-синбатимдан,  
Бел қувватим, мададимдан,  
Ҳар на борим, ҳолатимдан,  
Душманларга ҳайбатимдан,  
Қўлда кескир пўлатимдан,  
Учадиган қанотимдан,  
Тунадиган равотимдан,  
Айрилдим жигарбандимдан,  
Жудо бўл шакар-қандимдан,  
Азиз жонга пайвандимдан,  
Елғиз бир жигарбандимдан,

Кўнгил хушим-хурсандимдан —  
Барисидан жудо бўлдим.

Айрилдим олғир қушимдан,  
Эсим ҳам ақлу ҳушимдан,  
Бир иним, қариндошимдан,  
Серақл кенгашбошимдан,  
Еқам ҳўл кўзда ёшимдан,  
Сирим айтар сирдошимдан,  
Қўлим тутар қўлдошимдан,  
Ғамим айтар мунгдошимдан,  
Жудо бўлиб тенг-тўшимдан,  
Айрилдим энди хешимдан,  
Не кунлар ўтар бошимдан —  
Барисидан жудо бўлдим.

Қўлимдан кетди давроним,  
Эмранди танимда жоним,  
Хазон бўлди гулистоним,  
Йиғлашиб ёру ёроним,  
Елғиз иним, меҳрибоним,  
Бемаҳал қуриб бўстоним,  
Қўлдан учди бўз тарлоним,  
Эшитинглар, қадрдоним,  
Елғиз иним, суянганим,  
Шунқоримдан жудо бўлдим.

Мен айрилдим жигаримдан,  
Қайтай, қўзи-қўчқоримдан,  
Қаторда юрган норимдан,  
Тоза олғир шунқоримдан,  
Ҳаммага эътиборимдан,  
Новда ўсган чиноримдан,  
Боғда олма-аноримдан,

Қўлимда ҳар на боримдан,  
Элим-халқим сардоримдан,  
Жон ачирим раҳбаримдан,  
Кўрнаклим, шаҳсуворимдан,  
Серсавдоли бозоримдан,  
Севар салқин баҳоримдан,  
Соғинганда хуморимдан,  
Бел қувватим, мадоримдан,  
Жон ачир ичкуяримдан,  
Ёронлар, ҳар на боримдан —  
Барисидан жудо бўлдим.

Айрилдим хуш овозимдан,  
Олғир қийғир шаҳбозимдан,  
Аяган кўрпа қўзимдан,  
Хушсуврат ширин сўзимдан,  
Хабарим дим йўқ ўзимдан,  
Айрилиб кўрар кўзимдан,  
Ҳам кеча ҳам кундузимдан,  
Кийган тўни қирмизимдан,  
Қимматбаҳо қундузимдан,  
Тонгда туққан юлдузимдан...  
Битта укаси, ёлғизимдан,  
Э, ёронлар, жудо бўлдим!..

Қиммат эдим, арзон бўлдим,  
Юраги тўла қон бўлдим,  
Оламдан бенишон бўлдим,  
Умримдан пушаймон бўлдим...  
Ичим тўла армон бўлдим,  
Юрагим тўла қон бўлдим,  
Энди тинмай, сарсон бўлдим,  
Бесару бесомон бўлдим,  
Эл кўзидан пинҳон бўлдим,

Ғам хайлига султон бўлдим,  
Ишим доғи ҳижрон бўлдим,  
Қуюндай саргардон бўлдим,  
Қуруқ танним — бежон бўлдим,  
Тириклигим гумон бўлдим,  
Ўзим тирик, куйган бўлдим,  
Улганлардан ёмон бўлдим.

Кўрар кўзим, сўйлар сўзим,  
Бир ини эди ёлғизим,  
Кетди бу ҳам, қолдим ўзим!

Ана энди инимиз ўлди, бизга қаттиқ кунлар келди, томир-тувғон, хеш-қабилла, узоқ-яқиндан келган бари йиғлаб, инграб, ҳеч қайсида тобу тоқат йўқ, мотам тутиб, қайғу еб турибди. Йиғилган хотинлар тўда-тўда бўлиб, ҳар қайсиси ҳар тусли қилиб йўқлаб, бирови ундай, бирови бундай деб, бирови кўпроқ йиғлаб, бирови озроқ йиғлабди.

Ёш ўлган кишиларга хотинларнинг расми шундай бўлади экан: [ўлганнинг] ҳамма кийимларини, от, тўнни олиб чиқиб, ҳар бир кийимини бир томир-тувғони боши устига қўйиб, ё белига бойлаб йўқлар экан. Ана шу келган хотинлардан нечаси: бирови салласини бошига қўйиб, бирови телпагини бошига қўйиб, бирови белбоғини белига бойлаб; хотинлар давра қилиб айланиб, инимизнинг отини эгарлаб-шайлаб; отнинг ҳам устига тўн ёпиб, эгарнинг қошига этикни бойлаб, ўртага олди. Шундай уринчоқ, турмайдиған от майин-ювош бўлиб, бўйнини солиб турди-да қўйди. Сўнг-сўнг хотинлар айланиб, йўқлаб йиғлай бериб эди, от жониворнинг кўзидан тарам-тарам бўлиб ёш оқа берди. Яхши от билади экан, ҳайвоннинг ҳам эслиси бўлади экан<sup>65</sup>. Шўл отни ғўнон — уч яшарда олиб берган эдим, тўрт йил

минган эди, оти саккиз яшар бўлиб эди, жуда югрук-илдам от бўлиб эди.

Ҳаманинг хаёли бузилиб, йиғлаган ҳам йиғлаб, йиғламаган ҳам йиғлаб, катта мотам бўлди.

Элнинг расми-русми билан укамизни кўмдик. Одам келаётир-келаётир, талотўп бўлаётир, келганига улай-булай нарса бўлаётир.

Ўртоқлар! У вақтларда одам уст-устига сурина беради экан. Ана энди йигирма кунга бормаи, шўл яхши оти ҳам ўлиб қолди. Биз тоза куйган, оловимиз чиққан, ҳеч нарса билан ишимиз йўқ, ҳеч нарса кўзимизга кўринмайди, оҳ, деймиз, воҳ деймиз, кеча-кундуз «Абдухалил!» деймиз.

Чигиртка ҳамма бор нарсамизни тозалаб, ялаб-юқтаб еб кетган, деҳқончиликдан бизда ҳеч нарса йўқ. Унинг устига бундай мотам тушиб қолди. Нима дейсиз, қўлимизда бор ҳар нима қора-қурамизни сота бердик. Арзон-қимматига ишимиз йўқ, ҳайда-ҳайда, сота-сот. Ҳар нима боримизни сал вақтда йўқ қилдик.

Эй дўстлар, вой ўртоқлар! Ҳаманинг куюги бирдай бўлмас экан, бир хил одам жуда қаттиқ куяр экан, ўзини овора қилиб қўяр экан; бир хил одамлар асло куймас экан, ўзини ҳам олдирмас экан. «Биз энди соб бўлдик» деймиз, инимизнинг ёру жўраларини кўрсак, Абдухалилни йўқлаб, бўтадай бўзлаб йиғлаймиз. Бизни кўриб, дўстларимиз ҳам йиғлайди; бир хил ўзига тўқ, моли-давлатининг ҳисоби йўқ одамлар: «Эргаштентак бўпти», деб кулади, маломат қилади.

Менинг куйганим озмиди?! Кўп ўтмади, икки синглим, энамиз оғриб, ётиб қолди. Буларга ҳам табиб-таккон қилдик, бўлмади, бирин-кетин оламдан ўтди. Вой!..<sup>66</sup>

Ана энди дўстлар-ёрлар, ўртоқлар! Қайси питага ўт тушса, шўл пита куйиб, ўртаниб ода бўлади. Бир одамга мусибат ўти тушса, ўзи билади; бошқа ичи ачима-

ган одамлар: «Мана бу нега бундай қилади, гапни гапга қўшмади», — деб ёмон кўради. Менинг бошимга тушган савдонинг адади, поёни йўқ. Мен бир катта ҳовлидан бир ўзим қолган. Икки ини, икки сингли, тўртта-бешта қиздан, тўртта-бешта ўғилдан, хотиндан, боладан айрилиб, бир ҳовлида бир ўзим қолиб, айрилиқ ўтига чидай олмай, ҳув, деб элдан чиқиб, дашту биёбонларда, чўлларда, танимаган элларда сарсон-саргардон бўлиб улоқиб, ҳижрон-айрилиқнинг ўтига тутаниб, алам, ситам, қайғу, мотамлар билан кунларни, ойларни, йилларни ўтқариб, ўзимга бирор мунгдош, ҳамдам, ҳамроз топмай, ғам лойига ийланиб, айрилиқ ўтига ўртангани тополмай, ўзимдай соб бўлганни кўролмай, жаҳон айвонини излаб, мендай бежигар бормикан, деб элма-эл, юртма-юрт, шаҳарма-шаҳар, қўрғонма-қўрғон, овулма-овул довдираб юрган<sup>67</sup>.

Эй ўртоқлар, жон биродарлар! Ҳар кишининг қанча ситам-алами бўлса, тилдан чиқади. Ҳар қандай вақтда оҳ тортиб, бир байт, бир мисраъ ё бир мухаммас билан айтиб, ўз ҳолини билдирса, бир яхши кўрган одами билан мунглашгандай, бироз озайгандай бўлиб, чидолмай айтади.

\* \*  
\*

Эй ёронлар, қадрдонлар,  
Юрак қон бўлган, жўралар,  
Ўтган ҳолим сўраманглар,  
Кўп ёмон бўлган, жўралар.

Қўлимдан давроним кетган,  
Баҳор фаслим чаққон ўтган,



Қайғу мотам қўлим тутган,  
Биз хазон бўлган, жўралар.

Тинмай оққан кўздан ёшим,  
Ҳолим сўрар йўқди кишим,  
«Ҳай аттанг», деб тенги-тўшим,  
Пушаймон бўлган, жўралар.

Ғунчамизда хазон бўлган,  
Чиройлар заъфарон бўлган,  
Роҳат биздан ниҳон бўлган,  
Ў, пинҳон бўлган, жўралар.

Азоб чекиб, куйган жоним,  
Юраги қон меҳрибоним,  
Йиғлашиб ёру ёроним,  
Кўп афғон бўлган, жўралар.

Не бошларга савдо тушган,  
Савдо ёмон, ақл шошган,  
Ака укадан адашган,  
Кўп ёмон бўлган, жўралар.

Қамбағалнинг ўғли-қизи,  
Ҳар на бори — кўрар кўзи,  
Қўлда юзган ўрдак-ғози,  
Бенишон бўлган, жўралар.

Алам бизни зор йиғлатди,  
Жабру жафо жондан ўтди,  
Қариндошлар қон бўп кетди,  
Юрак қон бўлган, жўралар.

Дардлар ошди кунма-кундан,  
Ғам чеккан эл-да бурундан,  
Ўт чиққандир ҳар қулундан,  
Куйган жон бўлган, жўралар.

Барбод бўлган хонимонлар,  
Ғамга қолган ғариб жонлар,  
Йиғлашиб ёру ёронлар,  
Беватан бўлган, жўралар.

Дўст йиғлашиб, душман кулган,  
Фалак бизга ситам қилган,  
Юрак-бағри пора бўлган,  
Тўла қон бўлган, жўралар.

Не бошларга мотам тушган,  
Ҳижрон ўқи бағир тешган,  
Эси кетган, ақли шошган,  
Бенишон бўлган, жўралар,

Баҳор деган, баҳор йўқди,  
Баҳор вақти хазон етди,  
Роҳат бойга nasib этди,  
Биз ҳайрон бўлган, жўралар.

Айрилдик топган-тутгандан,  
Бек хабарсиз қон ютгандан,  
Эл довдираб зулм ўтгандан,  
Саргардон бўлган, жўралар.

Элимнинг қўзи-қўчқори,  
Оға-ини, марднинг нори,  
Ҳақ топмайин ўтди бари,  
Ў, пинҳон бўлган, жўралар.

Лениндайин эрнинг эри,  
Шўро тузди шернинг шерн,  
Биз яшадик шундан бери,  
Хуш даврон бўлди, жўралар.

Шўроларнинг замонинда,  
Эли-халқлар омонинда,  
Қувнаб, яйрар чаманинда,  
Хур замон бўлди, жўралар.

Эркин замон, ҳамма омон,  
Йўқ бўлгандир бари ёмон,  
Эркакман тенг қизу жувон,  
Достон қилурман, жўралар.

---



# ТЕРМАЛАР, ДОСТОНЛАРДАН ПАРЧАЛАР



## ҚИЗИЛ

Эй дўстлар, ўртоқлар,  
Даври замон бўлди қизил,  
Маст бўп бугун, байрам қилиб,  
Қизу жувон бўлди қизил.

Октябрнинг байрамлари,  
Бари шодмон беғамлари,  
Большевикнинг одамлари,  
Кўр, шул замон бўлди қизил.

Қизил байроқ кўтаришиб,  
Бир-бирини итаришиб,  
Ўз ишини биткаришиб,  
Аҳду омон бўлди қизил.

Пир-пирлатиб қирмиз ялов,  
Жайнаб<sup>1</sup> бари мисли олов,  
Ўйин-кулки шодлик қилди,  
Яхши-ёмон бўлди қизил.

Еш-ёшгина ёш баччалар,  
Гул юз, қалам қош баччалар,

Бир-бирига йўлдош баччалар,  
Йўлга равон бўлди қизил.

Байроқ қизил, боллар<sup>2</sup> қизил.  
Кўча қизил, моллар қизил,  
Келган моҳи, соллар<sup>3</sup> қизил.  
Чархи равон бўлди қизил.

Даври фалак ўнгга бошлаб,  
Октябрь байрамин хушлаб,  
Болалар қизил байроқ ушлаб,  
Қамзул-чопон бўлди қизил.

### ҚИЗИЛ

Эй дўстлар, офтоб чиқиб,  
Бизнинг эллар бўлди қизил,  
Гулгун бўлди, кўргин, шафақ,  
Ул осмон бўлди қизил.

Оқшом ўтди, кеп кундузи,  
Ёруғ бўлди ернинг юзи,  
Йўқолди подшо юлдузи,  
Кўргин, туман бўлди қизил.

Эзилганлар бари турди,  
Боғу бўстон қараб юрди,  
Меҳнаткашлар суҳбат қурди,  
Маслаҳатлар бўлди қизил.

Турди шўронинг эллари,  
Булбулдан гўё тиллари,  
Очилди боғнинг гуллари,  
Бизнинг чаман бўлди қизил.



Сарв қадлар зулфин туйиб,  
Инқилоб ишқида куйиб,  
Комсомоллар қирмиз кийиб,  
Қўп гулбадан бўлди қизил.

Яшнаётир бизнинг чаман,  
Социалистик бу ватан,  
Тайёр ватанга жону тан,  
Бизнинг қасам бўлди қизил.

### ШҮРО

Ҳар бир ерда турли-турли гап бўлиб,  
Ким йиқилган<sup>1</sup> бўлса, сўзи эп бўлиб;  
Бу ҳукумат шу одамнинг душмани  
Ҳар ким эзса, камбағални кўп бўлиб.

Ким оч бўлса Шўро шунинг раҳбари,  
Йиқилган, сурунган халқнинг сарвари,  
Шўро шундай раҳбар бўлса элатга,  
Нега бўлмас ҳамма элнинг тождори.

Юртнинг кўнглин олса Шўро,  
Тўғри йўлга солса Шўро,  
Нега юртга сардор бўлмас,  
Иши яхши бўлса Шўро,  
Меҳнаткашни суйса Шўро<sup>2</sup>.

Фуқарони доим суяр,  
Душманлари ўтга куяр,  
Зўрлик, зулмлик бунда йўқдир,  
Ким зўр<sup>3</sup> бўлса, бўйнин қияр —  
Ҳар ким душман бўлса, Шўро.

Яхши қилиб юртни тутди,  
Ким кам бўлса, йўл кўрсатди,  
Шу Шўронинг давлатида,  
Йиқилган мақсадга етди,  
Кўп яхши иш қилди Шўро.

Эзилганнинг бағри кабоб,  
Кўнгил олган катта савоб,  
Обод қилди элу юртни,  
Ким сўзласа, ҳозиржавоб,  
Юртни обод қилди Шўро<sup>4</sup>.

Йиқилганнинг қўлини ушлаб,  
Доим тўғри йўлга бошлаб,  
Менманларни кейин ташлаб,  
Балки манглайига мушглаб,  
Хўп адабин берди Шўро.

Золим бойнинг ерин олиб,  
Ерсизларга берди бўлиб,  
Золим бўлса қолди ўлиб,  
Йиғлаганни хушвақт қилиб,  
Учин олиб берди Шўро.

Ҳар ким янги деҳқон бўлса,  
Золимларнинг ерин олиб;  
Золим олдидан жой олиб,  
Жағчи<sup>5</sup> қолди уялиб,  
Бойни хароб қилди Шўро.

Таърифи қоғозга сиғмас.  
Қанча айтсам сўзим куймас,  
Бу Шўронинг расми шулдир:  
Бой билан золимни қўймас,  
Хўп ишини қилди Шўро.

Шўро ишин маҳкам тутиб,  
Бойман золимни йиғлатиб,  
Мулла-хўжасини қўймай,  
Золим қолди эси кетиб,  
Хўп ҳам майда қилди Шўро.

Йиғиб оп хотин-қизларни,  
Эзилган жоду кўзларни,  
Бечора ширин сўзларни,  
Не яхши сарвинозларни,  
Эркакман тенг қилди Шўро.

### ОКТЯБРЬ

Шўро тузган жон Октябрь,  
Юртга меҳрибон Октябрь,  
Доим бўлсин кон Октябрь,  
Кўп сурсин даврон Октябрь,  
Бизларга меҳмон Октябрь.

Оламга дoston Октябрь,  
Кезсанг гулистон Октябрь,  
Сўзлари бўстон Октябрь,  
Айирма дўстдан Октябрь,  
Хулқи ширин жон Октябрь.

Ҳар юртга полвон Октябрь,  
Ҳайбатда султон Октябрь,  
Бир шоҳи даврон Октябрь,  
Давлатли султон Октябрь,  
Маҳбуби жонон Октябрь.

Бир моҳи тобон Октябрь,  
Юртга меҳрибон Октябрь,

Улуғ Зарафшон Октябрь,  
Меҳри дурафшон Октябрь,  
Оламга дoston Октябрь.

Дунёда ширин тил бўлган ...  
Сайрайдиган булбул бўлган,  
Янги очилган гул бўлган,  
Исли гулистон Октябрь.

Ўзин баҳодир айлаган,  
Душманларин хор айлаган,  
Шўро элин бор айлаган,  
Ёмонларни зор айлаган,  
Ўзи билимдон Октябрь.

Ўз элин шодмон айлаган,  
Кулдириб хурсанд айлаган,  
Душманларин хор айлаган,  
Ер билан яксон айлаган,  
Тарафсиз полвон Октябрь.

Фирибчини зор йиғлатган Октябрь,  
Ҳийлачини ушлаб отган Октябрь,  
Шўро деса, жонин сотган Октябрь,  
Ўқувчига<sup>1</sup> йўл кўрсатган Октябрь,  
Ўз ишини маҳкам тутган Октябрь.

Ёш болага илм ўргатган Октябрь,  
Билимсизга йўл кўрсатган Октябрь,  
Нодонларни доно этган Октябрь,  
Яхшилик йўлини тутган Октябрь,  
Ҳар сўзнинг тагига етган Октябрь.

Билимсизга билим бўлган Октябрь,  
Илми оламга тўлган Октябрь,  
Адашгани йўлга солган Октябрь,  
Йиқилганининг қўлини олган Октябрь,  
Овозаси юртга кетган Октябрь.

Сухбати қойимли жонон Октябрь,  
Мажлисида бир моҳитобон Октябрь,  
Ҳукуматга шоҳи даврон Октябрь,  
Шўроларга ҳукми равон Октябрь,  
Душманини аждардай ютган Октябрь.

\* \*  
\*  
\*  
\*

Октябрни шунча дедик,  
Кўп айтолмай оз-моз дедик,  
Кўп ҳам айтсак, айтар эдик,  
Бу дostonга чизма дедик<sup>2</sup>.

Бошқа катта қоғоз олиб,  
Топганимни шунга солиб,  
Октябрни бир дoston қип,  
Айтмоқликка ўзим толиб.

Шу сабабдан чизма дедик,  
Бас-да дедик, ёзма дедик,  
Шўро кейин қолмасин деб,  
Оз айтсак ҳам, чизма дедик.

Сўзни отдай қип елдирдик,  
Биз шоирликни билдирдик,  
Биз Шўронинг таърифидан,  
Бирор озироқ келтирдик.

Шўро қабул қилади-да,  
Уқиганда кўради-да,  
Бошқа қилсак узун дафтар,  
Оз ҳам бўлса бўлади-да.

Шу дафтарни битиб чиқсак,  
Шунда жаҳон билади-да,  
Бир сўз айтсак шоирликдан,  
Кўрган қойил бўлади-да.

Бу сафар сўзим кам бўлди,  
Камликка кўнглим ғам бўлди,  
Айтмас эдим бу сўзларни,  
Зарчилдан бари жам бўлди.

Айтсам ода бўлмас сўзим,  
Жўртага кам қилдим ўзим,  
Бошқа дафтар қиламан деб,  
Улуғларда менинг кўзим.

Шуйтиб сўзимни оз қилдим,  
Озимни жуда соз қилдим,  
Оз ҳам бўлса бўлади, деб,  
Бир-икки оғиз сўз қилдим.

Айта берсам кўп бўлади,  
Бул ҳам катта гап бўлади,  
Сўзларимга кулмангизлар,  
Шундай-шундай гап бўлади.

#### ЎРТОҚ ЛЕНИНГА ОФАРИН

Инқилоб бўлиб, ҳар элга хабар тарқалиб, оқ под-  
шони тахтидан ағдариб, Ленин бу ишларга раҳбарлик  
қилиб, йўқ-йўқсулни бирдай яқдила қилиб, озодликка

чиқариб, «замон кимнинг замони — меҳнаткашнинг замони» қилган, деб эшитдик. Шунча элни бир қилиб, бир йўлга солмоқ осонми?! «Ҳаммага текис йўл тополмас» деган сўзларни эшитиб юрдик. Тоғ ораси, биров у дейди, биров бу дейди. Сўнг-сўнг билдик: йўқ-юқага текис йўлни очиб берган ўртоқ Ленин экан.

Ҳамма жаҳон кўзин очган  
Ўртоқ Ленинга офарин,  
Адолатнинг нурин сочган  
Ўртоқ Ленинга офарин.

Шоҳлар кулди мазах қилиб:  
«Қамбағалдан не ўй чиқар,  
Кун кўрмай юрган бенаво,  
Фикри билан кимни йиқар?!»

Қалака қип кулган шоҳлар  
Ҳайрон қолиб, қўрқиб бари,  
Бузилмасин давлатим деб  
Ўлгудай бўп писиб биқар.

Оламга текис йўл солган  
Ўртоқ Ленинга офарин,  
Яқдила қип бирдай элин,  
Ўртоқ Ленинга офарин,  
Эрдай Ленинга офарин!

Қамбағаллар фаҳми-таби,  
Кўрдингми, дарёдай тошди,  
Шоҳман дейшиб, менман деган,  
Барисининг ақли шошди.

Эр Лениннинг ишин кўриб,  
Подшоларнинг ичи пишди,

Ўз тақдирин ўйлаб қолиб,  
Кеча-кундуз ўйга тушди.

Подшоларин ўйга солган  
Ўртоқ Ленинга офарин!  
Орзулардан зиёд қилган  
Ўртоқ Ленинга офарин!

Лениндайин адолатли доно йўқ,  
Кеча-кундуз эл ҳолидан ого (ҳ) йўқ!,  
Доим-мудом меҳнаткашни ўйлади,  
Доим фикри меҳнаткашнинг роҳати,  
Нияти-тилови бундан ўзга йўқ.

Адили, саховати бир улуғ,  
Ўртоқ Ленинга офарин,  
Қилмишлари ундан улуғ,  
Ўртоқ Ленинга офарин!

#### ҲАЙҚАЛ ТААССУРОТИ

Ранги қора, дурри саминдан ўтар,  
Устининг қизили ёқутга етар.  
Йўл кўрсатиб турур қўлин кўтариб,  
Кичикларнинг доим йўлин кўрсатиб.

—Бу қандай тош? — дедим, деди: — Мармардан,  
Баҳоси кам эмас лекин гавҳардан,  
Баракалла эрлар эътиқодига,  
Бундай тош топила бермас ҳар ердан.

Устаси ҳам усталарнинг устаси,  
Излаганман топилмайди нухаси,  
Ҳар ким кўрса оғзи очилиб қолади,  
Не эканин билмай гапнинг қисқаси.



## РАҲБАРЛАРГА

Учаланчидан<sup>1</sup> баён қилдим сизларни,  
Хафа қилманг яна ўртоқ бизларни,  
Рад қилманг бу ерда айтган сўзларни,  
Таърифини айтсак ботамизларни.

Самарқандда бари катта-улканди,  
Барин кўнгли яхшиликка келганди,  
Кеча-кундуз фуқарога меҳрибон,  
Йиқилган, йиғлаган кўнглин олганди.

Ҳар ким ебир-етим бўлса йиғлатмай,  
Ким адашса, тўғри йўлга солганди.

Кеча-кундуз кўнгил олса нияти,  
Шуйтиб марказларга катта бўлганди.

Яхши феълли кунма-кундан зиёда,  
Овозаси шуйтиб юртга тўлганди.

Ишларидан бошқа эллар мин топмай,  
Юрт каттаси шуйтиб ҳавас қилганди.

Ҳеч кимни йиғлатмай, олар дуосин,  
Дуо олиб шу юртга эга бўлганди.

Яхшилиқман булар даврон сурганди,  
Меҳрибонлик дўконини қурганди,  
Ҳар қаерда йиқилган халқни кўрганди,  
Эзилганинг доим ҳолин сўрганди.

Эзилганининг бири эди хотин-қиз,  
Хотин-қизга эътиборин берганди.

## ОХУНБОБОВ

Самарқандда яшаган<sup>1</sup> Охунбобоевнинг таъриф-тавсифида бир-икки сўзни айтмоқни ўзимга лойиқ билиб, ҳар нима билган, қисқача ақлим илан бир-икки сўзни айтмоқни хоҳладим. Чунки бул киши ўз элимизнинг оқсоқоли, ўтағаси бўлганлари учун ушбу байтни ёзмоқни хоҳлаб, сўз айтаман ўртоқ Йўлдошбой Охунбобоевга:

Фуқарога сарвар Охунбобоев,  
Ота-энадан раҳбар Охунбобоев,  
Самарқандга биҳтар Охунбобоев,  
Юртимизга меҳтар Охунбобоев,  
Юрт эгаси, мулкдор<sup>2</sup> Охунбобоев.

Фуқаросин доим кўнглин олмоққа,  
Билмагани тўғри йўлга солмоққа,  
Йиғлаган элини хурсанд қилмоққа,  
Ким йиғласа, шуни суяб олмоққа,  
Мазлумга харидор Охунбобоев.

Доим меҳрибондир фуқаросига,  
Йиқилган-суринган бечорасига,  
Аввал вақти золимларнинг қўлида  
Эзилган неча бир оворасига,  
Ким йиғласа, ғам ер Охунбобоев.

Ким паст бўлса, шунга солар кўзини,  
Ҳар ким борса, айтар яхши сўзини,  
Шу давлатман унутмайди ўзини,  
Юпатиб йиғлаган ўғли-қизини,  
Ота-энадан раҳбар Охунбобоев.

Ҳар ким борса қўли очиқ сахийди (р),  
Жаннат, билсанг, сахийларнинг ҳақийди,

Самарқанднинг, билсанг, улугроғиди (р),  
Ҳукуматнинг кўп яхши иноғиди (р),  
Самарқандга дилбар Охунбобоев.

Ақли кўп, доноларнинг доноси,  
Қим эзилса, шунинг пушти паноси,  
Ойдин кўлнинг юзган ўрдак-сўнаси,  
Етимман есирнинг ота-энаси,  
Болаларин йўқлар Охунбобоев.

Эли-халқин кўрса, жуда аяйди,  
Ҳар ерда йиқилган бўлса суяйди,  
Кеча-кундуз фуқаросин сўрайди,  
Ҳар ким золим бўлса қонга бўяйди,  
Золимларга ханжар Охунбобоев.

Митингларда сўзлар айтган...  
Фуқарога сўзлар айтиб,  
Элини сўз билан қувонтган,  
Айтган сўзи шакар Охунбобоев.

Юртимизнинг оқсоқоли,  
Одамга ёққан мақоли,  
Яхши сўзман моҳи-соли,  
Таъсир қилар ҳар нақали,  
Айтган сўзи гавҳар Охунбобоев.

Элатимизнинг улуғи,  
Ажаб яхшидир қилиғи,  
Озайтди элдан солиғи<sup>3</sup>,  
Жами элнинг оталиғи,  
Юзи яхши, анвар Охунбобоев.

Сувсиз экин солиғини йўқ қилди,  
Фуқарони шу иш билан тўқ қилди,  
Элатиннинг димоғини чоқ қилди,  
Сувсиз ерга сувлар бериб боғ қилди,  
Сувсиз ерга боғдор Охунбобоев.

Фуқарога турли шафқат кўргизиб,  
Меҳрибонлик қилди элни тургизиб,  
Бориб кўрди кўнкасини<sup>4</sup> юргизиб,  
Фуқаронинг ободлигин ўзгизиб,  
Сувсиз ерга гулзор Охунбобоев.

Ўзи камбағалдир, деҳқон боласи,  
Бориб турган камбағалнинг сараси,  
Қандай бўлса, Батрачкомнинг тўраси,  
Ўзин айтсам, камбағалнинг жўраси,  
Камбағални излар Охунбобоев.

Яхшилиқ ишининг йўқдир ҳеч сони,  
Қилган ишида йўқдир нуқсони,  
Қанча ўтган камбағалнинг султони,  
Эсинг бўлса, ибрат олиб йўл тани,  
Адашганга раҳбар Охунбобоев.

Яхшилигин айта берсам, сони йўқ,  
Бита берсам қоғозга, имкони йўқ.  
Фуқарога бунча меҳрибони йўқ,  
Бундай одам юртимизда тани йўқ,  
Билсанг агар, гавҳар Охунбобоев.

Яхшини яхши дер, ёмонни ёмон,  
Бу одам даврида фуқаро омон,  
Юртимизда билсанг бир қутби замон,  
Шу юртнинг қувватидир, билгин, бегумон,  
Яхшилиқни кўзлар Охунбобоев.

Ҳар ким қойил бардошига, ўзига,  
Қулоқ солар ширин-шакар сўзига,  
Етолмайди бир печалар изига,  
Доим меҳрибондир ўғли-қизига,  
Ҳаммага тож бир Охунбобоев.

Асл яхши экан, яхши қилиғи,  
Юртимизда камбағалнинг улуғи,  
Суврати сулувдир, синли-силиғи,  
Сўзлари таъсирли, юзи илиғи,  
Кўп фуқаропарвар Охунбобоев.

Яхшиликдан тополмайсан минини,  
Излаганман тополмайсан синини,  
Ҳамма халқдан баланд қилсин ўзини,  
Шодликман ўткарсин кўрган кунини,  
Бир бебаҳо гавҳар Охунбобоев.

Жами йнғинда чиқади кенгаши,  
Худойим берибди сабрман бардош,  
Бу байтим оталарин отиман,  
Ўзларининг отин сўрасанг, Йўлдош,  
Эли-халққа номдор Охунбобоев.

## ҲОЗИ ОЛИМ

Дийғиб олган суҳангарнинг барини,  
Сўзлатиб кўрганди ёшу қарини,  
Менга айтмоқ лозим булди шу ерда,  
Ҳукуматнинг улуғ-катталарини.

Бариси ҳам, билсанг эрнинг эрлари,  
Кўкраги тозадир, йўқдир керлари,

Аввал бошлаб ўз улуғим айтайин,  
Маорифдир ишлаб юрган ерлари.

Отларини сўрсанг, Олиму Ғози,  
Ер юзинда олим, дононинг сўзи,  
Суханвар, гапдоннинг, билсанг, устози,  
Ишин кўрсанг, ишгирларнинг шаҳбози,  
Таърифотин айтсам адо бўлмайди,  
Бу айтган сўз лозим юз мингдан ози.

Кўнглин кўрсанг, тозаларнинг тозаси,  
Хулқин кўрсанг, мирзаларнинг мирзаси,  
Ҳеч бир одам хафа бўлмас олдидан,  
Тегмаган бировга озор-изаси,  
Айтган сўзи сари мойдан мулойим,  
Асалдан шириндир гапин мазаси.

Қирғий деган қушни кўрдим қияда,  
Ўмри узун бўлсин мана дунёда,  
Яхши феълин битсам сиғмас қоғозга,  
Ғозининг хулқи-хўйи ҳамма элдан зиёда.

Гап бобида гапдонларнинг гапдони,  
Яхшиликка яхшиларнинг обдони,  
Ҳеч ишидан кам тополмас қараган,  
Ким эзилса, шул одам меҳрибони.

Отларини айтдим Ғози Олим,  
Кўнгилли, ҳамиша барчадан салим,  
Худойим берибди сони йўқ билим,  
Ўргансак, шунда-да нафъи кўп илм.

Кўнглида сира йўқ койишман зулм,  
Таърифин айтмоққа айтолмас тилим,

Уруғи қиётдир, Тошкантида жойи,  
Ҳаммамиз бир тусли, ўзбакдир элим.

Уруғи қиётдир, Тошканти элати,  
Аслин билсанг, ўзбекларнинг бекзоти...  
Шу сўзимга шу китобдир исботи.

Ҳар ерда йиғилган эли коммунист(т),  
Ғози Олим оти, отаси Юнус;  
Шунчагина сўзим билан бас қилдим,  
Зоти десак ҳамма элдан зиёда,  
Илоё, кўрмасин ғамни дунёда,  
Агар сен кам десанг, бизларга номус.

\* \*  
\*

Улуғимни баён айлай,  
Кўнгилимни шодмон айлай,  
Айтолмайман мингдан бирин,  
Ҳолим етганича сўйлай.

Отларидир Олим Ғози,  
Жуда бир одамнинг сози,  
Достонларни қисса қил деб,  
Буюрган-да асл бизи.

Дурга баробар қип бўлмас,  
Бизга айтган бир-бир сўзи.

Тошканти элда катта бўлган,  
Баччаликда ўқиб ўзи.

Ғам кўрмасин замонада,  
Шод бўп ўтсин қишин-ёзи.

Зотлари ўсиб кўпайсин,  
Кўп бўлсин-да ўғли-қизи.

Давлати бўлсин ривожда,  
Умри узун бўлсин ўзи.

Аёллари жуда қобил,  
Ул ҳам бир яхшининг қизи

Ғойибона дуо қилдик,  
Ғам кўрмасин сарвинози.

Ўзларининг таърифларин  
Баён қилсам кўпу ози.

Фаросати элдан зиёд,  
Ўзи оқиллар шаҳбози.

Ҳар хил гап сўрсанг топилар,  
Тоза чечанлар устози.

Гапдонларнинг сардоридир,  
Сўз бобининг ширин сўзи.

Ўзи тозалар тозаси,  
Фаросатга танҳо ўзи.

Тошкантда асли жойлари,  
Тошкант юртининг азизи.

Самарқандда тўхтаб тури,  
Шу юртнинг соҳибтамизи.

Муллаларнинг мулласидир,  
Доноларнинг доносидир,



Фаросати, хулқи-хўйи,  
Билгирларнинг танҳосидир,

Айтган сўзи, қилган иши,  
Юртнинг қиммат баҳосидир<sup>1</sup>.

### ОТАЖОН ҲОШИМ

Иккиланчи баён айлай сўзимди,  
Таърифин айтмоғим менга лозимди,  
Маорифнинг бири ўртоқ Отажон,  
Таърифин айтайин ҳотам қўзимди.

Ўзин сўрсанг, ўқиб юрган ёш бола,  
Ёш ҳам бўлса, бир нечага бош бола,  
Гап тополмай, элат қолса тугилиб,  
Отажондан чиқсин-да кенгаш, бол-а.

Ҳотам Тойни мот қилади ҳиммати,  
Олғир бўз торлондай сини-симбати,  
Қўнгли жўш уриб дарёдай оққан,  
Ҳайбати бургутдай, лочин келбати.

Нияти ўқимоқ, йўлни кўрсатмоқ,  
Илмсизга билган илмин ўргатмоқ,  
Ёш болларга ўқимоқни кўрсатиб,  
Бехатларга хат имлосин танитмоқ.

Оти Отажондир, Тошкант улини  
Худо обод қилсин ҳар манзилини,  
Бориб сайр айласин Масков элини,  
Бехатар қилсин-да юрган йўлини.

Илмга бошқарсин қулфи дилини,  
Отажон исмли Ҳошим улини,  
Омон-эсон қилсин тенгги-хилини,  
Худо очсин доим юрган йўлини.

Узун қилсин ҳамма ерда тилини,  
Доим хурсандликда қилсин ҳолини,  
Давлатман ўтқарсин моҳи-солини,  
Асли ғам қилмасин ҳар аҳволини.

Кеча-кундуз Маорифнинг раҳбари,  
Гап бобида билгирларнинг сарвари,  
Яхшиликда дилбарларнинг дилбари,  
Ҳар қаерда йиқилганнинг ғамхўри.

#### ШОИРЛАРГА РАҲБАР ҲОДИ

Бизлар суханварлардирмиз,  
Шоирларга раҳбар Ҳоди,  
Тошкант элда ўз хилига,  
Ҳаммасига сарвар Ҳоди.

Ишчиларнинг тўрасидир,  
Рост одамнинг ошнасидир,  
Ўзи йигит барносидир,  
Ҳар ишдан хабардор Ҳоди.

Кўрсанг суханнинг саррофи,  
Ишчиларнинг боинсофи,  
Фаҳми югрук, оби-тоби,  
Беадад суханвар Ҳоди.

Ҳоди элнинг билимдони,  
Ҳодидай эр йигит қани?!

Йигитларнинг исфиҳони,  
Кескир, ўткир ханжар Ҳоди!

### КЕЛДИМ

Районим Нурота, тоғлар ораси,  
Отим Эргаш, Жуманбулбул боласи,  
Қаридимми десам, кўнглим қоласи,  
Тобора ошади ёшдан ҳаваси.

Томоша қилгали Тошкентнинг эли,  
Шу вақтда бўлибди шаҳарлар гули,  
Бир-биридан зиёд зебо манзили,  
Бу гулшанда мен ҳам тургали келдим.

Келиб кўрдим кенгиш, ёзиқ кўчалар,  
Кундуздай равшандир юрса кечалар,  
Завқ билан сайр этар кўп ёш баччалар,  
Қувониб, шод бўлиб юргали келдим.

Тошкент ободлиги ҳаддидан ошган,  
Ўзбекистон марказига ярашган,  
Кўрмаганлар кўрса, ақли шошган,  
Хўп қидириб, обдон билгали келдим.

Партиямиз бош раҳбари, улуғи,  
Жазб этади унинг ҳар бир қилиғи,  
Шундадир ҳақиқат, сўзнинг илиғи,  
Тўғри йўлни кўпроқ билгали келдим.

Ҳар ким келса, бундан шод бўлиб кетар,  
Сил бўлса, ўпкасин яраси битар,  
Қари келиб кўрса, шаксиз, ёш этар,  
Ёш йигитдек даврон сургали келдим.

Советларни Лениндайин эр қурган,  
Бу давлатни эр Лениндай шер берган,  
Бу гулшаннинг кайфин сизман биз сурган,  
Шу хушчақчақни дoston қилгали келдим.

#### ТОШҚЕНТ ТАЪРИФИДА

Тўрт шоир келди Тошканга<sup>1</sup>,  
Завқи ҳар элдан ошганга,  
Аввал кеп кўрмаган бўлса,  
Кўриб ақли адашганга.

Ҳар қайси ҳар ердан келган,  
Нени кўрса, ибрат олган,  
Пасту баландини кўрса,  
Байт қилиб сўзга солган.

Тошкант ўзбекнинг шаҳари,  
Мудом офтоб баҳори,  
Моварауннаҳр, Фарғонада,  
Балдаларнинг<sup>2</sup> эътибори.

Тошкант эли бўпти обод,  
Нозу неъмат, қанду набот,  
Иморати ҳар нусхадан,  
Яхши уйлар қават-қават.

\* \*

\*

Бир манзил, макондир, хаёлда эмас,  
Ўйласанг, фикр этсанг, кўнгилга кemas,  
Ҳар ким кўрса, билолмагай айтмасанг,  
Қим бўлса айтади: жаҳонда бўмас.

Тўрт шоир келибди, Ҳоди раҳбари,  
Лекин суханварнинг ўзган сарвари,  
Айт деса, кирмас сўзга ҳар бири<sup>3</sup>,  
Ҳар хил байт айт деса, буюрганлари.

Энди ҳар бири янги ғазал ўйлади,  
Уртоқ Ленин сифатини шайлади.  
Ҳар қайсиси бир суханни қувалаб,  
Бир сўз чиқармоққа талаб айлади.

Тошкент обод бўпти, не бир жононлар,  
Одам ҳайрон қолар, катта маконлар,  
Шоир, суханварлар сўзнинг кони-да,  
Энди бошлаб янги усул, дostonлар.

Тошкент обод бўлди, эли шод бўлди,  
Лениннинг даврида кўп обод бўлди.

## ЭШОН

Таъриф қилай эшонимни,  
Оёғида кишанимни,  
Ёлғондан каромат қилиб,  
Ўзбек фақир<sup>1</sup>, эшонимни.

Кўрар кўзга катта эшон,  
«Кашфу кароматда» эшон,  
Назрини кўпроқ берса,  
Вақти хуш, албатта, эшон.

Ҳар ким пулни кўпроқ берса,  
Дуони қип катта эшон,  
Ҳар ким пулни кўп бермаса,  
Қилдим,— дер,— муртадан,— эшон.

Еб-ичгани элнинг моли,  
Хайру саховатда эшон,  
Унумли ер бўла қолса,  
Суратлари катта эшон.

Ҳар ким назрин кўп берса,  
Мақтов билан сифатда эшон,  
Агар биров ўла қолса,  
От, деб кароматда эшон<sup>2</sup>.

Бир одами тузала қолса,  
Уни эшон тузатди деб,  
Куфирман миннатда эшон,  
Эсдан излаб тополмайсан,  
Тентакликда битта эшон.

#### АСОВ ҚИЗЛАР

Асов, асов, асов қизлар,  
Бунча ўзин ясов қизлар.

Биз чақирсак қарамайди,  
Худой урган масов қизлар.

Бизга қиё кўзин солмас,  
Билмам кимман дўсов қизлар.

Қидир<sup>1</sup> десанг, отдай бари,  
Иш буюрсанг, носов<sup>2</sup> қизлар...

## БИР ҲАФТА ХҶП БЎЛДИ ЁГИН

Қишнинг бошида бир ҳафта ёгин ёғиб, ортидан қор бўлиб, совуқ бўлди. Шунда Ғози Олимнинг шоири байт қилиб айтгани:

Бир ҳафта хўп бўлди жовин<sup>1</sup>,  
Музлаб қолди тарвуз-қовун.

Даштда қора уй қилганлар  
Чиритди уйларнинг бовин<sup>2</sup>.

Қовун музлаб таъми қолмай,  
Бемаза бўп мисли совун.

Даштда текис ёгин бўлиб,  
Қорман муз қип баланд товин<sup>3</sup>.

Ҳамма одамни тумов қилди,  
Топмайсан тумовдан совин<sup>4</sup>.

Қундуз ёгин, оқшом қиров,  
Ялтиратиб томнинг новин.

Даштнинг томи бари томчи ---  
Ҳўл қилган бари асбовин.

Қора қурум аралашиб,  
Буюмларнинг тоза жовин<sup>5</sup>.

Қора зокка бўягандай,  
Бўяган ҳамма асбовин.  
Жума кунда қор жовиб<sup>6</sup>,  
Ёгиннинг орқаси совиб.

Совуқ келди қаҳри билан,  
Усти юқаларни товиб<sup>7</sup>.

Ҳамма одам бўлди тумов,  
Кўп совуқ еб усти жамов<sup>8</sup>.

Эл ҳали совуққа бўш-да,  
Тумов эмас, одам камов.

Қор учқунлаб бўлди совуқ,  
Ҳамма уйнинг эшиги жовуқ<sup>9</sup>.

Совуқ билан ерлар музлаб,  
Куни ўтмай қарға, товуқ.

Қора одам совуққа чидар,  
Сариқ одам совуққа жавуқ<sup>10</sup>.

#### ҲАЗАЛ, ШЕЪР, ШОИРЛИҚ — БАИТ АЙТМОҚДУР

Во дариғо, дунёси қурсин, экан бул бевафо,  
Бил, вафодорингдурман деб айлагай сонсиз жафо,  
Бир куни ҳасрат билан нолиш этарсан оҳу воҳ,  
Ўзгаларга андак ўлғай, қанча ўтса солу моҳ,  
Ул йигитлик мавсумида умримиз эрди баҳор.

Аста-аста кетди энди жами аъзо қуввати,  
Бил, йигитлик қолмади, кеп қарилиқнинг навбати,  
Афсусу армон билан излар аввалги ҳолати,  
Лекин кўнгил ўзга бўлмас, бул ёшлиқнинг нияти,  
Фикру ўй ўргатар нафс, билимдир эътибор.

Нурота юртида ўтди бир киши булбул бўлиб,  
Жами шонрлар ичинда бир атоқли гул бўлиб,



Ҳамма одам орзувда суҳбатида қул бўлиб,  
Шеърининг орқасидан ичмагу емак мўл бўлиб,  
Ҳар не топиб камбағаллар элига айлаб нисор.

Ҳар қаерга борсалар, ул иззату икромии кўп,  
Уйларига кимки келса, ҳар туслидан анжоми кўп,  
Хоҳ фуқаро, хоҳ умаро, шеър айтса, одами кўп,  
Ким эшитса. достонини, офарин дер номи кўп,  
Хоҳ бек, хоҳ элу халқ—ҳамма айтар: булбулча бор.

### ТАЖНИСЛИ ТҮРТЛИКЛАР

Қизиқ бўлди тўй энди,  
Тўйдан жуда тўй энди,  
Дехқоннинг кетди мазаси,  
Чорвадор жуда тўйинди!

Тоғнинг адири ўради,  
Ўрага қўйлар ўради,  
Уч тол қилиб санамлар  
Чочини майда ўради.

Қизариб пишган олмади,  
Олмадан нега олмади?!  
Олмагани хўп бўпти,  
Энди келса олма ди (де).

Пиширдингми мурути,  
Ўсибди, олдир мурути,  
Сўфи дейсан боғбонни,  
Қайси эшоннинг мурути?!

Минибди отнинг қорасин,  
Кўрсатмади қорасин,

Кўринибди кўзига,  
Бизларга ҳам қарасин.

Битирдингми довини,  
Оп ке қоқмоннинг довини,  
Қолдирмай гардкам ур энди,  
Олдига қўйган довини.

Қозоқ<sup>2</sup> онгни отади,  
Онг ҳам ўзини отади,  
Қозоқда ихлос кўп ҳали  
Эшонга қўйин отади<sup>3</sup>.



Кўлингдан келганча чиқар яхши от,  
Яхшилик қил, болам, ёмонликни от,  
Насиҳатим ёд қилиб ол, ёлғизим,  
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас яхши от<sup>4</sup>.

## УСТОЗЛАР БИСОТИДАН

### ТИЛЛА КАМПИР ШЕЪРИ

Куйдирги мени куйдирди,  
Кўзимнинг ёшин қуйдирди,  
Қаддимни ёйдай ийдирди,  
Эли-халқимни жийдирди,  
Кўкдан кийим кийдирди<sup>1</sup>.



## СУЛТОН ҚАМПИРНИНГ ҚОЗОҚ ОҚИНИ БИЛАН АЙТИШУВИ

Қозоқ оқини:

Сендан савол сўрайман турган зайип,  
Ўси турган товларинг неча жасар?

Султон кампир:

Худойимнинг ишин кўр,  
Фалакнинг гардишин кўр,  
Мен билмайман ёшини,  
Оғзин очиб, тишин кўр!<sup>2</sup>

\* \* \*

### ЖУМАНБУЛБУЛ ШЕЪРЛАРИДАН МИЛТИҚБОЙ ҲАЖВИ

Агар туя бўлганда жўнг бўларинг,  
Отдан кейин эшакман тенг бўларинг,  
Қантар оғмай хариш бўп ағнаб ётиб,  
Қарға билан қузғунга ем бўларинг.

Агар йилқи бўлганда ўтмас эдинг,  
Баҳонг қирқ беш-элликка етмас эдинг,  
Ҳар ким олса ўзингни, айниб бериб,  
Чир айланиб овулдан кетмас эдинг<sup>3</sup>...

### ЕМОН ТУРКМАН

Ёмон туркман элга келдим,  
Энди ўлар ерга келдим;  
Қамбағалдан бойи ёмон,  
Отга топилмайди сомон<sup>4</sup>.

\* \*  
\*

### ҚУЛСАМАД БАХШИНИНГ СЎЗИДАН

Ош қил десам, суюқ қилар,  
Нон қил десам, куюқ қилар,  
Қобогини уюб қилар,  
Қуйдим хотиннинг дастидан,  
Ёндим хотиннинг дастидан.

Икки хотин ош пиширар,  
Пиширмай хомлай туширар,  
Ичсанг қорнингни шиширар,  
Қуйдим хотиннинг дастидан,  
Ёндим хотиннинг дастидан<sup>5</sup>.

\* \*  
\*

### РАСУЛ БАХШИНИНГ СЎЗИ

Беданани учириб етолмаган,  
Йўлин топиб элига кетолмаган,  
Шу хўжанинг ишига танг қоламан,  
Қунига эт еса ҳам эт олмаган<sup>6</sup>.

\* \*  
\*

### АМИН БАХШИ ШЕЪРЛАРИДАН

Бахши бор деб келдингларми,  
Шоирлигим билдингларми,  
Уй эгасин аҳволи шул,  
Жами меҳмон ўлдингларми?!<sup>7</sup>

\* \*  
\*

Қалмоқ әди қалмоқларнинг қаҳари,  
Юзида кўп әди ори, заҳари,  
Битта қалмоқ келиб кирди курашга,  
Ҳар изига кетар ботмон баҳори,  
Бир кичик пой полвон келди курашга.

Қалмоқ әди қалмоқларнинг тетиги,  
Ўзи расо әди, гапга етуги,  
Битта қалмоқ келиб кирди курашга,  
Тўқсон норнинг терисидан этиги,  
Шўл этигин олиб келди курашга.

Қалмоқ әди қалмоқларнинг ройиши,  
Ул ўлган сўнг кўп бўлади койиши,  
Битта қалмоқ келиб кирди курашга,  
Тўқсон норнинг терисидан ковуши,  
Шу ковушин кийиб келди курашга.

\* \*  
\*

Бек Алпомиш етти ёшда эр етган,  
Қопирга<sup>8</sup> қаратиб тўқсон тоғ отган,  
Қалмоқман Фарангни динга қаратган,  
Зўрликлари тилда лак девча бордир.

У ёғи Шакаман, бу ёғи Шунқор,  
Ўттиз тоғдан бирдан ирғир Бойчибор,  
Мени олсанг, қалмоқлар, чоқла ҳолингни,  
Шунингдай зўрабор, полвон эрим бор<sup>9</sup>.

\* \*  
\*

Ариқ тубинда андиз,  
Дарё тубинда қундуз,  
Тоғларни осмонга отинг,  
Тутдай тўкилсин юлдуз<sup>10</sup>.

ЭРГАШ ШОИР УЎИ, ОТАСИ, ЕЗГАН ВА ЕЗДИРГАН  
ДОСТОНЛАРИ, СЎЗ САНЪАТИ ҲАҚИДА

Суханвар ҳам айта берса,  
Гапи кетмасин кўпайиб.

Бўлак сўзни айтибсан, деб  
Мулла Ҳоди юрса койиб.

Энди байтни қўяйик,  
Кетмасин гап кўп бўп бойиб.

Утган катта шоирларга  
Гап айтмоққа менман нойиб.

Гапни қўзғасанг чиқад-да,  
Турма-да бекор ҳурпайиб.

Билиб туриб айтмай кетсанг,  
Шоирликда у ҳам айиб.

Қариганда кўп дostonни  
Мен юбордим элга ёйиб:

Аввал «Холбека» ни<sup>1</sup> айтдим,  
Менинг устозим кўр Ғойиб<sup>2</sup>.

«Якка Аҳмад» ман «Хушкелди»ни  
Битиб бердим хатга ёйиб.

«Қундуз-Юлдуз», «Равшанхон»ни,  
«Ҳасанхонман Далли» зайиб.

«Қизжипак»ни ўлан қилдим,  
Қолмасин қозоқ анғқайиб.

«Алибекман Болибек»ни,  
Сўнг айтдим сўзим кўпайиб.

Гўрўғлибек лашкар билан  
Қиримга кетди қанғқайиб<sup>3</sup>.

Шу дostonни тамом қилсам,  
Уқиган қолар ажойиб.

Ҳукуматга битиб берсам,  
Юборсалар юртга ёйиб.

Ўлган кунни оти ўчар,  
Сўзим қолса мендан нойиб.

Эшитганлар дуо қилса,  
Мўмин бўлса қўлин ёйиб.

Менинг сўзим бир бўлакдир,  
Бошқа сўзга кетар ҳайиб.

Одамдан яхши от қолса,  
Арвоҳи юрмас сарғайиб.

Менинг отим мулла Эргаш,  
Ким экан деб юрма койиб.

Отам оти Жуманбулбул,  
Жами сўзга экан сойиб<sup>4</sup>.

\* \*  
\*

«Яхши сўзман илон индан чиқади,  
Ёмон сўзман одам диндан чиқади»,  
Сўз бир гавҳар ҳар кимсада бўлмайди,  
Яхши сўз, ёронлар, кимдан чиқади<sup>5</sup>.

Яхши сўз ҳар кимга таъсир қилади,  
Ёмоннинг сўзи бетаъсир бўлади,  
Тили борнинг сўзи бор-да, ёронлар,  
Ҳар ким ўз ҳолича сўзни билади.

Сўз деган бир қимматбаҳо гавҳардир,  
Сўзни фарқ қилмаган дўстлар, бекордир,  
Асли билса, суҳанварнинг фарқи кўп,  
Қим айтади: «Ҳамма сўз баробардир».

Оқиллар айирар сўзнинг фарқини,  
Баробар қилмабди ҳар мол нарҳини,  
Ўзбекларда сўзга синчи кўп бўлар,  
Гап билан айиринг ўзбек халқини<sup>6</sup>.

Ўз ўйида шоир, неча нодонлар<sup>7</sup>,  
Ўзи гапни билмаган суҳандонлар,  
Шоирлик шундай-да, дейди, сўзлайди,  
Суҳанни ўхшатиб ерга урганлар.

Яхши сўзни ёмон қилиб юрибди,  
Дона сўзни сомон қилиб юрибди.



Иззатли, ҳурматли, улуғ эрларни,  
Хўр қип, юзин туман қилиб юрибди.

Шодлик ердá олиб келиб хўрликни,  
Сўзнинг барин сарсон қилиб юрибди.

От кўтариб ўтган улуғ эрларни,  
Билмагандан ёмон қилиб юрибди.

Эл ичида калта-калта матални,  
Ямаштириб, дoston қилиб юрибди.

Бошласа, ортини йиғиб ололмай,  
Жамлай олмай вайрон қилиб юрибди.

Ўйлаб турсанг, не шоирлар ўтибди,<sup>8</sup>  
Ўз вақтида гапни шайлаб кетибди,  
Бир йўл қилиб<sup>9</sup> сўнгги қолган шоирга  
Жўниктириб<sup>10</sup>, йўл қип тайлаб кетибди.

У йўлни ҳам бу шоирлар қўйибди,  
Ҳеч йўриғи йўқ бир сўзни суюбди.  
Байт ҳам йўқ, сухан ҳам йўқ, йўл ҳам йўқ,  
Сандириб отини дoston қўйибди.

Бундай сўзга ўзбек қулоқ солмайди,  
Ўн дostonин бир тийинга олмайди;  
Бақирганман, сўзлаганман, чўзма, деб,  
Бир йил тинмай айтса, писанд қилмайди.

Қандай элга ёқсин айтган сўзлари,  
Яхши сўзни бошдан сира билмайди,  
Халқ доно<sup>11</sup>, айирар сўзнинг фарқини,  
У билган дostonга<sup>12</sup> тўғри келмайди<sup>13</sup>.

Бу ёмон шоирлар дим ўхшатолмас,  
Айтганда ҳам тўртдан бирин айтолмас,  
Қандай айтсин, бошин ўзи билмаса,  
Югрукман, дер, шоирларга етолмас.

Яхши шоир элни йиғар, тарқатмас,  
Эр йигитнинг ошига оғу қотмас,  
«Яхшидан от, ёмондан дод», ёронлар,  
Яхшиликдан ўзга сўзларни айтмас.

Ёмон шоир марднинг қаддини букар,  
Бир сўз билан номус-орини тўкар,  
Қим яхши, ким ёмон, билмаса қийин,  
Ёмонни таърифлаб, яхшини сўкар.

Шундай суханчига қулоқ солмагин,  
«Вақтинг—бахтинг», бекор қуруқ қолмагин,  
«Билмадинг-ку, дoston айтма, уят!» — де,  
Сўзда маъно бўлса, эшит, толмагин<sup>14</sup>.

\* \*  
\*

Жуманбулбул эрур отамнинг оти,  
Жўш элинда қоракиса элати.

Шоирлик расм бўл ўтган уларга,  
Шоир ўтган неча хешу авлоди.

Шоирлик қип ўзи тирик юрганда,  
Ер юзинда шоирларнинг устоди.

Мен шундай бир суханварнинг улиман,  
Муҳаммадга уммат, ҳақнинг қулиман,

Шу сўзларни билганимча сўйладим,  
Достон айтдим мен шўларнинг йўлиман.

Ҳолим етганича шуни сўйладим,  
Пайшанба кун тушда тамом айладим,  
Катта шоирларнинг йўли достоним,  
Бағларини мен ўзимдан бойладим.

Беустод ҳеч нарса, дўстлар, йўл олмас,  
Йўл олса ҳам, элга эътибор бўлмас,  
Ахир қолар ўз олдига уялиб,  
Элга таъсир қилмас, асл йўл эмас<sup>15</sup>.

\* \*  
\*

Шунча сўзни айтиб бўлдим,  
Бир нечани ёзиб бўлдим.

Бу достонни тамом қилиб,  
Ўзим гапни эзиб бўлдим.

Мен ҳам шоир бўлдим-ку, деб  
Неча ерин бузиб бўлдим.

Ўрлашмоққа зўрлик қилдим,  
Аччиғим келиб, қизиб қўйдим.

Меникини айб этмангиз,  
Оёғига чизиб қўйдим.

Айтмас эдим бу сўзларни,  
У ёқ-бу ёқ кезиб қўйдим.

Қандай қилдим урушларни,  
Гоҳ ердагин узиб қўйдим.

Нуротади вилоятим,  
Жўш кантида мамлакатим.

Қоракисадир уруғим,  
Мулла Эргаш менинг отим.

Шоирликда сўзга деҳқон,  
Чечан бўп ўтган авлодим.

Ҳар юртда сўзин ўтқарган —  
Зотимда қабат-қабатим.

Жумандир отамнинг оти,  
Лақаби булбул сифати.

Ҳаммалари шоир ўтган—  
Етти пуштиман авлоди.

Ҳамма шоир шундан чиққан,  
Жами шоирнинг устоди.

Сўрасанг, ҳар ким билади,  
Эли-юртга маълум оти.

Жўш юртида ўтган ўзи,  
Аслин сўрсанг туркман зоти.

Ўқисанг, мазза қиларсан,  
Шоирзоданинг абёти.

Сўзимни ўқисанг қоғоз бетида,  
Бир минг тўққиз юз йигирма еттида,

Тамом қилдим шу дostonни мен ўзим,  
Тарихини айтсам январь тўртида.  
Шу кунда тамом қилдим дostonни,  
Қичаб етдим-да қирқларнинг юртида.

Одамга қўшилмай битиб панада,  
Қирқнинг қишлоғида, Каптархонада,  
Қайси вақтда битган экан демасин,  
Битганимни айтиб қўйдим санада.

Бегона эмасди, қирқандир ўзи,  
Шу дostonнинг кўпи Исанинг сўзи<sup>16</sup>,  
Маорифга хизмат қилиб жониман,  
Уруғи бўлди қирқман юзи.

Шу сўз билан тамом қилдим дostonди,  
Ўқиганга бу дoston гулистонди (р),  
Ўқиғувчи ўртоқларга салом, деб,  
Кезиб кўрса, бу сўзим бир бўстонди (р).

Шунинг билан тамом қилдим сўзимни,  
Сўзим билан қабул қилсин ўзимни,  
Ҳукумат ҳам қабул қилар дейман-да,  
Топганимни айтиб, кўпи-озимни.

Бу сўзни айтмоқ эп бўлди,  
Достонимиз соп бўлди,  
Келиб қолиб бир неча сўз,  
Кела-кела бир тўп бўлди.

Ана шуйтиб бу дostonни тамом қилиб, қолама сўзини  
эндиги дostonда эшитасизлар, деб ўртоқ ўқувчиларни-  
миздан сўраб қоламан. 1927 йилнинг 4 январинда Мул-  
ла Эргаш Жуманбулбул ўғлининг оғзидан эшитиб ёзил-

ди, деб Маориф сўз йиғновчиси Муҳаммад Иса Эри-  
зар ўғли.

Шоирларнинг сўзи шул-да,  
Чин қизиқнинг ўзи шул-да,  
Биз ҳам қўриб келибмизми,  
Эскиларнинг изи шул-да.

Биз қиссани тамом қилдик,  
Сўзни омон-омон қилдик,  
Эскилар сўзин бузолмай,  
Неча ерин ёмон қилдик<sup>17</sup>.

\* \*  
■

Бир дostonдан бошлайик,  
Вақтимизни хушлайик.

Бекор қараб ётганча,  
Маорифга ишлайик.

Қўрганнинг кетсин ғуссаси,  
«Қизжипак» дан бошлаик.

Қизигин ҳаддан ошириб,  
Жуда ўхшатиб ташлайик.

Эшитган ўртоқ барининг  
Вақтини хуш қип ташлайик.

Мана турган Жўш элда,  
Егани семиз гўш элда,  
Ғамдан изласанг топмайсан,  
Димоғи доим хуш элда.

Жуман бахшининг боласи,  
Шоирларнинг доноси,  
«Қизжипак»ни бошлади,  
Тилида ҳақнинг саноси.

Қоракиса уруви,  
Сўзининг йўқдир буруви,  
Сўзга жуда деҳқондир,  
Бўлмайди соб бўп туруви.

Қишлоғи Қўрғон овули,  
Айтилар гапнинг қобили,  
«Қизжипак» гапнинг қизиғи,  
Қоқилар сўзнинг добили.

Бир кунлари қараб қолса,  
Қисса бўпти бу «Жипак»<sup>18</sup>.  
Қизиғи йўқ сўзлари,  
Гапининг бари бузиқ.

Йўқ экан сўзин тузлари,  
Ўқиб кўрсак қиссасин,  
Изласак йўқ излари,  
Шу қиссани чиқарган,  
Қозоқига тушунмай,  
Нўғаймикан ўзлари.

Ўлан шундай бўлами,  
Шуйтиб ҳам қисса қилами,  
Сўзни юбориб далага  
Кулгисиз мажлис бўлами?!

Бошқа сўзни қўяйик,  
Суханни кимдан аяйик.

«Қизжипак»нинг ўланин,  
Қайтадан яхши юяйик.

«Қизжипак»дан сўз бошлаб,  
Қизигига тўяйик.  
Паловни бошқа қилар-да,  
Бир товуқни сўяйик,  
Гаштак бўлмай қайтайик,  
Бу ёғини чоқлаб қўяйик...

Муҳаммад Иса мирзаси,  
Мирзаларнинг тозаси,  
«Қизжипак»ни мен айтай,  
Қандай бўлар мазаси.

Ҳар нинга<sup>19</sup> ўлан бўлами,  
Шунга ҳам кўнгил тўлами,  
Қиссани билмай айтганлар,  
Қизиги четда қолами?!

«Қизжипак»нинг нухасин,  
Қизиқ қип айтай қиссасин,  
Ҳар нима ҳам ўланми,  
Тошиб битсин-да устасин.

Мен бир ўлан айтайин,  
Тинмай қизоқлар истасин,  
Китоб сотқич ўртоқни  
Тошиб бер деб қистасин.

Мен ҳам бировин олай деб,  
Улар ҳам тинмай истасин.  
Пули етмай қолгани,  
Сирмаслаб юрсин киссасин...



Шоир энди буйтмасин,  
Гап бошқага кетмасин,  
«Қизжипак»нинг ўлани  
Кейин қолиб кетмасин,  
Мен бир ўлан айттайин,  
Ҳеч бир ўлан етмасин.

Сўзингни айтсанг жиловлаб,  
Сўзимни улар йўлласин,  
Оз сўзимни мўлласин...<sup>20</sup>

\* \*  
\*

Бир минг тўққиз юз йигирма еттинчи йилида,  
Апрелнинг йигирма саккизинчи кунда,  
Тамом топди шу қисса чоршанба кун чаштгоҳда,  
Қирқнинг элида, Жумановнинг қўлида.

Битилди шу қисса Қирқнинг элинда,  
Тамом топди Жумановнинг қўлинда,  
Эли-халққа бир ҳангама бўлсин деб,  
Қўли билан битган, айтган тилинда.

Шу дostonим «Қизжипак»нинг қиссаси,  
Ўқиган одамнинг кетар ғуссаси,  
Ками-кўстин, дўстлар, қуйдим ўзимдан,  
Шуни айтган ҳам эди гапнинг устаси.

«Қизжипак»ни катта қисса айлади,  
Қўлман битди, ўз тилиман сўйлади,  
Аввалги қиссасин кўриб, хоҳламай,  
Сўзман либос кийдирди-да, шайлади.

Аввалда, ўртада, сўнгман бўлган гапларни  
Қолдирмасдан бир-бир баён айлади.

Бир сўз тушса устасининг қўлига,  
Яхши қип келтирар ширин тилига,  
Беками-кўст, яхши қилиб чиқарар,  
Қизиқ қип ўқитар мажлис элига.

Катта қисса тушса билмас қўлига,  
Улоқтирар уни сўзнинг йўлига,  
Элга не сўз хуш келарин билмайин,  
Сандираб, не келса айтиб тилига.

Ҳар кимнинг тили бор, бир сўз айтади,  
Яхши сўз одамга таъсир этади,  
Яхши сўз одамнинг бўлмай хаёлин,  
Алаф бўлмайин дўстлар эшитса,  
Юракнинг қайғуман занги кетади.

Асл сўз бўшатар, билсанг, одамни,  
Қанча маҳкам бўлса, сўз бўшатади,  
Сўзни фарқ қилмоқлик оқиднинг иши,  
Билмаган барини бир деб кетади.  
Яхши сўзнинг яхши билар қадрини,  
Ёмон сўзман, дўстлар, қайси иш битади?!

Яхши сўзман илон индан чиқади,  
Ёмон сўзман одам диндан чиқади,  
Яхши сўзнинг қадри ҳам йўқ, тенги йўқ,  
Ундай сўз, ёронлар, камдан чиқади.

Ёмонлар сўзни ҳам ёмон қилади,  
Яхшиларнинг юзин тўман қилади,  
Яхшиларнинг қадрин яхши билади,  
Ёмонлар ўзидан кам ҳам қилади.

Ул ўзи билмаса иззат-ҳурматни,  
Қиммат баҳосини арзон қилади,  
Ўз кўнглида сўзни мен ўхшатдим деб,  
Айтаётган сўзин вайрон қилади.

Бир яхши беобрў бўлса бир ерда,  
Уни эшитган халқ пушмон қилади,  
Бир яхшининг иши бўлса ривождор,  
Эшитганнинг кўнглин хурсанд қилади.

Яхши сўз одамга таъсир этади,  
Эшитмоққа элат жонин сотади,  
Айтган сайин сўзи ёқса, ёронлар,  
Катта-кичик — бари қулоқ тутади.

Ёмон сўз одамга таъсир қилмайди,  
Ким эшитса, таёқдай бўп қотади.  
Айтиб-айтиб қола берар айтувчи,  
Туришиб одамлар ташлаб кетади.  
Шундай фарқи бўлса сўзнинг, ёронлар,  
Яхшига ёмон қай вақтда этади?!

Ҳар нарсадан сухан қиммат, ёронлар,  
Яхши сўзни қилинг ҳурмат, ёронлар.

Вақтингизнинг қадрин билиб ўтказинг,  
Баридан шу дам ғанимат, ёронлар.

Бу дунёда ширин, дўстлар, тириклик,  
Ўз тенгийиз билан суҳбат, ёронлар.

Яхшига ёнашиб одам айиринг,  
Ҳар нокасга бўлманг улфат, ёронлар.

Яхшиман ёмонни сўзман билади,  
Тилдан чиқар дилда ният, ёронлар...

Ёмон ниятини шундан билмаклик,  
Ёмон ишни кўп қилар бод, ёронлар.

Бўлмаса баъзи сирини айтмайди,  
Шунингман қилса фаросат, ёронлар.

Ўзи ёмон яхшини ҳам ёмон, дер,  
Яхши дам этолмайди рад, ёронлар.

Энди жиров ўзин айтар,  
Шу вақтгача сўзин айтди,  
«Қизжипак»ни баён айлаб,  
Бўлган кўпу озин айтди.

Ўзига боп сўздан топиб,  
Гапнинг жуда созин айтди,  
Оро бериб, боб-боблаб,  
Сирлибойнинг қизин айтди.

Мулла Эргаш дер отимни,  
Чечан дер асли зотимни,  
Ўтган туркманнинг элида,  
Жўш кент дер элатимни.

Етти пуштим чечан ўтган,  
Бари ҳам гапни ўхшатган.

Шў замонда чечанларга,  
Устод бўлиб гап уйратган.

Келиб-келиб отамизга,  
Чечанлик навбати етган.

Сўзи, сози, довушларин  
Худойим баробар этган.

Булбул атанган юртида,  
Овозаси узаб кетган.

Ҳар ким кўрса бир айтганин,  
Бо кўрсам деб ҳавас этган.

Эътибор топган юртида,  
Жами халқ ҳурмат этган.

Шў замонда чечанларга,  
Устод бўлиб сўз ўргатган.

Жами элга писанд бўлиб,  
Овоза кўтариб ўтган.

Бо бир сўзим келиб қолди,  
Кеп кўндаланг бўлиб қолди,  
Шу «Жипак» қиссаси учун  
Айтмоқ лозим бўлиб қолди.

Шў замонда қозоқ элда,  
Мойлихўжа деган ўтган.

Қозоқ элда чечанлиги  
Кўп овоза бўлиб кетган.

Ҳеч ким чиқмаган тўйларда,  
Сал сўзман енгиб ўтган.

Ҳар тўйда енгган нечани,  
Неча қизман бойбиччани,

Бўлиб чечаннинг чечани,  
Шу Мойлибой бўлиб ўтган.

Ҳар кимга агар енгдирса,  
Қозоқ элдан туркман келиб,  
Кеп Булбулни олиб кетган.

Бу ҳам бориб, бир байтман  
Шу енггани енгиб ўтган.

Хўжа бир кеп обборган йўқ,  
Етти, саккиз, ўнга етган.

Шу «Жипак»нинг қиссасини  
Мойлибойнинг ўғли айтган.

Буни эшитиб, шу қиссага  
Мулла Эргаш талаб этган.

Ундан қолган чаласини  
Жуманов ўхшатиб кетган<sup>21</sup>.

#### АЙТМОҚ ДАРҚОР НАЗАРҚАРДА ЭРЛАРНИ

Пўлат найза сира хор бўп ётарми,  
Темир найза эговласанг ўтарми,  
Назар топган эрлар ўтган вақтинда,  
Мақтовман уларга номард етарми?!<sup>22</sup>

Айтмоқ даркор назарқарда эрларни,  
Вақтинда гуркираб ўтган шерларни,  
Ўзи ўлмайд душман изин босмаган,  
Қўшиндан қайтмаган аждаҳорларни.

Ғазо кунн от анжомин шайлаган,  
Қайда душман бўлса йўлин бойлаган,  
Қанча таъриф қилсанг уни ярашар,  
Бир ўзи қўшинга зўрлик айлаган.

## ҚУНЛАРИМ

(Г ў р ў ғ л и т и л и д а н)

Пайдо бўлдим икки гавҳар донадан,  
Парвоз қилиб учдим манзилхонадан,  
Гўр ичинда пайдо бўлдим энадан,  
Гўр ичинда пайдо бўлган кунларим.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,  
Қулоқ солинг Гўрўғлининг тилига,  
Тўрт ёшимда келиб Рустам<sup>1</sup> қўлига,  
Одамзод ичига келган кунларим.

Армон билан билмаганин билдириб,  
Ҳасрат билан ичин ғамга тўлдириб,  
Бадқирни<sup>2</sup> олти ёшимда ўлдириб,  
Уни ерман яксон қилган кунларим.

Иқбол берсин ҳар бир суйган қулига,  
Куйсин ўлим, ким чидайди ҳилига,  
Ун ёшимда келиб Ёвмит элига,  
Элатнинг ичига келган кунларим.

Ғаним бўлса, зор қақшатиб, жилатиб,  
Хафа қилиб, ғамин ғамга улатиб,  
Райхондан Ғиркўк отим тулатиб,  
Арабга янгасин «берган» кунларим<sup>3</sup>.

Қабул қилдим эранларнинг сўзини,  
Миниб энди Фирқўк асби тозини,  
Райхоннинг Зайдиной отли қизини,  
Қўқбулоқдан олиб қочган кунларим.

Қирқ йигитни Чамбилбелга жийдириб,  
Олтин пиёлага майлар қуйдириб,  
Сарпога силовсин тўнлар кийдириб,  
Чамбилбелда даврон сурган кунларим.

Оҳ дедим, мудромо кўнгилим ўсди,  
Силтадим, қиличим фанимни кесди,  
Кўйи Қофдан олиб келдим Юнусди,  
Қора девман қон тўқишган кунларим.

Дарёда юзганлар кема ҳам солди (р),  
Бедовга ярашган қуйруқ ҳам ёлди (р),  
Боғи Ирамдан олиб келдим Мисқолди,  
Париларман ўйнаб-кулган кунларим.

Фиротим қайтмайди фўнон тобидан,  
Ун тўрт марта ошдим Бало тоғидан,  
Икки пари олдим Кўйи Қофидан,  
Дунёдан бемурод ўтган кунларим.

Қирқ йигитга кўтарганман косамни,  
Қим билади менинг тортган ғуссамни,  
Ваянгандан олиб келиб Ҳасанни,  
Темиршоҳни зор йиғлатган кунларим.

Майдон-майдон Фиротимни елдирдим,  
Фаним бўлса, майда-майда бўлдирдим,  
Бол Авазни Гуржистондан келтириб,  
Хунхоршоҳни зор йиғлатган кунларим.



Чамбилбелни обод қилиб, эл қилиб,  
Қирқ йигитга инъом-эҳсон мўл қилиб,  
Илик бериб, икковини ул қилиб<sup>4</sup>,  
Шул икковин ўғлим деган кунларим.

Майдон бўлса миндим Фиркўк отимни,  
Душманга қўймадим, олдим лотимни,  
Обод қилдим Чамбил вилоятимни,  
То қиёмат ўчирмаслар отимни,  
Отим ўчмас, ҳеч ким айтмас зотимни,  
Дунёдан безурёд кетган кунларим.

Гўрўғли дер мен ҳам сенча бор эдим,  
Бошимни хатабга урган нор эдим,  
Ёшим кетди, Бўзўғлондай қаридим,  
Зимистонда ёққан қордай эридим,  
Ўз вақтимда ҳар на десам, дер эдим,  
Танҳо ўзим катта ёвга доридим,  
Мени билсанг, бир атоқли эр эдим,  
Қаттиқ-қистов кунлар бўлса, шер эдим,  
Қорни чайнаб, музни пурккан кунларим.

Бу гапларни айтди Чамбилнинг шойи,  
Бегилик ёнарми чироқнинг мойи,  
Қариганда бўлиб фарзанд гадойи,  
Бебахра бўлиб парилар ҳамройи,  
Қулоч уриб, қуруқ қолган кунларим.

#### АРМОНИНГ ҚОЛМАСИН

(Г ў р ў ғ л и т и л и д а н)

Аввал бул дунёга келдим,  
Мисли гулдай бўп очилдим,

Душман элда ғариб бўлдим,  
Бўлдим, армоним қолмади,  
Бўлма, армонинг қолмасин.

Тўрт ёшимда Рустам олди,  
Ўғлим, деди, йўлга солди,  
Шоҳнинг ишонч қўли толди<sup>1</sup>,  
Толди, армоним қолмади,  
Толма, армонинг қолмасин.

Олтида Бадкирни йиқдим,  
Қўп душманни ерга тикдим,  
Сўнг юртимга йўлга чиқдим,  
Чиқдим, армоним қолмади,  
Чиқма, армонинг қолмасин.

Ўз элимга бўлдим толиб,  
Элим меҳри бўлди ғолиб,  
Қўр отам ўлди муғойиб,  
Қолдим, армоним қолмади,  
Қолма, армонинг қолмасин.

Райхон араб Ширвон хони,  
Шўл экан элнинг душмани,  
Қўлдан берганман янгани,  
Бердим, армоним қолмади,  
Берма, армонинг қолмасин.

Тулпор боқдим кўлда юриб,  
Машқ қилганман тойни суриб,  
Мен куйганман ўғирлатиб,  
Куйдим, армоним қолмади,  
Куйма, армонинг қолмасин.

Эр атандим олти ёшда,  
Шер атандим ўн тўрт ёшда,  
Кулфат тортдим, ғариб бош-да,  
Тортдим, армоним қолмади,  
Тортма, армонинг қолмасин.

Қатта тоғам Буғра ўлди,  
Юртга ботир лозим бўлди,  
Эл келиб валлами қилди,  
Бўлдим, армоним қолмади,  
Бўлгин, армонинг қолмасин.

Ёвмит-Такага хон бўлиб,  
Биз ўтирдик улкан бўлиб,  
Душман қолди яксон бўлиб,  
Қолди, армоним қолмади,  
Қолма, армонинг қолмасин.

Хитой, Хўтан кезиб юрдим,  
Осмон остини қидирдим,  
Ер юзини бир-бир кўрдим,  
Кўрдим, армоним қолмади,  
Кўргин, армонинг қолмасин.

Утиб кўрдим Ҳиндистонни,  
Эрон ҳам Фарангистонни,  
Кўрдим шаҳри Шабистонни,  
Кездим, армоним қолмади,  
Кезгин, армонинг қолмасин.

Бордим Ирамнинг боғига,  
Чиқдим парилар тоғига,  
Оби ҳаёт булоғига,  
Етдим, армоним қолмади,  
Етгин, армонинг қолмасин.

Сунбул тоғда тойим топдим,  
Миниб ҳар ён қувнаб чопдим,  
Шул эди мақсадим, топдим,  
Топдим, армоним қолмади,  
Топгин, армонинг қолмасин.

Мен миндим Ғиркўк отима,  
Чидамайин ғайратима,  
Зайдинни солиб ортима<sup>2</sup>,  
Қувдим, армоним қолмади,  
Қувгин, армонинг қолмасин.

Майдон-майдон Ғирни елдим,  
Бир ёр дедим, жоним бўлдим,  
Ой Юнусни олиб суйдим,  
Суйдим, армоним қолмади,  
Ердан армоним қолмади,  
Ердан армонинг қолмасин,  
Суйгин, армонинг қолмасин.

Чамбилга қирқ йигит жийиб,  
Мард косасига май қуйиб,  
Ҳа дегандан мингга тейиб,  
Қирдим, армоним қолмади,  
Қиргин, армонинг қолмасин.

Дойим бўлдим жангга толиб,  
Душман бўлса, келдим ғолиб,  
Майдонда қолмадим уялиб,  
Кесдим, армоним қолмади,  
Кесгин, армонинг қолмасин.

Доим кирдим мен савашга,  
Ўн тўрт дуч келдим Бектошга<sup>3</sup>,

Қочди бас келмай талашга,  
Қувдим, армоним қолмади,  
Қувгин, армонинг қолмасин.

Майдон бўлса, отим елдим,  
Ғаним бўлса, саваш қилдим,  
Исфиҳоннинг подшосини,  
Тахти билан икки бўлдим.  
Бўлдим, армоним қолмади,  
Бўлгин, армонинг қолмасин.

Бало тоғдан ўрлаб ошдим,  
Оловдай бўлиб туташдим,  
Лак-лак девга отим суриб,  
Қора девман<sup>4</sup> қон тўкишдим,  
Тўкдим, армоним қолмади,  
Тўккин, армонинг қолмасин.

Эшитинг Гўрўғли сўзин,  
Ҳар ерда маълум қип ўзин,  
Қириб-жўйиб кўп лашкарни,  
Уйдим Тўхтамишнинг<sup>5</sup> кўзин,  
Уйдим, армоним қолмади,  
Уйгин, армонинг қолмасин.

Душман кўрсам, ғазо дедим,  
Ёвни қирмоқ маза дедим,  
Лашкар тортиб келган ғаним,  
Биздан бўлсин изза дедим,  
Дедим, армоним қолмади,  
Дегин, армонинг қолмасин.

Добил туйдим таққа-таққа,  
Овозам кетди ҳар ёққа,

Менга дучор бўлган душман,  
Бўзлаб қочди келган ёққа,  
Кесдим, армоним қолмади,  
Кесгин, армонинг қолмасин.

Чамбилбелда даврон сурдим,  
Майдон бўлса, танти турдим,  
Чамбил элга қўшин тортган  
Евнинг бир-бир додин бердим,  
Бердим, армоним қолмади,  
Бергин, армонинг қолмасин.

Эл қидирдим, ҳадсиз юрдим,  
Элни тўғри йўлга бурдим,  
Эр Гўрўғли атанган сўнг,  
Қўп қўшинни танҳо урдим,  
Урдим, армоним қолмади,  
Ургин, армонинг қолмасин.

Мен Чамбилнинг валламати,  
Бул жаҳонда қолди оти,  
Юртга душман кўз олартса,  
Қараб турмас йигит марди,  
Донгдан армоним қолмади,  
Донгдан армонинг қолмасин.

Бўлдим Чамбилнинг сардори,  
Ғазода чилланинг нори,  
Менинг билан саваш қилган  
Подшоларнинг қўрқди бари,  
Урдим, армоним қолмади,  
Қўйма, армонинг қолмасин.

Овозам кетди ҳар ёнга,  
Танҳо тегдим кўп душманга,

Чамбилбелни обод қилдим,  
Эл меҳрини қўйди менга,  
Кўрдим, армоним қолмади,  
Кўргин, армонинг қолмасин.

Чамбилбелга қирқ йигит жийдим,  
Ойдин кўлга добил туйдим,  
Сўна, суқсур билан боқиб,  
Сув ўрнига боллар қуйдим,  
Қуйдим, армоним қолмади,  
Қуйгин, армонинг қолмасин.

Фиркўк отнинг тулпори,  
Тенг бўлмас тулпорнинг бари,  
Оғир кунда жангга солдим,  
Қойил бўлган ёшу қари,  
Миндим, армоним қолмади,  
Мингин, армонинг қолмасин.

Тулпор отлар қушдан зиёд,  
Туёқлари тошдан зиёд,  
Ёвни қувсанг, баҳринг очар,  
Ботирлик ҳар ишдан зиёд,  
Чопдим, армоним қолмади,  
Чопгин, армонинг қолмасин.

Менинг отим мардга мурод,  
Шуйтиб оти бўлган Фирот,  
Оғир кунда қамчи боссанг,  
Оламда йўқ бундай зўр от,  
Отдан армоним қолмади,  
Отдан армонинг қолмасин.

Отим югрук, ўзим ботир,  
Зарбим душманни титратир,  
Мард бўлганнинг касби шул-да,  
Ғазода ғаним қийратир,  
Қирдим, армоним қолмади,  
Қиргин, армонинг қолмасин.

Ғиркўкимни ҳар ён чопдим,  
Доим излаб майдон топдим,  
Қабатимда эр йигитлар,  
Қирқ эрга тилла тўн ёпдим,  
Ёпдим, армоним қолмади,  
Ёпгин, армонинг қолмасин.

Чамбилимни қилдим обод,  
Бердим доим қанду набот,  
Ўзбек, туркман барин йиғиб,  
Сарпо ёпдим қабат-қабат,  
Элдан армоним қолмади,  
Халқдан армонинг қолмасин.

Ғиротим менинг муродим,  
Ҳам давлатим, ҳам зурётим,  
Униб-ўсган эна юртим,  
Чамбилбелим, вилоятим,  
Сенда армоним қолмади,  
Сенинг армонинг қолмасин.

Қирқ азамат менинг жўрам,  
Ўғлим Аваз, Ҳасан тўрам,  
Кокилингдан айланайин,  
Икки пари Боғи Ирам,  
Суйдим, армоним қолмади,  
Суйгин, армонинг қолмасин.



## ГУРУҒЛИ

Бек Гўрўғли валламат,  
Ёнинда кўп азамат,  
Ёв деганда ясанган,  
Душманни қип тоза мот.

Гўрўғлибек полвондир,  
Ўзи соҳибқирондир,  
Ўз замони — шў вақтда  
Бир атоқли арслондир.

Эрлик қилди эрларга,  
Шерлик қилди шерларга,  
Ҳар ким қойил шўл вақтда  
Шундай баҳодирларга.

Така-Ёвмит элати,  
Тоғни босиб ҳайбати,  
Ҳавас қилган ҳар бир эл,  
Чамбилнинг мамлакати.

От ёлини тараган,  
Элга жуда қараган,  
Подшоларни қўрқитиб,  
Ёвда хўб ҳам яраган.

Юртга солиб овоза,  
Мот бўп душман—бемаза,  
Ҳамма қойил шў вақтда  
Гўрўғлидай шаҳбоза.

Овозасин оширган,  
Душманини шоширган,

Менман деган подшолар  
Оёғига бош урган.

Зўрлигини ўтказган,  
Оғир ишни битказган,  
Чамбилни обод қилиб,  
Донгғин юртга кетказган.

Қойил қилиб элларни,  
Текис қилиб йўлларни,  
Чамбилни гулдай қилган,  
Сув чиқариб чўлларни.

Кўрсанг Чамбил эрлари,  
Бари йигитнинг нори,  
Оғир ишга яраган,  
Мингга тегар ҳар бири.

Гўрўғлининг навқари,  
Бари эрнинг эрлари,  
Девни кўкка отгандир,  
Чамбилнинг арслонлари.

Душман қойил ўзига,  
Қарай олмас юзига,  
Асло душман юролмас,  
Гўрўғлининг изига.

\* \* \*

\*

Бек Гўрўғли нор эди,  
Чамбилга сардор эди.

Шў замонда, шў вақтда,  
Қанча десанг бор эди.

Қабатида қирқ йигит,  
Қирқта аждаҳор эди.

Шўл вақтда булардан,  
Ҳар подшо қўрқар эди.

Қирқ йигити савашда  
Мингга баробар эди.

Ҳар иш қилса Гўрўғли,  
Эли-халқи ёр эди,

Шул сабабдан Гўрўғли,  
Душманнга дориди.

Ечга олмай подшолар,  
Ахир ўзи ҳориди.

\* \*  
\*

Қирқ йигитга сардор эди Гўрўғли,  
Шундан жуда Хайбар эди Гўрўғли.

Ер юзида қанча бўлса эр ҳам шер,  
Мақтовга шунча бор эди Гўрўғли.

Халқ йўлида ростлик — тўғри иш бўлса.  
Жон билан харидор эди Гўрўғли.

Туркманда, ўзбекда, қозоқ, қирғизда,  
Эл суйган бир номдор эди Гўрўғли.

Тўғрини суярди, эрига душман,  
Золимларга хунхор эди Гўрўғли.

Доим қўриб Така-Евмит элини,  
Эли кўп миннатдор эди Гўрўғли.

Ўз вақтинда Чамбил элга, ёронлар,  
Жуда ҳам жонсипор эди Гўрўғли.

Шул сабабдан ўзбек, туркман эллари  
Жону дилда кўрар эди Гўрўғли.

Юртини қўриди душман эллардан,  
Евлар келса, тайёр эди Гўрўғли.

Ўз вақтида не жафодор шоҳларни  
Ҳа, деса, қўрқитар эди Гўрўғли,

Халққа душман — Гўрўғлининг душмани.  
Уларни қийратар эди Гўрўғли.

Ўз вақтида менман деган шоҳларни  
Ушлагандан отар эди Гўрўғли.

Элга ғаним қўшин тортиб келганда,  
Шунда жонин сотар эди Гўрўғли.

Ҳар ким менман бўлса — юртга жафокор,  
Уни яксон этар эди Гўрўғли.

Хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ полвон ёв бўлса,  
Пардасини йиртар эди Гўрўғли.

Доим қилди полвонликнинг талашин,  
Халқига жуда ёр эди Гўрўғли.

Чамбилда ўтгандир шундайин бир эр,  
Ажаб яхши шунқор эди Гўрўғли.

## ГҮРҮҒЛИБЕК — ЗҮР БОТИР

Юрган йўли чанг бўлган,  
Қатта йўллар танг бўлган,  
Еган гўшти анг бўлган,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Сири элга фош бўлган,  
Афсонаси чош бўлган,  
Лашкарига бош бўлган,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Йигитлари шиддатли,  
Бари Хайбар ғайратли,  
Душманига ҳайбатли,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Шаҳаншоҳдай савлати,  
Қайсарча бор давлати,  
Юртни босган ҳайбати,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Сардорларнинг сардори,  
Қабатида лашкари,  
Ортида бор кўп обрў,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Адолатли шоҳдайдир,  
Юзи меҳри моҳдайдир,  
Лашкари дарёдайдир,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Лашкарининг сони йўқ,  
Ночор йигит тани йўқ,

Қўшиннинг озгани йўқ,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Йўли гоҳ чўл, тоғ бўлган,  
Меҳрин қўйган боғ бўлган,  
Димоғлари чоғ бўлган,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Меҳри элга кўп зиёд,  
Чамбил эли бўлган шод,  
Душманлари қолган мот,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Ҳар йигити эрдайдир,  
Эр не эмиш, шердайдир,  
Лашкар бари бирдайдир,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Элни кўриб ўйланган,  
Олмос қилич бойланган,  
Душманига шайланган,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Ҳар бир зарби олмосдай,  
Минган оти толмасдай,  
Сирин ҳеч ким билмасдай,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Йигитлари йўлбарсдай,  
Душманга йўл бермасдай,  
Ароққа тўйган мастдай,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Румда кишвар Қайсардай,  
Хайбар элда Антардай,

Бўлиб деви Ҳафтсардай,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Кўп лашкарни бор қилган,  
Мардни эътибор қилган,  
Душманини хор қилган,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Адир ерни йўл қилган,  
Чўлда ариқ, кўл қилган,  
Озиқ-овқат мўл қилган,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Минган отин от қилган,  
Оломонин шод қилган,  
Душманларин мот қилган,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Паст-баландни билмаган,  
Йўлни кўзга илмаган,  
Отин чопган, елмаган,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

Сатта ботир, бўз бола,  
Юрса титрар туз-дала,  
Ёвга яшин ҳам жала,  
Гўрўғлибек — зўр ботир,

Йигитлари хўб ботир,  
Ёвга ҳар бири татир,  
Ёв келса, жонин сотир,  
Гўрўғлибек — зўр ботир.

АРМОНИМ ҚОЛМАДИ  
(А в а з т и л и д а н)

Гардиши каж хафа фалак,  
Сенда армоним қолмади,  
Ерда башар, кўкда малак,  
Сенда армоним қолмади.

Отим чопдим Балқон товга,  
Кўзим тушди буюк зовга  
Ҳовдакка мен бордим овга,  
Бордим, армоним қолмади,

Ҳовдак кўлга қушим чуйдим,  
Қангқиллатиб добил туйдим,  
Ғоз-ўрдакнинг барин уйдим,  
Уйдим, армоним қолмади.

Қушим тақдим жиғовулга,  
Йўлиқмадим қоровулга,  
Чилим сўраб келиб қолдим,  
Олдимдаги бир овулга,  
Келдим, армоним қолмади.

Чилим бермай кўзин сузди,  
Қўп тирра қилди бизди,  
Шунда кўрдим Бўтакўзди,  
Кўрдим, армоним қолмади.

Ҳовдак кўлга эдим овчи,  
Сўнг бостириб қўйдим совчи,  
Қўлимни тўлдириб сочи,  
Туйдим, армоним қолмади.



Совчилар қўрқиб бермади,  
Сардор қизини бермади,  
Бек Сардорнинг қизи экан,  
Бизни ўзига тенг кўрмади,  
Қолдим, армоним қолмади.

Алам қилди туриб-туриб,  
Чамбилнинг юртида юриб,  
Кетдим, бундан араз уриб,  
Кетдим, армоним қолмади.

Миндим отамнинг отини,  
Ёйди жонивор қанотини,  
Кўрдим мен Оқработини,  
Бордим, армоним қолмади,

Шу работда Юлдуз пари,  
Қаватида чилимлари,  
Ярашади зангилари,  
Кўрдим, армоним қолмади.

Бул ҳам чилимин бермади,  
Бизни зангича кўрмади,  
Ой Юлдуз яхши кўрмади,  
Балки бир фасл турмади,  
Қолдим, армоним қолмади.

Юлдуз пари кўкка учди,  
Орқасидан занги тушди,  
Бол Авазнинг кайфи қочди,  
Паридан кўзи адашди,  
Учди, армоним қолмади.

Айтиб кетди пари отин,  
Кўҳи Қоф деб мамлакатин,

Боғ Ирамда деди юртин,  
Баччағар ёйди қанотин,  
Кетди, армоним қолмади.

Юлдуз дедим жондан кечдим,  
Бадбахтнинг чўлига тушдим,  
Неча ерларда адашдим,  
Бир ёр учун куйиб-пишдим,  
Бордим, армоним қолмади.

Қимга айтай қиссасини,  
Едим ёрнинг ғуссасини,  
Шу работда бир чўрининг  
Мен синдирдим косасини,  
Урдим, армоним қолмади.

Уни кўрган бешак қулди(р),  
Юзни кўрсанг мисли гулди(р),  
Ишқида нечов булбулди(р),  
Мен синдириб косасини,  
Шунда кўриб Тўтигулди,  
Бир яхшининг боласи-да,  
Кўрсатди шул тўғри йўлди,  
Юрдим, армоним қолмади.

Кўрдим фусун-фасонани,  
Ақилидан бегонани,  
Неча вақтлар чўлни кезиб,  
Чўлдан топдим девонани,  
Топдим, армоним қолмади.

Баччағар девона қочди,  
Чўнтоқ отга қамчи қўшди,

Шу Ғиркўк ортидан тушли,  
Етолмай йўлда адашди,  
Қолди, армоним қолмади.

Ғирни миниб кўнглим ўсиб,  
Душман бўлса йўлин тўсиб,  
Бир кун излаб топиб олдим,  
Девонанинг бошин кесиб,  
Кесдим, армоним қолмади.

Бойчўнтоқни ўлжа қилиб,  
Девонанинг борин олиб,  
Жанжалкал билан дўст бўлиб,  
Қолдим, армоним қолмади.

Чўнтоқни шу калга бердим,  
Неча вақт Зангарда юрдим,  
Ахир бир кун пойга бордим,  
Бордим, армоним қолмади.

Чопишмоққа эдим толиб,  
Отимни пойгага солиб,  
Армон билан ухлаб қолиб,  
Қолдим, армоним қолмади.

Армонман қолдим кейин,  
Бошдан ўтганин дейин,  
Киши юрти кўп қийин-да,  
Юрдим, армоним қолмади.

Кўп пойгачи орқасидан,  
Тоза тулпор орқасидан,  
Сувдай оққан йўрғасидан,  
Ўтдим, армоним қолмади.

Гиркўк отга жабр этдим,  
Жониворни шунда койитдим,  
Қувиб ҳамма пойгачини,  
Барисидан қистаб ўтдим,  
Ўтдим, армоним қолмади.

Кўпдир Авазнинг армони,  
Ота қилдим Хисрав шоҳни,  
Неча вақтлар от чопишиб,  
Ўзиб олдим шу пойгани,  
Ўздим, армоним қолмади.

Менинг қиссам бир дostonди (р),  
Сен ўқисанг, меҳринг қонди,  
Шуйтиб олдим Қундузжонди,  
Юзлари моҳитобонди,  
Олдим, армоним қолмади.

Зангарда фароғат этиб,  
Дарду ғам улоқиб кетиб,  
Қундуз билан суҳбат этиб,  
Қайтдим Қундузни узатиб,  
Қайтдим, армоним қолмади.

Гап гапиргин ақли совга<sup>1</sup>,  
Қўрқоқ билан борма ёвга,  
Қундузжон йўлга ҳормас,  
Келдик бир кун Олатовга,  
Келдим, армоним қолмади.

Гапимга ҳар ким тушинди,  
Ботирлар ёвда ишинди<sup>2</sup>,  
Келиб эдим Олатовга,  
Кўрдим ададсиз қўшинди,  
Кўрдим, армоним қолмади.

Таққа-таққа добил туйиб,  
Кўп кўшинга ёлғиз тейиб,  
Зўрнинг тўбасини ўйиб,  
Бир бошидан юрдим сўйиб.  
Сувсаб эдим, қонга тўйиб,  
Осдим, армоним қолмади.

Бир тарафсиз полвон эдим,  
Элдан ҳайиқмас арслон эдим,  
Аввал Қундузнинг тўйида  
Тақдиримда катта сўзлаб,  
Шу урушда яра едим,  
Ётдим, армоним қолмади.

Тандирдай бўп кетган эдим,  
Аввал тухум сепган эдим,  
Биздан қочган шу Юлдузни,  
Икки марта ўпган эдим,  
Упдим, армоним қолмади.

Юлдуз деб хон Аваз куйди,  
Тириклай жонидан тўйди,  
Шу ярада ётганимда,  
Юлдуз пари келиб тейди,  
Тейди, армоним қолмади.

Излаб топдим мақсадимни,  
Шукур, топдим муродимни,  
Мен чидолмай ётганимда,  
Кўрдим ёлғиз фарзандимни,  
Кўрдим, армоним қолмади.

Кўп қалмоқни қириб-қириб,  
Улар кўп, бу ёлғиз туриб,

Ададсиз ёвни қочириб,  
Уғлим оп келди оҳ уриб,  
Келдим, армоним қолмади.

Қулоқ солгил ушбу тилга,  
Улоқдим одамсиз чўлга,  
Топиб иккита сулувни,  
Олиб келдим шу Чамбилга,  
Келдим, армоним қолмади.

Омон-эсон кўрдим сизни,  
Ҳақ эсон етказди бизни,  
Шуйтиб оп келдим Қундузни,  
Олдим, армоним қолмади.

Тарк этдим кеча-кундузни,  
Кўп ҳам азоб берди бизни,  
Қувалаб олдим Юлдузни,  
Шундай сулув жоду кўзни,  
Суйдим, армоним қолмади.

Шуларни деб жондан кечдим,  
Шавқ шаробин тўйиб ичдим,  
Иккита сулувни қучдим,  
Қучдим, армоним қолмади,

Лабининг болига қондим,  
Тириклай ўтига ёндим...  
Шулар деб шу юртдин кечдим,  
Шу нозик белидан қучдим.  
Қучдим, армоним қолмади.

Қучганда дарёдай тошдим,  
Лабининг болидан ичдим,

Дунё лаззатидан кечдим,  
Кечдим, армоним қолмади.

Шул иккови бизга басди,  
Булардай сулув бўлмасди,  
Излаганман топилмасди,  
Қайтиб жаҳонга келмасди,  
Авазда армон қолмасди,  
Қўнглида ҳасрат бўлмасди,  
Ҳеч ким Аваздай эмасди,  
Бирдай кўрар ҳамма дўсди,  
Бор-ай, армоним қолмади,

Бек Аваз шу сўзга тушди,  
Эшитган офарин дейишди...

Учар қушни ким олади,  
Қўлга олдириб учар қушди.

Пойгадан бул ўзиб келиб,  
Опти Қундуздай бувишди,  
Юлдуз пари қалам қошди.

Бу гап анча-мунча эмас,  
Ҳар ким қилолмас бу ишди.

Оқшом бўлса қидиради,  
Икки сулув оппоқ тўшди.

Авазнинг кенгдир жойлари,  
Икки пари қулай тушди.

Аваз ҳам ўзи барнодир,  
Икки пари ҳам ярашди.

Чамбилбелнинг сулувлари  
Келинларга хўп қарашди.

Мен ҳам шундай бўлсам деб  
Қарай кўзлар қамашди.

Шу Бўтакўз сулув эди,  
Ичи куйди, ўтга пишди.

Ҳай аттанг, деб, ҳай аттанг, деб  
Ўтни босиб, олов тушди.

Шунинг дами ичга тушиб,  
Баччағарнинг қорни шишди.

Томирлари йиғилишди,  
Қувонишиб суюнишди,  
Ёвмитнинг қиз болалари  
Топганини кийинишди.

Келинлар салом солсин деб,  
Қиз-келинлар бирга бўлиб,  
Тол чибиқдай энишди.

Ошиқлик ҳам ички дард-да,  
Ишқибозлик қийин ишди(р).

Ким дўст бўлса суюнишди,  
Душмани ҳам йўқ ҳисоби,  
Аҳмад қизи куюнишди.

Йиғинда Бол Аваз тошди,  
Шу кун вақти жуда хушди(р),  
Қулоқ солинг, эй ёронлар,  
Достон охири етишди.



Соб бўлди дostonнинг сўзи,  
Шoир бoшқa сўзгa тушди.

Айтaр бўлсaм ўзгa кaттaсин,  
Йиғиб oлиб aқли ҳушди.

Айтмaсa ул ҳaм бўлмaйди,  
Мaслaҳaт шунгa чиқишди.

Тaъриф-тaвсиф биздaн лoзим,  
Билсaк биз рaсм-рaвишди.

#### ИУЛИҚСА

Кўнгил бўлди минг бир порa,  
Айроликқa бoрми чoрa,  
Мункирларнинг юзи қoрa,  
Мўмингa имон йўликқa.

Менинг кўнглим қайнаб тошaр,  
Хизир кўрган узоқ яшaр,  
Сардор эрнинг aқли шoшaр,  
Кун тумaн, ирғoл йўликқa.

Aқли кoмил aқли гулди(р),  
Сухaнвaр мисли булбулди(р),  
Яхши сўзгa oлaм тўлди,  
Кoмил сухaндон йўликқa.

Йигит кўнгли қизгa толиб,  
Меҳр ишқи тaнгa ғoлиб,  
Бир кўргaндaн aқлин oлиб,  
Гул юзли жoнoн йўликқa.

Йигитнинг бўлмас армони,  
Бўлса гул юзли жонони,  
Покиза бўлса ватани,  
Қани шул даврон йўлиқса.

Дунёнинг ўзи бепоён,  
Фаниматдир бизим даврон,  
Ундай йигит мисли султон,  
Қобил ҳур филмон йўлиқса.

Йигитнинг кўп нағма-сози,  
Соз бўлса яна овози,  
Қобил бўп олган таннози,  
Кўзлари чўлпон йўлиқса.

Гап деган бебаҳо гавҳар,  
Уни билмоққа фаҳм даркор,  
Ҳар сўзни қилмайин баробар.  
Хуш зеҳн билимдон йўлиқса,

### АЛЛА

Айланайин, ойдиним,  
Эл ичинда сойдиним,  
Қўлимдаги туйғуним,  
Гапга тушган қузғуним.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Айланайин, оппоғим,  
Мислингни излаб топмоғим,  
Тўй-йиғинлар бўлганда,  
Отин аяб чопмоғим.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Айланайин, болам-ай,  
Айналсин сендан энанг-ай,  
Яхши-ёмон кунингда,  
Худойинг бўлсин панонг-ай.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Синли, синли, синбатлим,  
Наъра шердай ҳайбатлим,  
Қушда шунқор келбатлим,  
Улуғ шоҳдай савлатлим.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Айланайин, ойдаин,  
Қоши сари ёйдаин,  
Талпинганинг қўлимда  
Тарлон қарчиғайдаин.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Қўли арслон билаклим,  
Ботир, қоплон юраклим,  
Яхши-ёмон кунимда  
Менга жуда кераклим.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Айланайин, қароғим,  
Уйда ёнган чироғим,  
Дўстим кўрса ярашиб,  
Душманнимга яроғим.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Қора қоши қундузим,  
Кўзи тонгда юлдузим,  
Тўй-ҳайитлар бўлганда,  
Кийган тўни қирмизим.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Ўзинг гавҳар донадай,  
Туртиб эмган танадай,  
Қўлимда чўрчиб ўйнасанг,  
Кўлда суқсур-сўнадай.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Чопинганинг бўридай,  
Бўриларнинг зўридай,  
Йигит бўлар чироғим,  
Ўзи эрнинг эридай.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Суйли, синли, сиёқлим,  
Олғир бургут қобоқлим,

Чапгаллини ёзгани,  
Қирғий, баҳрин тирноқлим.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

Қараганни қўрқитар,  
Қарамаганни беркитар,  
Тўйда тўпга қараса,  
Қўйда қилиб ҳуркитар.

Алла, болам, алла-яй,  
Жоним, болам, алла-яй.

#### ҲАЗАЛИ САНОБАР

Г у л г а қ а р а б а й т г а н с ў з и:

Нозли дилбар бир сўзим бор деяиши,  
Чархи фалак, кўрки, жафо айлади;  
Бировга кийгизди тожи Хисровни,  
Бировни эл ичра гадо айлади.

Оллойим кимсага берди тахту тож,  
Олам эли бўлар қўлига муҳтож,  
Бировни айлади муфлиси қаллож,  
Меҳнат ичра қадди дуто айлади.

Бировга дард берди, бировга даво,  
Бировни эл ичра қилди бенаво,  
Бировнинг кўзини қилди нобино,  
Ёғочдан қўлига асо айлади.

Оллоғим кимсага берди давлагни,  
Қимсага еткизди ранжи меҳнатни,  
Дейин сенга бошдан ўтган кулфатни,  
Қимсанинг бахтини қаро айлади.

Иинини айириб яхши оғадан,  
Ҳасрат билан ўтар фоний дунёдан,  
Қизларни айириб мушфиқ энадан  
Огани ўғилдан жудо айлади...

Лайли билан Мажнун оламга шайдо,  
Уларнинг бошига тушди шу савдо,  
Қимга вафо қилди бевафо дунё,  
Ҳар кимга бир турли жафо айлади.

Лайли билан Мажнун оламга устод,  
Бу чархи фалакдан ўтдилар ношод,  
Йиқилсин, кўмилсин бу чархи бунёд,  
Яна кўргин, нечук жафо айлади.

Маст бўлиб уйқуда ётардим бир тун,  
Сени кўриб ҳолим бўлди жигар хун,  
Хаёлинг айлади монанди Мажнун,  
Гўё бир булбули шайдо айлади...

---

#### «АЛИБЕК БИЛАН БОЛИБЕК» ДОСТОНИДАН ПАРЧАЛАР

...Ана энди Шопўлат лашкари билан Масалнинг<sup>1</sup> эл-эллати майдон қилиб уришди. Лашкарнинг уришмоқ, суришмоқдан, олишмоқдан армони қолмади, шу зайилда уриша берди... Ахири, Шопўлатнинг одами кўп эди, Масал лашкари озлик қилди. Уч ой далада уришди, уч ойдан сўнг Масалга қочиб келиб, шаҳарга қамалиб

уч ой уришди, олти ой уруш бўлди. Масал элига Шопўлат шоҳнинг ситами кундан кун зиёда бўла берди.

Гўзал шоҳ бир кун одамларига айтди:— У, ёрон, умаролар, фозиллар, ҳудайчи, эшик оғалар, вазири донолар, ў полвонлар, арбоб оқсоқоллар, энди бизларнинг ишимиз кун-кундан зўрлашиб, ёмон бўлиб бораётир. Аввал-аввал унча эмас эди, энди Шопўлат шоҳнинг одами бизни жуда бостириб, зўрлик қилиб келаётир. Энди бизнинг кўзимиз етди. Ҳар вайдан уларга баробарлик қила олмаймиз. Энди йигитлар, ёронлар, маслаҳат беринглар, Урганчга Юсуф билан Аҳмадбекка хабар юборсак, албатта улар эшитса, қараб турмас, тайини кўмак келар. Улардан оз келса ҳам бари сайланган ботир... Энди шуларга хабар қилмоғимиз лозимми, лозим эмасми?!

Шунда олдидаги уламози, амалдори, жами аркони давлати айтди:— Тақсир подшоҳим, бизларни яхши биласиз. Бола-чақани қўлимиздан Гулгула лашкарига берганча, кўзимиз бўзариб қолганча, агар келса, албатта, хабар юборганимиз яхши. Барининг кенгаши хабар юбормакка бўлди.

Гўзал шоҳ бечора шарбатдорга буюриб, бир жом шароб олиб келиб, шу турган полвонларга, йигитларга қараб:— Шу йигитларнинг ичида Юсуфбек, Аҳмадбекнинг лашкари, асбоби билан ияртиб келадиган бир йигит борми?! Агар бу ёқдан хабар борса, шуйтиб ётган лашкарни, бўлган урушни билдирса, асло турмайди, ҳаялламай лашкар келади, деб аввал-охир бўлган гапнинг барини айтиб, жомни қўлига кўтариб, Гўзал подшо бир сўз айтиб турибди:

Менинг бу элимдай обод эл борми,  
Баҳорсиз очилган тоза гул борми.

Элига, юртига ва ҳам хонига  
Хизмат қип косани ичар ул борми?

Отларни койитмас адир, бел борми,  
Подшоларнинг етагида фил борми,  
Шу йигитлар орасидан бир аждар,  
Шу косани ичадиган ул борми?

Адирсиз, тошлоқсиз, қумсиз ўр борми,  
Қўп чопилса чин тулпорда тер борми,  
Хизмат қилса бизга — элга бир йўлбарс,  
Урганч элга борадиган эр борми?

Сайлаб миса табладаги отимни,  
Эшитинглар, беклар, қилган додимни,  
Урганч элга борадиган ул борми,  
Ияртиб келса бек Юсуф фарзандимни.

Эшитинглар, мардлар, қилган зоримни,  
Сарф айлайин бисотимда боримни,  
Урганч элга борадиган ул борми,  
Улларима еткизса менинг зоримни.

Саломимни айтиб борса уларга,  
Юсуф, Аҳмад назаркарда хонларга,  
Урганч элга борадиган ул борми,  
Айтса ҳолим Ашурбек полвонларга.

Бир боғчада олмамисан, нормисан,  
Элингда эрмисан, аждаҳормисан,  
Эл учун, биз учун холис хизматга  
Борадиган бир ҳолатинг бормисан?

Масалга валламати дейди ўзимни,  
Эшитинг, ботирлар, айтган сўзимни.



Урганч элга борадиган ул борми,  
Хизмат қилиб, ҳақлаб келса тузимни.

Эшитинглар, беклар, қилган зоримни,  
Сарф айлайин бисотимда боримни,  
Қаторимда тиркаб онглар норимни,  
Олсин ботир менинг ҳарна боримни.

Шул эрга сарф қилинг хазналаримни,  
Урганч элига етказса хабаримни,  
Бормисан хизматга тайёр аждаҳор,  
Бориб ияртиб келса шер улларимни.

Гўзал шоҳ дер қайсинг борсанг, кўрайин,  
Нима десанг, мақсадингни берайин,  
Дунё десанг, қўрғон десанг, ботирлар,  
Тила энди ҳожатингни берайин.

Ана энди Гўзал шоҳнинг бу сўзига ҳеч кимдан садо чиқмади, бир одам мен бораман демади. Нимага? Кўп олис йўл, ўртаси сувсиз чўл. Етти-саккиз ерда катта тоғ осмон билан сўйлашиб турган, бел кўп, узоқ йўл. Бўл-маса, ҳаммаси яхши кўриб турибди. Айтади: «Ҳар ким борса, савобга қолади, элнинг олқишини ҳам жуда кўп олади, подшомизга ҳам эътиборли бўлади. Қани борадиган йигит бўлса бунга», — деб турибди. Ана энди Гўзал шоҳ бир чақирди, ҳеч кимдан садо чиқмади. Иккинчи чақирди, ҳеч ким қимилламади. Ана подшо баланд товуши билан:— Ў, йигитлар, бўз болалар, бундай-бундай қичовда бўз бола ҳожат беради. Ў, полвонлар, шу хизматдан юз қайтариб, сизларга нима бўлди?... Бола-чақага раҳм қилиб, мен бораман демай-сизлар, йигитлар, — деб косасини қўлига олиб.— Бормисан талабкор, — деб чақирди.

Ана энди шу йигитларнинг ичинда оти Рустам деган бир йигит бор эди, тоза бир билак аждаҳор эди. Шундай катта шаҳарда унинг билан баробар қўяма қўлтиқ кураш оладиган йўқ эди. Подшонинг учланчи чақирганида, шул Рустам полвон жойидан туриб, дасти алиф лом қилиб, гарданини ҳам қилиб, таъзим билан бир сўз деб турибди:

Ғам ема, хоним, бу кун қаттиқ газага мен борай,  
Юсуф, Аҳмад отли катта подшога мен борай,  
Сиз бу ерда шод бўлинг, ул муддаога мен борай,  
Неча йўлларни тортиб, шоҳим, дуога мен борай,  
Эл билан сиз машғул бўлинг, муддаога мен борай.

Кўп узоқ йўл, подшоҳим, чўл ва қумнинг сони йўқ,  
Якка-танҳо анга бормоқлик, шоҳим, имкони йўқ,  
Ваҳший жондор, хунхўр кўп, бўлмаса душмани йўқ,  
Лекин шул ердан чиққан эринг, шоҳим, армони йўқ,  
Ҳар қалай бўлса, шоҳим, кўриб жафога мен борай.

Ушбу йўлнинг суръати қаттиқ қичов, бормоқ қийин,  
Неча сувсиз жазира, жондорлардан юрмоқ қийин,  
Кўп узоқ сиздан, паҳлавонларга етмоқ қийин,  
Бел, хатарлар кўп турур, белдан ўткармоқ қийин.  
Тақдиримга тап бериб энди балога мен борай.

Подшоҳим, ғам ема, иншоолло, оп борсам керак,  
Қанча арзи ҳолингиз бекларга еткарсам керак,  
Ғам ема, шоҳим, вале хизматни биткарсам керак,  
Мен ҳам энди эрлигим оламдан ўткарсам керак,  
От чопиб, ҳайбат солиб, чўли балога мен борай.

Шоҳларни келтирай, шоҳим, бориб хизмат қилиб,  
Бул узоқ йўлларни сайр айлай, хоним, гайрат қилиб.

Етти тогдан мен ўтарман жаҳд этиб, шиддат қилиб,  
Мен бориб айтиб келай шоҳларни кўп ҳурмат қилиб.  
Шод бўл, ғамгин бўлма, бул можарога мен борай.

Валламатим, сен чақирдинг сўнгра келди ғайратим,  
Тоғдайиндир ҳайбатим, ундан зиёддир шиддатим,  
Шул қичовман уҳда чиқса, валламат, минган отим,  
Қанча жабру жафо бўлса, зиёдадир журъатим,  
Сизнинг учун ҳожат тилаб, ҳожат равога мен борай...

Ҳар на бўлса ер юзида бари тақдири худо,  
Йўл ёмон, юрмоқ қийин, йўлларда мен бўлсам адо,  
Ушбу хизматлар учун бўлсамки сизлардан жудо,  
Эл учун, халқим учун, сизларгадир жоним фидо,  
Тақдиримга тап бериб, ҳар на балога мен борай...

Рустамбек дер қувватим ул Рустами Достонча бор,  
Ғайратим ҳам шавкатим Гўрўғли султонча бор,  
Ҳашаматим ҳам ҳайбатим ул Қайсар ҳоқонча бор,  
Қим бу хизмат бобида олдингда, хоним, менча бор,  
Тулпоримни сакратиб, сувсиз далага мен борай.

Ана энди Гўзал шоҳ димоғи чоқ бўлиб, Рустамбекка шароб ичириб, хизматга муносиб кўриб: — У, йигитлар, йўл қаттиқ, иншоолло, шу Рустамбек урдасидан чиқади, эсон-омон, соғ-саломат бекларни олиб келади. Ана энди сизларга менинг айтганим, отлардан тоза тулпорни миндиринг, бизнинг отларнинг олди бўлсин. Қандай бўлса, йўлга, чўлга лозим бўладиган нарсадан тайёрлаб беринглар. Ев-яроқ, асбоб, анжомнинг чаласи бўлмасин, — деб Рустамбекка кўп меҳрибонликлар қилиб, инъом-эҳсон, ҳаддан ташқари нарсаларни бериб, жами кийизмини хазинадан олиб чиқиб кийгизди, қип-қизил тиллага ўраб ташлади. Бедав отни айириб олиб келди.

Масал шаҳринда ундай от йўқ эди, қуённи қувалаб олар эди, шамолдан тез эди. Рустам йўл озиғи — талқон, туршак, қурут, овқатини олиб, меҳтараларга сув олиб, ёв-яроғини шайлаб, хуфтондан сўнг ўзларига маълум шаҳарнинг кейингидаги бир дарвозасидан чиқариб юборди.

Ана Рустамбек дарвозадан чиқиб, шундай йўлга тушмоқчи бўлди. Шопўлатнинг одамлари ҳам эҳтиёт қилиб, шаҳарнинг теварагига одам қўяр эди: мобода бир ёқдан хабар ё элчи юбормасин, деб. Рустамбек шу соқчиларга йўлиқди. Қоровуллар:— Тура бор, тура бор,— деб от қўйди. Рустамбек ҳам қилични суғириб, отнинг жловини бўшатди. Қоровуллар қува берди, Рустамбек қоча берди. Рустам майдонлашиб, қоровулларни санчиб, нечовини қилич билан чопиб ўтди. Улар ҳам Рустамбекни олмоққа, ўлдирмоққа кўп кушиш қилди, қўлга туширолмай ноилож қолди. Лекин Рустамбек найзадан икки еридан яра еб, қоровуллардан қочиб қутулди.

Ана энди Рустамбекка етолмай, қоровуллар оқшоми билан қувалашиб, чопишиб, эртангисини ўлганини олиб бориб, катталарига билдирди:— Бир отли бизлардан қутулиб кетди. Оқшоми билан ҳа деб зўр бердик, уч-тўрт ерда уришдик, зўр ботир экан, бизларга бўй бермай кетди. Ҳар нима бўлса, омон кетган йўқ, тўрт-беш еридан яра еди, сира соғ кетган йўқ. Ё бўлмаса, яраси совиб, бир камарда ўлиб қолдимиз?! Бизлар шунча изладик, топа олмадик, — деб айтди. У ётган эл ҳам фаҳм қилиб билди. Илгари ҳам гумон қилар эди: — Ўзбекларга хабар қилдимикан, нимага булар шунча қирилса ҳам, хавотир қилмайди?! Албатта, бир ёқда бир нарсаса ишончи бор-да», — дер эди. Унда бир хиллари айтди: «Ана энди хабар юборган, шуларга йўлиққан одам тайин Урганч бормоққа чиққан. Ўзбек бекларини излаб бораётган одам шу». Улар ҳам ўз-ўзи, ҳар ким ўз

сўзи билан, бирови ул, бирови бул, деб ёта берсин. Ана энди Рустам баданида икки яра еб, бечора йўл тортиб кетиб бораётир. Ана Рустамбекнинг юрганини шоир байт билан юргизиб боради:

Қулоқ солинг турли-турли намога,  
Улим ҳақ буйруғи шоҳу гадога,  
Гўзал шоҳдан дуо олиб Рустамбек,  
Бир уйқу шаҳардан чиқди далага.

Қулоқ сонг сўзимнинг андозасидан,  
Сизга айтай суҳаннинг тозасидан,  
Дуо олиб жами эли-юртидан,  
Чиқарди кейинги дарвозасидан.

Қоронғида полвон чиқди далага,  
Рустамбек сизиниб холиқ донога,  
Пўлат шоҳнинг йўлда турган одами,  
Қўйма, деб Рустамни олди орага.

Рустамбек ҳам қўлга олди қиличди,  
Уйламай бек Рустам савашга тушди,  
Қўп бемаҳал чиқди Рустам далага,  
Қоронғида қоровулман солишди.

Рустамбек ҳам марди майдон айлади,  
Бир нечасин ерга яксон айлади,  
Қоровул кўп, Рустам битта, ёронлар,  
Полвонликни неча чандон айлади.

Бек Рустам от чопди сузсиз далага,  
Қоровуллар Рустамни олиб орага,  
Уруш бўлди уч марта тўхташиб,  
Бек Рустам гирифтор бўлди ярага.

Полвон Рустам билди яра солишди,  
Отига ишонди, ўртадан қочди,  
Етганига бермас кескир қиличди,  
Бир худо деб Рустамбек йўлга тушди.

Рустамбекнинг ширин жони сотилди,  
Бедовлар милтиқ ўқидай отилди,  
Қоронғида ўз элида бек Рустам,  
Қоровулни адаштириб қутулди...

Кўлда суқсур, сўнади(р),  
Куйиб ўтдай ёнади,  
Йўлга тушди бек Рустам,  
Обрў бер деб жўнади.

Отни йўлга солади,  
Отнинг жонин олади,  
Худо, деди бек Рустам,  
Обрў бер деб келади.

Чу деб отни уради,  
Теваракка қаради,  
Сувсиз чўлда Рустамбек,  
Танҳо кетиб боради.

Йўлга солди отини,  
Тулпор хоназотини,  
Томоша қинг, ёронлар,  
Бек Рустам жаллотини...

Кўринг Масал мардини,  
Кимга айтсин дардини,  
Энди излаб боради,  
Ҳақ деб Урганч юртини...

Отга қамчи чалади,  
Отнинг жонин олади,  
Танҳо ўзи бек Рустам  
Сувсиз чўлда елади.  
Урганч эли қайда, деб  
Рустам полвон келади.

Найзаси бор дастига,  
Қараб баланд-пастига,  
Бораётир бек Рустам  
Урганч элнинг қастига.

Кистаб урар отни,  
Кимга айтсин дардини,  
Сувсиз чўлда бек Рустам  
Излаб Урганч юртини,  
Бораётир кўтариб  
Икки яра дардини.

Қалта олиб йўлини,  
Сўйлатади тилини,  
Бораётир бек Рустам  
Излаб Урганч элини.

Совутини бўқтариб,  
Қалқонини тўнқариб,  
Бораётир бек Рустам  
Урганч элин ахтариб.

Гоҳ созини созлайди,  
Гоҳ бўтадай бўзлайди,  
Сувсиз чўлда бек Рустам  
Урганч элин излайди.

Совиб тортган буйрини,  
Тоғнинг бошин кўзлайди,  
Қамчи урса бедов от  
Кийикдай бўп хезлайди.

Чопиб отин елади,  
Ширин жонин бўлади,  
Сувсиз чўлда бек Рустам  
Обру бер, деб келади.

Келаётир ғайратман,  
Қалта йўлга солади,  
Остидаги тулпори  
Шамолдай бўп келади.

Оти отнинг тулпори,  
Ўзи йнгит шунқори,  
Чўлнинг кийик, олқори,  
Елғиз ўзи йўлларда  
Бораётир ҳар сари.

Тушган узоқ йўлига,  
Эр Хизирнинг чўлига,  
Етсам дейди қистайди,  
Энди Урганч элига.

Ана Рустам полвонди(р),  
Минган югрук ҳайвонди(р)  
Томоша қинг, Рустамбек  
Йўлда суриб давронди.  
Давронни шул шу ерда,  
Кувиб ол чиққан онгди,  
Остидаги тулпори  
Еткизмай кетар чапгди.



Шуйтиб борар Рустамбек,  
Кезади чўлистонди...

Бу жой энди қайда деб,  
Ишим оҳ-вой-да деб,  
Келаётир бек Рустам,  
Урганч элинг қайда деб.

Бандаргоҳдан ўтсам деб,  
Ишимни беркитсам деб,  
Ҳақ деб қистар бек Рустам,  
Урганч элга етсам деб.

Шоҳ Гўзалнинг аҳволин,  
Бориб баён этсам деб,  
Сувсиз чўлда боради,  
Ишни тамом этсам деб.

Тоғдан ошиб боради,  
Мард туташиб боради,  
Сувсиз чўлда бек Рустам  
Куйиб-пишиб боради.

Ағдарилиб от чопиб,  
Тўлиб-тошиб боради,  
Гоҳда овшиб йўлини,  
Гоҳ уришиб боради.

Сувсиз чўлда бир ўзи,  
Йўлга тушиб боради,  
Ғайрат қилиб қистади,  
Куйиб-пишиб боради.

Гоҳ вақтинда ҳушёр бўлиб,  
Гоҳда шошиб боради,

Неча тоғдан, беллардан  
Қистаб ошиб боради.

Қўшиқ айтиб бир ўзи,  
Йўлда жўшиб боради.  
Остидаги тулпор от,  
Илондай шувшиб боради.

Юрган йўли адирди(р),  
Кўпи адир-будирди(р),  
Узоқ йўлга бир ўзи,  
Эрлигидан қидирди.

Гана-гана ерларда  
Отин сақлаб қидирди,  
Отга қилди жабрди,  
Худой берсин сабрди,  
Сувсиз чўлда бек Рустам,  
Қайтсин жўра бўлмаса,  
Тулпорига гапирди.

Гоҳ жебалаб, гоҳ йўртиб,  
Йўрғалатиб йўл юрди,  
Ғайрат билан бек Рустам  
Неча тоғман чўл юрди.  
Уриб Рустам отини,  
Неча ойдин кўл юрди,

Қатта-катта зовлардан,  
Кўз етмаган товлардан  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Ўтиб кетиб боради.

Одами йўқ эллардан,  
Неча сувсиэ чўллардан,  
Осмон билан сўйлашган  
Баланд-баланд беллардан  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Қистаб ўтиб боради.

Ховотирли жойлардан,  
Одамда йўқ ўйлардан,  
Қатта-катта сойлардан,  
Гоҳ баланд, гоҳ ўйлардан  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Қистаб ўтиб боради.

Тоққа чўккан тумандан,  
Тойғоқ йўли ёмондан,  
Гоҳда ўрга, гоҳ тубандан  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Қистаб ўтиб боради.

Қатта-катта қорлардан,  
Одам қўрқар ғорлардан,  
От юролмас ўрлардан,  
Музи бўп тойғоқ ерлардан  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Қистаб ўтиб боради.

Одам юрмас йўллардан,  
Қуш учмаган чўллардан,  
Одами йўқ эллардан,  
Неча чалчиқ кўллардан  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Қистаб ўтиб боради.

Оти чўрчиб ҳаволаб,  
Юрган йўлини чамалаб,  
Олқор, кийинк қувалаб,  
Қулонларга оралаб,  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Қистаб ўтиб боради.

Неча тоғнинг тумшуғин  
Кийиб ўтиб боради,  
Ўнгирини тақмига  
Жийиб ўтиб боради.

Катта тоққа япашиб,  
Ошиб ўтиб боради,  
От юролмас тойғоқда  
Отдан тушиб етаклаб,  
Тушиб ўтиб боради,  
Неча қалини туманни  
Шешиб ўтиб боради.

Рустам отин кўради,  
Ҳа деб қистаб жўнади,  
Оти ҳориб қолганда,  
Йўлга бўлмай қолганда,  
Ўтлоқ, қойим ер топиб,  
Бир кун, икки кун Рустамбек  
Беловга дам беради.  
Йўлнинг билиб бобини,  
Минган отин чарчатмай,  
Чўлда кетиб боради.

Гоҳда йўлини билмайди,  
Тахминидан қолмайди,  
Ўз фаҳмиман мўлжаллаб,

Йўлини мўлжаллайди,  
Оқшом бўлса, юлдузни  
Қоровул қип йўл юриб,  
Жуда йўлин ўнглайди,  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Йўлда кетиб боради.

Оти отнинг сараси,  
Ўзи марднинг тўраси,  
Сувсиз чўлда бир ўзи,  
Кошида йўқ жўраси,  
Икки ерда Рустамнинг  
Найзанинг бор яраси,  
Шу ярани қор қилмай,  
Қистаб кетиб боради.

Полвон жонин сотади,  
Қатта ғайрат этади,  
Узоқ йўлга чўл бўлса,  
Ғайратли ул кетади,

Рустамда ғайрат бўлса,  
Ундай йўлда нетади,  
Урганч элга етсам деб,  
Полвон жонин сотади.

Хоҳ кечдир, хоҳ эрта,  
Олдидан чиқса чўл онги,  
Туша соп Рустам отади,  
Онги гўштини бек Рустам  
Йўлда овқат этади.

Чақмоқ чақиб ўт қилиб,  
Гўштин кабоб этади,

Кийик билан қуёнга  
Қувса ҳам оти етади.

Сувсиз чўлда Рустамбек  
Шуйтиб зўр қип кетади,  
Ҳар куни икки маҳал  
Тулпорни ўтлатади,  
Ғайрат қилиб бек Рустам  
Шуйтиб йўлни тортади.

Бошга савдо тушган сўнг,  
Одамзод дўстлар қайтади,  
Тақдирга тап бериб,  
Ҳар ким ҳам азоб тортади.

Тақдирга тап бермоқ  
Мард йигитнинг ишиди(р),  
Меҳнатидан полиган  
Номарч, ёмон кишиди(р).  
Тўғри сира воё демас,  
Юлиниб кетса боши-да,  
Қелаётир бек Рустам  
Ўзи ёлғиз киши-да.

Кўрнинг Рустамдай мартди,  
Минган чип бедов отди.  
Шабгир қилиб Рустамбек,  
Қирқ кун қистаб йўл тортди...

От чопилар баланд тоғнинг пастига,  
Қулоқ солиниб гапимнинг пайвастига,  
Қирқ кун юриб олди тоғнинг қорасин,  
Тоғни кўриб ҳа деб қистаб йўл юрди.  
Уч кун юриб етди тоғнинг устига.

Ана энди Рустамбекнинг димоғи чоғ бўлди, ўзига айтди: «Эй, Рустам, энди шукур қил, хатарлардан ўтдим. Шу тоққача ўзимда ишоним йўқ эди. Ана энди кўринган Болҳасрат тоғи. Агар шу тоғдан нарёққа ошсам, бу ёғи ўзбекларнинг юрти қарар. Бу ёққа энди душман келолмас, Урганч бориб, Юсуфбек билан Аҳмадбекни кўриб, Гўзал шоҳнинг омонатини омон етказсам керак»,— деб бечора Рустам жуда қувониб қолди. Болҳасрат тоғ шундай катта тоғ эди. Рустамбек тоғнинг қорасини кўрган сўнг уч кун йўл юриб, базўр устига—белга чиқди. Ана Рустам Болҳасрат тоғни томоша қилиб, ҳар турли гиёҳлар, ҳар тусли жондор, ҳар тусли сайраб турган қушлар, ҳар қайси ўзининг нағмасига солиб сайраб, маст бўлиб ўтирган. Рустамбек тоғнинг устига чиқиб, ўзи хотиржам бўлиб, отини бир шаршара сувли, ўтли ерларга қўйиб, «Хўп дамингни ол»,— деб Болҳасрат тоғини бир ҳафта қидириб, томоша қилиб, кўп ерларни юриб кўрди.

Ана энди Рустам Болҳасрат тоғидан тушмоқчи бўлиб, Рустамбекнинг оти ҳам жуда дам олиб, йўлнинг танобини тортгудай, жонивор тулпор олқордай ирғиб, кийикдай сакраб, қуёндай чўрчиб, оғзини очиб, парини чочиб, Рустамбекни олиб қочиб, Рустамбекнинг баҳрини очиб, қушдай учиб, йўлга равона бўлди. Рустам беҳавотир бўлиб, отига миниб, тоғдан пастга тушиб, димоғи чоқ бўлиб, от ўйнатиб, сувлигини чайнатиб, бедовни бўйлатиб, кўрган одамни ўйлатиб... кўнгилни у ёқ-бу ёққа юбормай, вос-вос савдога хаёлни бўлмай, ҳайт, деб катта йўл билан Рустам йўлбарсдай бўлиб чирпиниб, қоплондай хезланиб интилиб, шердай ҳайқириб, йўлни йўл демай, чўлни кўзига илмай, йўл ранжили полвон эмасми, писанд қилмай, ҳеч ваҳми тарс деган нарсани кўнглига келтирмай, бедовга қамчи босиб бораётир. Рустамбекнинг остидаги оти қушдай учиб,

жонивор асл тулпорга йўл тутмай, яшиндай оқиб, шамолдай шариллаб, йўлда кетиб боради:

От чопилар баланд тоғнинг пастига,  
Қулоқ солинг гапимнинг пайвастига,  
Болҳасрат тоғини қилиб томоша,  
Рустам полвон минди отнинг устига.

Худо раҳм айласин марднинг ҳолига,  
Ўзи нқбол берсин ёзган қулига,  
Болҳасрат тоғини қилиб томоша,  
Полвон Рустам минди отнинг белига.

Барчани яратган холиқ доноди,  
Яратганнинг ўзи доим паноди,  
Ғайрат билан минди отнинг белига,  
Тоғдан тушиб полвон энди жўнади.

Қараб бўлмас чин ботирнинг бастига,  
Эгриён олмоси марднинг дастига,  
Нишабга қаради бедовнинг боши,  
От ўйнатиб тушди тоғнинг пастига.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,  
Қулоқ солинг суханварнинг тилига,  
Тоғдан тушиб шиддат қилиб Рустамбек,  
Туша қўйди эр Хизирнинг чўлига.

Отга қамчи чалади,  
Отнинг жонин олади,  
Сувсиз чўлда Рустамбек  
Обрў бер деб келади.

Паст-баландни билмайди,  
Отин қистаб елади,



Тепсинганда тулпори,  
Бир тош йўлни олади.

Шиддат берди отига,  
Чидамай ғайратига,  
Сувсиз чўл гумбурайди  
Марднинг сиёсатига.

Қамчи урди сонига,  
Жабр қилди жонига,  
Ларзон еди сувсиз чўл,  
Отнинг ирғиганига...

Чўлни кўзга илмайди,  
Паст-баландни билмайди,  
Қистаб кетиб боради,  
Йўлни назар қилмайди.

Ишни тамом этсам деб,  
Ишимни ўхшатсам деб,  
Ҳақ деб жўнаб боради  
Урганч элга етсам деб.

Алвон-алвон юрсам деб,  
Элда даврон сурсам деб,  
Энди отдан тушмасдан  
Урганч элга борсам деб.

Шоҳ Ғўзалнинг арзасин  
Бек Юсуфга берсам деб,  
Қандай экан бек Юсуф,  
Подшоларни кўрсам деб.

Ариқ тагинда андиз,  
Дарё тагинда қундуз,

Худой деди, қистайди,  
Кеча демайди кундуз.

Отга солди дикдикка,  
Қойил бўлинг эрликка,  
Сувсиз чўлда бедов от  
Гоҳи чикка, гоҳ пукка.  
Қамчи урса ўйнайди,  
Йўлларда диркка-диркка.

От боради ариллаб,  
Отган ўқдай шариллаб,  
От алқими — тонг шомол  
Мис карнайдай зариллаб,  
Сувсиз чўлда боради,  
Шамолдай бўп париллаб.

От боради асирлаб,  
Отган ўқдай тасирлаб,  
Тилла узанги, маҳси-ковуш  
Тепсинганда қасирлаб.

От боради эгилиб,  
От ёлига тикилиб,  
От устида бек Рустам  
Сориқлари сўкилиб.

Чув деб қистаб боради,  
Қадди ёйдай букилиб,  
Шип-шип қамчи тортади  
Қор-ёмғирдай тўкилиб,  
Сувсиз чўлда бедов от  
Бораётир ютиниб,  
Қаноти бор қушдай бўп,

Қушдан кетар қутулиб,  
Катта тўпнинг ўқидай  
Бораётир отилиб,  
Устидаги Рустамбек  
Ширин жони сотилиб...

Қистагандан қистади,  
Йўл юрмакка устади,  
Ўн кечаю ўн кундуз  
Урганч элин истади.

Олмос қилич белига,  
Саноси бор тилига,  
Бораётир бек Рустам  
Эр Хизирнинг чўлига.

Савдо тушган бошига,  
Ҳеч кими йўқ қошида,  
Худо деб йўл тортади  
Эр Хизирнинг дашига.

Ол-ол юрди, ол юрди,  
Озгина эмас, мўл юрди,  
Отдан қўнмай бек Рустам  
Ўн икки кун йўл юрди.

Минган отнинг сарасин,  
Узоқ билинг орасин,  
Ўн икки кун йўл юриб,  
Олди тоғнинг қорасин.

Рустам қилар хизматди,  
Минган отин ўйнатди,  
Ўн икки кун йўл юриб,  
Беша тоғига етди.

Найза олиб дастига,  
Қараб баланд-пастига,  
Етди Беша тоғига,  
Қистаб етди устига.

Минган отнинг сарасин,  
Узоққа тулпор ярасин,  
Чиқди тоғнинг устига,  
Кўрди Урганчнинг қорасин.

Маст бўп Рустам уринди,  
Югрук отлар суринди,  
Беша тоққа чиққан сўнг,  
Туманлаб Урганч кўринди

Рустамдайин полвонга  
Ўзинг обрў бер энди,  
Кўрди Урганч қорасин  
Рустамдайин шер энди.

Ана энди Рустамбек Беша тоғининг устига чиқди. Қоп-қора дарахт туманлатиб Урганч элининг чети кўринди. Шунда Рустамбек отидан тушиб: «Шул эл Урганч эли бўлар, омон-эсон етдим»,— деб вақти хуш бўлиб, отига дам бериб, дамини олиб ётиб қолди. Оқшом ётди, эрта билан тонг отди, гайрат билан минди бедов отди, отига қамчи чатди, полвон тағи йўл тортди. Ақлидан бегона бўлиб, йўлга равона бўлиб кетиб бораётди. Рустамбекнинг йўлга кирганини шоир шундай айтади:

Хатарлардан ўтдим деб,  
Ишимни ўхшатдим деб,  
Йўлга тушди бек Рустам,  
Урганч элга етдим деб.

Кўздан тўкма ёшимни,  
Эшитгин нолишимни,  
Етказ Урганч элига,  
Барҳақ ўнггар ишимни...

От йигитнинг қаноти,  
Югрук қилгин отимни,  
Бек Юсуфга ўқитсам,  
Олиб келган хатимни.

Омон-эсон етказсам,  
Эгам, омонатингни,  
Хушвақт қилсам мен бориб  
Шоҳим, валлакатимни.

Омон-эсон кўргайман  
Мисир вилоятимни,  
Ўзинг етकिр Урганчга,  
Куйдирма меҳнатимни...

Ошиб келаётирман  
Неча бир адир, қирлардан,  
Қанотли тулпор отимни  
Ирғитиб ўтдим жарлардан.

Рустамбек бундай этади,  
Гоҳ елиб, гоҳ йўртади,  
Қистаб полвон Рустамбек,  
Худо деб йўл тортади.

Бек Рустам йўлга тушди,  
Йўл юриб хуноба ичди,  
Тинмай чўлдан боради,  
Чопиб ўпкаси пишди,

Мард, бек қилиб ғайратди,  
Ғайратман қамчи тортди,  
Қистаб чоғиб Рустамбек  
Неча қирлардан ўтди.

Суриб кетиб боради,  
Чоғиб кетиб боради,  
Тинмай Рустам шерамат,  
Елиб кетиб боради.

Ана чоғиб боради,  
Мана қистаб боради,  
Мана турган зовлардан  
Чоғиб ошиб боради.

Гоҳ йўртади, чопади,  
Бир хил ерда елади,  
Елганига қарамай,  
Ҳа деб отин уради.

Қулочлаб урар отини,  
Қилиб худо ёдини,  
Олиб келган бек Рустам  
Улуғидан хатини.

Хатни олиб борсам деб,  
Азаматни кўрсам деб,  
Қистаб борар валламат,  
Бекларимни кўрсам деб.

Ол-ҳа кетиб боради,  
Минган оти саради,  
Йўлни кўзга илмайди,  
Қистаб Рустам юради.

Урганч элни ахтариб,  
Мард Рустам боради.  
Юрганига кўнмайин,  
Тулпорини уради.

Энди кўринг, бек Рустам  
Қаттиқ қилди ғайратни,  
Ўйнатди тулпорини,  
Томоша қинг, ёронлар,  
Рустамхоёдай жаллодни,

Ғайрат билан бек Рустам,  
Мисли элнинг жаллоди,  
Тулпор отни ўйнатди,  
Олти кун тинмай йўл юриб,  
Гургон дарёга етди.  
Отдан тушиб бек Рустам,  
Паст-баландни қидириб,  
Яхши томоша этди.

Ана энди Рустамбек олти кун йўл юриб, Гургон дарёга етиб, отидан тушиб, у ёғини-бу ёғини томоша қилиб, соғ-саломат дарёдан ўтиб, йўлга тушди. Рустамбек бамайлихотир, ўйламай, катта йўл билан кета берди. Рустамбекнинг юрган йўллари қаттиқ хатарли йўл эди, кўп ери сувсиз чўл эди, кўп ерида хавотирли сри кўп эди, у ерларда эҳтиёт лозим эди. Энди Рустамбек шундай ваҳшатли ёмон йўлдан ўтди. Бу йўл катта карвон йўли, туячи, чўпон-чўлиқ, бозорчи, сомончи, аробакаш бориб-келиб ётибди. Ана энди Рустам бепарво йўлга тушиб, одамларга аралашиб, гоҳ учи, гоҳ тўрти, гоҳда ўн-ўн беш бўлиб, ҳангамалашиб кета берди. Шундай ҳам бўлса, Рустамбек суюнчининг боши эмасми, шоир шу сабабдан юргизгиси келмай, байт айтади:

Бек Рустам Гургон дарёдан ўтди,  
Сафарнинг азоби, ёронлар, қатти,  
Томоша қинг Рустамбекдай жаллодди,  
Бек Рустам ўзининг кўнглин шод этди.

Қулоқ солинг суханварнинг тилига,  
Тушди Рустам карвонларнинг йўлига,  
Томоша қинг бек Рустамдай жаллодни  
Бораётир полвон Урганч элига.

Ўткир ханжар бек Рустамнинг белида,  
Худой иқбол берсин осий қулига,  
Энди тушди катта йўлга бек Рустам,  
Хат кўтариб борар Урганч элига.

Гоҳи танҳо, гоҳ вақтда эл билан,  
Гоҳи нишаб, гоҳ ўр, гоҳ бел билан,  
Бораётир Урганч элга бек Рустам,  
Гоҳ текисда карвон юрар йўл билан.

Энди Рустам йўлда одамга қўшилди,  
Сувсиз чўлда сориқлари тешилди,  
Омон-эсон Урганч элга етдим деб  
Рустамбек шод бўлиб, полвон ишинди.

Рустам урди отини,  
Тулпор хоназотини,  
Ҳақ деб Рустам жўнади,  
Кўзлаб Урганч юртини...

Карвон юрар йўл билан  
Одамга аралашди,  
Кўрган одам Рустамни  
Бари офарин дейишди...



Килди Рустам ғайратни,  
Ўйнатди тулпор отни,  
Томоша қинг, ёронлар,  
Бек Рустамдай жаллодни,

Қатта йўлга тушиб оп,  
Тулпорни йўрғалатди,  
Урганч элга етсам, деб  
Қистаб жуда йўл тортди.

Асли асил тулпорди,  
Чу, деб қамчига тутди,  
Урганч элга етсам, деб  
Рустам жонини сотди.

Кимга етса бек Рустам,  
Етгандан ўтиб кетди,  
Бедовини ўйнатди,  
Сувлиғини чайнатди,  
Ўзидай ботир мардларнинг  
Зардасини қайнатди.

Ол-ол юрди, ол юрди,  
Озгина эмас, мўл юрди,  
Рустам ботир ғайратман  
Саккиз кун тинмай йўл юрди,  
Неча бир тоғ, чўл юрди,  
Тинмасдан қичаб йўл юрди.

Булбул ошна бўлар боғнинг гулига,  
Куйсин ўлим, ким чидайти ҳилига,  
Саккиз кун тинмайин юриб бек Рустам,  
Қистаб етди полвои Урганч элига.

Бек Рустам сиғинди қодир худога,  
Неча кунлар чўлни кезди баного(х),  
Келди Рустам Урганч элга, ёронлар,  
Келиб тушди Рустам элчихонага.

Сизга айтай гапимнинг тозасидан,  
Фаҳминг бўлса, билгин андазасидан,  
Оралаб Урганчни Рустамбек полвон,  
Келди энди аркнинг дарвозасидан,  
Келиб қўнди Рустам элчихонага,  
Урганчга гап тўлди овозасидан...

\* \* \*

✽

...Алибек шаҳзода Бешанинг тоғидан ошиб, йўлга тушиб, қистаб, шабгир тортиб, йигирма кун деганда, Болҳасрат тоғининг қорасини олдилар. Беклар шод бўлиб, димоғи чоғ бўлиб, гаяти ҳақ бўлиб, шоду хандон кулиб-ўйнаб, Болҳасрат тоғига келиб қўш ташлаб, отларга дам бериб, чотир-чаманни тикиб, тоғни сайр этиб, тоғнинг дараларини қидириб, томоша қила бердилар. Болҳасрат тоғи шундай тоғ эди. Асло унинг қори узилмас эди, доим ҳамма ерини қор босиб ётар эди, совуғи бошқа тоғлардан зиёда эди... Алибек шаҳзода Болҳасрат тоғининг шавқига-завқига, хуш баҳрлигига маст бўлиб:— Эй, жонивор Болҳасрат тоғи, сен ҳамма тоғларнинг подшосисан, сендай тоғ осмоннинг остидаги тоғнинг ичида йўқ,— деб Болҳасрат тоғининг шаънига бир байт ўхшатиб айтиб турибди:

Сайиргсҳим, Болҳасрат тоғи,  
Майини ҳаволаринг сенинг,  
Очилар гулшанда боғи,  
Минг алвон гулларинг сенинг,

Сенсан тоғларнинг султони,  
Кўргансан олам замони,  
Уч юз олтмиш бир макони,  
Яшилдур туғларинг сенинг.

Қиёмат тонгги отганда,  
Оламни фоний тутганда,  
Исрофил сурин гортганда,  
Тебранмас сангларинг сенинг.

Қибладан шамол эшганда,  
Жами тоғ-тош етишганда,  
Ҳамманинг ақли шошганда,  
Шошмагай белларинг сенинг.

Устингда ғозлар давравор,  
Қийикларинг сакраб юрар,  
Йўлбарсларинг бир оҳ урар,  
Чирпинар шерларинг сенинг.

Бир тоғинг бор, оти Селинг,  
Гуллар очилган ранг-баранг.  
Сайрон этар шеру филинг,  
Етар арслонларинг сенинг.

Бир тоғинг бор Қўҳишта,  
Гул очилган жиба раста,  
Сувингни ичган бўлмас хаста,  
Шифодир сувларинг сенинг.

Сенсан тоғларнинг подшоҳи,  
Бузрукларнинг қадамгоҳи,  
Жами азизлар арвоҳи,  
Али манзилларинг сенинг.

Жами ваҳший маконисан,  
Гул тоғининг султонисан,  
Чилтон суҳбат қўрғонисан,  
Файзи футуҳларинг сенинг.

Олқор, кийик жойламоққа,  
Қакликларинг сайрамоққа,  
Кўрганни шод айламоққа  
Бўлган дуоларинг сенинг.

Гул тоғининг улкани сен,  
Лаъли, маржоннинг кони сен,  
Тар очилган бўстони сен,  
Ўқир булбулларинг сенинг.

Баланд-баланд қияларинг,  
Олғир қушга уяларинг,  
Юз минг турли гиёларинг,  
Ҳар алвон гулларинг сенинг.

Қайнаб оққан булоқларинг,  
Кийик, олқор, улоқларинг,  
Шод бўмайми димоқларинг,  
Кўрганда баҳоринг сенинг.

Майин-майин шамолларинг,  
Кулки берган камолларинг,  
Қорман ёмғир, туманларинг,  
Дори шамолларинг сенинг.

Ҳар тарафдан йўлинг оша,  
Кўрганларнинг ақли шоша,  
Увуллашиб, чувуллаша,  
Бўри-мўриларинг сенинг.

Кўҳна замондан қолгансан,  
Сонсизини кўргансан,  
Армонсиз даврон сургансан,  
Узоқ умрларинг сенинг.

Шер, фаланглар юрмоққа,  
Гўлбарслардан сурмоққа,  
Чилтонлар суҳбат қурмоққа,  
Оvloқ манзилларинг сенинг.

Юз минг турли тошларинг бор,  
Ҳисоби йўқ қушларинг бор,  
Юз тусли товушларинг бор,  
Турли садоларинг сенинг.

Ҳеч тоғда йўқ сенинг садонг,  
Ҳар касалга бордир давонг,  
Ода бўлмас сонсиз меванг,  
Сатта ёнғоқларинг сенинг.

Жами ҳайвон бари сенда,  
Сендай тоғ оламда қанда,  
Сени кўрмаган армонда,  
Томоша баҳоринг сенинг.

Сендай тоғ оламда бўлмас,  
Ҳеч бир тоғ баробар келмас,  
Кўрганларда армон қолмас,  
Сонсиз дараларинг сенинг.

Адади йўқ сонсиз кўлинг,  
Доим чаман соғу сўлинг,  
Осмонман сўйлашган белинг,  
Ҳаводор белларинг сенинг.

Жовлик босиб ётган қоринг,  
Чарқиллаб бургут, шунқоринг,  
Уйнайди кийик, олқоринг,  
Кўп олғир қушларинг сенинг.

Қайроқларинг дўнгдан-дўнгдан,  
Ураларинг кенгдан-кенгдан,  
Сонсиз дарахт мевалингдан,  
Анжирман аноринг сенинг.

Уч юз олтмиш эрур дарангнинг сони,  
Ҳар дарангда бир валининг макони,  
Таърифингни айтиб бўлмас баёни,  
Яшилдир туғларинг сенинг.

Таърифингга йўқдир адад,  
Барин айтмоқ бизга не ҳад,  
Алибекка беринг мадад,  
Ётган азизларинг сенинг.

Ана энди Алибек шаҳзода бу сўзларни айтиб, уч кундан сўнг пастга тушиб, бекбаччалар, лашқари, оломон, навқари, сардорлари, беклари — булар ҳам тоғни томоша қилиб, юриб эди...

\* \*  
\*

...Алибек шаҳзода қошидаги йигитларига ва юрт сўраган шаҳриёрларга ва қўрғон сўраган бекларга ва катта амалга эга бўлиб юрган амалдорларга ва умароларга, навқар, қора оломон, хизматқорларга ва ясовул, маҳрамларга ва шиғовул, ҳудайчи, баковул, эшик оғаси, салом оғаси, арбоб, оқсоқол, йигит оға-

силарга, бекларга, полвонларга, баҳодирларга, олди-  
даги лашкарнинг барчасига кўнгил бериб:— Эй, пол-  
вонлар, ана келдинглар, бундай суҳбат излаганда топил-  
мас,— деб бир сўз айтади:

От чопилар тоғнинг баланд-пастига,  
Мард ўғлон юради душман қасдига,  
Ғазо деган — тараф тортган, ботирлар,  
Келдинглар ҳисобли ёвнинг устига.

Олис йўлдан яхши тулпор чопилмас,  
Чопилмайин қолса бедов совулмас,  
Ғазо излаб мард бўп келган, ботирлар,  
Излаганга бундай суҳбат топилмас.

Мард йигит майдонда минар отини,  
Урушда душмандан олар лотини,  
Ғазо излаб келган, Урганч беклари,  
Душман билар чин марднинг шиддатини.

Мард йигитлар савашмоқни истаса,  
Номардларни шайтон қилар васваса,  
Душманларни қойил бўлиб отмаса,  
Кучли ғаним ён-ёғидан қистаса.

Мард душманин кўрса қараб турарми,  
Мард йигитга ҳаял-муҳлат бўларми,  
Қараб турмоқ асл мардга хатодир,  
Чин ботирдан душман омон қоларми?!

Мард майдонга кирса, душман қочмайми,  
Мол, жонидан — барисидан кечмайми,  
Ғазо излаб, ботир бўлиб келганлар,  
Қочмагани ажал майин ичмайми...

От чопинг, ботирлар, майдон устига,  
Ана келдинг қалин душман устига,  
Мард бўлсанг шу ерда кўрсат ишингни,  
Қизиқ саваш, ҳунар жавлон устига.

Ботирлар, олдиндан чиқди душманинг,  
Ана майдон, дим қолмасин армонинг,  
Ботир бўлиб бунда келган йигитлар,  
Ана, беклар, ўзингни олганинг.

От чопдинглар, беклар, чўлнинг дашига,  
Яхши-ёмон келар марднинг қошига,  
От қўйинглар, мингни чопмай қайтмаси,  
Қайтса, хотиннинг лачаги бошига.

Урганчада қолгандир норча, лўқларим,  
Устида ортилган уюр юқларим,  
Мингни чопмай қайтмагин, ёронлар,  
Қайтган хотин, тойган тўқол, бекларим.

Ол ботирлар, олганники, бекларим,  
Кия қилич солганники, бекларим,  
Калла хирмон қилганники, бекларим,  
Бўлиб-бўлиб қирганники, бекларим.

Мингни танҳо урганники, бекларим,  
Кочмай танти турганники, бекларим,  
Соб бўлганча юрганники, бекларим,  
Тўпга ёлғиз борганники, бекларим.

Бориб майдон қурганники, бекларим,  
Ёвни қириб урганники, бекларим,  
Ёвнинг ўтин ёрганники, бекларим,  
Тишмай наъра урганники, бекларим.



От қўй, беклар, душманга бўл баробар,  
Урганч элдан чопиб келган жўралар,  
Мингни чопмай чиққан хотин, бекларим,  
От қўй, беклар, югур, оллоҳу акбар...

...Алибекнинг лашкари ҳар қайси ўзининг сардорининг олдида от қўйди. Бир неча хил эл бўлса, ҳар қайси бир тўп бўлди. Беш-олти бўлак бўлиб, бирининг олди-дан бири, ортидан бири, бу ёнбошидан бири, бу ёнбошидан бири от қўйди. Бариси қириб-жўйиб, асло тўпни бузмай, ёв юрак бўз бола ботирларни олдига солиб, орқасини ўзи борлаб кета берди. Бир катта уруш бўлди. Ота болага қарамай, қиз энага қарамай, бир ур-а-ур, чоп-а-чоп, сол-а-сол, ол-а-ол, ушла-ушла, қайтар-қа-қайтар, бўл-а-бўл деган. Вағир-вуғир осмонга чиқди... Ботирлар ҳой-ҳойлаб наъра тортади, катта оти чиққан полвонларнинг наърасини эшитиб, ҳар ким ўз ҳоли етганча уриниб, тараддудини қилиб, ҳеч ким ҳеч кимни билмай, урмоқдан, қирмоқдан бошқа гапни билмай қолди... Уруш-майдон бўлаётири, аямас урушда туриш йўқ.

Тоғдан чиқиб Алибекнинг қўшини,  
Ёвни кўриб қўйди отнинг бошини,  
Олло деб от қўйди душман устига,  
Ҳар бири чопмоқчи мингта кишини.

Олдидан қўшин чиқди, дуч бўлди,  
Қўрганан ботирлар вақти хуш бўлди,  
Бариси бўшатди отнинг бошини,  
Тўхтамасдан келиб аралаш бўлди.

Кўп қўшин от қўйди талотўп бўлди,  
Урушда биридан бири кўп бўлди,  
Ўзбеклар бўшатди отнинг бошини,  
Келиб аралашди, катта гап бўлди.

Уруш бўлди уч-тўрт бўлак бўлиб,  
Қайси ботир, қайси қўрқоқ билиниб,  
Ур-ҳа-ур, деб келаётир кўп одам,  
Ур деди, чоп деди, бари уриниб.

Икки ёқ ҳам селдай босиб келади,  
Бир-бирининг йўлин тўсиб келади,  
Ўткир қилич ботирларнинг қўлида,  
Ҳар силтаса, бошни кесиб келади.

Икки қўшин бўлиб қолди аралаш,  
Тўқайга катта ўт тушганга ўхшаш,  
Бир талотўп майдон бўлди шўл кунни,  
Бир талотўп бўлди бекенгаш...

Бир уруш бўлди, ҳаддан ошиб, ёронлар,  
Икки ёқ дарёдай тошиб, ёронлар,  
Кўрқоқлари қолди шошиб, ёронлар,  
Ота боладан адашиб, ёронлар.

Уртада қўшин талашиб, ёронлар,  
Не уллар ўртага тушиб, ёронлар,  
Иккови ҳам ҳадди йўқ лашкар,  
Уруш қолди аралашиб, ёронлар.

Пастга, урга от чопишиб, ёронлар,  
Ботирман ботир тўқишиб, ёронлар,  
Катта полвонлар сўғишиб, ёронлар,  
Аямасдан қон тўқишиб, ёронлар.

Вағир-вуғир майдон бўлди талотўп,  
Бир-бириман сўқишиб, ёронлар.

Чопиб-йўртиб саваш қилди ботирлар,  
Ор талашиб, энтикишиб, ёронлар.

Тут қоққандай учди одам майдонда,  
Қилич теккан ағнаб тушиб, ёронлар.

Икки қўшин аралаш бўлди,  
Бировман сансираш бўлди.

Икки тараф бир кеп қолди,  
Қўринг бир-бирига ғаш бўлди.

Тўп, милтиқ, жазойил қолди,  
Ишлатгани қилич бўлди.

Қатталари қўйма дейди,  
Бўз болалар қириш бўлди.

Айрилди элнинг ботири,  
Шўл кунни катта иш бўлди.

Икки ёқ ҳам ёв юракдир,  
Бир ҳам танти уруш бўлди.

Илдам отли ағдалиб,  
Майдонда юриш бўлди.

Ҳар ким кучи етганини  
Аямаси уриш бўлди.

Агар шу кунни кўрганингга,  
Жуда қизиқ бир иш бўлди.

Илдам тулпорлар чопилди,  
Зумрад добиллар қоқилди,  
Ботирга эрмак топилди,  
Урди ўзбеклар добилди.

Ота боладан жанғилди,  
Қизил қон сувдай оқилди,  
Душман душманга танғилди,  
Ажалли уллар йиқилди.

Қилди ўзбеклар ғайратди,  
Майдонда жуда қийратди,  
Силтади кескир пўлатди,  
Етгани тирп этмай ётди.

Ушлаганин силтаб отди,  
Не бир улларни ағнатди,  
Ботир уллар жонин сотди,  
Бедовларни ўмганлатди.  
Қилди ботир сиёсатди,  
Шуйтиб хуморин тарқатди.

Одам тўлди дала-дашга,  
Тушди ботирлар савашга,  
Иккови ҳам ҳадсиз кўпдир,  
Бирдан тушди, кўр, талашга.

Олди, орти бир кеп қолди,  
Қиёматдай саваш бўлди,  
Биёбон мурдага тўлди,  
Қиргинда ажалли ўлди,  
Катта тараф уруш бўлди.

Айрилди йигитнинг зўри,  
Майдон қилар эрнинг эри,  
Алибекнинг йигитлари,  
Мингга етади ҳар бири,  
Барига зўрлик қип юри...

Ҳар қайси чиллапинг нори,  
Кетди душманнинг мадори,  
Не бир ман-ман дегапларнинг  
Бўлмай қолди эйтибори.

Кетадиган бўлди энди  
Шопўлатнинг номус-ори,  
Тенг бўлолмай ўзбекларга,  
Қўрқиб қолди элнинг бари.

Қўрққани бундан ортиқ бўп,  
Қоча бердилар ҳар сари,  
Орқасига қарамайди  
Қўрқоқ тува ботирлари.  
Бир фасл уруш бўлган сўнг,  
Айрилди-да эрнинг эри....

Қирғиндан кўп одам ўлди,  
Ўзбекка хўп қойил бўлди,  
Уришолмай қолганлари  
Бари бирдан банди бўлди.

Урушга ҳоли келмади,  
Бунга баробар бўлмади...  
Доим ҳарба қилолмади,  
Зўр келган сўнг банди бўлиб,  
Ўзбекка тенг бўлолмади.

Урушнинг кетди оҳори,  
Душманнинг кетди мадори,  
Бари бирдан банди бўлди,  
Ўлмай қолган ёшу қари...

Алибек вақти хуш бўлди,  
Олдидан душман дуч бўлди,  
Олди бежой уруш бўлди,  
Қўрққанидан оломон —  
Бари қараб туриш бўлди...

...Энди гапни беклардан эшитинг. Алибек билан Болибек Рустамбекка жавоб берди. Бориб хушхабарни хонингга етказ, деб юборди. Ана энди от ўйнатиб, шердай бўп, неча кунлар йўл юриб, омон-эсон, соғ-саломат Гўзал шоҳнинг олдига келиб, Гўзал шоҳга қараб, суюнчи тилаб, бу хушхабарни етказиб, ана Урганч бекзодалари келди, деб бир сўз деди:

Арзимни эшит, Гўзал шоҳим,  
Урганчининг беклари келди,  
Мақсадинг берди худойим,  
Атанган шерлари келди.

Келди йигитнинг жаллоди,  
Асл тулпор минган оти,  
Келди Урганч бадавлати,  
Йигитнинг зўрлари келди.

Кўзга илмас минг кишини,  
Кесар душманнинг бошини,  
Чиқди Пўлатшоҳ қўшини,  
Сатта қонхўрлари келди.

Асал тоғда дучор бўлди,  
Ҳисобсиз одами ўлди,

Мирза Пўлат банди бўлди,  
Бир билак эрлари келди.

Ўзбекка ҳеч гап бўлмайди,  
Бир одами ҳам ўлмайди,  
Бундан ҳеч ким қутулмайди,  
Одамхўр шерлари келди.

Барин кўрсанг эрнинг эри,  
Соҳибқирон бекнинг бари,  
Ғазо талаб полвонлари,  
Ўзбек элнинг бари келди.

Кувона бер энди шойим,  
Кўкрагингга солма войим,  
Савашмоққа бари қойим,  
Хоним, эрнинг эри келди.

Урганч элдан сизни кўзлаб,  
Шундан келди уруш излаб,  
Кирар, шоҳим, минглаб, юзлаб,  
Сатта йигитлари келди.

Бек Юсуфнинг улларидир,  
Балки жону дилларидир,  
Урганч элнинг гулларидир,  
Урганчнинг булбули келди.

Алибек дер сўрсанг оти,  
Ўзи Урганчнинг хонзоди,  
Ўзбек элнинг асл зоти,  
Тоза боғнинг гули келди.

Болибекхон Аҳмад ули,  
Бул ҳам Урганч тоза гули,

Урганчининг ҳотам кўнгли,  
Элнинг жону дили келди.

Ашурбекнинг ўғли Девтош,  
Излагани доим саваш,  
Шу лашкарга шулардир бош,  
Тоза шернинг шери келди.

Мизроб дер бекнинг жияни,  
Полвонлигин ҳадди йўқ ани,  
Юрт сўраган асл тани,  
Урганчининг хонлари келди.

Бек Рустам дер етиб келдим,  
Неча вақтлар ҳамдам бўлдим,  
Шоҳим, тинмай хизмат қилдим,  
Урганч элнинг бари келди.

Ана энди Рустамбек Гўзал шоҳга хушxabар айтди  
Шоҳ Гўзал бу сўзлардан шод бўлиб, жойидан туриб,  
Рустамбек билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, бек-  
ларнинг эсонлигини сўраб, кўп шодмон бўлиб, Рустам-  
бекка кўп инъомлар бериб, жуда хурсанд қилиб, Рус-  
тамбекни дунёдан беҳожат қилиб, ўз элидан икки катта  
кўргоннинг беклигини берди. Ана энди Гўзал шоҳ уч юз  
саркардаси билан бекларнинг олдига пешвоз чиқиб,  
бекбаччаларни кўриб, Алибек, Болибек, Девтош, Миз-  
раб шоҳ — бариси отдан тушиб, Гўзал шоҳ билан кўри-  
шиб, бекбаччалар Гўзал шоҳни ҳурмат қилиб, жуда  
сийлаб, ўзларидан юқори ўтказиб, беклар бариси ота,  
леб ҳурмат қилиб, қўл қовуштириб, одоб билан турди.  
Шул вақт Гўзал шоҳ бечора Алибек билан Болибекка  
караб, Урганч элларини сўраб, оталарининг қирқ  
йигити, жами амалдорлар, Юсуфбекнинг қадим хизмат-



беклари, умаролари, жами катта-кичик Урганч эли омонми, деб бир сўз деди:

Урганчнинг элидан келган бекзодлар,  
Юрт эгаси Юсуфбекхон омонми,  
Бизнинг учун келган жоним фарзандлар,  
Сўрайман Аҳмадхон полвон омонми?

Гўзал шоҳнинг Юсуф, Аҳмаддир жони,  
Бунда келган икки хоннинг ўғлони,  
Асл ўзи Хоразмнинг султони,  
Адолатли Эралихон омонми?...

Омонми Хоразм элининг бари,  
Катта-кичик яна ёшу қари,  
Саваш куни мингга етган ҳар бири,  
Олдида қирқ йигит арслон омонми?

Олдидаги қирқ йигитнинг оғаси,  
Бедов отнинг кумуш гўла тўғаси,  
Юсуфбекман Аҳмадбекнинг тоғаси,  
Олдида Ашурбек арслон омонми?

Тилла бўлар кировканинг жиғаси,  
Ҳали ўзи Исфиҳоннинг эгаси,  
Икки хоннинг асл катта тоғаси,  
Исфиҳонда Бўзўғлонхон омонми?

Омонми отангнинг катта беклари,  
Неча амалдорлар, оталиқлари,  
Урганч элда от кўтарган эрлари,  
Бек Юсуфга меҳрибонлар омонми?

Неча бекзодалар, неча бекбачча,  
Хизматда турган кундузмаи кеча,

Неча баҳодирлар, неча шербачча,  
Ғазо деган паҳлавонлар омонми?

Сўрайман Хоразм юртнинг барини,  
Ҳеч бирин қўймайин ёшу қарини,  
Бошқа шаҳардаги бекларини,  
Хизмат қилган нуктадонлар омонми?

Бек Юсуфнинг неча бир бек жўраси,  
Элатининг хонзодаси, тўраси,  
Неча бир хизматкор қоши қораси,  
Базмласа, ғазалхонлар омонми?

Отанга хизматкор қанча полвонлар,  
Олдида ўтирган улуғ эшонлар,  
Ўз олдида сурган даъру давронлар.  
Шодликман ўтган давронлар омонми?..

Омонми, бутунми отанг давлати,  
Булутдай оламни босган савлати,  
Катта, бой, тахти кенг ҳукумати,  
Давлатман ўтказган замон омонми?

Гўзал шоҳ дер унга мушфиқ ўзимиз,  
Йўлига интизор икки кўзимиз,  
Юзин кўрмай ғойибона қизимиз,  
Гул Хадича, Гуласалхон омонми?

Ана энди Гўзал шоҳ Урганч элнинг барисини сўраб,  
катта-кичик амалдор, умаро, фуқаро, фозил, уламо, ёш-  
қари, ҳеч кимни қолдирмай, барисини бир бошидан  
сўраб, олдидаги қирқ йигити битта-битта сўрашди. Шун-  
да Алибек шаҳзода:— Эй ота, бариси омон- эсон, сиҳат,  
аввал отам, ундан сўнг Аҳмадхон акам, Ашурбек сар-

дор тоғам, қирқ йигит бириси, Эралихон бобом, Нодир-бек султон, Дархонхон — бариси бош-бошига сизни жуда кўп сўраб юборди, қизларингиз Гулхадича, Гуласал ойим жуда кўп салом, деб сўраб юборди, — деб шаҳзодалар кўришиб, сўрашиб, ҳол-аҳволларини билишиб, Гўзал шоҳ бизга меҳмон бўласизлар, — деб таклиф қилди. Гўзал шоҳ шаҳзодаларни ичкарига олиб кетди. Урдага олиб бориб, Урганчдан келган лашкарни уч кун меҳмон қилиб, Гўзал шоҳ ўзи югуриб, жони-дили билан чопқиллаб хизмат қилиб, қари ҳам бўлса, оёғида тик турди...

\* \*  
\*

...Жами париларнинг подшоларининг каттасини Шаҳбол Шоҳрух дер экан, париларнинг қанча подшоси бўлса, барининг устидан қарайтурган ул подшонинг лақабини ноиби Сулаймон Алайсалом дер экан. Шаҳбол Шоҳрухнинг хотинини Рабиулжамол, қизининг отини Бадиулжамол дер экан. Шаҳризар подшосининг қизи Бадиулжамол паризод ухлаб ётиб, тушида Алибек шаҳзодани кўрди, Миср элинда икки подшони тўй қилиб, бир ёғи ўйин қилиб, бир ёғи кўпқари, бир ёғи майдондорлик қилиб, бир ёғи курашиб турган кўрди. Шулар ўртасинда Алибек шаҳзода тилла тахтнинг устинда, аркони давлат ўртасинда, бошида тож, қўлида ҳукумат ангиштарин, олам эли мўте фармонида турибди. Тўрт тарафинда оқсоқол, мўйсафид вазирларнинг қўлларида тилла асо, оламнинг маслаҳатини қилиб ўтириб, Алибек олдида қанча подшозода ўз муносабатида ўйнашиб ўлтирибди. Ҳар тарафинда бир полвонни занжирбанд бойлаб қўйибди. Агар бировини бўшатса, оламни зер-забар қилгудай. Олдида қанча моҳрўйлар, камон қош, хумор кўзлар, шакар лаблар, дур тишлар, оламга бергусиз

маҳвашлар — бари қалам қош, сумбул мўйлар, хуш хўйлар, бир нозик ингичка беллар коса бериб, базм тузиб, майсипорлик қилиб, ўртада не бир нозик барнолар ўйнаб тури. Бадиулжамол паризод бу салтанатда, бундай базмда ўтириб, маслаҳат-кенгашнинг ичинда, бир тарафи майдон, бир тарафи ўйин, бундай ҳангоманинг ичинда Алибекдан сўрай олмади: «Отинг нима, элинг қаерда, сен ўзинг кимнинг зоти бўласан?» — дея олмай уйғониб кетди.

Ана энди Бадиулжамол паризод мажнуни беихтиёр бўлиб, Алибекнинг шавқига, завқига, фикрига тушиб, кўнглига ҳеч нарса келмай, кўзига олам кўринмай, жойидан туриб, энаси Рабиулжамол паризоднинг олдига бориб, кўрган тушини, Алибекнинг ўртада ўтириб қилган ҳукмини, тўрт тарафдаги элни айтиб, бир сўз деб тури:

Эна, ётиб эдим Гулшан боғинда,  
Кўзимга бир йигит жонон кўринди,  
Тонгдан илгарироқ саҳар чоғинда,  
Йигитлар ичинда султон кўринди.

Ўзи бир йигитдир ўн тўрт ёшинда,  
Тилла жиға шул йигитнинг бошинда,  
Оламнинг лашкари тенги-тушинда,  
Бир ёғинда уруш майдон кўринди.

Бир ёғи базмдир, бир ёғи ўйин,  
Неча хил одамлар саф-басаф кейин,  
Унинг не сифатин. энажон, дейин,  
Етти иқлим олдинда равон кўринди.

Ўзининг суврати ҳали ёш бачча,  
Юрт кенгашин қилиб турур бош бачча,  
Неча бир хонзода, печа бек бачча,  
Бир ёғинда ўйин даврон кўринди.

Занжирбанд боғлаган неча полвонлар,  
Бўшалса, оламни қилар яксонлар,  
Бир ёғда қурилган катта майдонлар,  
Не бир полвонлар урушган кўринди.

Бир ёғи базмдир, не гўзал қизлар,  
Пари деб юрдик, энажон, бизлар,  
Коса узатади не жоду кўзлар,  
Бир тарафи суҳбати жонон кўринди.

Жон эна, шул йигит олди эсимни,  
Мен излаб топайин суйган дўсимни,  
Шўл йигитга, жон эна, ҳавасимдир,  
Ўзимга муносиб ўғлон кўринди.

Жоним эна, қулоқ солгин сўзима,  
Шўл йигитни топиб берсанг ўзима,  
Мунов дунёнг кўринмайди кўзима,  
Энди қизинг сенга товон кўринди.

Энажон, турмоққа йўқдир тоқатим,  
Юрмоққа, жон эна, йўқдир ҳолатим,  
Жон эна, шу йигит менинг давлатим,  
Менингман ҳамнишин, ҳамдам кўринди.

Жон эна, қулоқ сол, айтай дардимни,  
Мен ташлаб кетайин бундай юртимни,  
То излаб топмасам кўрган мардимни,  
Қизингда мажнунлик аён кўринди.

Ишқ савдоси тушди, эна, бошима,  
Эна, раҳм айлагин кўзда ёшима,  
Шул йигит бўлмаса, эна, қошима,  
Дунёнинг ҳузури хаёл кўринди,

Жон энажон, улсиз жонни пайлайин,  
Жонимни ёримга қурбон айлайин,  
Улганимча сифатларин сўйлайин,  
Таърифи, тавсифи чандон кўринди.

Жон эна, қизингда роҳат қолмади,  
Қай зотдан эканин қизинг билмади,  
Ул йигит ҳам сирин баён қилмади,  
Ошиқларга дунё зиндон кўринди.

Жон эна, маслаҳат бергин, меҳрибон,  
Кизингнинг тушинда кепти бир жонон,  
Юзи гул, сарвиқад, ризвондай ўғлон,  
Бир тахтда икков ўтирган кўринди.

Усиз менинг танимда йўқ роҳатим,  
Қараб турмоққа дим йўқдир тоқатим,  
То кўрганча ортар қайғу, ҳасратим,  
Қизинг шу йигитман шодмон кўринди.

Жоним эна, нима бўлар иложим,  
Қани тушда кўрган йигит, меърожим,  
Жон эна, шул йигит бошимда тожим,  
Танимда шул йигит султон кўринди.

Ёрим менга муносибдир, энажон,  
Шуйтиб қилдим лофу қофди, энажон,  
Ишқи кўкайим кесибди, энажон,  
Қизингнинг аҳволи ёмон кўринди.

Жон эна, аҳволим қандай бўлади,  
Шу йигитнинг ишқи менга балоди (р),  
Шу йигит бўлмаса, қизинг ўлади,  
Қизингга дори шу ўғлон кўринди.

Жон эна, сиримни айладим баён,  
Бир йигитга ошиқ бўлдим, энажон,  
Менинг ҳолим, эна, бўлди кўп ёмон,  
Жон эна, паймонам тўлган кўринди.

Шул йигит бўлмаса, эна, қошима,  
Жаҳон ғарқ бўлади кўзда ёшима,  
Бир маст ўғлон савдо солди бошима,  
Ҳур мисл, суврати бир ғилмон кўринди.

Бошинда тожи бор, ёнинда лашкар,  
Юзлари чамандир, қадди санобар,  
Бир лочин боқишли, гул юзли дилбар,  
Қоши қилич, кўзи чўлпон кўринди.

Сенга айтдим кўнглимдаги розимни,  
Энажон, эшитгин айтган сўзимни,  
Шул йигит деб ўлдираман ўзимни,  
Бадиулжамолинг ўлган кўринди.

...Ана энди бу сўзларни Рабиулжамол эшитиб, ҳайрон-лол бўлиб, қизига кўп насиҳатлар қилиб:— Эй, фарзанди дилбанд, бу сўзларинг кўп айб, жуда уят гап. Не учун? Ошиқ бўлмоқ ўғил баччаларга ярашади, маъшуқ бўлмоқ қиз баччаларга ярашади. Эй, Бадиулжамол, туш деганнинг поёни бўлмайди, гоҳ раҳмоний, гоҳ шайтоний бўлади. Ростми, ёлғонми, тушимда кўрдим, дейсан. Агар раҳмоний бўлса, рост, шайтоний бўлса, чин эмас. Сенга жинларни кўрсатган. Сен энди ҳар нарсага ўзингни ура берасанми?! Сен, эй Бадиулжамол, зинҳор ҳеч бир одамга айтма, биров эшитса, подшонинг қизи бир йигитга ошиқ бўлган эмиш, деган гап овоза бўлиб, бизларнинг авлод-авлодимизга таъна бўлиб қолади,— деб Рабиулжамол қизини кўп қайтарди. Энасининг сўзи

билан Бадиулжамол беш-олти кун дам юрди, орадан беш-олти кун ўтди. Бир кунларда бир кун ишқи зўрлади. Бадиулжамол Шаҳбол Шоҳрух отаси олдига бориб, кўрган тушини, бўлган воқеани бир-бир айтди, отаси ҳам қизига:—Сенинг тушинг айб туш, эътибор қилма. Бо яна ошнқ бўлмоқлик ўғил болаларга яхши, ошиқ бўлмоқ қизларга уят, айб бўлади. Ундай бўлса сен қараб тур, сени бошқа бир яхши йигитга берайин, — деди. Бадиулжамолнинг аччиғи келиб:—Бошқа эрингни бошингга ур, — деб отасининг олдидан аразлаб жўнай берди.

Ана энди Шаҳбол Шоҳрух қараса, қизи кўнмайди. Шул вақт наққошларни, сувраткашларни йиғиб, қизининг ўзидан Алибек шаҳзоданинг сувратини тортиб олиб, бир ёғи ўйин, бир ёғи базм, бир ёғи майдон қилиб, Бадиулжамол айтганини қоғозга солиб, Шаҳбол Шоҳрух тўрт девни олиб келиб, қўлига суврат қоғозни берди. Девларга фармон қилди:—Шул сувратга ҳар ким ўхшаса, олиб келасизлар! — деб буюрди.—Ернинг юзини изланг, одамзод ичида бир одам қолмасин. Маликаи Бадиулжамол паризоднинг айтган одамини топиб олиб келинглар,— деб девларга қараб подшонинг айтган сўзлари:

Девларим, парвоз этиб тахти самони ахтаринг,  
Ҳамд айтиб тинмасдан ушбу муддаони ахтаринг,  
Топмайин қўйманг, бу кун дашту далони ахтаринг,  
Аввали Макка, Мадина, Қарбалони ахтаринг,  
Шаҳрини, саҳрони қўйманг, шул болани ахтаринг,

Топмайин қўйманглар, айлангиз бул ишни тамом,  
Изланглар бир-бир юриб Қаноин бирлаи Мисру Шом,  
Шод топгайсизлар излаб жаҳд этиб ушбу поём,  
Топмайин келманглар энди, ўхшатолмай ишни хом,  
Ушбу сувратга, кўринг, ким келса, онн ахтаринг.



Ул араблар юртини бир-бир қилиб, изланг бу кун,  
Ул Хуросону Ироқ, Хиждони кўзланг бу кун,  
Аҳли ислом юртини бир-бир кўриб созланг бу кун,  
Ўзларингни султ қилманг, изларинг тезланг бу кун,  
Ер юзидан топмасанг, кенглар ҳавони ахтариб.

Шаҳри Куфадан чиқиб, излаб боринг Боғдодга,  
Шаҳри Шерозин кўриб, андин ўтинг Ҳиротга,  
Қобилни излаб боринг, Балх шаҳри уммулбиллодга,  
Сиз топиб олиб келинг, етсин бари мақсадга,  
Топмайин келманг, топинг, рўйи жаҳонни ахтаринг.

Ул Самарқанд шаҳрига боринг, кўринг Хўжандини,  
Андижон, Марғилон бирлан кўринг Хўқандини,  
Уш билан Ўзган бориб, хўп тоза кўр Тошкандини,  
Хизмат айлаб шод этинг, девлар, шохингнинг фар-  
зандини,  
Аҳли ислом юртидин албатта ани ахтаринг.

Чин-Мочин юртини излаб тамом айланг бу кун,  
Ул Хитою Хўтан тарафга хиром айланг бу кун,  
Қанча шаҳри бўлса хўп кўр, этимом айланг бу кун,  
Ул, паризоди Ирамни шоду ком айланг бу кун,  
Қолмасин ҳеч ер, девлар, Қашқар довонни ахтаринг.

Ул Бухоро шаҳрини кўр гирди атрофи билан,  
Қарки, Чоржўйни изла Ишқиботи билан,  
Хоразм шаҳри, Хеваю Урганч элати билан,  
Топингиз давлатлини, юрсин паризоти билан,  
Топмайин келманг, топинг мулки худони ахтариб.

Ахтариб топинг шу суратнинг эгасин, бўлса ким,  
Хоҳи чини, хоҳи хитой, хоҳ хўтанди, хоҳи рум,

Хоҳи ўрис, хоҳи черкас, хоҳи ҳунди, бўлса шум,  
Хоҳи қизилбош, армани — ҳар жинс одам бўлса ким,  
Хоҳ қозоқ, қолмоғи бўлсин, дардга давони ахтаринг.

Ахтариб, излаб топинг рўйи жаҳоннинг барини,  
Хизмат айлаб сиз, топиб кенглар пари дилдорини,  
Сиз топиб олиб келинг, девлар, паризод ёрини,  
Ҳар қаерда бўлса, топинглар кезиб тождорини,  
Кўрмайин келманг бир ерни, кулли жони ахтаринг.

Сиз бориб топиб келиб шаҳзодани шод айланг бу кун,  
Ул паризоди Ирамга эътиқод айланг бу кун,  
Кўнглин олмоқ учун хизмат зиёд айланг бу кун,  
Ул пари инъомидан айши нимот айланг бу кун,  
Сувратга ким ўхшаса, қиммат баҳони ахтаринг.

Хизмат этсанглар, пари албатта шод айлар сени,  
Бошқа девлардан вале қурбинг зиёд айлар сени,  
Яхши сўз бирлан, билинг, албатта ёд айлар сени,  
Чин агар топмай келсанг, олдинда дод айлар сени,  
Топмайин қўйманглар энди, муддаони ахтаринг.

Сен парига эътибор бўлсанг, ҳаммага эътибор,  
Сен парига хизмат этсанг, бўлмагайсан хору зор,  
Қўлдаги сувратни топсанг, ишларинг қилғай барор,  
То топиб келганча, йўлингга парилар интизор,  
Паризоднинг маҳбуби давлатли шони ахтаринг.

...Ана энди девлар ҳавога парвоз қилиб, вариллаб осмонга қараб уча берди. Осмонга ҳаволаб учиб, парвоз қилиб, Кўҳи Қофдан ўтиб, одам тупроғига аралашиб, қўлидаги сувратни баланд тутиб, қараб кўриб ўта берди. Ана девлар аввал Рум, хешу диёрлари билан, Чин-Мочин, Хитой, Хўтан, Булғор, Рус, Турк элларини, Татар,

Нўғайистон, Қозоқ, Ўзбекистон — бир бошидан қараб ўта берди. Одамларни оралаб излади, девларнинг бормаган ери қолмади. Етти кундан сўнг йўли Масал эли Гўзал шоҳнинг юртидан, шул элнинг устидан чиқиб қолди. Ана энди девлар қараса, уч бўлак лашкар ётибди. Катта бир тўй қилаётир. Девлар тўхтаб қаради. Бадиулжамол паризод ҳам уч бўлак лашкарнинг ўртасида, тилла тахтнинг устида, деб айтиб эди. Шу сабабдан девларнинг гумони қаттиқроқ бўлиб, паст томон тушиб, қўлидаги сувратга қараса, Алибек шаҳзода, девларнинг излаб юрган одами. Ана энди девлар димоғи чоқ бўлиб, жуда пастга тушиб қаради. Шу сувратдан дим ортиқ, кам эмас, шу сувратнинг ўзи. Паризоднинг айтган сўзлари ҳам тўғри келади. Ана энди девлар баланддан пастга тушиб, Алибек шаҳзода-нинг тўрт тарафидан ушлаб, ғуруллаб ҳавога парвоз қилди... Алибек шаҳзода баландга қараб кета берди. Бора-бора осмонга чиқиб кетди. Сўнг-сўнг ер ҳам кўринмай қолди. Шунда Алибек шаҳзода-нинг ўйига ваҳмин тарс келиб қўрқди. «Агар шундан пастга тушиб кетсам, суякларим ун-ун, майда-майда бўлади-да. Билмайман қаерларга тушиб, майда бўламан», — деб шаҳзода ўз ҳолига, аҳволига, ўзини-ўзи ўлди қилиб, фалакдан шикоят қилиб, бир сўзни айтиб турибди:

Тоғдайин бор эди, учди юрагим,  
Армон билан энди ўлар ўхшадим,  
Шундан тушсам ун-ун бўлар суягим,  
Бир тоза гул эдим, сўлар ўхшадим.

Тоғча эди, қайтай менинг ғайратим,  
Не жойларда қолди манзил-элатим,  
Билмайин не ерда маконим, юртим,  
Энди ғариб мозор бўлар ўхшадим.

Юрагим тоғдай-ку, қайтайин учди,  
Бевахм кўнглимга қўрқинчлар тушди,  
Илкисин ердан худой берди ташвишди,  
Армонман, ҳасратман қолар ўхшадим,

Айта берсам эсга келар боягим,  
Бурунгидай эмас менинг сиёгим,  
Тушиб кетсам, кул-кул бўлар суягим,  
Билмам энди ун-ун бўлар ўхшадим.

Ҳеч кимса билмайди менинг хабарим,  
Беҳабар Масалда қолди лашкарим,  
Ҳамнишиним, ичкуярим, ҳамроҳ, жигарим,  
Болибекни кўрмай ўлар ўхшадим.

Менинг билан бирга келган жўралар,  
Неча олий фаҳм, қоши қоралар,  
Кўнгли очиқ бир-биридан саралар,  
Армон билан жудо бўлар ўхшадим.

Жудо бўлдим Урганч мамлакатимдан,  
Узоқ тушдим маконимдан, юртимдан,  
Қариганда отам валлакатимдан,  
Юзларини кўрмай ўлар ўхшадим.

Айрилдим армонман кулбахонамдан,  
Бошимдан айланган ул парвонамдан,  
Айрилдим меҳрибон мушфиқ энамдан,  
Армон билан жудо бўлар ўхшадим.

Урганч элда эдим гулдан озода,  
Армон билан бўлдим бунда ғамзода,  
Жудолик кўйида бўлдим афтода,  
Оламдан бенишон бўлар ўхшадим.

Не сабабдан ғойиб бўлдим мен энди,  
Тар очилган гулдай сўлдим мен энди,  
Армонман, ҳасратман ўлдим мен энди,  
Билмайман не ерда қолар ўхшадим.

Бир боғчада тоза боғнинг гули эдим.  
Шаробин сипқарган булбул эдим ,  
Ҳеч бир ерда қўрқмайдиган ул эдим,  
Энди шундан қўрқиб қолар ўхшадим...

Алибек дер ҳайрон қолдим ўзима,  
Суюқ шамол уриб келди юзима,  
Жаҳон-олам кўринмайди кўзима,  
Оламдан бенишон бўлар ўхшадим.

...Шунда девларнинг ичинда Самандун дев шаҳзода-  
нинг хафа бўлганини билиб, шаҳзодани қўрқмасин, деб  
кўнгил бериб:— Эй одамзод, хафа бўлма, хушнуд бўл,  
сени бизлар яхши тарбиятлар билан бир жойга олиб  
борайик, ҳеч бир одам ўзи кўрмаган, қулоғи эшитмаган.  
Эй, шаҳзода, қўрқма, кўнгилнингни чўктиришга йўл бер-  
маймиз, сени нега ташлаб юборайик?! Сени сира-сира  
ташлаб юбормасмиз, балки сени бизлар жуда иззат,  
икромлар билан олиб борсак керак. Сен асло хафа  
бўлма, — деб Самандун дев кўнгил бериб, бир сўз деб  
турибди:

Ғам ема, одамзод ўғли,  
Сени бир жоя еткурай,  
Сенинг учун сийна доғли,  
Оқ юзли оя еткурай.

Юзлари мисли қизил гул,  
Шавқи билан сайрар булбул,  
Ўзи сатта, зулфи сунбул,  
Қоши қорая еткурай.

Шаҳзоданинг подшосига,  
Оламнинг меҳри моҳига,  
Париларнинг барносига,  
Бир тўлган оя еткурай.

Қоши камон, ҳусни ойди (р),  
Кеткиз, шаҳзода, қайғу-войди,  
Кезарсан олтин саройди,  
Тилла сароя еткурай.

Жоду кўзли, ҳусни ғунча,  
Ҳеч бир жон йўқ турар унча,  
Тоқати йўқдир кўргунча,  
Қадди ҳумоя еткурай.

Еткizarман тоза гулга,  
Сарвқад, зулфи сунбулга,  
Об борарман хипча белга,  
Тарафсиз моҳа еткурай.

Ҳеч кимда йўқ сенинг ёринг,  
Сенинг учун интизоринг,  
Кўрсанг агар вафодоринг,  
Кўрқма, жонона еткурай.

Доим сизга кўнгли мойил,  
Ҳуснига Кўҳи Қоф қойил,  
Ризвон сифат, ҳур шамойил,  
Тарзи ғилмона еткурай.

Сени аввал кўрган тушида,  
Жаҳон қайғуси бор бошида,  
Бўларсан маҳбуб қошида,  
Тарафсиз оя еткурай.

Сенинг ёриг шундай ёрдир,  
Жаҳон ҳўблари бекордир,  
Мисли йўқ моҳи пайкардир,  
Ажаб бир барноя еткурай.

Ёринг ҳўблар подшосидир,  
Барноларнинг барносидир,  
Билсанг элнинг анқосидир,  
Базми ҳумоя еткурай.

Сидқи билан сенга толиб,  
Мен борарман шунга олиб,  
Билагинг бўйнига солиб.  
Ўйинлик жоя еткурай.

Ораласанг тоза гулга,  
Хизматингда хипча белга,  
Овлар бўлсанг оидин кўлга,  
Ўрдак, сўная еткурай.

Бир паризод товус парли,  
Сенинг учун оҳу зорли,  
Қўш жиғали, гажак парли,  
Ажаб бир жона еткурай.

Сени излаган шоҳ пари,  
Бизлар унинг хизматкори,  
Сенсан унинг севган ёри,  
Ажабхоная еткурай.

Париларнинг паризоди,  
Бадиулжамолдир оти,  
Тоза парилар шаҳзоди,  
Қўп баланд жоя еткурай.

Сенинг ёринг пари қизди(р),  
Хизматга юборган бизди,  
Бориб кўрсанг жоду кўзди,  
Бир санам оя еткурай.

☞ Шаҳбол деган шоҳнинг қизи,  
Кўҳи Қофда танҳо ўзи,  
Жами парилар азизи,  
Тарафсиз моҳа еткурай.

Сенинг ёринг тоза ёрдир,  
Бошқа ёр бари бекордир,  
Қийиқ қошлари ханжардир,  
Кўзи ғазала еткурай.

Сенинг ёринг ширин гапли,  
Юзи равшан, қизил лабли,  
Бўйнида ёқут садоқли,  
Қадди расоя еткурай.

Сенинг ёринг тоза ҳурди(р),  
Ширин тилли, тиши дурди(р),  
Ғамгин бўлманг, худо берди,  
Давлатли шоя еткурай.

Хафа бўлманг ғамлар кетар,  
Шоҳнинг қизи қўлинг тутар,  
Сизнинг билан ишрат этар,  
Ўйинли жоя еткурай.

Ёринг сенинг баланд қадли,  
Тоза пари, ҳур сифатли,  
Кўрсанг малойик сифатли,  
Ажаб жонона еткурай.



Бир санамдир, қалам қошли,  
Қирмиз лабли, гавҳар тишли,  
Ғилмондайин ҳур боқишли,  
Ризвондай оя еткурай.

Хафа бўлма, ўзбак хони,  
Битта ҳур излаган сени,  
Тоза жаннатнинг гилмони,  
Бўстонли жоя еткурай.

Сенинг учун интизорди (р),  
Ҳеч ким кўрмас ундай ёрди,  
Лаби шакар, тиши дурди (р),  
Сўзлари бола еткурай.

Хафа бўлманг, бахт қаради,  
Сизни шул пари сўради,  
Шаҳбол шоҳ қизин беради,  
Давлатли жоя еткурай.

Шаҳбол шоҳнинг ёлғиз қизи,  
Боғ Ирамда битта ўзи,  
Ўликка жон берар сўзи,  
Қоши қорая еткурай.

Бўлманг бунча афтода,  
Ўйин-кулгини олинг ёда,  
Сиз учун пари ғамзода,  
Хурсандли жоя еткурай.

Борсанг пари шаҳарига,  
Тўрасан элнинг барига,  
Эга бўлиб хазналарига,  
Қарамли шоя еткурай.

Хафа бўлма, ўзбак хони,  
Тоза хон излаган сени,  
Об борсак кўрасан ани,  
Кўп баланд жоя еткурай.

...Девлар тўрт кун учиб, бешинчи кун деганда шаҳзода Алибекни Шаҳризарнинг яқинига олиб етди. Ана энди девлар Кўҳи Қофнинг бир катта дарахтининг устига Алибек шаҳзодани қўйиб, ўзлари шу ерда дам олиб турдилар. Шунда Самандун дев туриб, шаҳзодага қараб:— Эй одамзод тўраси, Шаҳризарга етдик. Эй жўра, сиз шу дарахтнинг устида тўхтаб туринг, бизлар бориб шоҳ қизи Бадиулжамолдан суюнчи олайик. Сиз айтган йигитни топиб олиб келдик, деб шоҳ қизини қувонтириб, хурсанд қилайик. Бизлар парининг инъом-эҳсонларини олиб, ундан сўнг сизни олиб бориб шаҳзодага берармиз,— деб катта дарахт бошига шаҳзода Алибекни қўйиб, улар кетмоқчи бўлиб, шунда Самандуннинг шаҳзодага айтган сўзи:

Сиз шу ерда туринг, одам тўраси,  
Шаҳризарда сарам-ғарам айласак,  
Сизни топиб олиб келганимизни,  
Бориб шаҳзодага баён айласак.

Сиз шу ерда туринг, бизлар борайик,  
Шаҳзодадан кўп совғалар олайик,  
Шоҳ қизини бизлар шодмон қилайик,  
Қайтиб келиб сизни намоён айлайик.

Шоҳ қизини бизлар бориб кўрайик,  
Паризодга сиздан хабар берайик,  
Кайтиб келиб сизни олиб борайик,  
Шоҳ қизини шоду хандон айлайик.

Сиз, меҳмонжон, одамзодга тўрасиз,  
Биз қайтиб келганча шунда турасиз,  
Биз хабар берайик, сиз сўнг борасиз,  
Сизни биз келди деб аён айлайик.

Бизлар бориб айтсак шоҳнинг қизига,  
Сизни хабар берсак қизинг ўзига,  
Қулоқ сонг девларнинг айтган сўзига,  
Қайтиб келиб сизни меҳмон айлайик.

Сиздай тўра шу дарахтда туради,  
Девлар бориб шоҳнинг қизин кўради,  
Суюнчига бизга нима беради,  
Хонзодани бир дам шодмон айлайик.

Сиз шу ерда туринг, Урганч тўраси,  
Шод бўлинг, бўлдингиз шаҳзода жўраси,  
Узоқ эмас, яқин қолди ораси,  
Қайтиб кеп хизматлар чандон айлайик.

Хафа бўлманг, шаҳзода, шод бўлинг,  
Илоҳи оламда бадавлат бўлинг,  
Парилар юртинда бағайрат бўлинг,  
Жонимиз борича дуо айлайик.

Бир фасл сиз тўхтаб туринг шу жойда,  
Бу ерда, хонзода, одамзод қайда,  
Билмаймиз подшонинг қизи не ўйда,  
Бизлар аввал бориб баён айлайик.

Ҳаялламай, тўрам, чопчон келамиз,  
Дарров кеп ўзимиз хабар берамиз,  
Доим бизлар сизга хизмат қиламиз,  
Ўзимизни сизга посбон айлайик.

Эшитдинг, тўрамжон, айтган сўзимни,  
Кўп жойдан кўтариб келтирдик сизни,  
Бизнинг қасдимиз шул: шод этсак қизни,  
Шоҳ қизини шоду шодмон айлайик.

Қулоқ солинг Самандуннинг сўзига,  
Бориб хабар қилай қизнинг ўзига,  
Сизсиз жаҳон қоронғидир кўзига,  
Қулдириб, қувонтиб, хандон айлайик.

Ана энди Алибек шаҳзодани шу ерда қўйиб, тўрт дев туриб, подшонинг қизидан суюнчи оламиз деб Шаҳризарга кириб кетдилар... Девлар Самандунни бош қилиб, паризод Бадиулжамол кўшига бориб, шунда паризод Бадиулжамолнинг канизлари, паризод кай-вонилари — бариси: «Хизматга кетган Самандун дев келибди, қани шаҳзодамизнинг кўрган одамзод тўрасини топиб келибдими»,— деб ҳеч қайси сўрай олмай, қараб турибди. Шунда Самандун дев кўшкининг остига бориб, Бадиулжамол паризодга бетма-бет бўлиб, шаҳзодага таъзим қилиб, Самандун дев Бадиулжамолга қараб, бир сўз айтиб турибди:

Қаторингда норинг келди,  
Номус билан оринг келди,  
Суюнчи бер, паризодим,  
Суюб олган ёринг келди,  
Сенинг интизоринг келди,  
Чиққин, вафодоринг келди.

Кўп ерларни ахтарганман,  
Ернинг юзини кўрганман,  
Тур жойингдан, паризодим,  
Суяр ёринг келтирганман.

Турсанг, ёрингни кўрасан,  
Унинг билан даврон сурасан,  
Буюрганинг топиб келдим,  
Суюнчини кўп берасан.

Бир ҳам йигит, ҳусни гулди,  
Жами шоҳлар унга қулди,  
Узи ўзингга муносиб,  
Бобонг ёринг топиб келди.

Бир йигитдир шаҳзода,  
Ҳусни паридан зиёда,  
Ер юзининг озодаси,  
Тоза хонзод асл келди.

Ундай хонзод асло йўқдир,  
Ҳусни паридан ортиқдир,  
Ернинг юзин барнолари  
Бир кўрмоққа интиқдир.

Парилардан ҳусни зиёд,  
Зоти улуғ, шоҳу шаҳзод,  
Теккан ёринг қутли бўлсин,  
Парилар дер офаринбод.

Олиб келдим бир йигитни,  
Юзи ойдай бўз йигитни,  
Суюнчи бер, паризодим,  
Юртдан ўзган шер йигитни.

Бир йигитдир, давронли,  
Қуввати Рустам нишонли,  
Давлатли, олий маконли,  
Шер сифат, мард майдонли.

Ҳуснига парилар қойил,  
Суврати ризвон филмонли,  
Хўб ўзингга муносибдир,  
Ҳусни паризод инсонли.

Одам, пари — ҳамма қойил,  
Топиб теккан дилдорингга,  
Бир муносиб йигит келди,  
Хўб ярашар гулзорингга.

Ҳар ким кўрса қойил бўлар,  
Паризодим, шул ёрингга,  
Суюнчини жуда кўп бер,  
Менингдай хизматкорингга.

Олиб келдим суйганингни,  
Келтиргин маконларингга,  
Келган йигит хўб муносиб,  
Ярашар суҳбатларингга.

...Ана энди Бадиулжамол пари Алибек шаҳзоданинг топилиб, девлар кўтариб олиб келганлигини девлардан эшитиб, димоғи чоғ бўлиб, вақти хуш бўлиб, ўз ҳоли-аҳволига қараб, ҳовли-жойлари, айвон-қайвон, шоҳ супаси, ҳовузлари — барисига қараб, бир сўз айтади:

Тар очилган тоза гуллар,  
Гулга шайдодир булбуллар,  
Қарвон юрган катта йўллар,  
Тозалан, ёрим келибди.

Шодмон бўлса мендай жонон,  
Ёр дардидан юрагим қон,  
Зарварақли кўшки айвон,  
Ҳавола, ёрим келибди.

Одамда меҳру вафолар,  
Айналай, жоним опалар,  
Гул экилган шоҳсупалар,  
Шипирил-ҳа, ёрим келибди.

Арзимни эшитинг, қизлар,  
Хизматкор барно канизлар,  
Сувга тўлган сарҳовузлар,  
Ғалт ур-ҳа, ёрим келибди.

Очилган боғимда гуллар,  
Булбулдай сўйлайди тиллар,  
Хина қўйган нозик қўллар,  
Бўял-ҳа, ёрим келибди.

Ғамга қилмадим бардошлар,  
Раҳм этмади меҳритошлар,  
Қундуз каби қалам қошлар,  
Керил-ҳа, ёрим келибди.

Қуйган алвон-алвон сўзлар,  
Айрилган бир-бирин излар,  
Хумор-хумор шаҳло кўзлар,  
Сузил-ҳа, ёрим келибди.

Ўтига ўртандик бизлар,  
Чоқ бўлинг, шайланинг қизлар,  
Таранг бўлган равшан юзлар,  
Ярқилла, ёрим келибди.

Эшитинглар ўнгу чаплар,  
Менинг ишим турфа гаплар,  
Болдан ҳам қирмиз лаблар,  
Қизар-ҳа, ёрим келибди.

Тортган ғамнинг қийинин,  
Ғам-ғурбат қолсин кейин,  
Оппоқ қордай узун бўйин,  
Сўзил-ҳа, ёрим келибди.

Менинг ёрим — севар ёрим,  
Ҳаққа етиб оху зорим,  
Тўшимдаги қўш анорим,  
Силкилла, ёрим келибди.

Сўйла-сўйла ширин тилим,  
Севар ерда жону дилим,  
Тол тасмадай хипча белим,  
Бурал-ҳа, ёрим келибди.

Келгани ёримнинг ростма,  
Ҳали бул сўз ҳавасма,  
Қундуз қошга зангар ўсма,  
Тортил-ҳа, ёрим келибди...

Ёрим учун ҳар ранг сўйлаб,  
Унинг ғамиман ўйлаб,  
Оқ мрамардан юпқа кўйлак,  
Пирилла, ёрим келибди.

Аввал, аввал, аввал бошдан,  
Ўсма кетмас қалам қошдан,  
Ўзим бичган адрас иштон,  
Тикил-ҳа, ёрим келибди.

Боғимда бордир бодомлар,  
Бир неча ёмон одамлар,  
Сўзил-ҳа, икки қадамлар,  
Одамлар, ёрим келибди.



Ваъдага айланг вафолар,  
Айналай жоним опалар,  
Қизил юзга оқ упалар,  
Суртил-ҳа, ёрим келибди.

Қанизлар, баринг шайланинг,  
Бориб бошидан айланинг,  
Энди ғамим йўқдир менинг,  
Минг шукур, ёрим келибди.

...Алибек шаҳзодани девлар дарахтнинг устига қўйиб, ўзлари паризоддан суюнчи оламиз деб кетди. Алибек шаҳзодани бир ўзи қолди...

Малика Орзин деган Шаҳризардан ҳам нари бир шаҳарнинг маликаси бор эди, унинг ҳам парилари атроф-жонибга учиб, сайр этиб, оламнинг гап-сўзларидан хабардор бўлиб юрар эди. Малика Орзиннинг парилари Шаҳризарнинг қабатидан ўтиб борар эди. қараса, бир одамзод бир дарахтнинг устида турибди. Икки пари ҳайрон қолиб бир-бирига: «Во ажабо, бу ерларга одам зоти экса кўкармас. Бу одам сира беҳикмат эмас»,— деб парилар парвоздан паст бўлиб, Алибек шаҳзодани кўтариб, ҳай, деб Малика Орзин пари олдига кетди.

Ана энди Бадиулжамол парининг девлари келиб қараса, Алибек шаҳзода йўқ, лол бўлиб қолди, ҳайрон бўлди. Нима деярини билмай қолди. Ана энди қандай қиларини билмай, кўп тарадудлар қилиб, тополмади. Ўрни, қирни қаради, охири бўлмади, келиб шаҳзода Бадиулжамолга хабар берди... Ана энди Маликаи Бадиулжамол пари зор-зор, абри навбаҳор йиғлаб, тўрасининг доғига куйиб, бетини сўйиб, тўрасини йўқлаб, кўзини ёшлаб, ўзини ҳар ёққа ташлаб, ўзини-ўзи муштлаб, бир сўз деб турибди:

Эй, ёронлар, бу не деган гап бўлди,  
Олиб келган мен ёримдан айрилдим,  
Шум фалак ошима заҳарлар солди,  
Дўстларим, вафодоримдан айрилдим.

Раҳм этинг, ёронлар, кўзда ёшима,  
Қабо фалак оғу қўшди ошима,  
Суяр ёрни оп келганда қошима,  
Ғофил қолиб дилдоримдан айрилдим.

Хизматкорлар, ҳар тарафга чопинглар,  
Изланглар, ёронлар, ёрни топинглар,  
Менинг бу ўтимга сувлар сепинглар,  
Дўстлар, кўзи-қўчқоримдан айрилдим.

Ер бўлмаса, менинг ҳолим қийинди(р),  
Ички дардим, дўстлар, кимга дей энди,  
Биродарлар, бошқа гапни қўй энди,  
Тар очилган гулзоримдан айрилдим.

Кайтайин, бошима бўлди қиёмат,  
Йиғлов билан ишим ўтар давомат,  
Илоҳи бўлгайда ёрим саломат,  
Қўлда олғир шунқоримдан айрилдим.

Ёрсиз энди менинг куним ўтмас-а,  
Энди пари ором, тоқат этмас-а,  
Менинг ёрим сира ўзи кетмас-а,  
Жондан ширин жононимдан айрилдим.

Ёронлар, топинглар шаҳзода тўрамни,  
Мотам қилманглар Боғи Ирамни,  
Топиб кенглар қиёматлик жўрамни,  
Юрт эгаси, тождоримдан айрилдим.

Эй ёронлар, қутқаринглар бу ғамдан,  
Ҳасрат билан жоним чиқиб бу тандан,  
Тирикликни умид қилманглар мендан,  
Жасадда ширин жонимдан айрилдим.

Худойим йиғлатди мендай санамни,  
Во ҳасрато, олов тутди танамни,  
Худоё, куйдирма кулбахонамни,  
Ёруғлигим, оромимдан айрилдим.

Паризод дер усиз жонни найлайин,  
Ўлганча ёрим деб фарёд айлайин,  
Унинг дардин ўлганимча сўйлайин,  
Тан роҳати, жононимдан айрилдим.

Ана энди Бадиулжамол паризод доду фарёд қилиб, отасининг олдига бориб, бўлган воқеани баён қилиб, отаси ҳам Алибек шаҳзоданинг йўқолганини эшитиб, Шаҳбол Шохрух подшо ҳам ҳайрон бўлиб, бу қандай гап бўлди, деб бари одамлари ҳайрон бўлди. Ахири қанча париларни, девларни атроф-жонибни изламоққа юборди, Алибек шаҳзодани излата берди...

Бадиулжамол мажнуни девона, ақлидан бегона бўлиб, зор йиғлаб: «Эй, ёронлар, бу қандай гап бўлди. Агар мен девларни юбориб олиб келмаганимда, ҳеч гап бўлмас эди. Мен одамзод ичига излатиб, девларни юбориб олиб келдим, билмайман нима гап бўлди. Одам сира бу ердан қочиб, ё учиб кетолмайди. Нима гап бўлса шу ердан бўлди. Бу Шаҳризарда қандай офат қараб турган эди. Менинг касофатима бир подшонинг боласи, бир юртнинг хонзоди, азизи йўқ бўлиб кетарми, унинг ҳам ичкучари, ота-энаси, томир-тувғони йўқми?! Уларнинг ҳаммасини ғамга солдим»,— деб паризод зор-зор, абри навбаҳор йиғлаб, ўз ҳол-аҳволига айтиб турган сўзлари:

Эй, ёронлар, мусулмонлар, найлайин,  
Ишқнинг дарди ёмон экан, найлайин,  
Қайси бир дардимни баён айлайин,  
Ишқнинг дарди ёмон экан, найлайин.

Қулоқ сонг, ёронлар, қилган додима,  
Ким етади бу кунда фарёдима,  
Бир хонзода йўқ бўп касофатима,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Хонзода алами дилга доғ бўлди,  
Йўқолган ситами ортиқроқ бўлди,  
Касофатима бир шаҳзода йўқ бўлди,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Ёронлар, турмоққа йўқдир тоқатим,  
Тўрам эди менинг мурод-мақсадим,  
Бир элни мотамлар қилди касотим,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Менинг ёмонлигим урмай ўзима,  
Қулоқ солинг менинг айтган сўзима,  
Етар-етмас таъна қилар юзима,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Мен билмайман недан бахтим қорадир,  
Тўрам учун қора юзим яради (р),  
Йўқолгани мени ўртаб боради,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Шудир, дўстларим, ахир мени ўлдирар,  
Тоза гулман, армон билан, сўлдирар,  
Тўрамнинг жойини, дўстлар, ким билар,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Тўрам эди йигитларнинг тўраси,  
Унга шикаст берди бахтим қораси,  
Битармикан менинг юзим яраси,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Илоҳи, топилгай шоҳ тўрам омон,  
Бошимдан кетгай-да қоронғи туман,  
Бўлмаса, парининг ҳоли кўп ёмон,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Тўрамдан айрилиб бўлдим шарманда,  
Ёронлар, ороми тоқат йўқ менда,  
Учрашолмай қолдим, нетай, армонда,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Тўрамсиз, ёронлар, менда йўқ тоқат,  
Ором, қарорим йўқдир бир соат,  
Тўрам эди менинг жонимга роҳат,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Тўрам эди менинг тандаги жоним,  
Зангар элда сурган даври давроним,  
Энди ода бўлмас, қайтай, армоним,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Худоё, мард тўрам омон топилсин,  
Паризоднинг обрўлари ёпилсин,  
Тўраси бўлмаса жонни не қилсин,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Худоё, тўрамни сақла саломат,  
Менинг бул бошима қилма қиёмат,  
Тўрамсиз аҳволим оҳу надомат,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

Тўрам топилмаса ҳолим не кечар,  
Йиғлов билан доим аҳволим кечар,  
Паризод дер ёнган чироғим ўчар,  
Ишқнинг ўти ёмон экан, жонларим.

...Шаҳбол Шоҳрух подшо ҳам қизининг ғам-ғуссаликларини эшитиб, хафа эди, иложини қаердан топарини билмай юрар эди. Бир юртда, ҳар шаҳарда дараклаб юрган одами бор эди. Кунлардан бир кун парилардан бир пари: «Тақсир подшоҳим, Маликаи Орзин парининг зиндонда одамзоддан бир хушрўй, хушсуврат ёш йигит бор эмиш. Мабода паризод Бадиулжамол шаҳзоданинг йўқотган одамзоди шўл бўлмасин»,— деб арз қилди... Шаҳбол Шоҳрух подшо мирзани чақириб бир хат биттириб: «Эй Маликаи Орзин, сенинг қўлингга яқинда бир одамзод тушибди, сен уни зиндонга солибсан, банди зиндон қилибсан, ул одамнинг ҳеч гуноҳи йўқ... Шу хатим сенга етгандан шул зиндондаги одамзодни иззатлаб, озор бермай, яхши қилиб, шул борган кишидан бериб юборасан...»,— деб юборди. Бу хат боргандан Маликаи Орзин шаҳзода Алибекни дарров зиндондан иззат-икромлар билан чиқариб, ҳаммомга олиб бориб тозалаб, яхши сарполар кийгизиб, кўп узрлар айтиб, инъом-эҳсонлар қилиб, хат олиб борган элчи билан қўшиб юборди. Ана энди нима дейсиз, шаҳзода Алибек келиб қолди... Паризод Бадиулжамол шаҳзодага узрлар айтиб:— Эй, шаҳзода, бу гаплар ҳам тақдирда бор экан, бўлмаса, кимнинг эсида бор эди,— деб Маликанинг тўрасига қараб айтиб турган сўзлари:

Менинг учун кўрдинг қайғу, аламлар,  
Қутли бўлсин, тўрам, даврон сеники,  
Хизматингда бўлсин барно санамлар,  
Салтанатли кўшқу айвон сеники.

Мен сизни келтирдим, тўрам ишратга,  
Қачон дедим банди зиндон, меҳнатга,  
Тўрам, мендан рози бўлинг албатта,  
Сухбат қуринг, балли, макон сеники.

Кеча-кундуз тортган оҳу зоримсиз,  
Кўрсам деб йўлингга интизоримсиз,  
Худо қўшган қиёматлик ёримсиз,  
Суя кўргил, ёрим, даврон сеники.

Сир айтгали ана ранг-баранг гуллар,  
Хизматингда неча сочи сунбуллар,  
Алифдай қоматим, бу хипча беллар,  
Қуча кўргил, ёрим, даврон сеники.

Вафодорим, кўнгил узма ўзимдан,  
Неча вақтлар учиб юрдинг кўзимдан,  
Тўлган ойдай равшан оппоқ юзимдан  
Упа кўргил, ёрим, даврон сеники.

Қўлингни ўтқаргил ўнгу чапимдан,  
Аҳдим шул қайтмасман, тўрам, гапимдан,  
Асалдан мазали қирмиз лабимдан  
Сўра кўргил, ёрим, даврон сеники.

Энди сеникидир олтин саройлар,  
Хизматингда ҳусни бир тўлган ойлар,  
Гул кесган манзиллар, ҳаводор жойлар,  
Кеза кўргил, ёрим, даврон сеники.

Энди сизникидир даври давроним,  
Сиздан садақадир тандаги жоним,  
Худо қўшган менга азиз меҳмоним,  
Юра кўргил, ёрим, даврон сеники.

Энди сизникидир манзилим-жойим,  
Хизматингда қанча хил сипойим,  
Худойим муносиб қўшган ҳамройим,  
Даврингни сура кўр, даврон сеники.

Сенинг хизматингда менингдай жонон,  
Жамолим бўстондир, қоматим ларзон,  
Сизникидир молу мулким, бўйингдан,  
Қутли бўлсин, тўрам, даврон сеники.

...Кунлардан бир кун шаҳзода Алибек Кўҳи Қофнинг тоғида бир ўзи, қошида жўраси йўқ эди, бир қушни отди, уриб олди, олиб туриб эди, беш отли устидан бориб қолиб, шаҳзода отган қушни бу ёққа бер, ул бизларнинг отган қушимиз, деб шаҳзоданинг қўлидан олди. Шаҳзодага бу гап алам қилди. «Бурунгилар айтган масал «Қиши элида подшо бўлганча, ўз элингда гадо бўлган яхшидир» деган. Бўлмаса, ўзимнинг элимда ким эмиш менинг отган овимни қўлимдан олади?! Бунинг бари кишининг эли. Мусофирлигимнинг белгиси»,— деб шаҳзода Алибек Шаҳбол Шоҳрух олдига бориб:— Тақсир подшоҳим, жавоб берсангиз, мен элимга кетаман, ота-энамни, ини-оғамни, халқимни соғиндим,— деб шаҳзода Алибекнинг айтган сўзи:

Ота, жавоб бергин мендай ўғлингга,  
Бек отам, тождоримни соғиндим,  
Валламатим, қулоқ солинг тилима,  
Мушфиқ энам, ночоримни соғиндим.

Менда ҳам бор эди неча меҳрибон,  
Отамдан зиёда Эрали султон,  
Қайси бирин бунда айлайин баён,  
Неча хешу табаримни соғиндим.



Менинг билан бирга юрган ҳамроҳлар,  
Кеча-кундуз дим айрилмас дилхоҳлар,  
Неча бир бек ўғли, жўра, барнолар,  
Бир неча жўраларимни соғиндим.

Жавоб беринг, Урганч элга кетаман,  
Ота-энамга хизмат қилмай нетаман,  
Рози бўлинг, ота, мен йўл тутаман,  
Мен эл билан юртларимни соғиндим.

Кетар бўлдим, ота, ўсган элима,  
Қулоқ сол, валламат, айтган тилима,  
Басталик солмасин худой йўлима,  
Элим, халқим, диёримни соғиндим .

Алибек дер туролмайман мен бунда,  
Уларсиз орому тоқат йўқ менда,  
Омон бўлинг, оқ фотиҳа беринг-да,  
Ўйнаган манзилларимни соғиндим.

Ана энди Алибек шаҳзодадан бу сўзларни эшитди. Шаҳбол Шоҳрух подшо Алибекка қараб:— Ҳа ўғлим, энди кетмакчи бўлдингми, майли, юртингни соғиндингми, элингга борасанми? Агар кетаман десанг, мен сени тўхтатмайман, жавоб бераман. Менга омон-эсон, сиҳат-саломат бўлсанглар, бўлади. Мен ундан бошқа сўзни демасман, элингга борсанг, рухсат,— деб бир сўз деди:

Ҳар ерда Алибек шоҳ омон бўл,  
Яхшига яхши, ёмонга ёмон бўл,  
Суюб олган ёрингга меҳрибон бўл,  
Турсанг жойинг, борсанг йўлинг, омон бўл!

Фарзандим, бул ишлар худонинг иши,  
Худонинг ишига кўнмайми киши,

Ёринг билан сенсан кўнглимининг хуши,  
Турсанг жойинг, кетсанг йўлинг, омон бўл!

Омон-эсон боргин, болам, юртингга,  
Хева, Урганч деган мамлакатингга,  
Етқирсин худойим мақсадингга,  
Турсанг жойинг, кетсанг йўлинг, омон бўл!

Уғлон деган ўн тўртида ёш эмас,  
Худодан бефармон асло иш бўлмас,  
Эли бошқа одам қариндош бўлмас,  
Турсанг жойинг, кетсанг йўлинг, омон бўл!

Масалда лашкарларинг тинмай излашур,  
Ёру жўраларинг тинмай йиғлашур,  
Ота-энанг йўлларингга қарашур,  
Турсанг жойинг, кетсанг йўлинг, омон бўл!

Жоним болам, кетсанг йўлинг йўлласин,  
Бефарзандга қайғу доим мўл бўлсин,  
Ўтирсанг, сўрасанг, шу эл эл бўлсин,  
Турсанг жойинг, кетсанг йўлинг, омон бўл!

Олиб бор ёрингни ўзингман бирга,  
Сен қаерда бўлсанг, ёринг шу ерда,  
Азиз бўл, омон бўл, болам, ҳар ерда,  
Турсанг жойинг, кетсанг йўлинг, омон бўл!

Бу ғариб отангни, болам, унутма,  
Суяр дилбарингни, болам, йиғлатма,  
Алибек, бизларни унутиб кетма,  
Турсанг жойинг, кетсанг йўлинг, омон бўл!

Ана энди Алибек шаҳзода отаси Шаҳбол Шоҳ-  
рух подшодан жавоб олиб, Урганч элига қайт-

моқчи бўлди. Бу гап париларнинг барига овоза бўлиб: «Парилар шоҳининг куёви элига қайтаман деган эмиш, подшоҳимиз жавоб берган эмиш»,— деб қизлар Бадиулжамол пари олдига келиб, бир-бирлари билан суҳбатлашиб, видолашиб: «Энди сизни кўрамизми, кўрмаймизми»,— деб бир хиллари йиғлашиб, инграшиб қолди. Ана энди Алибек шаҳзода қайтар асбобларини, йўл яроғини чоқлаб, Маликаи Бадиулжамол пари билан жўнамоқчи бўлиб турибди. Шунда шаҳзоданинг қизлари, келинлари—ҳаммаси келган, «Шоҳ қизиман видолашиб, розилашиб қолайик»,— деб бариси йиғилган. Шунда паризод Бадиулжамол бориб отаси билан кўришиб, розилик тилаб, энаси билан кўришиб, розилик тилаб, ундан сўнг ўзининг бирга юрган, бирга турган қадрдонлари билан кўришиб, бари билан розилашиб, жами йиғилган халққа, қизларга, келинларга:—Баринг омон бўлинглар, энди мендан рози бўлинглар,— деб Бадиулжамолнинг айтган сўзи:

Энди кетар бўлдим узоқ йўлларга,  
То кўргунча элу халқим, омон бўл,  
Неча бир тоғларга, неча белларга,  
Мендан қолган молу мулким, омон бўл!

Омон бўнг, рози бўнг, қиблагоҳим, шоҳим,  
Доим сизсиз менинг пушти паноҳим,  
Қизингдан рози бўнг сиз қиблагоҳим,  
Энди кетдим, каъбам отам, омон бўл!

Тўққиз ой, тўққиз кун мени кўтарган,  
Тарбият қип камолотга еткарган,  
Қанча эркаликлар қилсам ўткарган,  
Мушфиқ энам, меҳрибоним, омон бўл!

Қайтайин, оқади кўздан ёшларим,  
Қадрдонларим, бир қалам қошларим,  
Томирим, тувғоним, қариндошларим,  
Томир-тувғон, оға-инилар, омон бўл!

Энди кетдик юриб узоққа бизлар,  
Кеча-кундуз хизмат қилган канизлар,  
Тенгқурим, ўйнаган, ўсган қизлар,  
Кетдим энди, жўраларим, омон бўл!

Кўзлари қамбарлар, қоши қаламлар,  
Худой қарғаган банда боламлар,  
Қадрдонлар, бирга юрган санамлар,  
Бирга юрган тенгқурларим, омон бўл!

Сизларни соғиниб, сариқ юзларим,  
Айтсам ода бўлмас, қайтай, сўзларим,  
Тенгқурларим, бирга ўсган қизларим,  
Ўйнаб-ўсган жўраларим, омон бўл!

Худойим солмасин қайғу-войимлар,  
Кимнинг эси бўлса, сўзни фаҳмлар,  
Йиғилган йўлимда барно ойимлар,  
Кетар бўлдим, меҳрибонлар, омон бўл!

Тақдирга, ёронлар, борми чоралар,  
Зулфлари жингалак, қоши қоралар,  
Кичикликдан ўйнаб-ўсган жўралар,  
Мен кетарман, ҳамроҳларим, омон бўл!

Бевафо дунёда омон юргаймиз,  
Ўлмайик, оламда даврон сургаймиз,  
Бир-бировни омон-эсон кўргаймиз,  
Йиғилиб келган элларим, омон бўл!

Розилик ёридан пари тилайди,  
Қиз-келинлар бари чувлаб йиғлайди,  
Зор йиғлайди бўзлаб қизларнинг бари,  
Улар ҳам розилик бундан тилайди,

«Сиз рози бўлинг, бизлар, чироғим, рози,  
Бўйнимизда кўпдир отангнинг тузи,  
Минг марта розимиз сиздан, чироғим,  
Сиз ҳам рози бўлинг, шоҳимиз қизи»,

Чувлашиб келин-қизлар йиғлашади,  
Қим ҳам кўрса, дўстлар, кўнгли бўшади,  
Бари йиғлаб чиққан йўлнинг устига,  
Ҳаммамиз розимиз сиздан дейшади.

Барчани яратган холиқ донодир (р),  
Қим яхши, ким ёмон ўзи билади,  
Жами элман розилашиб, хўшлашиб,  
Хўш аллаёр, омон бўл, деб жўнади.

Ана энди жами қадрдонлари билан, бирга ўйнаб-ўсган қизлари билан, жами элнинг катта-кичик, ёш, қари — ҳаммаси билан кўришиб, рози-ризо бўлишиб, Бадиулжамол паризод шундай далага чиқса, парининг юртидан қанча умаролари, амалдорлари, арбоб оқсоқоллари, хурду калон, қизу жувон, жуйрук-чопон, яхши-ёмон — жами сипоҳининг бари далада қараб турган экан. Шунда Бадиулжамол паризоднинг кўнгли бузилиб, кўзидан ёши тизилиб, юрак-бағри эзилиб, сипоҳиларга қараб:— Эй қадрдонларим, вой меҳрибонларим, элим, халқим, юртим, элатим, мамлакатим, отамнинг олдида кеча-кундуз демай, доим жону дил билан отамга хизмат қилганлар, менга ота-энадай раҳбар бўлганлар, энди мен кетиб бораётирман. Сизларнинг ҳаммаларингиз мендан рози бў-

линглар,— деб пари зор йиғлаб турди. Шунда шу йиғилган одам, элдан, жами парилардан, паризодлардан йиғламаган асло бўлмади. Бариси бўтадай бўзлаб: «Бор, чироғим, омон-эсон бўл, кўп яша, ўғил-қизинг кўп бўлсин. Бизлар ҳаммамиз сендан розимиз»,— деб жами йиғилган эл-эллати чувлаб, бирдан гуруллаб фотиҳа берди. Энди Бадиулжамол паризод ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам розилашиб, розилик олиб жўнади. Жами эл, халқ кўп ергача бирга ияриб келиб, улар қолди.

Ана энди Маликан Бадиулжамол пари қирқин қизлари билан, қанча канизи билан, ўзига қараган асбоб-анжомлари билан, жами асбобларини, кўрпа-тўшак, қозон-табоқ, чайнак-пиёлалари, лекин шундай майда-чуйдаларини бўғча-бўғча қилиб, бир хилларини сандиққа солиб, Бадиулжамол парининг тахтининг устига шу асбобларини қўйиб, Алибек билан Бадиулжамолни тахтнинг устига ўтқизиб, тўрт девни олиб келиб, тахтнинг тўрт ёғидан ушлаб кўтариб, ҳавога парвоз қилди, кўтарилиб уча берди. Шаҳзода Алибек билан паризод Бадиулжамол тилла тахтнинг устида базм, ўйин-кулкисини қилиб кета берди. Малика қирқин қизлари билан базм, нағма, вағир-вуғирини қилиб, ўйинчи канизлар ўйнаб, нағмагар канизлар нағмасини қилиб, оламдан нима ўтади, кетади, билмай, маст бўлиб кета берди.

Ана энди девларга Шаҳбол Шоҳрух: «Ҳар қаерда Бадиулжамол жавоб берганча олиб борасизлар»,— деб буюрган эди. Девлар ўн кун учиб дарёйн Гургоннинг бўйига келиб қўндилар. Шаҳзода Алибек ерга тушиб, дарёйн Гургоннинг бўйига чотирни тикиб, базм-ўйинни қилиб, кайф қилиб ўтириб эди, энди гапни Болибекдан эшитинг.

Болибек шаҳзода Алибек шаҳзоданинг мотамига кўниб, ҳеч нарса билан иши бўлмай, кеча-кундуз мотам билан Масал элида бир ойгача жами ерларни излаб, шаҳзодани тополмай, ғамгин бўлиб, ранги сўлиб, Урганчдан

борган лашкар мотамдор бўлиб, қора кийиб мотамда келаётиб эди. Болибек шаҳзода ҳам шулар билан бориб, дарёйи Гургоннинг лабига қўниб, қўшинни тушириб тўхтаган эди. Ана энди Болибек шаҳзоданинг кўзига дарёнинг лабида бир тўп катта чотирларни қуриб ўтирган одамдай кўринди. Шунда Болибек бир ясовулни юборди.— Сен бориб шу турган қорани кўриб кел улар савдогар чиқар, савдогар халқи жаҳонгашта бўлади. Шояд Алибек шаҳзодадан хабар бормикан?! Агар савдогар бўлса, ким ҳам бўлса, Алибек шаҳзодани сўра,— деб ясовулни юборди. Бу ясовуллар бориб:—Сизлар қандай кишиларсиз, қаердан келаётибсизлар, қаерга борасизлар?— деди. Бу хизматчилар айтди:—Бизлар Кўҳи Қофдан келаётибмиз, Урганч элига борамиз. Унда ясовул сўради:— Кўҳи Қофдан келаётган бўлсангизлар, бизларнинг бир хонзодамиз, улуғимиз йўқ бўлиб кетди, оти шаҳзода Алибек деган, Юсуфбек шоҳнинг ўғли. Мабода Кўҳи Қофда шундай хонзода келибди, деб эшитдингларми?— деди. Шунда шаҳзода Алибек билди: ўзининг йигитлари. Чотирдан чиқиб, йигитлари билан кўришиб, танишиб, ҳолаҳвол сўрашиб, келган ясовуллар Алибекни кўзи билан кўриб гаплашиб билиб, тура солиб иккови ҳам чопиб бориб, аввал Болибек шаҳзодадан, Мизроб шоҳ, Девтошдан, жами беклардан:— Суюнчи беринглар, бориб шаҳзодамизни кўриб, гаплашиб келдик,— деди. Ана энди ҳалиги икки ясовул дунёликдан бўлиб қолди. Беклар ҳа деб тилла, кумуш, бир хил асбобларни бера берди. «Яхшидан шарофат, ёмондан касофат» дегандай, иккови бой бўлди.

Ана энди шаҳзода Болибек бу хабарни эшитиб, шодёнани қўйиб, жами лашкар, элати тура-тура шаҳзода Алибекка қараб бора берди. Келиб шаҳзодани чотирдан топиб, адашганлар топишиб, оғзи-бурнин ўпишиб, бир-бировининг бошидан ўтган кунларни айтишиб, эмраниб қолди. Ана энди шу дарёнинг бўйида девларга жавоб

берди. Девлар учиб кетди, беклар дарёнинг бўйида беш-олти кун турмоқчи бўлди, шу дарёнинг бўйидан Урганчга хабар юборди: «Жами ўзбек элига, тўқсон икки уруғнинг барига қирқ кун тўй, деб хабар қилсин. Шаҳзода Алибекнинг қаллиқ тўйи, деб тўй бошлансин, кўҳна хазиналарнинг эшигин очсин, жами қиз-хотин олдига пешвоз чиқсин, Урганчда, Хевада, Ёвмит, Такада ҳеч қиз қолмасин, бари чиқсин»,— деб хат юборди. Ана бу хатни олиб бориб бек Юсуфга берди, Юсуфбек жами тўқсон икки бовли ўзбекнинг барига хабар берди. Жами мамлакатдан ўйинчи, нағмагар, созанда, дорбозлар, масхарабозлар, кўпкаритозлар йиғилаётир...

Ана энди Юсуфбек аравадан улоқ отиб, жами ерни чанглатиб, аркон давлати билан, шону шавкати билан келиб, омон-эсон, сиҳат ва саломат болалари билан кўришиб, сўрашиб топишдилар. Урганч шаҳрига етганча, йигитлар кўпкари чопиб, улоқ олмоқ билан бўлди. Қанча қиз болалар, келинлар келиб, маликаи Бадиулжамолни томоша қилиб, ҳаммаси қойил бўлиб, қизлар, келинлар ҳам ўзларига муносиб ўйин-кулки билан ўйинчи қизларни ўйнатиб, ҳофизларни ўқитиб, чилдирмасини данғирлатиб, данғир-донғир оламни бузиб, қиз болалар, келинлар бари маст бўлиб, улар ҳам мажлис тузиб, ўйинкулки билан кета берди. Шу замзама билан Маликаи Бадиулжамолни Юсуфбекнинг ҳовлисиغا олиб бориб туширдилар. Юсуфбек элини, юртини йиғиб, катта-катта семиз сўқимларни сўйиб, узоқ пойгани қўйиб, кунига неча маҳал очлар, камбағаллар, бечора, фақирлар, муҳтожлар паловга беш-олти тўйиб қолди, жами элатини, жами ўзбекнинг юртини едирди, жами сипоҳиларига сарпо, ола чопон кийдирди. . . Ана шўйтиб Юсуфбек қирқ кун тўй қилиб, шаҳзода Алибек билан Маликаи Бадиулжамолга катта оқ ўтов уй қилиб, даври давронини суриб, ўтқиза берди. Тўй тарқади, ҳар ким ўз тарафига қараб кетди. . .



## Тўра Мирзаев

### УЛКАН ХАЛҚ ШОИРИ

Муҳтарам дostonхон! Атоқли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли айтган дostonлар ва унинг ўз асарларидан ташкил топган беш томликнинг сўнгги китобини қўлга олдингиз. Бу куллиёт ижодкор шоир репертуарининг салкам ярминигина ташкил этади. Бироқ шунинг ўзиёқ унинг улкан санъаткорлигига кафил бўла олади. Чиндан ҳам Эргаш Жуманбулбул ўғли (1868—1937) ўзбек халқ эпосининг энг яхши намуналарини сақлаб қолишда тенгсиз жасорат кўрсатган, замонавий фольклор тараққиётига улкан улуш қўшган, ўзининг сермазмун ижоди билан ўзбек совет фольклорининг пешқадам вакили ва асосчиларидан бири бўлган улкан халқ шоиридир. «Эргаш Жуманбулбул ўғлини хотирлаганда,— деб ёзади Ҳоди Зариф,— хаёлим ҳар сафар Тилла кампир томон парвоз қилади»<sup>1</sup>. Шу биргина жумлада ўзбек дostonчилигининг асрий анъанаси ҳам, бу анъанани ўзига хос равишда бойитиб, янги шароитда янада ривожлантирган Эргаш шоир ижодий жасорати ҳам тўла ўз ифодасини топган. Чунки Эргаш Жуманбулбул ўғли юксак мақтовларга лойиқ ўзбек дostonлари

---

<sup>1</sup> Ҳоди Зариф, Улкан шоир, «Ўзбек тили ва адабиёти» журна-  
нали, 1970, 5-сон, 38-бет.

жонли оғзаки традицияда яшаб келаётган, санъатнинг бу тури ижро ва ижод жиҳатидан меҳнаткашлар оммаси кенг қатламлари орасида Хоразмдан Фарғона водийсига қадар, Жанубий Қозоғистондан Шимолий Афғонистонгача бутун йўллар билан давом этаётган бир даврда яшаш ва ижод этиш бахтига муяссар бўлди.

Аммо Улуғ Октябрь инқилобигача жонли оғзаки анъанани давом эттираётган халқ шоирлари ҳам, улар куйлаб келган минг-минг сатрларни ўз ичига олган юзлаб дostonлар ҳам фанда маълум эмас эди. «Ҳикояти Гўрўғли султон», «Бўзўғлон» ёки «Юсуфбек ва Аҳмадбек», «Тоҳир ва Зуҳра», «Санобар», «Бўз йигит» каби бир неча китоблар дастлаб қўлёзмалар ҳолида, кейинчалик эса типографик ва литографик нашрлари билан маълум ва машҳур бўлиб, улар қизиқарли ҳикоялар тарзида тузилган, кўп ҳолларда ҳоким синфлар манфаатларига мос равишда қалбакилаштирилган эди. Шунинг учун ҳам ўтган аср буржуа фанида ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси сақланиб қолмаган, бой классик адабиёт ва шаҳар маданияти уни сиқиб чиқарган, деган янглиш фикр ҳукмрон эди. Ана шундай шароитда ҳали XIX асрдаёқ эл орасида танилиб, ўзининг қўшиқларини манзур қила олган Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Берди бахши, Ислом шоир, Бекмурод Жўрабой ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли каби етакчи дostonчиларнинг аниқланиши, XIX ва XX асрда яшаган ва яшаб келаётган икки юздан ортиқ халқ бахшиларининг рўйхатга олиниши ва уларнинг барҳаётларидан қарийб юз сюжетга бўлинган икки юздан ортиқ дostonларнинг ёзиб олиниши совет даврининг чинакам илмий кашфиёти бўлди.

Бу улкан кашфиётда замонамизнинг чечан дostonчиси, халқ дostonларини ғоявий халқчиллиги ва бадийий гўзаллиги билан сақлаб қолиб, бизгача олиб келган, ўзи-

нинг баракали ижоди билан мамлакатимизда социализм қуриш ишига актив иштирок этган улкан халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ҳам муносиб ўрни бор. Бу ҳассос санъаткор профессор Ҳоди Зариф 20-йиллардаёқ алоҳида поэтик йўл — Қўрғон дostonчилик мактаби (таъкидлайман, Нурота эмас!) деб изоҳлаган бахшилар гуруҳига мансуб. Манғиштовдан Нуротага қадар чўзилган силсила тоғларнинг, хусусан, Оқтовнинг шимолий ва жанубий этакларида яшаган ва шу ерларда етишган халқ шоирлари ана шу мактабга кирадилар. Эргаш шоир шу мактабнинг талантили вакилидир. У шоир — деҳқон оиласида туғилди ва вояга етди. Қўрғон қишлоғида марказлашган дostonчилик мактаби, хусусан, унинг пешқадам вакиллари Тилла кампир, Султон кампир, Қулсамад бахши, Қассоб бахши, Жолмон бахши, Бўрон бахши, Бўрон шоир, Мулла Абдуқодир, Жуманбулбул, Жоссоқ бахши каби талантили ижодкорларнинг ижодий аналари етти ота-бобосигача шоир ўтган Эргашнинг халқ шеъриятида камолот касб этишида асосий омил бўлди. Шунинг учун ҳам Ҳ. Т. Зарифов: «Эргашнинг ўсиши ва улкан шоир бўлиб етишувида унинг оила муҳитида ҳам, у вояга етган қишлоқда ҳам жуда катта адабий замин бор эди. Ана шу адабий заминсиз бу азим санъаткорни, жуда олис-олислардан ҳам салобат билан кўриниб турган юксак тоғдек бўлган бу улкан сиймони — халқ дostonлари хазинадори ва ижодкорини тасаввур қилиш мумкин эмас», — деган эди<sup>2</sup>.

Эргаш шоир репертуари ва дostonчилик ижоди бой ва ранг-баранг бўлиб, эпоснинг бир қатор назарий проблемаларини ишлаш учун етарли материал бера олади. У «Алпомиш», «Якка Аҳмад», «Юсуф билан Аҳмад», «Алибек билан Болибек», «Кунтуғмиш», «Гўрўғлининг туғи-

<sup>2</sup> Ҳоди Зариф, Улмас даҳо, «Шарқ юлдузи» журнали, 1968, 12-сон, 174-бет.

лиши ва болалиги», «Ҳасанхон», «Далли», «Равшан», «Авазхон», «Авазнинг Фарангга сафари», «Қундуз билан Юлдуз», «Хиромон» («Жаҳонгир»), «Хушкелди», «Холдорхон», «Тулумбий», «Кучукбачча» («Қиронхон»), «Қизжипак», «Қумри», «Ошиқ Ғариб», «Вомиқ билан Узро», «Варқа билан Гулшоҳ», «Махтумқули» каби йигирмадан ортиқ дostonларни, жуда кўп термаларни билар эди. Кўринадики, шоир халқ дostonларининг барча жанрларидан намуналар билган ва уларни юксак бадийлиги билан бизгача олиб келган.

Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олинган асарлардан бири «Ойсулув» дostonининг мазмунидир. «Ойсулув» дostonини биладиган бахши ҳозирча учраган ёки қайд қилинган эмас. Бирор дostonчи ўз репертуарида сақлаб қолмаганлиги учун ҳам унинг поэтик тексти бизгача етиб келмаганга ўхшайди. Аммо Эргаш отанинг тасдиқлашича, дoston ўтган асрларда жонли оғзаки анъанада яшаган ва бахшилар томонидан севилиб куйлэнган. Бу дoston XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмидан яшаган талантли халқ шоираси, Жуманбулбулнинг момоси Тилла кампирнинг мароқ билан куйлайдиган асарларидан бири бўлган. Бу ҳақда Эргаш шоир шундай хотирлайди: «Отам айтар эди: «Тилла кампирнинг бир дostonи бор, уни мен ҳам билмайман, Жоссоқ ҳам билмайди, бошқа шоирларнинг ҳам айтганини эшитмадик. Тилла кампир ёш вақтида қўшиқ қилиб айтар экан, қариган сўнг эртак қилиб айтар эди. Мен кўпда қулоқ ҳам солмас эдим, эртак-да деб кета берар эдим». Бир кун: «Тилла кампирнинг эртагини айтиб беринг»,— дедим отамга. Шунда шоир кулиб: «Мен момонгдай айтолмайман-да, билганимни айтсам, айтиб берайин»,— деб ёнбошлаб ётиб нақл қилиб эди»<sup>3</sup>. Демак, «Ойсулув» дostonининг

---

<sup>3</sup> Булбул тароналари, 1-том, Тошкент, 1971, 38-бет.

мазмунни (пересказ) икки буюк санъаткор — Жуманбулбул ва унинг ўғли Эргаш орқали бизгача етиб келган.

Фольклористикада маълум шароитларда турли сабаблар билан куйланиб келинаётган бирор асарнинг тўлиқ текстини ёзиб олиш мумкин бўлмаган тақдирда, унинг тўла ёки қисқача мазмунини қайд этиш тажрибаси ҳам мавжуд. Бир қатор дostonларнинг тўла текстлари билан бирга айрим бахшилардан унинг мазмунлари ҳам ёзиб олинганки, одатда, бундай мазмунларда жонли традицияга хос бўлган кенг тасвир йўқолади, сюжет жуда тора-яди, айрим эпизодлар қисқаради ва иккинчи даражали шахслар ҳамда мотивлар тушиб қолади. «Ойсулув» эса поэтик тексти аллақачонлар унутилиб кетган, фақат мазмунни (пересказ) Эргаш шоирнинг нақл қилиб бериши орқалигина бизгача етиб келган асарлар сирасига кирди<sup>4</sup>. Шундай бўлса-да, шу мазмунга қараб дostonнинг сюжети ва жанр хусусиятлари ҳақида маълум тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

«Ойсулув» тарихий-қаҳрамонлик дostonи бўлиб, унда Урта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчилари тажовузига қарши олиб борган мардона курашлари тасвирланади. Дoston чуқур ижтимоий-сиёсий мазмунга эга. Унда тадбирли давлат арбоби, Эрон ҳукмдорларига қарши мардона курашган паҳлавон ва сулув она («олп хотин») Ойсулув ҳамда унинг қаҳрамон ўғли Кунботир образлари яратилган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Қўрғон дostonчилиқ мактаби вакиллари хотин-қизлар образларини алоҳида муҳаббат билан тасвирлаганлар, бир қатор асарларда уларни бош қаҳрамон даражасига кўтарганлар. Бу ўринда «Холдорхон» ва «Темирхон подшо» дostonларидаги Юнус пари образини эс-

---

<sup>4</sup> Қаранг: Т. Мирзаев, «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари, Тошкент, 1968. 75—83-бетлар.

лаш кифоядир. Ҳар иккала дostonда ҳам ватан мудофааси ўзига хос равишда қўйилган. Бирида Юнус пари бошчилигидаги Чамбил аёлларининг доимий ички душман — Аҳмад Сардорга қарши курашлари тасвирланса, иккинчисида араб босқинчиларига қарши ор-номус ва фаровон диёр мустақиллиги учун олиб борилган жангу жадаллар ўз ифодасини топган. «Хотин-қизлар образининг олий фазилатлар, улуғ ғоялар билан етук ишланишида халқ шоирларининг, шу жумладан, Тилла кампирнинг ижодий ҳиссаси каттадир»<sup>5</sup>.

«Ойсулув» дostonи ўзининг сюжети, ижтимоий мазмуни, образларининг характери жиҳатидан қадимги Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликларидан бўлган «Тўмарис» эпосига анча яқин туради. Тўмарис ва унинг ўғли Спарганиз бошчилигидаги массагетларнинг аҳмонийлар шоҳи Қир ҳужумига қарши олиб борган мардона курашлари ҳамда ватанпарварларнинг ғалабаси тасвири эпоснинг асосини ташкил этади. Бироқ бу асар ҳам бизгача келиб етмаган. Унинг мазмуни грек тарихчиси Геродотнинг (484—425) «Тарих» китобидаги ярим тарихий, ярим афсонавий характердаги нақли орқалигина маълумдир. Бу ҳол фольклористлар олдига «Ойсулув» дostonига асос бўлган тарихий ва адабий манбаларни янада жиддий ўрганиш, унинг поэтик текстини излаш вазифасини қўяди.

Эргаш шоир репертуарида ва умуман ўзбек халқ дostonчилигида алоҳида ўрин тутган асарлардан бири «Якка Аҳмад» дostonидир<sup>6</sup>. Маълумки, саҳройи баҳодир, кўчманчи қўнғирот уруғининг беги, ўз оиласи ва қабиласининг қаҳрамон ҳимоячиси Ҳакимбек — Алпомиш ҳақидаги дoston ва ривоятлар туркий халқлар ўртасида кенг

<sup>5</sup> Ҳоди Зариф, Улкан халқ санъаткори, «Эргаш шоир ва унинг дostonчилигидаги ўрни» тўплами, Тошкент, 1971, 16-бет.

<sup>6</sup> Булбул тароналари, 1-том, Тошкент, 1971, 65—170-бетлар.

тарқалган ва дostonчиларимизнинг севиб куйлаган асарларидан бири бўлган<sup>7</sup>. Кўчманчилик ҳаёти ва патриархал-уруғчилик муносабатлари бир даража сақланиб келаётган даврда яратилган, жамият ва инсон ҳаёти масалаларини ўзига хос реалликда—қаҳрамонлик ва гўзаллик ҳақидаги халқ идеаллари доирасида куйлаган, бу билан туркий халқлар патриархал ҳаётидаги «эпик босқичнинг» поэтик кўзгусига айланган бу монументал асар ўзбек халқ эпосининг галдаги тараққиётида муҳим роль ўйнади.

Қадимий қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш»нинг дostonчилик ривожига таъсири баракали бўлган. Бу ҳолни, бир томондан, юсак, бир мунча архаик бўлган «Алпомиш» услубининг баъзи асарларда, жумладан, «Гўрўғли» туркумига кирувчи айрим дostonларда зоҳир бўлишида кўрсак, иккинчидан, унинг бевосита ёки бавосита таъсирида бир қанча эпик асарларнинг яратилиши ва юзага келишида кўзга ташланади, бундай дostonлар эпосимиз тараққиётида маълум бир босқични ташкил этади.

Профессор В. М. Жирмунский бундай асарларни («Юсуф—Аҳмад», «Жониш ва Бойиш», «Қўзи Қўрпеш», «Едгор» ва бошқалар), бир томонлама бўлса ҳам, «Алпомиш» эпосини кейинчалик мустақил ишлаш натижаси ёки Урта Осиё эпосида «Алпомиш»нинг акси деб атайди<sup>8</sup>. «Якка Аҳмад» дostonи ҳам ана шундай асарлардан ҳисобланади.

<sup>7</sup> Қаранг: В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, М., 1947; Об эпосе «Алпамыш», Ташкент, 1959; В. М. Жирмунский, Сказание об Алпамыше и богатырская сказка, М., 1960; Т. Мирзаев «Алпомиш» дostonининг ўзбек вариантлари, Тошкент, 1968.

<sup>8</sup> В. М. Жирмунский, Вопросы генезиса и истории эпического сказания об Алпамыше, сб. «Об эпосе «Алпамыш», Ташкент, 1959, стр. 27; его же, Сказание об Алпамыше и богатырская сказка, М., 1960, стр. 114.

«Якка Аҳмад» достонида бевосита «Алпомиш» таъсирини кўрамиз. Бу ва шу тип асарлар халқ дostonчилари орасида илгари мавжуд ва машҳур бўлган сюжетлар асосида янги-янги асарлар яратиш тенденцияси мустаҳкам ўрин олганлигидан ва бу тенденция эпос тараққиётида баъзан бир босқични ҳам юзага келтирганлигидан дарак беради. «Якка Аҳмад» ҳам ана шу тенденция натижасидир. Ундаги сюжет чизиқлари ва барча мотивлар деярли «Алпомиш» достонига ўхшаш ва мазмунан айнандир. Ана шу айнанликда асарнинг оригиналлиги зоҳир бўлганки, бунда шоир ҳар бир мотивнинг дoston тўқимасидаги ўрнини ғоявий-бадий мақсадга мос равишда тўғри белгиланган.

Худди «Алпомиш» достонидагидек, «Якка Аҳмад»да ҳам ака-ука Қорахон ва Сарихон фарзандсиз: «Бизларда фарзанд бўлса, ўғил бўлса, қўлқанот бўлсин; қиз бўлса, дўст, меҳрибон бўлсин; агар бирови ўғил бўлса, бирови қиз бўлса, куда бўлайлик, — деб иккови яхши соҳтда яхши ният қилди». Улар фарзанд кўрадилар. Қорахоннинг ўғлига Аҳмадбек, Сарихоннинг қизига Оқбилак деб ном қўядилар. Бу ўринлар «Алпомиш» достонига айнан ўхшаса-да, «Алпомиш»дагидек батафсил ва атрофлича ишланмаган. Қаҳрамоннинг ажойиб-ғаройиб ҳолда туғилиши, баҳодирона ёшлиги ва ном кўтариши, жанговар отни танлаш ва унга эришиш билан боғлиқ қаҳрамонлик эпоси учун ғоят характерли мотивлар табиий равишда «Якка Аҳмад»да ривожлантирилмайди. Бунда «Алпомиш»да бўлмаган бир деталга дуч келамиз, яъни болалар ўн ёшигача мактабда ўқигач, онаси «тикиш, жом-жумни ўрган», — деб Оқбилакни мактабдан чиқариб олади. Аҳмад билан ҳар кuni учрашишдан маҳрум бўлган Оқбилак олти ойда унга атаб бир рўмол тикади ва уни канизи орқали бериб юборади. Аҳмад рўмолни белига боғлаб олади. Сарихон кўчгандан кейин рўмол



ёрни эслашда, уни Оқбилак Бобойёр қўлида кўргач, ёрнинг бошига тушган кулфат ва «қуда»нинг кимлигини билишда муҳим бир бадий деталь вазифасини ўтайди. Севги изҳори сифатида рўмол-қийиқ бериш ҳаётда ҳам мавжуд бўлганидек, «Якка Аҳмад» учун ҳам характерлидир.

Қудалардан бирининг бошқа юртга кўчиши эпос учун характерли мотивлардандир. «Якка Аҳмад»да ҳам ўн минг уйли дўрман<sup>9</sup> Сарихон бошчилигида Эронга кўчади. Бунда ака-ука ўртасидаги келишмовчиликка қурғоқчилик йили иккаласига тобе элнинг сув талашиши сабаб бўлади. Бунинг устига, Қорахон одамлари Сарихон қизини таъна қиладилар: «Сен менинг билан қачон баробар бўласан, сенинг хонингнинг бир қизи бор, уни ҳам бўлса Аҳмадjonга олиб берганмиз. Сенинг ниманг бор, молни байталмон баччағар?!». Шундай мотивировка «Алпомиш» достонида, жумладан, Эгамберди бахши вариантида кўзга ташланади. Лекин бунда жанжал сув танқислигидан эмас, балки бир пайтда сувловга келган молларнинг қўшилиб кетишидан келиб чиқади. Кўчишдаги ҳолатлар, қаҳрамонларнинг руҳий изтироблари «Алпомиш» достонида кенг ва батафсил тасвирланади. Хусусан, Барчиннинг кўчишга муносабатига алоҳида эътибор берилади. «Якка Аҳмад»да эса бу воқеалар гирдобига Оқбилак олиб ҳам кирилмайди.

Эронга кўчиб борган Сарихон билан Қубодшоҳ ўртасидаги келишмовчилик дастлаб унча бўртиб турмайди. Қубодшоҳ Сарихонникида меҳмон бўлиб қайтгач, совчи қўяди ва қиз бир йилга муҳлат олиб, Аҳмадбекка хат юборади. Қуръачилар орқали Аҳмаднинг келишини ва ёрини олиши мумкинлигини билгандан кейингина Қубод-

---

<sup>9</sup> Дўрман ҳам ўзбек халқи составидаги нисбатан йирик уруғлардан бўлиб, ўрта асрларда анча катта мавқега эга бўлган.

шоҳ Оқработга қирқ зангини ва Гулчарбоққа Бобоайёр ва унинг қирқ шогирдини қўядики, энди унинг душманлик нияти очиқ намоён бўлади.

Кўринадики, асар воқеалари «Алпомиш»га ўхшаса-да, унинг йўналиши романик тус олган. Эргаш Жуманбулбул ўгли мансуб бўлган Қўрғон дostonчилик мактаби, хусусан, Пўлкан вариантида Алпомиш рақиблари — унинг йўлида пойлоқчилик қилган тўқсон олти қалмоқ олпларининг ўта фантастик бўёқларда берилиши эсланса, булар орасидаги боғланиш янада равшанлашади.

«Якка Аҳмад» дostonидаги оригинал ҳолатлардан бири «Алпомиш» дostonининг бирор вариантида ҳам учрамаган Бахил пари образи ва унинг асардаги ўрни масаласидир. Бахил пари асарда икки йўналишда, бир томондан, бош қаҳрамон Аҳмад ва унинг оиласининг яқини, иккинчи томондан, унинг душмани сифатида намоён бўлади. Бундай қарама-қаршилик гўё асар мантиқига зиддек кўринади. Лекин деталларга диққат қилинса, бу ҳол шоир томонидан батамом бадий асосланади.

Дostonда тасвирланишича, Милкар тоғда макон тутган<sup>10</sup> Бахил пари Дўрманга келиб-кетиб туради, у Аҳмаднинг синглизиси Қалдирғоч билан яқин. Аҳмад йўлига қўйилган ғовлар—зангилар ва Бобоайёр ҳақида ҳам шу пари хабар беради. Шунга қарамай, Қалдирғоч ўзининг акасига насихатида зангилар, Бобоайёр қатори паридан ҳам эҳтиёт бўлишни тайинлайди:

---

<sup>10</sup> Дoston ва эртақларда парилар асосан Ирам боғида яшайдилар. Улар қаҳрамон йўлида турли жойларда дуч келсалар-да, доимий яшаш жойлари Ирам боғи эканлиги таъкидланади. Бахилнинг ҳам Ирам боғидан эканлиги айtilса-да, у Милкар тоғини макон тутган. Милкар тоғи билан Дўрман ораси қирқ кунлик йўл. Бу парилар учун ҳеч гап эмас. Бахилнинг бу тоғда яшаши Аҳмадга яқинлашиш учун бир уриниш эмасмикан?!

Ҳийлакордир, билагиндан тутмасин,  
Жодугардир, сени жоду этмасин.  
Алдов билан Кўйи Қоф олиб кетмасин,  
Ортингдан бизларни сарсон этмасин.

Демак, пари ҳам Аҳмадга ишқибоз. Ўрни келиб қолганда, Кўйи Қофга олиб кетишга ҳам тайёр. Лекин бундан Қалдирғоч норози; Аҳмад эса, Оқбилакка уйланиши керак. Эпос мантиқи шуни талаб қилади. Аҳмаднинг ўзига уйланмаслигини Бахил пари ҳам сезган бўлса керакки, ишқибозлиги туфайли ўзини ҳар кўйга солишга, ҳатто лозим бўлганда курашишга ҳам тайёр. Шунинг учун ҳам Оқбилак қиёфасида Аҳмад йўлига чиқади. Қалдирғочнинг сўзи эсидан чиққан қаҳрамон ёри деб ўйлаб, унга майл ҳам қўяди:

Зор йиғлаб отам шўр бўзлаб қолди-ё,  
Энамнинг кўз ёши дарё бўлди-ё,  
Ярим йўлда суяр ёрим келди-ё,  
Вафодорим, сендан кўнглим тўлди-ё,  
Шукрилилло. йўлим калта бўлди-ё.

Фурсатдан фойдаланган пари ҳам ўзини Оқбилакка ўхшатиб тузоқни узоқдан ташлай бошлайди:

Бир ёшингда юзларинг гулга ўхшаб,  
Икки ёшда зулфинг сунбулга ўхшаб,  
Уч ёшингда тилинг булбулга ўхшаб,  
Тўрт ёшингда айқалашдим, бек ўғли.

Бироқ пари ўз монологида эҳтиётсизлик қилиб:

Олиб кетсам сени Кўйи Қофига,  
Боғи Ирамга даврон сургин, бек ўғли, —

дея мақсадини айтиб қўяди. Бунини эшитган қаҳрамоннинг ёдига синглисининг айтганлари келиб, йўлида давом этади. Энди пари «отдан тушиб, нозик белидан қучиши»ни, «тоза гулидан узиб, шакардай лабидан сўриши»ни, ҳеч бўлмаганда, «бир тун даврон суриб ўтиши»ни илтижо қилади, ялиниб-ёлборади:

Мен ошиқман, энди ташлаб кетмагин,  
Йўлингда кўзимни ёшлаб кетмагин,  
Оқбилак деб кўнглинг хушлаб кетмагин,  
Бизга меҳмон бўлиб ўтинг, бек ўгли.

Қанчалик уринмасин, ниятига етолмаган Бахил пари Аҳмадни қарғаб қолади. Эпосда ва турмушда парининг қарғиши тутади, унинг дуоси мустажоб бўлади, пари ўпганининг умри узаяди<sup>11</sup>, деган эътиқод мавжуд. Бу ҳол ўтмишдаги халқ онги ва дунёқарашининг чегараланганлиги билан изоҳланадики, унинг дostonда тасвирланиши ўринли ва ёрқин чиққан.

Қалдирғоч ва унинг ота-онаси ўзларининг дунёқараши, dostonда тасвирланган муҳит тақозосига кўра, Аҳмаднинг бошига тушган барча кулфатларга «Бахил қарғиши» сабаб, деб биладилар ва уни ёмон кўрадилар. Гарчи Аҳмад Гулчорбоғда банди бўлган бўлса-да, асар қаҳрамонлари буни «Бахил қарғишининг мустажоб бўлганлиги» ва Милкар тоғни унинг «ўққа учган жойи» ҳисоблайдилар:

Менинг акам Дўрман элга марқади (р),  
Бўзтарлон бедови йўлга йўрғади (р),  
Шу ерда ой Бахил йиғлаб қарғади,  
Акам ўққа учган жойга етишдик.

Аҳмад биринчи тўсиқ—қирқ зангини ўлдириб, зангиларга банди бўлган Балх шаҳзодаси Эрназар ва унинг йигитларини озод этиб, омон-эсон ўтди-ку, нега қарғиш тутмади? — деган савол туғилиши мумкин. Биринчидан, қаҳрамон ҳали бирор жасорат кўрсатмай, банди этилса, эпос мантиқига мос келмаган ва унинг ботирлиги шубҳа остида қолган бўларди. Иккинчидан, Эрназар билан боғлиқ сюжет линиясини dostonга олиб кирадики, бу ҳол

---

<sup>11</sup> Бу мотив «Қундуз билан Юлдуз» dostonида янада мароқли куйланган.

асарнинг қизиқарлилигини янада оширган ва ниҳоят, шунинг учун бўлса керак, дostonчи Бахил қарғиши тасвирида зангиларни умуман эсламайди:

Киши қарамасми мендай парига  
Қулоқ ҳам солмасми оҳу зорига,  
Илингзайсан қирқ айёрининг тўрига,  
Дунёдан бетирноқ ўтгин, бек ўғли.

Бу мақсадига етолмаган кимсанинг аламли нидосидир. Бахил Милкар тоғида Аҳмадни қарғаб қолган бўлса-да, бу ундан бутунлай юз ўгирди, уни қалбдан ёмон кўради ва фақат ёмонлик истайди, деган сўз эмас. У ҳали умидларидан воз кечганича йўқ. Шунинг учун ҳам Аҳмаднинг Гулчарбоғда банди бўлганлик хабарини Дўрманга худди шу пари етказди, Оқрабoтда ҳордиқ чиқараётган қаҳрамоннинг дўсти Эрназар ва унинг қирқ йигитига фалокатдан хабар беради. Аҳмадни излаб йўлга чиқиб, Милкар тоғида ухлаб қолган отаси Қорахон, онаси, синглиси Қалдирғочларнинг отларини Бахил парининг ўғирлаб кетишига келсак, дostonчи бу деталь билан асардаги драматик ҳолатни янада кучайтирган, фарзанд ва жигарини излашдаги қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатларини, узоқ муддатли сафарда тортган азоб-уқубатларини, ички тугёнларини батафсил тасвирлашга поэтик майдон яратган. Чиндан ҳам:

Етим бўтадай бўзласам,  
Кесиб бағримни тузласам,  
Жаҳонни тинмай изласам,  
Кўрарманми, болам сени?!

— дея қирқ кунлик йўл машаққатини тортиб келаётган кишиларнинг ягона илинжи—отидан ажралиб қолиш ҳолатини тасаввур қилсак, шоир бу билан пою-пиеда йўлга тушган қаҳрамонларнинг ички кечинмаларини беришда қанчалик кенг майдон яратганлигига қаноат ҳосил қиламиз. Умуман, Бахил пари барча эпизодларда асардаги

ички коллизияларни кучайтириш, воқеаларнинг таранглашиши ва жиддийлашиши учун хизмат қилади. Асардаги энг драматик ситуацияларда у пайдо бўлади ва сюжетнинг галдаги ривожига, қаҳрамонларнинг ички хатти-ҳаракатларини янада ёрқин тасвирлашга муҳим туртки беради. Асар финалида<sup>12</sup> парининг пайдо бўлиши ва унинг дуоиси туфайли қаҳрамоннинг «тирилишини» ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Аммо Бахил пари билан боғлиқ баъзи ҳолатларнинг етарли асосланмаганлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак бўлади.

«Алпомиш» дostonида энг мукамал ишланган мотивлардан бири қаҳрамонона дўстликдир. Бу мотив ўзбек эпосининг бошқа бирор намунасида «Алпомиш» дostonидагидек мукамал ва гўзал ҳолатда учрамайди. «Якка Аҳмад» ҳам бундан мустасно эмас. Тўғри, дostonда Аҳмадбек билан Балх шаҳзодаси Эрназар ва қирқ айёرنинг бири Алмуҳаммад дўстлиги берилади. Бироқ бу қаҳрамонона дўстлик бўлмай, эпос тараққиётининг кейинги босқичига хос дўст тутинишдир.

Эрназар қирқ йигити билан овга чиқади. Зангилар тутиб олиб, банд этадилар. Аҳмад зангиларни ўлдириб,

---

<sup>12</sup> Дўрмандан ўғлини излаб чиққан Қорахон, унинг хотини, қизининг; Оқработдан дўстини истаб йўлга тушган Эрназар ва қирқ йигитнинг; айёрларни ўлдириб етиб келган Сарихон, Оқбилак ва Алмуҳаммадларнинг Гулчарбоғда Аҳмад билан учрашишлари ва Оқбилакнинг Аҳмадга, Қалдирғочнинг Алмуҳаммадга, Бахил парининг Эрназарга, Оқбилак канизларининг қирқ йигитга никоҳланишидан кейин ҳам воқеа давом этади, яъни Аҳмаднинг Қубодшоҳ билан жанги, Эронга Алмуҳаммаднинг подшо бўлиб, Сарихоннинг вазир бўлганлиги берилади. Лекин бу етарли асосланмайди. Аслида Гулчарбоғдаги учрашув ва қаҳрамонларнинг юртига қайтиши билан асар тугаши керак эди. Манتيқ шуни талаб қилади. Тўғри, Оқбилакка Қубодшоҳнинг ошиқлиги ва шунинг учун Аҳмад йўлига зангилар ва айёрларни қўйганлиги айтилади, лекин Қубодшоҳ воқеалар давомида иккинчи планга суриб қўйилган. «Алпомиш»да Тойчихон эса, актив ҳаракат қилади.

уларни озод қилади. Эрназар ва Аҳмад дўстлигига шу сабаб бўлади:

Омон бўлсин доим, жон дўстим, жонинг,  
Эрназар бўлса-чи сенинг қурбонинг,  
Агар бўлса сенинг ғаним-душманинг,  
Сен ўтирсанг, бизлар санчсак не бўлди?!

Қаҳрамоннинг қирқ айёرنинг бири Алмуҳаммад билан дўстлашувида эса, сўз кучи, психологик таъсир муҳим роль ўйнайди. Шоир бунда айёрларга банди бўлган Аҳмад тилидан унинг шаъну шавкати ва армонини ифодаловчи бадий гўзал учта лирик монолог берадики, санъаткорона тасвирланган бу ички кечинмалар асносида душман Алмуҳаммад дўстга айланади ва ўзини қаҳрамон устига ташлайди, уни ҳимоя қилишга уринади:

Айёрлар, айтайин сенга бир сўзни,  
Аҳмад деб тарк этдинг кеча-кундузни,  
Эсиз, дўстим ёлғиз экан энадин,  
Мерганлар ирим қип отмас ёлғизни.

Бобоайёр ва қирқ шогирдининг Аҳмадни Гулчарбоғда банди қилгач, юртига қайтишда элибойларнинг овули устидан келиб қолиши ва йигирмаси Алмуҳаммад, Тарлон отни ушлаб туриб, йигирмасининг Сарихонни «аҳмоқ» англаб, «зиёфатини» еб келиш учун «қуда» сифатида уникига бориши моҳияти эътибори билан Сурхайилнинг сир билиш мақсадида Бойсариникига боришига ўхшаб кетади. Агар бойбичча Сурхайилни итларга талатиб калака қилган бўлса, Сарихон Бобоайёрни яланғочлаб корсондаги шўр сувга босиб масхаралайди. Ҳар икки ўринда ҳам нияти бузуқ кишини шармандали аҳволга тушириб қўйиш тенденцияси мавжуд. Бу нарса «Якка Аҳмад»да бир ситуациянинг ўзида охиригача олиб борилади ва айёрларнинг—ғараз ниятли кишиларнинг шармандаларча ҳалокати билан якунланади.

«Якка Аҳмад» достонида туркий халқлар эпосининг бирорта намунасида ҳам учрамаган ажойиб бир мотив бор. Бу банди бўлган қаҳрамонни юрти Дўрмандан отаси, синглиси ва онасининг излаб чиқиши, йўлда уларга Эрназар ва қирқ йигитнинг қўшилиши, душман элдан севиклиси Оқбилак ва канизлари, Сарихон ва Алмуҳаммаднинг Аҳмадни топиш учун елиб-югуриши, уларнинг барчасининг Гулчарбоғда учрашуви ва шу ерда паҳлавон билан топишиши мотивидир. Уч кишининг сафарга чиқиши ва учаласининг ҳам руҳий ҳолатини, кечинмаларини бир пайтда тасвирлаб бериш бахшидан катта санъаткорлик талаб қилади<sup>13</sup>. Эргаш шоир Қорахон, унинг хотини, қизи Қалдирғочларнинг ички ва ташқи хатти-ҳаракатларини, ҳаяжон ва изтиробларини тасвирлаш орқали муваффақиятли равишда бунинг уддасидан чиққан. Диққатга сазовор бундай мотивнинг «Якка Аҳмад» достонида юксак санъаткорона тасвирланиши Эргаш шоир ва у мансуб Қўрғон қишлоқ дostonчилик мактабининг муҳим янгилигидир.

«Якка Аҳмад» бадий жиҳатдан гўзал асардир. Унда Эргаш шоир услубига хос барча нафисликлар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бунинг исботи учун Эргаш шоирга хос бир-икки хусусиятни қайд этиб ўтиш етарлидир. Шундай ажойиб хусусиятлардан бири монолог ва диалогларнинг дастлабки бандларидаги айни сатрларни кейинги бандларда ўзига хос йўсинда моҳирлик билан

---

<sup>13</sup> 1971 йилги экспедиция давомида Қўрғон дostonчилик мактабининг бошқа бир вакили Марди бахши Жиян ўғлидан «Якка Аҳмад» дostonини магнитофонда ёзиб олганимизда шу нарса маълум бўлдики, уч кишининг биргаликдаги сафари тасвири жуда бўлиб берилган, шеърини монолог, диалоглар деярли учрамайди, уларнинг ўгли ва жигарини излаб сафарга чиққанлиги айтилади, холос.



такрорлашдир<sup>14</sup>. Эргаш шоир дostonларида бадий такрор (такрир) турли-тумандир. Масалан, биринчи банднинг охирги мисраи иккинчи банднинг учинчи сатри бўлиб келади:

Сабил бўлиб қолди манзил, маконим,  
Баданда эранар тандаги жоним,  
Аввал маҳкам бойла икки кўзимни,  
Қиличингни кўрса қўрқар баданим.

Энди шундай бўлди ҳолу аҳволим,  
Сўзимга қулоқ сол, айёри золим,  
Қиличингни кўрса қўрқар баданим,  
Киссамда бор ёрим тиккан рўмолим.

Эшитгин, айёрлар, айтган сўзимни,  
Ғофил қолдим, бойлаб олдинг ўзимни,  
Киссамда бор ёрим тиккан рўмолим,  
Шу рўмолман маҳкам бойла кўзимни.

Энди чиқар бўлди танимдан жоним,  
Ширин жоним эди танда меҳмоним,  
Шу рўмолман маҳкам бойла кўзимни.  
Қиличингга сесканмасин имоним.

Ёки, биринчи банднинг охирги мисраи иккинчи банднинг учинчи сатри, учинчи мисраи охирги сатри (бунда қофияларга ҳам эътибор қилинг) бўлиб келади:

Қирқ йигитим бари жаррор ичинда,  
Майдонни излаган сардор ичинда,  
Маконимга йўлбарс келган эканди,  
Армонда қолибман бу ғор ичинда.  
Майдон-майдон отин елган эканди,  
Душман излаб жонин бўлган эканди.  
Армонда қолибман ғорнинг ичинда,  
Маконимга йўлбарс келган эканди.

---

<sup>14</sup> Эргаш шоир ижодидаги такрирнинг хилма-хиллигини биринчи марта муҳтарам олим Ҳоди Зарифов ёзган эди.

Эргаш шоир дostonларида қофия ва радифлар жуда пухта ишланган. Айни шундай ҳолни «Якка Аҳмад»да ҳам кўрамиз:

Полвон тўрам, харидорим сен эдинг,  
Қизиқ савдоли бозорим сен эдинг,  
Боғимда олма, анорим сен эдинг,  
Қаторда чирпинган норим сен эдинг,  
Соғинсам, кўрсам хуморим сен эдинг,  
Бўйини таққан туморим сен эдинг,  
Олдимда ўсган чинорим сен эдинг,  
Кеча-кундуз ихтиёрим сен эдинг,  
Кўнглимдан олган ғуборим сен эдинг,  
Элимдаги эътиборим сен эдинг,  
Боғда очилган лолазорим сен эдинг,  
Манглайимда йўқу борим сен эдинг,  
Очилган тоза баҳорим сен эдинг,  
Суйдигим ҳам суяр ёрим сен эдинг,  
Энди сенсиз мен турмасман дунёда,  
Дунёга менинг турарим сен эдинг.

Юқоридаги ўн олти сатрлик парчада ўн беш сўзнинг (харидор—бозор—анор—нор—хумор—тумор — чинор—ихтиёр—ғубор—эътибор—лолазор—бор—баҳор — ёр — турар) кетма-кет қофияланиб келиши ва уларнинг бирортасининг ҳам такрорланмаслиги шоирнинг юксак санъатқорлигига кафилдир. «Сен эдинг» радифи эса, Оқбилакнинг Аҳмадга муносабатини, унинг ички ҳис-ҳаяжонини янада ёрқин кўрсатиб турибди.

«Якка Аҳмад» дostonининг яна бир варианты Қўрғон дostonчилик мактабининг бошқа бир вакили Марди бахшидан ёзиб олинган. Бу асар воқеалар баёни жиҳатидан Эргаш ота варианты билан айнандир. Фарқ уларнинг бадий ишланишида. Бу дostonни Қўрғон дostonчилик мактаби вакилларида бошқа бахшиларнинг куйлаб келганлиги ҳақида маълумотлар кам сақланган. 1971 йили фольклор экспедицияси давомида Нуротада бўлганимизда, Бекмурод Жўрабой ўглининг шогирдлари

Маъмур Эрматов (68 ёшда), Файзи Нажмиддинов (62 ёшда), Турсун Шеров (74 ёшда) лар билан бўлган суҳбатда шу нарса аниқландики, Бекмурод бахши «Якка Аҳмад» достонини «Аҳмадхон» номи билан жуда кўп куйлар экан. Улар достоннинг мазмунини ҳам айтиб бердилар. Бунга кўра, Қорахон билан Сарихон ака-ука эмас, шоҳу вазир. Бахил пари иккинчи планга сурилган бўлиб, Қалдирғоч актив ҳаракат қилади. Аҳмадни излаб ота-онаси ва Қалдирғочнинг сафар қилиши мотиви тушиб қолган. Юқоридаги ўртоқлар Бекмурод жироннинг «Аҳмадхон» достонини куйлаганлигини тасдиқлаш учун унинг «Нима айтай» («Достон териш») термасидан парча ҳам келтирадилар:

Сарой элда ўтиб эди Сормонхон,  
Сормонхоннинг боласидир Аҳмадхон,  
Лот копирга қўшин тортган бек Аҳмад,  
Бек Аҳмаддан айтйинми қадрдон.

Мавжуд фактлар Бекмурод Жўрабой ўғли «Аҳмадхон» достонини Қўрғон достончиларидан ўрганганлигини ва уни куйлаб келганлигини тасдиқлайди. Бекмурод бахши достончилик қилиб юрган жойлардан (Нуротанинг шимолий қисми ва Қармана атрофларидан) бу достоннинг бирор вариантини ёзиб олиш масалага янада аниқлик киритади.

Мавжуд оғзаки маълумотларга кўра, «Якка Аҳмад» достонини Жуманбулбул, унинг акаси Жоссоқ бахши, Жоссоқ бахшининг шогирди Пўлкан, ўғли Жолғош бахшилар ҳам кўп айтган. Бу достонни Эргаш Жуманбулбул ўғли ўз укаси ва шогирдларига ҳам ўргатган. Қўрғон қишлоғидаги нақлларга кўра, Эргаш ота «Якка Аҳмад» билан «Қиронхон»ни тўлиқ ўрганса, бахши ўз йўлини топиб кетади, деб ҳисоблар экан. Абдулла, Жолғош сингари бахшилар оддий тақлидчи бўлса, Абдухалил шоир бўлиб, ўз йўлини топиб кетган эмиш. Бу ўринда

Эргаш шоирнинг яна бир маълумоти характерлидир. У ўз укаси Абдухалилнинг Мирдошда дoston куйлаганини «Таржимаи ҳол» дostonида ёзар экан, шундай дейди:

«Якка Аҳмад» дostonини шу кuni айтган,  
Оғзига ҳаммани, дўстлар, қаратган,  
Маст бўп айтиб бораётир қўшиқни,  
Гоҳ ерда кулдирган, гоҳда йиғлатган.

Қўрғон қишлоғидаги бошқа бир нақлга кўра, Қўрғон дostonчилари ўтган асрда дoston куйлаш учун сафарга чиққанларида, Булунғур ва Уратепа атрофларигача якка-якка тарқаб кетадилар. Зоминда бўлган бир дostonчилик даврасида Жоссоқ, Ерлақаб, Жуманбулбуллар тасодифан учрашиб қолади. Ака-укалар даврадагиларга ўзларини танитмайдилар. Мажлис аҳли ҳеч ким эшитмаган дoston куйлашни сўрайди. Бунини Ерлақаб ҳам, Жуманбулбул ҳам бажара олмайди. Шунда Жоссоқ «Якка Аҳмад» дostonини айтган эмиш. Дostonларнинг айрим парчаларини, баъзи сюжетларни бахшилар ва халқ ўртасида айрим таланти ижодкорлар номи билан боғлаш ҳоллари мавжуд. Бу ерда ҳам шундай. Бунда Жоссоқнинг ижодий ҳиссаси алоҳида таъкидланмоқда. Бизнингча, «Якка Аҳмад» дostonи Жоссоқ бахшигача ҳам мавжуд бўлган. Бу ривоятнинг бошқа бир вариантыда Пўлкандан ёзиб олинган «Ёлдор бўри» дostonини Жоссоқ номи билан боғлайдиларки, бу факт ҳам, шунингдек, дostonнинг Бекмурод жиров репертуарида мавжудлиги юқоридаги мулоҳазани яна бир бор тасдиқлайди.

Фактик материалнинг ниҳоятда чекланганлиги ва ёзиб олинган вариантларнинг камлиги дostonнинг яратилиш тарихи ҳамда тарқалиш районларини белгилашда анча қийинчилик туғдиради. Дostonнинг мазмунига асосланиб, уни «Алпомиш»дан кейин, «Юсуф—Аҳмад»дан олдин яратилган, тарқалиши Қўрғон дostonчилики макта-

би чегарасида бўлиб, айрим ҳоллардагина шу мактаб таъсирида бошқа бахшилар репертуарига ҳам кирганлигини тахмин қилиш мумкин. «Алпомиш», «Ёдгор», «Якка Аҳмад», «Юсуф—Аҳмад» ва бошқа дostonларни қиёсий ўрганиш, шунингдек, унинг «Алпомиш»дан бўлак бирор манбага тақалишини аниқлаш бу масалани янада ойдинлаштиради. Лекин дostonнинг яратилишида репертуарнинг бойиши ва хилма-хиллиги учун ҳамиша қайғуриб келган Қўрғон дostonчилик мактаби устоз бахшиларининг, айниқса, Тилла кампир, Бўрон шоир, Жуманбулбул ва Эргашларнинг ижодий ҳиссаси баракали бўлган.

Эргаш шоир дostonлари тасвирий воситаларга бойлиги, тилининг жозибадорлиги ва лирик йўналишининг устуңлиги билан ажралиб туради. Унинг дostonларида, бир томондан, аччиқ қисмат, изтироб, руҳий драмалар ёрқин гавдалантирилса, иккинчидан, шу аччиқ қисмат тасвирида адолатли турмушга интилиш, ёрқин келажакка ишонч ёғду сочиб туради. Бу жиҳатдан «Кунтуғмиш» дostonи характерлидир. «Кунтуғмиш» дostonи ўзбек халқ дostonчилигида алоҳида ўрин тутади. Зулм ва зўрлик билан бир-биридан ажратилган ошиқ-маъшуқлар тақдири, адолатсиз замон тўфонида ота-онасидан ва бир-биридан ажралиб қолган эгизаклар саргузашти турлитуман ижтимоий ҳодисалар фонида ниҳоятда конкрет ва реал тасвирланган.

Эргаш Жуманбулбул ўғли репертуарида «Гўрўғли» дostonлари муносиб ўрин тутган бўлиб, шоирдан уларнинг бештаси ёзиб олинган ёки ўзи ёзиб топширган. «Гўрўғли» дostonлари халқ дostonчилигида ҳар бири мустақил яшаган ва айрим-айрим номга эга бўлган асарлар силсиласи, муайян омиллар билан бир-бирига бирлашган каттакон туркум бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқда жуда кенг тарқалган. Бу дostonлар бир қатор халқлар

каби ўзбек халқи эпик ижодиётининг ҳам йирик қисмини ташкил этади. Бу туркум ўзбек, тожик, қозоқ, татарларда *Гўрўғли*, туркман, озарбайжон, арман, грузин, турк ва бошқаларда *Кўрўғли* номи билан шуҳрат қозонган. Озарбайжон «Кўрўғли»сини биринчи марта тўплаб, нашр этган (1842) дипломат Ходзько: «Осиёда бирор бурчак йўқки, у ерда Кўрўғлининг номи айтилмасин. Ҳатто Бессарабия ва Молдавияда унинг отини эшитасиз. Агар адибларнинг шуҳрати ва машҳурлиги уларнинг ўқувчиларининг сони билан ҳисобланса, унда Фирдавсий «Кўрўғли»дан бир оз ортиқ бўлади»,— деб ёзган эди.

Халқ шоирлари Гўрўғлини буюк самимият ва ифтихор билан ардоқлаб, унинг халққа бўлган меҳр-садоқати, душманларга чексиз ғазаб-нафрати, мамлакат мудофаасида ёвуз босқинчиларга қарши аёвсиз курашлари, эл-юрт фаровонлиги учун ғамхўрлигини юксак кўтаринки руҳ билан куйлайдилар. Туркумга кирувчи барча дostonлар маълум бир нисбий мустақилликка эга бўлиб, жонли оғзаки анъанада якка-якка яшасалар-да, улар эпик Чамбил юрти, Гўрўғли образи ва унинг жанговар сафар йўлдоши, доимий ёрдамчиси Фирот каби қатор воситалар билан ўзаро мустаҳкам равишда бирлашади.

«Гўрўғли» туркуми дostonлари каттакон икки тармоққа бўлинади. Фанда бири Закавказье ва Яқин Шарқ версиялари (озарбайжон, арман, грузин, турк ва бошқалар) деб юритилса, иккинчиси Урта Осиё версиялари (ўзбек, қозоқ, туркман, тожик ва бошқалар) деб аталади. Бу икки тармоқ ўзаро жуда кўп умумийликларга эга бўлсалар-да, дostonларда қамраб олинган воқелик жиҳатидан ҳам, эпик анъана ва бош қаҳрамонга берилган баҳо тарафидан ҳам уларнинг ҳажми, состави, куйланиши ва тарқалиш хусусиятлари билан ҳам бир-биридан принципиал равишда фарқ қилади.

Закавказье ва Яқин Шарқ версияларига хос бўлган умумий хусусиятлар озарбайжон вариантларида тўла ўз ифодасини топган. Унда тасвирланишича, Кўрўғли 40 йигитига бош бўлиб, феодал тузумига қарши исёнкорлик ҳаракатлари олиб боради. Кутилмаганда савдогарлар карвонини талайди, ўзига душман қўшни подшоликларни енгади, бундай жангларда ажойиб жасорат ва қаҳрамонликлар кўрсатади; чўпон, отбоқар, дарбадар бахши, дуохон, фолбин қиёфаларида душман ичига кириб, жуда уста тадбиркорлик билан асир тушган йигитларига ёрдам беради, ўзига ва йигитларига маъқул бўлган гўзалларни олиб қочади.

Кўрўғлининг жасорати ва мардликлари ҳақидаги бундай ҳикоялар ярим тарихий, ярим афсонавий характерга эга. Бу ҳикоялар мағзида халқ оғзаки ижоди бўёқларидаги реал тарих ётибди. Туркия султони ёки Эрон шоҳларига тобе бўлган ярим мустақил подшоликлардаги турли хил сарой интригалари, феодал ҳукмдорлари яшаган гавжум савдо ва ҳунармандлик шаҳарларидаги ҳаёт, катта карвон йўлларидаги жанглар озарбайжон версиясининг тарихий асослари ҳисобланади ва бу версияга кўра, Кўрўғли Эрон шоҳи Аббос I нинг (1585—1628) замондоши қилиб кўрсатилади. Чиндан ҳам арман тарихчиси Аракел Тавризий (вафоти — 1670 йил) нинг кўрсатишича, шоҳ Аббос ва Туркия султонига қарши қўзғолон кўтарганларнинг бошлиқларидан бири Кўрўғли бўлган. «Бу — ҳозир ошиқлар куйлаётган жуда кўп қўшиқларни тўқиган Кўрўғлининг худди ўзи», — дея янада аниқлик киритади арман тарихчиси. Шунингдек, Аракел Тавризий Кўрўғлининг сафдошлари сифатида Хизир ўғли, Кўса Сафар кабиларни қайд этадики, улар ҳам эпик традицияда учрайди. Демак, озарбайжон версиясида конкрет шахс ва давр билан боғлиқ воқеалар тенгсиз куч-қудрат ва шижоат, олижаноб инсоний фазилатлар идеали нуқтан

назаридан куйланади. Аммо бунда умумлаштириш ва идеаллаштириш муайян давр ва тарихий воқеаларни инкор этиш даражасида эмас, балки у (халқ идеали) конкрет биографик деталлар ва ҳаётий лавҳалар билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ўрта Осиё версиялари, хусусан, ўзбек вариантларида умумлаштириш ва идеаллаштиришнинг жуда юқори даражасини кўрамыз. Бунда қаҳрамонона ўтмиш конкрет тарихий воқеалар аспектида эмас, балки мислсиз романтик лавҳаларда, халқнинг беқиёс идеаллари кўламида тасвирланади. Бундан ўзбек «Гўрўғли» дostonлари ҳаёт билан, халқ турмуши билан алоқаси бўлмаган қандайдир «уйдирмалар» йиғиндиси экан, деган маъно чиқмаслиги керак, чунки бу эпосга хос ҳаётни тасвирлаш методи бўлиб, унда кечмиш қаҳрамонона идеаллик даражасига кўтарилиб тасвирланади. Ҳамма нарса — ҳаёт ҳам, халқ турмуши ҳам, тарихий воқелик ҳам, мавжуд замон этиштирган қаҳрамонлар ҳам кўтаринки романтик бўёқларда, бепоён идеал бадий тасаввурларда, чексиз образли фикрлашлар гирдобиди гавдаланади. Ана шу бепоён идеаллик ва чексиз романтика бу дostonларни янада реал, ҳаётий, халққа яқин ва давримизга ҳамоҳанг қилган. Уларнинг ҳаётий кучи, реалистик қудрати, бадий эстетик қувватининг буюклиги ҳам шундадир. Ўзбек дostonларида Гўрўғли туркман ва ўзбекларнинг беги, қонуний ҳукмдор, ўз халқи, ватани учун қайғирувчи ва уни турли душманлар босқинидан ҳимоя қилувчи доно мураббий, кўплаб халқ ботирларини тарбиялаб этиштирган енгилмас баҳодир сифатида тасвирланади. Бош қаҳрамонга берилган мана шу эстетик баҳодан келиб чиқиб, эпик Чамбил юртининг азамат ҳукмдори Гўрўғлининг баҳодир 40 йигити билан биргаликда она ерининг хавфсизлиги ва озодлигига таҳдид солувчи қўшни подшоликларга қарши олиб борган кураши бутун халқ ҳаракати,



озодлик уруши тарзида намоён бўладики, бу ўзбек эпосидаги асосий масаладир.

Ўзбек халқи Гўрўғли ҳақида «Кунларим», «Гўрўғли», «Армонинг қолмасин», «Гўрўғлибек—зўр ботир» каби унинг эпик биографиясининг асосий нуқталари мақтовига бағишланган қатор термалар билан бир қаторда ҳар бири икки минг шеърый сатрдан тортиб, ўн-ўн икки минг мисрали (қарийб шунча насрий қисм ҳам мавжуд) кўп-лаб дostonлар яратди. Бу асарлар орасида Хоразмдаги «Гўрўғли» дostonлари ўзларининг характери, ижодий услуби ва куйланиши жиҳатидан маълум бир алоҳидаликларга эга. Хоразм «Гўрўғли» дostonларининг сони кам. Улар ўн-ўн иккига етади. Булар: «Араб танған», «Авазхон», «Бозиргон», «Хирмондали», «Қирқ минг», «Авазнинг уйланиши», «Гулруҳ пари», «Фиротнинг ўғирланиши» ва бошқалар. Бу дostonлар ҳажм эътибори билан ҳам жуда қисқа. Хоразмда тарқалган айрим сюжетлар республиканинг бошқа ерларида учрамайди.

Ўзбек халқи орасида (Хоразмдан бўлак ерларда) жуда кенг тарқалган «Гўрўғли» дostonлари ўзининг ҳажман жуда кенглиги, монументаллиги билан ажралиб туради. Халқ дostonларини билишда ва куйлашда донг чиқарган бахшиларимиз «Гўрўғли қирқ дoston» дейдилар. Лекин фольклористик текширишлар уларнинг сони бундан ҳам кўплигини исботламоқда. Ўзбек фольклористлари совет даврида халқ шоирларидан 100 га яқин (вариантлари билан) «Гўрўғли» дostonларини ёзиб олдилар. Булардан 5 дoston Эргаш Жуманбулбул ўғлидан, 10 дoston Фозил Йўлдош ўғлидан, 16 дoston Пўлқандан, 3 дoston Ислон Назар ўғлидан ёзиб олинган. Бу дostonлар Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг Фольклор архивида сақланади. Туркумни тўлалигича биладиган бирор

бахши учратилган эмас. Етакчи халқ шоирлари — Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан ва бошқалар ҳам туркумга кирувчи бир неча дostonларнигина билар эдилар. Утмишда «Гўрўғли» дostonларини куйлашда донг таратган дostonчилар бўлган. XIX асрнинг II ярми ва XX аср бошларида Султонмурод шоир (Самарқанд области), Нишонота (Тошкент области) каби санъаткорлар «Гўрўғли» дostonларини энг билагонлари ҳисобланган. Бироқ улардан бирор дoston ҳам ёзиб олинмаган. Туркумга кирувчи асарлар шулар: «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги», «Зайдиной», «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари», «Райхон араб», «Бектош араб» (ёзиб олинмаган), «Шоҳдорхон», «Холдорхон», «Замонбек», «Хидирали элбеги», «Бердиёр оталиқ», «Хиломон», «Шодмонбек» (ёзиб олинмаган), «Дониёрхўжа» (ёзиб олинмаган), «Ойдиной» (ёзиб олинмаган), «Холдор бувиш» (ёзиб олинмаган), «Ҳасанхонни олиб келиш», «Темирхон подшо», «Далли», «Авазхонни олиб келиш», «Балогардон», «Интизор», «Гулихиромон», «Бўтакўз», «Қундуз билан Юлдуз», «Зулфизар билан Аваз», «Аваз билан Ойзайнаб», «Машриқо», «Малика айёр», «Хонойим», «Авазнинг арази», «Хушкелди», «Авазнинг ўлимга ҳукм этилиши», «Балхивон», «Нурали», «Равшан», «Жаҳонгир», «Эрўғли» ва бошқалар.

Дostonчилар маълумотига қараганда, «Эрўғли» дostonи туркумда қирқинчи ва охириги асар бўлиб, Гўрўғлининг кексайган даври ва ғойиб бўлиши тасвирланади. Эпик традицияга кўра, Гўрўғлига энг узоқ умр — 120 ёш берилган бўлса-да, у ўлмади, балки афсонавий Сулдузи тоғида ғойиб бўлади. Ривоятларга қараганда, Гўрўғли кексайганда, унинг ёрлари Юнус ва Мисқол парилар Гўрўғлига сенинг номингни ўчирмаймиз, дostonингни айтдирамиз, деб ваъда берган эмиш. Парилар эса, ўлмади, улар бахшиларга қўниб юриб, Гўрўғли сўзларини

уларнинг ичига жойлар эмиш, шу туфайли бахшилар ҳам Гўрўғлининг ўғиллари эмиш. Мана шундай эътиқодлар туфайли бўлса керак «Эрўғли» дostonини бошқа асарлардай кенг куйлаб юриш бахшилар ўртасида расм бўлмаган. Шунинг учун ҳам у тўла равишда ёзиб олинмаган. Унинг айрим тамом бўлмаган вариантлари Сурхондарё ва Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек бахшиларидан ёзиб олинган.

«Гўрўғли» дostonлари муайян бир туркумни ташкил этсалар-да, улар қаҳрамоннинг бир-бирига узвий боғланган мунтазам эпик биографияси эмас, балки турли бахшилар ва дostonчилик мактаблари томонидан унинг айрим жасорат ва мардликларини тасвирловчи турли даврларда яратилган асарларнинг кейинчалик наслий туркумлик доирасида ўзаро бирлаштирилишидир. Шунинг учун ҳам бу дostonлар бир даврда бир-икки киши томонидан яратилган эмас, балки улар жуда узоқ даврда кўплаб талантли дostonчилар ва дostonчилик мактабларининг кучи билан бунёд этилган. Уларнинг баъзилари узоқ тарихда, Ўрта Осиёда исломнинг тарқалишидан бурунги даврларда майдонга келган. Баъзилари бундан уч-тўрт аср илгари яратилган ва замонамизга қадар жуда кўп халқ шоирлари томонидан ҳар қайсисининг ўз замони талабларига кўра қайта-қайта ишланиб, кўп вариантларда бизгача етиб келган<sup>15</sup>.

«Гўрўғли» дostonлари туркуми халқ баҳодирининг ажойиб-ғаройиб ҳолда туғилишини ва болалигини тасвирловчи «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги» дostonи билан бошланади. Дostonда тасвирланишича (Пўлкан варианты бўйича), Гўрўғлининг бобоси Тўлибой синчи

---

<sup>15</sup> Қаранг: Ҳодн Зариф, «Равшан» дostonи ҳақида. «Эргаш шоир ва унинг дostonчиликлдаги ўрни» тўплами, Тошкент, 1971, 60—61-бетлар.

Мари юртининг беги Қовиштихоннинг ўгли бўлиб, ёшлигида Ёвмит подшоси Одилхонга асир тушади. Тўлибой синчи хизматларидан кўнгли тўлган Одилхон қизи Биби Ойшани унга никоҳлаб беради. Булардан булғуси қаҳрамоннинг отаси Равшан туғилади. Така-Ёвмит юртининг доимий душмани Шоҳдорхоннинг навбатдаги боқинларидан бирида Равшан, шунингдек, Така-Туркман беги—Жиғалихоннинг фарзандлари Гаждумбек ва Биби Ҳилоллар Зангар юртига асир тушиб кетади. Зангарда Равшан билан Биби Ҳилол тасодифан учрашиб қолиб, бир-бирларини севадилар ва турмуш қурадилар. Бу орада Равшаннинг синчилиги хабари Шоҳдорхонга етиб келади. Шоҳдорхон уни саройга чақириб, отларини кўрсатади. Равшан булар ичида тулпор йўқлигини айтиб, қолвачининг отини мақтайди. Аччиғланган хон Равшаннинг кўзларини ўйиб олади. Равшан кўр кўзининг хунига қолвачининг отини тилаб олиб, шу от ёрдамида қайнакаси Гаждумбек билан Ёвмитга қочади. Зангарда қолган Биби Ҳилол қорнидаги олти ойлик гумонаси билан вафот этади. Гўрда ўлик онадан бўлажак қаҳрамон туғилади. Чўпон Рустам уюридаги бир байтал уни эмизади ва кейинчалик Рустам ёрдамида шу байталда Ёвмитга қочиб келади. Кўринадики, эпос анъанасига кўра, Гўрўглининг келиб чиқиши юқори табақа билан боғланса-да, у аввало камбағал бир отбоқар синчининг ўгли; чўпон Рустам тарбиясида вояга етади, халқ қаҳрамонларига хос ғайри табиий йўсинда туғилади ва баҳодирлик камолотига эришади. Бу билан, бир томондан, Гўрўглининг ёшлигида ноқ хонларга, феодалларга, сарой аристократиясига қарши тарбияланганлиги кўрсатилса, иккинчидан, унинг эпик Чамбил юртининг қонуний ҳукмдори эканлиги ҳар жиҳатдан асосланади.

«Гўрўглининг туғилиши ва болалиги» достони кўп планли асар бўлиб, унда Фирот биографиясига оид ҳам

ажойиб маълумотлар бор. Бу маълумотларга кўра, қаҳрамонни эмизган байтал билан Хуросон кўлидан чиқиб келган айғирдан («сув оти»дан) урғочи қулун туғилади. Бу қулун уч яшар бўлгач, Гўрўғли Райхон арабнинг донги чиққан тулпоридан насл олишга ҳаракат қилади. Натижада учинчи от — Фирқўк туғилади. Фирқўк етти кунлик бўлганда онаси ўлади. Гўрўғли лунга турли хил ҳайвонларнинг сутини бериб тарбия қилади<sup>16</sup>. Гўрўғли билан Фирот орасида жуда кўп ўхшашликлар бор: дostonда ҳар иккаласи ҳам учинчи наслгача тилга олинади (Тўлибой — Равшан — Гўрўғли; қаҳрамонни эмизган байтал — «сув от» — Фирқўк); иккаласи ҳам етим; иккаласи ширхўра ва ҳоказо.

Бу билан қаҳрамон ва унинг жанговар оти ўртасида эпосга хос ажойиб бир алоқа юзага келтириладики, бу бутун туркум бўйлаб изчил давом этади. Дostonда ёш қаҳрамоннинг чилтанлар билан учрашуви, келажак йўлини олдиндан белгиланиши, эпик Чамбил юртининг бунёд этилиши, Ёвмит элига хоп қилиб кўтарилиши каби воқеалар жуда қизиқарли тасвирланади. Шохдорхон ва Равшан, Равшан ва Урайхон, Райхон ва Гўрўғли тўқнашувларида бутун туркумга хос бўлган ижобий ва салбий сифатлар намоён бўлади.

Туркумнинг ушбу биринчи достонидаёқ ўзбек «Гўрўғли»сига хос бўлган чексиз фантазия, кўз илғамас географик ва этнографик кенгликлар тўла намоён бўлади. Бу ҳол айниқса «Юнус пари», «Мисқол пари», «Гулнор пари» дostonларида янада ёрқин кўринади. Бу асарлар Гўрўғлининг уйланиши ва шу билан боғлиқ қаҳрамонликларига бағишланган. Эпик анъаналарга кўра, Гўрўғлининг икки хотини — Юнус ва Мисқол парилар (Пўл-

---

<sup>16</sup> Бунинг чиройли тасвири «Хушкелди» дostonида берилган. Қаҳрамон: Булбул тароналари, 3-том, Тошкент, 1972, 167—189-бетлар.

кан варианти бўйича учинчи — Гулнор) бор. Улар Кўйи Қофда Ирам боғида яшайди, уларни жуда катта ғайри табиий кучлар—девлар қўриқлайди. Парилар Гўрўғлига илгаридан «белгиланган» бўлса-да, уларни қўлга кири-тиш учун юксак жисмоний куч билан бир қаторда ақл, фаросат, уста гадбиркорлик ҳам керак эди. Гўрўғли буни қойил қилиб бажаради.

Достонларда парилар подшолиги, ундаги сарой ва оилавий ҳаёт инсон турмушининг идеал кўриниши сифатида кенг, ҳаётий лавҳаларда жуда реал тасвирланади. Бахши инсон турмуши билан боғлиқ ҳаётий, тарихий ва этнографик тафсилотларни муҳаббат билан баён этади. Қитобхон ва тингловчи шундай бир бепоён фантастик оламга олиб кириладики, ақл бовар қилмас бу юксак оламдан инсон турмуши, тафаккури, курашлари, ҳасрати ва хурсандчилиги кўринади. Реал ҳаёт билан мустақкам боғлиқ бундай чиройли фантазиялар намуналарини «Гўрўғли» достонларидан истаганча топса бўлади («Балогардон», «Малика айёр», «Машриқо» ва бошқа достонларни эслаш кифоя).

Туркумда Гўрўғли ва Чамбил юртининг доимий ташқи душманлари сифатида Райхон араб, Бектош араб, Хунхоршоҳ ва бошқалар тилга олинади. Ширвон хони Райхон арабнинг Гўрўғлининг янгаси (Аҳмад Сардорнинг хотини) Холжувоннинг олиб қочиб кетиши ва ўз навбатида ёш Гўрўғлининг Райхон арабнинг қизи Зайдинойни тоғасига келтириб бериши («Зайдиной» дostonи) улар ўртасидаги қатор душманлик ҳаракатларининг юзага келишига сабаб бўлади. Бундай душманлик ҳаракатлари кўпчилик асарларда эпизодик тарзда тилга олинса, айрим достонларда («Райхон араб», «Темирхон подшо», «Бектош араб» ва бошқалар) бу нарса икки халқ ўртасидаги жанг тарзида кенгайтирилади. Лекин

босқинчилик урушини ҳар гал араб ҳукмдорлари бошлайди ва ҳар гал улар Гўрўғлидан енгилади.

«Гўрўғли» туркуми дostonларида қаҳрамоннинг ота жиҳатдан тоғаси (отаси Равшаннинг тоғаси) Аҳмад Сардор билан, Аҳмад Сардорнинг қирқ йигит, Ҳасан, Авазлар билан муносабатлари ҳам муҳим ўрин тутди. Аҳмад Сардорнинг оилавий ва сиёсий интригалари, унинг Гўрўғли ва йигитларига нисбатан ғарази айрим асарларда («Хушкелди», «Авазнинг арази», «Интизор», «Холдорхон», «Хидирали элбеги», «Малика айёр» ва бошқалар) умумий тарзда қўйилса, бир қатор дostonларда («Аҳмад Сардор ва Ҳасаншоҳ», «Аҳмад Сардор ва Аваз», «Авазхоннинг ўлимга ҳукм этилиши») бундай ҳаракатлар асар сюжетининг асосини ташкил этади.

Туркумда Гўрўғлининг баҳодир қирқ йигитига алоҳида ўрин берилади. Булар Гўрўғлининг баҳодирликларини тан олиб, унинг атрофига ихтиёрий равишда уюшган турли уруғ ва қабилаларнинг беклари ҳисобланади. Масалан, Замонбек така уруғидан, Шодмонбек ўзбекнинг мўйтан уруғидан, Хидирали элбеги қорақалпоқ, Тўлак ботир тожик ва бошқалар. Айримларини эса (Холдорхон, Юсуф султон, Ашурбек) Гўрўғлибек турли мамлакатлардан олиб келади. Утмишда турли уруғ ва қабилалар ўртасида келишмовчилик ва низолар бўлиб турган бир пайтда Гўрўғли ҳукмдорлигининг бундай интернационал тус олиши принципиал аҳамиятга эга. Бу санъаткор бахшиларимиз ижтимоий-сиёсий утопиясининг ажойиб маҳсулидирки, халқлар, эл-элатлар дўстлиги ва биродарлигини ҳамиша ардоқлаб ва куйлаб келган халқимиз табиатига, унинг булоқдек қайнаб турган бадий ижоди моҳиятига батамом мосдир. Гўрўғлининг қирқ йигити қаердан ва қайси уруғдан бўлмасин, эпик озодлик ўлкаси Чамбилнинг озодлиги, халқининг фаровонлиги учун тинмай кураш олиб боради. Шунинг учун ҳам

улар бахшиларимиз томонидан буюк самимият ва ҳурмат билан улуғланади. Гўрўғлининг доимий йўлдоши бўлган бу жасур йигитларнинг бир қанчаси фаолиятига алоҳида-алоҳида дostonлар («Холдорхон», «Замонбек», «Хидирали элбеги», «Бердиёр оталиқ», «Ҳиломон», «Шодмонбек», «Дониёрхўжа» ва бошқалар) бағишланган.

Туркумдаги анчагина дostonлар Гўрўғлининг асранди фарзандлари — Ҳасан, Аваз, неваралари — Нурали, Равшан ва эвараси Жаҳонгирларнинг қаҳрамонона саргузаштларига бағишланган бўлиб, булар ҳам ўзаро муайян туркумчаларни ташкил этади.

Бу ички туркумлар асранди фарзандларни олиб келишини тасвирловчи дostonлар («Ҳасанхонни олиб келиш», «Авазхонни олиб келиш») билан бошланади. Ҳасан ва Авазнинг ҳар бирининг ўз эпик биографияси бор, ҳар бири туркумда муайян ўрин тутади. Ҳасанхон туркумда фақат бир дoston («Далли») нинг бош қаҳрамони сифатида иштирок этади. Авазхон эса, бутун бир дostonлар («Балогардон», «Интизор», «Бўтакўз», «Қундуз билан Юлдуз», «Зулфизар билан Аваз», «Гулихиромон», «Малика айёр», «Машриқо» ва бошқалар) туркумининг бош қаҳрамонидир. Бу дostonларнинг асосини Авазхоннинг турли афсонавий мамлакатлар гўзалларини олиб келиш учун кўрсатган баҳодирликлари ташкил этади. Ҳасан ва Аваз кичик туркумлари Гўрўғли, Фирот, қирқ йигит, доимий традицион образлар (Аҳмад Сардор, Соқибулбул, Ҳасан Қўлбар ва бошқалар), Чамбил юрти орқали Гўрўғли туркумига бирлашади.

Наслий туркумлиқ доирасида юзага келган навбатдаги дostonлар Гўрўғлининг неваралари — Нурали ва Равшанларнинг никоҳ сафарини тасвирловчи асарлардир («Нурали», «Равшан»). Бу ёш қаҳрамонлар фақат бир дoston доирасида ҳаракат қиладилар. Айрим жойлардагина (Сурхондарё ва Қашқадарё областида) Ну-



ралига бир неча дoston бағишланган, яъни бу жойларда Нурали анча оммалашган.

Наслий туркумлинишда сўнги босқични Гўрўғлининг эвараси (Нуралининг ўғли) Жаҳонгир ҳақидаги эпик ривоят ташкил этади. Наслий туркумлик принциплари асосида юзага келган Гўрўғлининг ўғиллари, неvara, эваралари ҳақидаги дostonлар унинг «фарзандсизлиги» ни кейинги планга суради. Анъанага кўра, «фарзандсиз» ҳисобланган Гўрўғли оқибатда уч авлод қаҳрамонларининг сардори ва мураббийси сифатида майдонга чиқади.

Ўзбек халқи маданиятининг нодир намуналари бўлган мана шу силсила дostonларнинг бир нечасини Эргаш шоир ниҳоятда нафис ва гўзал айтган. Аввало шунини таъкидлаш керакки, шоирдан Гўрўғли ҳақида «Гўрўғли», «Кунларим», «Армонинг қолмасин», «Гўрўғлибек — зўр ботир» сингари ажойиб термалар ҳам ёзиб олинган. Шоирнинг таъкидлашича:

Туркманда, ўзбекда, қозоқ, қирғизда  
Эл суйган бир номдор эди Гўрўғли.  
Тўғрини суярди, эгрига душман,  
Золимларга хунхор эди Гўрўғли.

Шоир термаларида «Халққа душман — Гўрўғлининг душмани» дея умумий хулоса чиқарадики, бу тезис унинг репертуарининг бутун моҳиятини белгилайди.

Рус революцион демократи Н. Г. Чернишевский: «Шоирлар одамларни ҳаёт ҳақидаги олижаноб тушунча ва ҳисларга бошловчи кишилардир. Уларнинг асарларини ўқир эканмиз, биз ҳар қандай қабиҳ ва разил нарсадан нафратланишни, бутун эзгу ва гўзал нарсаларнинг мафтун этувчи кучини тушунишни, барча олижаноб нарсаларни севишни ўрганамиз, уларнинг асарларини ўқир эканмиз, ўзимиз яхшироқ, эзгуроқ, олижаноброқ бўлиб

борамиз», — деган эди<sup>17</sup>. Чиндан ҳам шоир термаларидаёқ ўқувчини мафтунокор бир оламга олиб киради, гўзал ва эзгу нарсаларни ташвиқ қилади. «Қорни чайнаб, музни пурккан» Гўрўғлининг сифатларини баён қилар экан, бу олижанобликни ўз тингловчиларига тақишга, қаҳрамони тилидан бевосита мурожаат этиб, янада «яхшироқ, эзгуроқ, олижаноброқ» бўлишга ундайди:

Қирқ азамат менинг жўрам,  
Ўғлим Аваз, Ҳасан тўрам,  
Қокилингдан айланайин,  
Икки пари — Боғи Ирам,  
Суйдим армоним қолмади,  
Суйгин, армонинг қолмасин.

Шоир репертуаридаги «Холдорхон», «Хушкелди», «Қундуз билан Юлдуз», «Далли», «Равшан» каби «Гўрўғли» туркумига кирувчи дostonларга ҳам эгамизки, улар юксак бадинийлиги билан ажралиб туради. Бу дostonлардан айримлари қамраб олинган воқеа-ҳодисаларнинг мўл-кўллиги ва ниҳоятда кенглиги, тасвирнинг ўта бойлиги, наср қисмининг санъаткорона ишланганлиги жиҳатидан ўзига хос роман даражасига кўтарилган. Шунинг учун ҳам халқ ва дostonчилар ўртасида бир қатор асарларни айрим бахшилар жумладан, шоирнинг бийрон отаси Жуманбулбул номи билан боғловчи нақллар мавжудки, уларда чуқур ҳақиқат бор. Ота-боболари «йўли» — анъанавий йўл билан дoston айтиб, «байтларини ўзидан бойлаган» санъаткор бахшилар ижодига берилган юксак баҳо бу. Чиндан ҳам Булунғур дostonчилик мактаби вакиллари, жумладан, атоқли куйчи Фозил Йўлдош ўғли қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш»ни куйлаш билан донг таратган бўлсалар, Қўрғон дostonчиларини, жумла-

---

<sup>17</sup> Н. Г. Чернишевский, Таъланган асарлар, Тошкент, 1955, 217-бет.

дан, Эргаш шоир ишқий-романик дoston — «Равшан»ни юксак ижроси ва бадиний камолоти билан бизгача олиб келишда шухрат қозондилар. Дostonда азамат Гўрўғли невараси Равшаннинг Ширвои маликаси Зулхуморга эришиш йўлидаги мардликларини тасвирлаш орқали шоир эркин муҳаббатни, вафо ва садоқатни улуғлайди, ватанни севиш, эл-юрт душманларига нисбатан шафқатсиз бўлиш ғояларини илгари суради. Шоирдан ёзиб олинган дostonларда мисраларнинг ранг-баранг товланиши, қофияларнинг хилма-хил ва ниҳоятда бэйлиги, бандларнинг турли-туман вазнларда моҳирлик билан ўрин олмаштирилиши, асосий маънони ташувчи чиройли радифларнинг мўл-кўллиги яққол кўзга ташланади. Бунинг учун қуйидаги парчаларга диққат қилиш кифоя:

Имо билан қошин қоққан ким бўлди,  
Зулфларига гавҳар таққан ким бўлди,  
Жамоли яшиндай оққан ким бўлди,  
Қоронгида йўлга чиққан ким бўлди,  
Ҳайрон қолдим элатингнинг расмига,  
Оқшомлари машъал ёққан ким бўлди?!

Қора зулфин қора қилиб тарашган,  
Жамолига қараган кўз қамашган...

Баримизни кўриб ётир бир йигит,  
Қалин гулга кириб ётир бир йигит,  
Бир одам ётибди боғнинг ичида,  
Гулларингдан териб ётир бир йигит.

Пиғин бўлди, ҳадсиз йиғин,  
Йиғилганнинг қайсин дейин,  
Отли олдин, яёв кейин,  
Кейинлиги тим бир бўйин,  
Юрмакликнинг бари шунда.

Чопар бўлсанг, эл бу ёқда,  
Олар бўлсанг, мсл бу ёқда,  
Овлар бўлсанг, кўл бу ёқда,  
Тилла-танга — пул бу ёқда,  
Саёҳатга йўл бу ёқда,  
Қучар бўлсанг, бел бу ёқда,  
Боғда очилган гул бу ёқда,  
Сайраган булбул бу ёқда,  
Қанча ширин тил бу ёқда,  
Хизматкорлар, қул бу ёқда,  
Овларга кўнгил бу ёқда.

Фольклорда бола тарбиясига, бўлғуси қаҳрамон тарбиясига алоҳида эътибор берилди. Эргаш шоирда бу нарса янада диққатга лойиқ. Унинг дostonларидаги ҳар бир мисра асрлар тажрибасини ўзида жамлаган мақолдек жаранглайди. Дostonлардаги анъанавий насихат эпизодлари Эргаш шоирда жуда рангли ва бўёқдор. Унда замонасининг ахлоқ нормалари сингдириб юборилган, уларда умумбашарий ғоялар илгари сурилган.

Эргаш шоир ижоди ниҳоятда бой ва кўп қирралидир. Айниқса, унинг ижоди совет даврида ниҳоятда баракали бўлди.

Эркин замон, ҳамма омон,  
Йўқ бўлгандир бари ёмон,  
Эркакман тег қизу жувон  
Достон қилурман, жўралар,

деган шоир янги тузумнинг афзалликларини, ўзига ва куйига берган эркинликни тўлиб-тошиб куйлади. «Уртоқ Ленин», «Таржимаи ҳол» дostonларини, «Октябрь», «Шўро», «Қизил», «Охунбобоев» сингари қатор термалар яратди.

Идеал халқ қаҳрамонлари жасоратни умр бўйи куйлаб келган шоир «Уртоқ Ленин» дostonида доҳини реал тарихий шахс, буюк ўзгаришлар бошида турган улуғ дарға, «илмдан илм ҳосил қилиб» доноликнинг кучини

кўрсатган мутафаккир сифатида тасвирлади. Шоирнинг икки қисмдан иборат «Қизил» термасида Улуғ Октябрнинг, социалистик жамиятнинг символик образи яратилди. Шеърдаги «қизил» сўзи, бир томондан, маълум маънода шоир ва у мансуб бўлган уругнинг эстетик тушунчасини акс эттирса, иккинчидан ва асосийси Октябрдан кейин мамлакатимизда юзага келган буюк ўзгаришларнинг символик ифодаси сифатида жаранглайди. Социалистик қурилишда рўй берган ўзгаришлар ва ғалабаларни мароқ билан қуйлаш, барча ишларимизнинг илҳомчиси Коммунистик партияни улуғлаш, республикамиз пойтахти Тошкент шаънига таъриф-тавсифлар айтиш шоир асарларининг асосий лейтмотивини ташкил этади.

Эргаш шоир ўз дostonларида доим ёмонликнинг симболи бўлган мастон кампирлар ва кўсаларнинг сатирик образларини яратган эди. Унинг отаси тўқиган Нурота бекларини ҳажв қилувчи «Милтиқбой», «Ёмон таркман» ҳажвияларини биламиз. Ўз навбатида Эргаш шоир ҳам текинхўр, ишёқмас, дангаса ва такасалтанглари фoш этувчи сатирик ва юмористик шеърлар ҳам яратди. Шоирнинг текинхўр эксплуататорларнинг вакиллари бўлмиш эшонларни фoш этувчи «Эшон», доимо пардоз-андоздан бўшамаган аёллар устидан кулувчи «Асов қизлар» каби асарлари шулар жумласидандир.

\* \* \*

Эргаш шоир ижоди ва репертуари халқ эпосининг бир қатор назарий проблемаларини ҳал қилиш учун бой материаллар беради. Шундайлардан бири яратилиши жиҳатидан таржима ёки ёзма адабиёт билан боғлиқ бўлган дostonларни ўрганиш, ўзбек халқ дostonчилиги ижо-

дига ёзма адабиётнинг таъсири масаласини ёритиш ҳисобланади. Чиндан ҳам Эргаш шоир репертуаридаги ёзма манбаларга эга бўлган асарларни ўрганиш, унинг дostonларида классик адабиётга хос ҳолатларнинг зоҳир бўлишини текшириш махсус филологик тадқиқотларга аригуликдир.

Маълумки, қадимдан оғзаки яратилган ва жонли оғзаки анъанада бизгача етиб келган ўзбек халқ эпоси ўзининг узоқ асрлик умри давомида турли таъсирлар, ўзгаришлар, баъзан тазйиқларга учраган; куйланиш ва ишланиш ёғидан ҳар хил жараёнлар, эволюция ва интерпритацияларни ўз бошидан кечирган. Шунингдек. ўзбек эпосининг асрий анъанаси ҳар хил тилдаги китобий маданият ва поэзиянинг турли характер ва йўналишдаги таъсири билан чатишиб, чирмашиб кетган. Эпосдаги бундай ўзгариш ва даврлар қатлами, таъсир ва акс таъсирларни мумкин қадар ўрганиш муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга. Бу эпосимизнинг ижодий тарихини белгилашга, унда ўз изини қолдирган турли даврлар қатлами меъёрини аниқлашга имкон беради.

Фольклор ва ёзма адабиётнинг бир-бирига таъсир этиши ва бойитиши, ўзаро муносабати барча халқлар маданий тараққиётида одатдаги ҳодиса, хилма-хил ҳусусиятларга эга бўлган ижодий жараён бўлиб, бу бой оғзаки поэзия билан бир қаторда китобий адабиётнинг классик намуналарини яратган ўзбек халқига ҳам хосдир. Бундай ўзаро алоқа икки йўналишда: бир томондан, ёзма адабиёт вакилларининг халқ поэтик ижоди намуналарини ва бой оғзаки анъанадан фойдаланиши, ўрганиши, иккинчидан, фольклорнинг классик адабиёт таъсирида маълум даражада бойиб боришида зоҳир бўлади<sup>18</sup>.

---

<sup>18</sup> Қаранг: В. М. Жирмунский, Х. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос. М., 1947, стр. 279—280.

Ўзбек халқ эпоси жанрий хилма-хиллиги ва кўп темалилиги жиҳатидан ҳам, унда турли даврлар ўз изини қолдирган қатламлар миқдори билан ҳам кўп составли ва мураккабдир. Ўзбек халқ дostonчилари репертуарида патриархал-уруғчилик муносабатларининг сўнгги босқичида яратилган қадимий қаҳрамонлик эпосидан феодализм жамиятининг ижтимоий ва маданий муносабатлари билан боғлиқ бўлган ишқий-романик дostonларгача, шунингдек, кейинги даврларда ижод қилинган замонавий асарлар мавжуд. Шунинг учун ҳам бу ерда ёзма адабиёт таъсирининг кўринишлари кўп қиррали ва хилма-хилдир. Масалан, ёзма адабиётнинг «Алпомиш» дostonи вариантларига таъсири архаик стил—қаҳрамонлик эпоси стилидаги ўзига хос модернизация ҳодисаси сифатида намоён бўлиб, бу ҳол унга ишқий-романик дostonлар хусусиятларининг кириб қолишида, эпик воқеликнинг ишқий-романик планда ифодаланишида, текстдан ёзма адабиёт шеърий формаларининг ўрин олишида, асарнинг насрий қисмида китобий жумлалар ва оборотларнинг ишлатилишида кўринади<sup>19</sup>.

Ўзбек дostonчилигида ёзма адабиёт таъсири мураккаб кўринишларга эга, дедик. Ҳа, худди шундай таъсир ва акс таъсир натижасидагина ўзбек халқ бахшилари репертуарида махсус жанр — китобий дostonлар (яратилиши жиҳатидан ёзма адабий манбага эга бўлган асарлар) пайдо бўлди. Бундай дostonлар («Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Баҳром ва Гуландом» ва бошқалар) классик поэзия намуналарининг бахшилар томонидан фольклорга хос равишда қайта ишланиши натижасидир. Шунингдек, халқ китоблари номи билан

---

<sup>19</sup> Қаранг: Тўра Мирзаев, «Алпомиш» дostonи вариантларидаги бир хусусият тўғрисида. «Ўзбек халқ ижоди» тўплами, Тошкент, 1967, 49—50-бетлар.

юритилиб келинаётган каттагина адабий маҳсулот борки, унинг ёзма ва оғзаки манбаларини текшириш адабиёт ва фольклор муносабатларига доир қизиқарли маълумотлар беради. Ниҳоят, ўзбек фольклоридаги ишқийроманик дostonлар жанрининг юзага келиши ва тараққиётини ёзма адабиёт таъсирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам В. М. Жирмунский ва Ҳ. Т. Зарифовлар халқ бахшиларининг феодал саройлари ва шаҳарларга қатнови, профессионал халқ ашулчилари томонидан классик лирика намуналарининг ижро этилиши, шаҳар ва шаҳар атрофидаги қишлоқларда махсус қиссахонларнинг мавжудлиги бундай ўзаро таъсирга асосий шарт-шароитлар яратди, бусиз оғзаки фольклор жанри — романик дostonлар (халқ романлари)нинг ривожланиши ва тараққиётига имконият бўлмаган бўлар эди, деб таъкидлаган эдилар<sup>20</sup>.

Шундай романик дostonларнинг классик намуналарини берган бахшилар асосан Кўрғон қишлоқ дostonчилик мактабининг вакиллари дидир. Ўзига хос чуқур лиризм, чиройли тасвирлар, шеърий безаклар, тафсилотларни кенг ва атрофлича ишлаш, нозиклик ва ёқимлилик бу мактаб услубининг асосий белгилари сифатида кўринган экан, бу бевосита ёзма адабиётнинг таъсиридир. Шу дostonчилик мактабининг сўнгги талантили вакили Эргаш Жуманбулбул ўғли бўлиб, ундан ёзиб олинган ёхуд ўзи ёзиб топширган дoston ва термалар дostonчилиikka ёзма адабиёт таъсирини ёритиш учун аяча қизиқарли материаллар беради. Чунки «у шоирлар қишлоғи, шоирлар оиласида туғилиб ўсганлиги учун ҳам ҳар куни қўшиқ тинглар, шу билан бирга Алишер Навоий, Ғузулий, Ҳофиз, Мирзо Абдуқодир Бедил, Машраб, Махтумқули асар-

---

<sup>20</sup> В. М. Жирмунский, Ҳ. Т. Зарифов, Узбекский народный героический эпос, М., 1947, стр. 281.



ларининг кичик девонларини қунт билан ўқиб борар эди. Бир томондан, халқ шоирларидан ўрганиш, дostonчилик йўлларини мукамал эгаллаш; иккинчи томондан, ўзбек, форс, озарбайжон ва туркман классиклари ижоди билан танишиш Эргаш Жуманбулбул ўғлига жуда самарали натижа берди, унинг ижодида бамисоли икки каттакон дарё қўшилиб, бир уммон ҳосил қилгандек бўлди»<sup>21</sup>. Чиндан ҳам Эргаш шоир дostonларига назар ташласак, бу фикрнинг ғоят зукколик билан айтилганига қаноат ҳосил қиламиз. Ундан ёзма адабиёт унсурларини, асосан классик адабиётга хос бўлган шеър тузилиши ва поэтик нутқ воситаларини истаганча топса бўлади.

Маълумки, ғазал ёзма адабиётда асосий жанрлардандир. Адабиётимиз тарихида бадний сўз азаматларининг деярли барчаси ғазал ёзганлар ва у билан шуҳрат топганлар. Ғазал жанридан Эргаш шоир ҳам усталик билан фойдаланиб, дostonларда қаҳрамонларнинг диалог ва монологларида унинг яхши намуналарини беради<sup>22</sup>. Шундайлардан бири «Қунтуғмиш» дostonида Қунтуғмишнинг ёри ва болаларидан айрилиб, гангиб қолганида, тасодифан учраган чўпоннинг унга мурожаатидир:

Э, ёри алам кўрган, қайдин келасан, айғил,  
Кўп ранжу ситам кўрган, қайдин келасан, айғил.

Ким эрдинг гули сўлган. шум паймонаси тўлган,  
Еки боласи ўлган, қайдин келасан, айғил.

Диёридан айрилган, қанотидан қайрилган,  
Е ёридан айрилган, қайдин келасан, айғил.

---

<sup>21</sup> Ҳ о д и З а р и ф, Улмас даҳо, «Шарқ юлдузи» журнали, 1968, 12-сон, 175-бет.

<sup>22</sup> Эпик асарга ғазал, мухаммас намуналарини киритиш анъана-син ёзма адабиётда ҳам бўлган. Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун», Сайқалининг «Баҳром ва Гуландом» дostonлари ва бошқалар бунга мисол.

Сен мунча бўлиб шайдо, мунча қилиб вовайло,  
Юсуфмисан Зулайхо, қайдин келасан, айғил.

Сен мунча бўлиб пурхун, кўз ёшинг оқар Жайхун,  
Ё Лайлимисан Мажнун, қайдин келасан, айғил.

Йиғлайсан бози-бози, кўжжа чиқар овози,  
Ё Зебомисан Ёзи, қайдин келасан, айғил.

Ёинки қаландарсан, ё марди диловарсан,  
Қилгин буни боварсан, қайдин келасан, айғил.

Айғил менга отингни, бергил баён зотингни,  
Қўй эмди уётингни, қайдин келасан, айғил.

Хўш, Эргаш шоир юқоридаги ғазални кимдан илҳом-ланиб яратди? Маълумки, Собир Сайқалийнинг «Баҳром ва Гуландом» достонидаги Баҳромнинг гадо қиёфасида Гуландом қасри олдида келиб турганда, унинг кимлигини билиш учун Гуландом нома ёзиб, канизи Давлат билан бериб юборади. Шу номада юқоридегидек ғазал келтирилган<sup>23</sup>. Бизнинг назаримизда, Эргаш шоир учун ана шу ғазал асосий манба бўлган. Бу фикрни ҳар икки ғазални оддий қиёслаш ҳам тасдиқлайди.

Ғазал Сайқалийда ўн бир байт, Эргашда эса, саккиз байтдир. Биринчи байт ҳар иккаласида айнан. Фақат иккинчи мисрадаги «ранж» сўзи ўрнида Сайқалийда «жабр» ишлатилган. Кейинги байтлар (Сайқалийда—6, Эргашда—5) бир-бирига ўхшамайди. Тўртинчи байтнинг қофияларидагина маълум бир ўхшашлик бор. Сайқалийда бу ноўхшаш байтлар қуйидагича:

Шаҳзодамусан мискин, озодамусан ёқин,  
Диндормусан бедин, қайдин келасан, айғил.

Девонамусан оқил, ҳушёрмусан гофил,  
Доинишимусан жоҳил, қайдин келасан, айғил.

<sup>23</sup> Сайқалий, Баҳром ва Гуландом, нашрга тайёргаровчи Р. Алиев, Тошкент, 1960, 91—92-бетлар.

Зоҳидламусан шайдо, бу ҳола бўлан расво,  
Афтодамусан танҳо, қайдин келасан, айғил.

Эй, ёри фалак урғон, ич бағрини қондурғон,  
Ё бир шаҳи озурғон, қайдин келасан, айғил.

Қим қилди сани торож, берунинг кима, боринг бож,  
Бу ерда бўлиб ихрож, қайдин келасан, айғил.

Юртунг қаю манзилдур, сан мунда биза билдур,  
Бу ҳола неча йилдур, қайдин келасан, айғил.

Кейинги икки байт, айрим сўзларни соқит қилганда, яна айнандир. Сўнгги байтлар Эргаш шоирда мавжуд эмас:

Эй, марди гирибон чок, бебок ўлон ғамнок,  
Сан сўзла менга тезроқ, қайдин келасан, айғил.

Мастонамусан махмур, шаҳзодамусан ё ҳур,  
Эй, Сайқалий маҳжур, қайдин келасан, айғил.

1969 йилнинг ёзида Сайрамда фольклар экспедициясида бўлганимизда, Насриддин қори оғзидан шу ғазалининг уч байтнинг ёзиб олган эдик. Насриддин қорининг ўзи ҳам айтган шеърини парчасининг «Баҳром ва Гуландом» достонидан эканлигини айтади. Бу парчани Сайқалий ғазалига қиёс қилганда, қуйидаги манзарани кўрамиз: Биринчи байт айнан. Иккинчи байтнинг биринчи мисраи Сайқалийга ўхшаш. Бунда Сайқалий ғазалининг саккизинчи байти биринчи мисраининг сўнгги қисми ва иккинчи мисраининг бош қисми бир сатр қилиб олинган:

Билдир манга зотингни, қўй энди уётингни,  
Чин-Мочиннинг шаҳзоди, қайдин келасан, айғил.

Насриддин қори вариантыдаги учинчи байт эса, Сайқалийда ҳам, Эргаш шоирда ҳам учрамайди:

Ўлдирди Зулайхони, куйдирди Зулайхони,  
Миср шоҳининг султони, қайдин келасан, айғил.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, юқоридагига ўхшаш ғазал бошқа манбаларда ҳам бўлиши керак. Уларни излаб топиш Эргаш шоир ғазалига асос бўлган манбаларни янада ойдинлаштиради. Лекин инсоф билан шуни айтиш керакки, Эргаш ота мавжуд манбалардан илҳомланиб, шулар асосида юқоридаги ғазални яратган бўлса-да, мазмун ва услуб жиҳатидан жиддий оригиналликка эришган.

Классик адабиёт намуналарини кўп мутолаа қилиш, ундан ижодий фойдаланиш Эргаш шоирнинг оригинал, ғазалнамо парчалар тўқишига сабаб бўлдики, бу бадний лавҳалар дoston тексти билан занжирдек бирикиб кетган:

Янги туққан ойдай ботиб бораман,  
Ажал ёқасини тутиб бораман.

Ўзинг раҳм этмасанг ғариб ҳолима,  
Борса келмас йўлга кетиб бораман.

Бир вақтида арз сўраган хон эдим,  
Ўзимни бир нонга сотиб бораман.

Худоё, гўдаклар сенга омонат,  
Қўш боламни етим этиб бораман.

Армон билан йнглаб қолди ортимда,  
Санам ёримни уну гиб бораман.

Демак, Эргаш шоир ўз дostonларидаги ғазалларида, биринчидан, классик адабиётимиздаги ўзига маъқул тушган айрим ғазалларнинг услубини (вазн, қофия, радиф ва тасвирий воситаларни) сақлаган ҳолда янги шеър яратса, иккинчидан, унинг жанр имкониятларидан фойдаланиб, ҳам мазмун, ҳам услуб жиҳатидан мустақил ғазаллар ижод қилгандир.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ўз дostonларида қаҳрамонлар тилидан мухаммас<sup>24</sup> формасидаги чиройли шеър-

<sup>24</sup> Халқ дostonларидан ёзма адабиётнинг кўпгина жанрларига оид мисолларни топса бўлади.

ларни ҳам беради. Масалан, «Якка Аҳмад» достонида Милкар тогига етган Аҳмадхон Оқбилак қиёфасидаги Бахил парини кўриб қолгач, унинг монологи шундай жаранглайди:

Зор йиғлаб отам шўр бўзлаб қолди-ё,  
Энамнинг кўз ёши дарё бўлди-ё,  
Ярим йўлда суяр ёрим келди-ё,  
Вафодорим сендан кўнглим тўлди-ё,  
Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё.

Куйган қулман чиқар оҳ билан зорим,  
Узоқда қолгандир манзил, шаҳарим,  
Печа вақтлар сендан йўқдир хабарим,  
Умидим шу эди, вафоли ёрим,  
Шукрилилло, йўлим калта бўлди-ё...

«Алибек билан Болибек» достонининг Шаҳризар маликаси Бадиулжамолнинг Алибекка ошиқлиги ва унга етишишини тасвирловчи иккинчи қисми ўзининг сюжети жиҳатидан ёзма адабиётга бориб тақалади. Бунда шоир ёзма адабий манбадан фойдаланиш билан бирга классик адабиёт шеърний формаларида бир қанча парчалар тўқиган:

Девларим, парвоз этиб тахти самони ахтаринг,  
Ҳамд айтиб, тинмасдан ушбу муддаони ахтаринг,  
Топмайин қўйманг бу кун, дашту далони ахтаринг,  
Аввали Макка, Мадина, Карбалони ахтаринг,  
Шаҳрини, саҳрони қўйманг, шул болани ахтаринг...

Сен парига эътибор бўлсанг, ҳаммага эътибор,  
Сен парига хизмат этсанг, бўлмагайсан хору зор,  
Қўлдаги сувратни топсанг, ишларинг қилгай барор  
То топиб келганча, йўлингга парилар интизор,  
Паризоднинг маҳбуби давлатли шони ахтаринг.

Шоир «Кунтуғмиш» достонида ёридан айрилиб, бир ўғлини бўрига, иккинчисини балиққа олдирган қаҳрамон тилидан олти бандли бадий гўзал ажойиб бир мухам-

мас беради. Кунтугмишнинг сапъаткорона яратилган бу монологини тўлқинланмасдан ўқиш мумкин эмас:

Хону моним бўлди чун барбод дастингдан, фалак,  
Бўлмади ғамгин бу кўнглим шод дастингдан, фалак,  
Қилмадинг асло дилим обод дастингдан, фалак,  
То қиёмат дод этарман, дод дастингдан, фалак,  
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!..

Дейди Кунтугмиш отини, мен Нўгойнинг хониман,  
Дилбаридан айрилиб, мен бир ажаб сарсониман,  
Олдириб икки кўзимни дийдаи гирёниман,  
Онадин бахти қора тугдим, шунинг ҳайрониман,  
Дод дастингдан, фалак, бедод дастингдан, фалак!

Бу бадий парчани ўқир эканмиз, беихтиёр классик шоир Бобораҳим Машрабнинг машҳур «Дастингдан» деган мухаммасини эслаймиз<sup>25</sup>. Чиндан ҳам икки ўғли ва ёридан айрилган қаҳрамон кайфиятини беришда Машрабнинг «Дастингдан» мухаммасининг руҳи ва формаси жуда мос тушган. Шунинг учун ҳам атоқли фольклорист Ҳодӣ Зариф Эргаш ота ҳақида гапирганда, унинг баъзан машрабона сатрлар ҳам яратганлигини қайд қилган эди. Бундай парчалар дoston қаҳрамонларининг муайян ҳолатдаги руҳий драмаларини атрофлича очишда муҳим бир бадий восита ролини ўйнаган.

Демак, ёзма адабиётнинг ўзбек халқ дostonчилигига таъсири турли кўринишларга эга ва у хилма-хил аспектларда зоҳир бўлган. Уни барча аспектларда ҳар томонлама тадқиқ қилиш келажакнинг муҳим вазифаларидан бўлмоғи керак.

\* \* \*

Халқ дostonчисининг устози ва салафларига, замондошлари ва шогирдларига муносабатини, унинг эпик ре-

<sup>25</sup> Қаранг: М а ш р а б, Танланган асарлар, нашрга тайёрловчи Абдурашид Абдугафуров, Тошкент, 1963, 193—194-бетлар.

пертуарга қарашини, у ёки бу вариантга нисбатан тасдиқ ёки инкорини, бизнинг давримизда эса, фольклористлар билан бўлган илиқ алоқасини, қисқаси, улкан халқ санъаткорларининг эстетик принциплари ва қарашларини ўрганиш фольклоршунослиқда жиддий йўлга қўйилганича йўқ. Бу ҳақда «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси» китобида келтирилган мулоҳаза ва материаллар илм майдонида ягоналигича қолиб келмоқда.

Бахшининг устози, репертуари, асар куйланаётган ёхуд ёзилаётган пайтдаги кайфияти ҳақида, фольклоршунослар ва фольклор тўпловчилар тўғрисида куйланаётган ёхуд ёзиб олинаётган асарлар тексти орасидаги қистирмалар-чеккишилар ора-сира деярли барча бахши ва шоирларда учрайди. Эргаш шоир эса, буларнинг ҳаммасидан фарқ қилиб, бу борадаги мулоҳазаларини ниҳоятда кенгайтирди, унинг репертуари ва ижодига бутунисича назар ташласак, дostonлар ва дostonчиликни халққа хос эстетик равишда баҳоловчи халқ донишманди сифатида майдонга чиқди.

Эргаш шоирнинг таъкидлашича, халқ учун хизмат қилган доноларни улуғлаш, элу юрт тинчлиги ва ободлиги деб жонини жабборга берган ботирларни куйлаш дostonларимизнинг асосини ташкил этиши керак:

Айтмоқ даркор назаркарда эрларни,  
Вақтинда гуркираб ўтган шерларни,  
Ўзи ўлмаи душман изин босмаган,  
Қўшиндан қайтмаган аждаҳорларни.

Худди шундай идеал қаҳрамонгина халққа раҳнамолик қила олади, барча ёмонлик ва ёвузликларни снгиб, «душман йўлин бойлай олади». Шунинг учун ҳам «уни қанча таъриф қилса, ярашади». Чунки:

Пўлат найза сира хор бўп ётади,  
Темир найза эговласанг ўтади.

Назар топган эрлар ўтган вақтинда,  
Мақтовман уларга номард етами?!

Эргаш шоир ўзининг ана шу қарашларидан келиб чиқиб, «бир ўзи қўшинга зўрлик айлаган» ўрнакли қаҳрамонларни куйлаш билан бирга моҳир бадиҳагўй санъаткор сифатида ўзи яшаб турган даврнинг муҳим ҳодисаларини, ўзи билган ва таниган кишиларни — янги давр қаҳрамонларини ҳам халқ оғзаки ижодига дадил олиб кирди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли бадий асарнинг халққа фақат мақбул ва манзур бўлишини, кўпчиликка манфаат етказишини асосий талаб қилиб қўяди ва ўзи ҳам шунга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ўтган шоирлар халқ дostonларига мукамал бир тартиб бериб, уни куйлаш ва ижро этишда муайян услуб яратганлар:

Ўйлаб турсанг, не шоирлар ўтибди,  
Ўз вақтида гапни шайлаб кетибди,  
Бир йўл қилиб сўнги қолган шоирга,  
Жўниктириб, йўл қип тайлаб кетибди.

Бахшининг вазифаси ана шу йўлни ҳалоллик билан давом эттириш, унга содиқ қолиш, сўз ва суҳан қадрини баланд кўтаришдир. Чунки:

Беустод ҳеч нарса, дўстлар, йўл олмас,  
Йўл олса ҳам, элга эътибор бўлмас,  
Ахир қолар ўз олдига уялиб,  
Элга таъсир қилмас, асл йўл эмас.

Бироқ шогирд ўз устози «йўлига» содиқ қолиш, «эскиларнинг изини» давом этдириш билан бирга анъанавий схемаларга қуруқ ёндашмай, уларга ижодий муносабатда бўлиши, «сўзман либос кийдириб, шайлаши», яъни бадий безаши лозим. «Алибек билан Болибек» дostonини яқунлар экап, шоир шундай дейди:

Шу сўзларин билганимча сўйладим,  
Достон айтдим мен шуларнинг йўлиман.



Ҳолим етганича шуни сўйладим,  
Пайшанба кун тушда тамом айладим,  
Катта шоирларнинг йўли дostonим,  
Байтларини мен ўзимдан бойладим.

Ҳар бир дoston юксак санъат асари. Шоирнинг фикрича, унда «сўзнинг добили қоқилар» экан, «гапнинг қобили айтилиши» керак. Буни эса «сўзга деҳқонлар» бажара олади:

Бир сўз тушса устасининг қўлига,  
Яхши қип келтирар ширин тилига,  
Беками-кўст, яхши қилиб чиқарар,  
Қизик қип ўқитар мажлис элига.  
Катта қисса тушса билмас қўлига,  
Улоқтирар уни сўзнинг йўлига,  
Элга не сўз хуш келарин билмайин,  
Сандираб, не келса айтиб тилига.

Эргаш шоир дostonчиликда, умуман, шоирликда масъулият сезмаган, асарнинг ғояси, бадий хусусиятлари устида ижодий меҳнат сарф этишни истамаган, дostonларни пала-партиш куйловчи бахшиларни қаттиқ қоралайди:

Яхши сўзни ёмон қилиб юрибди,  
Дона сўзни сомон қилиб юрибди...  
Эл ичида қалта-қалта матални  
Ямаштириб, дoston қилиб юрибди,  
Бошласа, ортини йиғиб ололмай,  
Жамлай олмай вайрон қилиб юрибди...  
Байг ҳам йўқ, сухан ҳам йўқ, йўл ҳам йўқ,  
Сандираб отини дoston қўйибди.

Шоир «ёмонни таърифлаб, яхшини сўккан», нобол «бир сўзи билан мардларнинг қаддини буккан», «шодлик ерга хўрлик олиб келиб, сўзнинг барини сарсон қилиб юрувчи» бахшиларни тингламасликка, уларнинг сўзини писанд қилмасликка, оқиллик билан сўз фарқини айиришга чақиради:

Шундай суханчига қулоқ солмагин,  
«Вақтинг — бахтинг», бекор қуруқ қолмагин,  
«Билмадинг-ку, дoston айтма, уят!»— де  
Сўзга маъно бўлса, эшит, толмагин.

Шоир халқ ижодини тўплаш ва ўрганишда фольклор-шуноснинг роли ва у олиб бораётган ишнинг аҳамиятини бизга маълум дostonчилар орасида ҳаммадан бурун тўғри англади ва унга ўзининг эстетик принципларидан келиб чиқиб баҳо берди:

Суҳанвар ҳам айта берса,  
Гапи кетмасин кўпайиб,  
Бўлак сўзни айтибсан, деб  
Мулла Ҳоди юрса койиб,  
Энди байтни кўяйик,  
Кетмасин гап кўп бўл бойиб.

Шоирнинг «Ҳози Олим», «Отажон Ҳошим», «Шоирларга раҳбар Ҳоди» каби термалари, сирtdан қараганда, маълум шахс ҳақида тўқилгандек кўринса-да, улар шоирнинг эстетик оламини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Эргаш шоир ҳатто дoston тўпловчилар олдига ҳам маълум талаблар қўяди. Уни танлаб ёзиб олишни, унинг энг яхшиларини «элга ёйиб юборишни» уқтиради:

«Қизжипак»нинг нусхасин,  
Қизиқ қип айтай қиссасин,  
Ҳар нима ҳам ўланми,  
Тоғиб битсин-да устасин.

\* \*  
\*

Эргаш Жуманбулбул ўгли Улуғ Октябрь ҳақида янги дoston, «Ўртоқ Ленин» ва «Таржиман ҳол» асарларининг иккинчи қисмини яратмоқчи, дўмбирани янгидан ўрганиб, янги замон мадҳини янада баралла куйламоқчи, репертуаридаги ёзилмай қолган анъанавий дoston-

ларни қаламга олмоқчи эди. Бевақт ўлим бунга монелик қилди. Аммо у юксак мақтовларга лойиқ улкан адабий мерос қолдирди. Шоирдан тўққиз анъанавий, икки замонавий дoston, кўпгина анъанавий ва замонавий термалар, «Ойсулув» дostonининг мазмуни, Қўрғон ва Булунгур дostonчилик мактаблари вакиллари ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар, икки фото сурат бизга ёдгорлик бўлиб қолди. Бу адабий мерос устида олимларимиз кўнт билан ишламоқдалар. Айниқса, шоир туғилган куннинг 100 йиллигини нишонлаш (май 1972 й.) муносабати билан унинг ижодини ўрганишда катта ишлар амалга оширилди. Шоирнинг туғилган райони Нуротада унга бюст ўрнатилди, шоир ҳақида плакатлар, значоклар, откриткалар, китоблар нашр этилди, ҳужжатли фильм яратилди. Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси И. М. Мўминов ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, ҳали Эргаш шоир ва унинг репертуарини ўрганишда кўп ишлар қилишимиз, у қолдирган ўлмас адабий меросни тўлалигича халқимизга етказишимиз керак<sup>26</sup>. Қўлингиздаги беш томлик шу йўлдаги дадил уринишлардан бири, шоирдан ёзиб олинган ёхуд ўзи ёзиб берган дoston ва термаларнинг нисбатан тўла нашридир. Ушбу нашр билан боғлиқ ишларда, шунингдек, Ҳоди Зарифнинг кейинги қўл ёзмалари ва айрим изоҳларни тайёрлашда филология фанлари кандидати Зубайда Ҳусайнова яқиндан иштирок этди.

Халқ дostonчилари, жумладан, Эргаш Жуманбулбул ўгли ижоди ва репертуарининг атрофлича ўрганилиб келинаётганлиги, вақти-вақти билан халқ шоирлари юбилейларининг кенг нишонланиб туриши, халқ ижоди намуналарининг катта-катта тиражларда нашр этилаётган-

---

<sup>26</sup> Қаранг: И. М. Мўминов, Танланган асарлар, III том, Тошкент, 1972. 452—458-бетлар.

лиги мамлакатимизда ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёрқин намоёиши, адабий-маданий ва фольклор меросига берилаётган катта давлат эътиборининг ажойиб тантанасидир. Зеро, илғор халқ шоирлари изидан бориб, коллектив ижодиётининг энг яхши анъаналарини янада ривожлантирган, «бир-икки байт ё банд билан бутун бир ҳаётий лавҳа ярата олган Эргаш шоир ўзининг «ҳаёг талабларини чуқур пайқай олиши, инсоннинг маънавий бойлигига хизмат қиладиган фикрларни бадий тафаккур эта билиши, уларни кишига таъсирчан қилиб етказа олиши» (Ҳоди Зариф), жиҳатидан биз билан ҳамнафақ, ҳамкор ва ҳамфикрдир.

# ИЗОҲЛАР



## ЎРТОҚ ЛЕНИН

«Ўртоқ Ленин» достони 1928 йилда Самарқандда Ҳоди Зариф томонидан ёзиб олинган. Унгача айрим парчаларни шоирнинг ўзи ёзиб топширган. Шуниси характерлики, ундан айрим парчалар биринчи марта «Правда» газетасида (1935 йил 15 апрель) эълон қилинган. Асар тугалланмаган, эълон қилинаётган текст асосан унинг биринчи қисмидан иборат. Иккинчи қисми ўз вақтида ёзиб олинмаган. Шоир уни кейинчалик ёзиб чиқиб, бир қанча термалари билан биргаликда Тошкентга юборган бўлса ҳам, қўлёзма турли сабаблар билан тегишли ташилотларга келиб етмаган. Қараиғ: Ҳоди Зариф, «Ўртоқ Ленин» достонининг яратилиш тарихига доир, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1970, 1-сон.

<sup>1</sup> Бойлар замони.

<sup>2</sup> Дунё — бойлик, сармоя маъносида.

<sup>3</sup> Алоқа қилиб.

<sup>4</sup> Қандай қилсин.

## ТАРЖИМАИ ҲОЛ

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг «Таржимаи ҳол» асари Ҳоди Зарифнинг сўрови билан 1927 йилнинг ноябрида Самарқанд области, Булунғур район, Қувондиқ қишлоқ Советига қарашли Қирқшоди қишлоғида, совет халқ суди ходими Иса Эрназар ўғлининг уйда шоирнинг ўз қўли билан ёзилган ва 1928 йилда автордан хотира сифатида Ҳоди Зарифга тақдим этилган. Шоир дарбадар кезиб юрган пайтларида Булунғурнинг кўп қишлоқларидан анча дўстлар орттирган, хусусан, халқ шоири Фозил Йўлдош ўғлининг яқин дўсти, Қирқшоди қишлоқлик Иса Эрназар ўғли билан қадрдон бўлиб қолган эди.

Ўзбекистон ССР Халқ Маориф комиссарлиги Илмий Марказининг Ўзбекларни ўрганиш комитети халқ дostonларини тўплашга киришганда, дастлаб Фозил Йўлдош ўғли воситасида аниқланган Эргаш Жуманбулбул ўғлини Нурота районининг Қўрғон қишлоғидан Самарқандга олиб келиш ва асарларини ёзиб олишда Иса Эрназар ўғлининг амалий ёрдами анча бўлди. 1925 йилда атоқли халқ шоирини Самарқандга олиб келиб, олимларга таништирган ҳам шу олий ҳимматли ажойиб фольклор тўпловчиси Иса Эрназар бўлди. 1926—1923 йилларда Эргаш ота кўпинча Қирқшоди қишлоғида қадрдон Иса Эрназар ўғлиникида яшади. Шунинг учун ҳам унинг кўпгина асарлари шу ерда қаламга олинган. Атоқли халқ бахшилари Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлканнинг бир неча дostonлари шу қишлоқда ёзилган.

Ҳоди Зариф «Таржимаи ҳол» асарини бир қанча вақт ўз шахсий кутубхонасида шоирдан ёдгорлик сифатида сақлагач, кейинчалик уни Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг Адабиёт музейига (ҳозирги Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига) топширади. 1936 йилда Ҳ. Т. Зарифов асар қўлёзмасини ўқиб берганда, шоир унга баъзи ўзгартишлар киритган ва айрим янгиликлар қўшган. Кейинги қўшимчалар автографда йўқ ва улар ушбу нашрда ҳисобга олинди. «Таржимаи ҳол» дostonи тугалланмаган. Ушбу нашр шоир мўлжаллаган асарининг биринчи қисмидир. Шоирнинг 1936 йилда Ҳ. Т. Зарифовга айтишича, асарнинг иккинчи қисми ҳам ёзиб тамомланган. Аммо номаълум сабабларга кўра, қўлёзма фольклор архивига етиб келмаган. Қаранг: Ҳоди Зариф, Улмас даҳо, «Шарқ юлдузи» журнали, 1968, 12-сон.

<sup>1</sup> *Жариб* — ўлчов бирлиги бўлиб, хонликда маълум бир маъмурий территорияни ҳам билдирар эди; бу ерда район маъносиде ишлатилган.

<sup>2</sup> Эргаш шоир ва унинг ота-боболари мансуб бўлган туркман ўзбек уруғларидан бири бўлиб, тил ва этнографик хусусиятлари жиҳатидан туркман халқидан жуда катта фарқ қилади; шева хусусиятлари билан ўзбек тилининг қипчоқ диалектига киради. Қозоёқли ўзбекларнинг туркман уруғининг бир аймоғи бўлиб, қоракиса унинг шохобчаларидан биридир.

<sup>3</sup> Шў, шўл — ўша, ўшғл.

<sup>4</sup> Асл оти Жоши (Еши) узоқ бўлса ҳам талаффуз жараёнида оилада ва халқ орасида Жоссоқ бўлиб кетган. Халқ орасида Жоссоқ бахши, Жоссоқ шоир номи билан машҳур бўлиб, атоқли ўзбек дostonчиларидан Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан шоир унинг ўн тўртинчи шогирдидир.

<sup>5</sup> *Кичули* — кичик ўғли.

<sup>6</sup> Дostonчи халқ шоирлари — бахшилар назарда тутилади.



<sup>7</sup> Достонларда кўпинча мамлакат тор маънода, вилоят маъносида ишлатилади.

<sup>8</sup> Кўштамғали ўзбекларнинг туркман уруғининг бир аймағи бўлиб, Эргаш шоирнинг қайнатаси Мулла Утамурод яшаган қишлоқ ҳам шу ном билан аталади. Бу қишлоқ Нурота район Жўш қишлоқ Советининг жануби-ғарбидаги Қўрғон қишлоғининг ғарбидадир.

<sup>9</sup> Мулла Утамурод ёшлигида Жўшда эски усул таълими мактабида таълим олгандан кейин, Жўш қишлоғидаги хўжалар тоифасидан бўлган Абдуқаюм ибн Абдуазизхон номли эшоннинг Фарғона водийсидаги танишлари воситаси билан Қўқон мадрасаларидан бирида мукаммал таҳсил олган (Абдуқаюм Абдулкарим Намангоний деган эшоннинг муридларидан бўлиб, вақти-вақти билан Фарғона водийсига, айниқса Наманганга қатнаб турган). Кейин Мулла Утамурод Жўшдаги хонақоҳда бошлиқ ҳамда масжидда бош имом ва хатиб бўлган. Эргаш шоир қайнатаси Утамуроднинг билимдонлик, маърифатпарварлик, қишлоқ болаларининг саводли бўлишига ташаббускорлик хусусиятларини таърифлар, одоб ва ахлоқини мақтар эди.

<sup>10</sup> Тол пояларини йўниб, гумбазсимон қилиб тикланган ва усти махсус тайёрланган кийизлар билан ўралган кўчманчилар уйи. Утов ва қора уй деб аталган бу кийиз уйларнинг катта-кичиклиги унинг *керага* деб аталган четансимон қуйи қисмининг сони билан ўлчанади. Утов ва қора уйнинг керагаси одатда тўртта бўлиб, уларнинг ҳар бирига *қанот* дейилади. Олти қанотли уй олти керагали уй бўлиб, одатдаги ўтовдан икки керага катта (кеңг) бўлади. Бадавлат одамларда олти, баъзан саккиз қанотли уйлар бўлган. Меҳнаткаш халқ вакилларидан айримларигина фарзанд тўйида, қарз ҳисобига бўлса ҳам, келин-куёв учун олти қанотли уй қурганлар. Жуманбулбул қариган чоғида қўрган биринчи ўғли Эргаш учун ҳавас қилиб, унинг никоҳ тўйига шундай ўтов тиктиради ва катта тўй қилади. Меҳнаткаш халқ Жуманбулбулни жуда севгани ва ўта ҳурмат қилганидан шоирнинг тўйига моддий жиҳатдан катта ёрдам берган.

Ҳозирги адабий тилимизда қора уй билан ўтов дифференциация қилинмасдан, ҳар иккаласи ҳам ўтов ёки қора уй деб юритилаберилади. Утмишда кўчманчи ва ярим ўтроқ бўлган ўзбек уруғлари ўртасида қора уй билан ўтов бир-биридан фарқ қилган икки терминдир.

Кийиз уй оқ кийиз билан қопланган, ҳашаматли, ичида ўт ёқилмаган ёки дут-туғун билан қарланмаган ҳолда *ўтов* дейилган; эскиргандан кейин ёки қора кийиз қопланган оддий уй бўлса *қора уй* деб аталади. Янги тикилган ва қора кийиз қопланган уйга ўтов дейилмаган. Аксинча, ўтов ичига ўт ёқила бошлагандан кейин, гарчи у оқ кийиз билан қопланган бўлса ҳам, қора уй деб юритилган. Ўзбекларнинг кўчманчи ва ярим ўтроқ ҳаёт кечирган уруғлари тўрт девор билан ўралиб, усти ёпилган уйга *том* дейдилар. Ўтроқларда эса, том

уйнинг фақат устки қисмидир. Том қадим ўзбек тилида девор маъносида ишлатилган.

Утов икки элементдан ясалган: ўт — олов, -ов (-эв, -ав) — уй. Утов қадимда ўт уйи (ўт эви) маъносида бўлиб, муқаддас ўт (олов) сақланганидан маъбуд вазифасини ҳам ўтаган. Қора — ёвузлик, оқ — эзулик саналгани учун ҳам ўтовнинг кийиз тутуми мутлақо оқ юнгдан бўлган. Утга маъбуд сифатидаги эътиқод сусайгандан кейин ҳам ўтовни муқаддас санаш сақланган. Утовнинг кўпчилик уйлардан холи ва баланд жойга тикилиши (ўрнатилиши) ҳам шу қадим эътиқод билан боғлиқ бўлган. Кейинги вақтларда ўтов ичида анча вақтгача ўт ёқмаслик сабабларини уни тутун қора қилмаслигига бўлган ҳаракат билан изоҳлаш мумкин. Бирор шахсга атаб махсус тикилган ўтовга баъзан *ўрда*, *оқ ўрда* дейилган.

<sup>11</sup> Билим ва маърифатни улуғлаган Жуманбулбул ўгли Эргашни ўқитишга бор куч-қувватини сарф қилган ва олим бўлиб, халқ орасида илм-маърифат нурларини тарқатишга хизмат қилишини истаган. Достончиларнинг кўпчилиги Жуманбулбулнинг ўзи каби саводсиз, оз бир қисми эса унинг отаси Холмурод каби чаласавод эдилар. Замонасида ўрганиш мумкин бўлган билимларни эгаллаш билан бирга достончиликни ҳам ўзлаштириш мутлақо мумкин эмас эди. Бунинг устига, халқнинг умид ва орзуларини, демократик фикрларни ташиб, қуйлаб юрган бахшиларнинг ҳаёти ҳар вақт таҳлика остида бўлган. Жуманбулбул бу аҳволларни яхши билганидан ва илмни ўта қадрлаганидан ҳамда жуда истеъдодли Эргаш достончиликка берилиб кетса, бахшилар қатори қишлоқма-қишлоқ тентираб, ўқишни давом эттира олмаслигига кўзи етиб, фақат илм олишга ташвиқ қилган.

<sup>12</sup> Такфин-тажҳиз — марҳумни кафанлаш ва кўмишга тайёрлаш.

<sup>13</sup> Жуманбулбул 1886 йилда вафот этган, ўз қишлоғи Қўрғон ёнидаги қабристонга кўмилган. Давр ўтиши билан қабрдан нишон қолмаган.

<sup>14</sup> Йигитлик чоғида уйланган Жуманбулбул 30 йил мобайнида бирор фарзанд кўрмаганидан бўлса керак, Анорхол исмли хушрўй бир жувонга уйланади. Анорхолнинг ихтиёри қўлида бўлган шахслар, қози, мутасаддий ва бошқа харажатлар учун ўн икки минг танга (Бухоро тангаси) сарф бўлади. Қоракисалик Ерибой номли чорвадор бойнинг ташаббуси билан аҳолидан икки минг танга ёрдам пули йиғилади. Ерибой қарзи ҳасана (процентсиз қарз) тариқасида ўз ёнидан ўн минг танга беради. Тўйдан кейин Жуманбулбулни қарздан қутқариш тилагида Қўрғон достончилик мактабининг атоқли бахшиларидан бир нечаси Жоссоқ бахши бошлиқ эл оралаб достон куйлашга чиқиб кетадилар, узоқ масофаларни босиб, Булунғур ва Янгиқўрғон (ҳозирги Ғаллаорол)га қадар борадилар. Уларни ҳар

ерда халқ катта ҳурмат-иззат билан кутиб олади, куйлаган дoston-лари учун яхши ионалар берадилар. Ана шу йўсинда жамғарилган пул билан ҳамкасб ва бир-бирига меҳрибон бахшилар Жуманбулбулнинг қарзани тўлаб, уни ҳижолатдан қутқарган эканлар.

Кейинчалик Жуманбулбул Эргашни хатга тўй қилганда, уйлантирганда, яна анчагина қарздор бўлиб қолган. Қарзларидан батамом қутулмай вафот этгандан кейин ҳақ даъво қилувчиларнинг кўпайиб кетганини шу сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

<sup>15</sup> Катта оиланинг бошлиғи бўлиб қолганини айтмоқчи.

<sup>16</sup> Эргаш ўз уруғларидаги урф-одатга кўра, тўйдан кейин бир муддат қизниқида (қайнатасиникида) бўлиб, отаси касал бўлиб қолиши билан хотинини ўз уйига олиб кела олмаган эди. Жуманбулбул ўлгандан кейин, оила бошлиғи бўлиб қолган бўлса ҳам, анча вақтгача хотинини ўз уйига кўчириб келишга қудрати келмади, чунки бунинг учун яна бир тўй лозим эдики, Эргаш бунга мутлақо қодир эмас эди.

<sup>17</sup> Утмишдаги эски мактаблар ё домланинг уйида, кўпинча шаҳар, кишлоқ, маҳалла масжиди ҳузураридаги бирор хонада бўлар эди. Эргашнинг *масжидга* деган сўзи масжиддаги мактабга деган маъносида.

<sup>18</sup> Араб алифбесига асосланган ҳарфларнинг номлари. Эски мактабда ўқувчига ҳарфлар тартиб билан ёзиб берилар, шаклга қараб ҳарф номи ёд олдирилар эди.

<sup>19</sup> Эски мактабларда домланинг билими ва савиясига қараб, шеърний асарлардан тузилган кичик-кичик тўпламлар ҳам ўқитилган. Диний маълумотлардан иборат «Чоркитоб» билан бир қаторда машҳур Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Фузулий, Беҳид шеърларидан танланма ўқув китоблари бўлар эди. Бу ерда шунга ишорадир.

<sup>20</sup> Сархат — ҳусни хат, чиройли ёзув машқи. Эргаш шоирнинг ўз қўли билан ёзиб топширган асарлари у кўп хат машқ қилганлигини, чиройли ва тўғри ёзишга яхши ўрганганлигини исботлайди.

<sup>21</sup> Дарс китобидан мурод асосан мадрасада ўқитиладиган ислом қонушунослигига оид «Ҳидоя», «Виқоя» номли қадим Ўзбекистон олимлари томонидан тузилган ва уларга эргашган жуда кўп уламо-лар томонидан шарҳ этилган ҳамда шарҳ мадрасаларининг барчасида ўқитилиб келинган асарлардир. Эргаш шоир эслagan дарс китоби ўша асарларнинг қисқартирилгани «Мухтасар ул-виқоя» дир. Эргаш ўн ёшида кишлоқда юридик масалаларга оид дарс китобини ўқишга киришгани анча шубҳалидир. У шу ерда муболаға қилган бўлса керак. Лекин бу катта истеъдод эгасининг Бухоро мадрасасида шу асарларни ўқиб чиққанига шубҳа йўқ.

<sup>22</sup> Ўз тенгқурларни орасида полвои деб танилганларини айтмоқчи.

<sup>23</sup> Назар-писанд қилмади маъносида.

- <sup>24</sup> Уринди, ҳаракат қилди маъносида.
- <sup>25</sup> Чорвачилик билан машғул бўлган ўзбекларда ота ўз ўғлининг рўзгорини бошқа қилиб берса, чорва молидан (эчки, қўй, сиғир ва бошқалар) туёқ бериб, шуларни кўпайтиришни топширар эди. Бу бон молга энчи дейилади. Угил бола тугилганиданоқ, унга энчи мол аташ одатлари мавжуд.
- <sup>26</sup> Кўтармани хоҳлаган — лаганбардорликни севган.
- <sup>27</sup> Нурлик — нуроталик
- <sup>28</sup> Бухоро амири Музаффархон назарда тутилади.
- <sup>29</sup> Сепилган дон ва ҳосилни ҳисобга олиб, тўланадиган хақларни белгилаб юриб деган маънода.
- <sup>30</sup> Тарлон — ола, ола-була. Бу ерда хафа, паришон маъносида.
- <sup>31</sup> Олтинсой, Кўкпоя — Нурота беклигига қарашли йирик қишлоқлар.
- <sup>32</sup> Жиримоқ — кўнгилга урмоқ, безмоқ.
- <sup>33</sup> Тескарисини айтмас, ёмон демас маъносида.
- <sup>34</sup> Бу ерда сўз Эргашнинг катта укаси Абдухалил устида боради.
- <sup>35</sup> Эшитувчилар бир дoston билан чекланмай, бошқа дostonларни ҳам кетма-кет завқ билан тинглашни истаганлар деган маънода.
- <sup>36</sup> Одамлар ёзда яшаб турган қора уйларнинг кийизларини кемириб, илма-тешик қилиб ташлади демоқчи.
- <sup>37</sup> Дарё ёқасидаги қишлоқлар назарда тутилади.
- <sup>38</sup> Сиймади — сиғмади. Нуротанинг шарқидagi Оқтоғ билан Қоратоғ оралиги назарда тутилмоқда.
- <sup>39</sup> Гидирмоқ — секинламоқ маъносида.
- <sup>40</sup> Тухум қўйиш учун жойлашди.
- <sup>41</sup> Бу ерда ҳолсизликдан бир-бирига суянди маъносида.
- <sup>42</sup> Ўз райони ва унинг теварагидаги халқ дostonчилари назарда тутилади.
- <sup>43</sup> Йроси — рости.
- <sup>44</sup> Бедаракка — бекорга, бўшга, ўринсиз.
- <sup>45</sup> Чопган—югурган. Бу ерда жуда бўлиқ, яхши ўсган маънода.
- <sup>46</sup> Бедумоғ бўлди — кўнгли чўкиб кетди маъносида.
- <sup>47</sup> Элни кезиб, дoston айтмоқчи бўлди дегани.
- <sup>48</sup> Бу вақтлар Абдухалил акаси Эргашнинг тарбиясида мустақил дoston куйлашга эришган бўлса ҳам, атроф қишлоқларга бориб, бахши сифатида мустақил дoston айтмаган эди.
- <sup>49</sup> Мирдош Самарқанд область Хатирчи районида, Хатирчидан тахминан 30 км шарқи-шимолда жойлашган. Илгари Бухоро амири-лигининг Хатирчи беклигига тобе қишлоқ бўлиб, бозори ҳам шу ном билан аталган.
- <sup>50</sup> Подшо деганда, Эргаш Бухоро амири Саид Абдулаҳадни (1885—1910) назарда тутган.

<sup>51</sup> Амин хонликда қуйи маъмурий вазифа бўлиб, бир ва ё бир неча қишлоққа бошлиқ бўлган ва айни замонда давлат солиқларини ундириш билан ҳам шуғулланган мансабдор.

<sup>52</sup> Абдухалил баланд овъз билан куйлади.

<sup>53</sup> Баланд овозли.

<sup>54</sup> Эргаш Жуманбулбул ўглининг ўзи мартабаси, амали, деб пзоҳлаган.

<sup>55</sup> «Якка Аҳмад» дostonи Эргаш шоирдан 1926 йилда ёзиб олинган. У «Булбул тароналари»нинг биринчи томида нашр этилган.

<sup>56</sup> Икки буйри — оч бикини.

<sup>57</sup> Эргаш шоир билимдон, прогрессив халқ шоири бўлса ҳам, у халқ тушунчаси ва тафаккурида мустаҳкам ўрнашиб қолган асрий эътиқод ва тасаввурлардан батамом ажралиб чиқа олмади. Шунинг учун ҳам у Абдухалилнинг бирдан қаттиқ оғриб қолишининг сабабини ёмон, гайир одамнинг, бу ерда Тоғайбекнинг кўзи текканидан, деб ўйлайди, касални ирим-чирим билан даволаш чораларини ҳам кўради.

<sup>58</sup> Утмиш эътиқодига кўра, халқ ўртасида «кўзикиб» касалланган инсон ёки ҳайвонга «кўзи теккан», деб гумон қилинган одамнинг кийимидан кичик бир парчаги унинг ўзига билдирмай олиб тутатилса, касал соғайиб кетади, деган ишонч бор эди. Ана шу кийим парчасига *ис* деб аталган. Эргаш шоир Тоғайбекнинг кийимидан ис ололмаганига қайғурганини билдирмоқда.

<sup>59</sup> Жавзо — апрель, саратон — май, асад — июнь.

<sup>60</sup> Қўрғон ва унинг атрофларида яшаган қоракиса, қўштамғали, қунуш, бўгажилли ва бошқа уруғлар назарда тутилади.

<sup>61</sup> Сўзи билан. Қўшиғи, дostonлари ва уларнинг ижроси билан маъносида.

<sup>62</sup> Уйли — ўйилган маъносида.

<sup>63</sup> Тўйдаги кўпқаридан улоқни олиб чиқиб, солимини ола биладиган эпчил чавандозим, деган маънони билдиради.

<sup>64</sup> Беклар — сара йигитлар маъносида.

<sup>65</sup> От жуда сезгир ҳайвонлардан бири. Яхши отнинг ўз эгасига кўрсатган меҳрибонлиги ҳақида халқ ўртасида кўп нақллар бор.

<sup>66</sup> Шу ерга келганда, Эргаш шоир «вой» деганча йиглаб, ўридан гуриб кетди, давом эттиришга тоқат қила олмади ва давоми эртасига ёзилди.

<sup>67</sup> Эргаш шоир ҳаётида мусибат устига мусибат тушиб, ҳам устига ҳам уланиб, ота-онадан, жигарларидан, суйган ёридан бирин-кетин жудо бўлгач, катта бир хондонда ёш қизи Зарбуви билан қолади. Жуда оғир шароитларда қизини ўстириб вояга етказгандан кейин, Қўштамғали қишлоқлик Турдим деган бир деҳқонга турмушга узатди (Турдим Жуманбулбулнинг кейинги хотини Анорхалининг

синглисининг ўғли. Зарбуви 1929 йилда 38 ёшида вафот этган. Унинг фарзандлари: Абдугани техникумни тамомлаган, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Эргаш Жуманбулбул ўғли помидаги совхозда бухгалтер бўлиб ишлайди; Алия 6-синфни тамомлаган, уй бекаси; Ҳанифа келинчаклигида вафот этган). Қизини турмушга узатгандан кейин Эргаш шоир ҳув деганча атроф қишлоқларда дарбадар юрди. Оқтовнинг доривор ўсимликларини тўплаб, Самарқанд табибларига олиб бориб бериб, шу туфайли ҳам бир даража трикчилик қилди. Қисман халқ табobati билан ҳам шуғулланди. Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилиши билан Эргаш ота инқилоб ва ҳуррият овозларини эшитиб, Бухоро амирлиги территориясидан чиқиб, озодлик диёрига қадам ташлади. 1918—1922 йиллар мобайнида Самарқанд областининг шаҳар ва қишлоқларида бўлди, Ургутдан Панжакентга ўтиб, унинг атрофларини кўргандан кейин Булунғур ва Янгиқўрғон (Ғаллаорол) районларининг жуда кўп қишлоқларини кездди. Бу вақтлар баъзан қиссахонлик, баъзан шеърхонлик қилар, жойи келганда, дoston ҳам айтиб кўяр эди. Дуч келганда, ўша вақтда қишлоқда медицина ходимлари бўлмаганлиги туфайли, билганча табиблик ҳам қилар эди. Шунинг учун ҳам бу атрофда мулла Эргаш шоир, дostonчи, қиссахон, табиб, дарвеш деб танилган эди. Бу вақт босмачилар прогрессив кишиларни қатл, қишлоқларни вайрон қилиб турган пайтлар эди. Эргашнинг хаёлида ўз қишлоғи, аҳолининг ахvoli ҳақидаги қайгулар доимо уни ўз кишлоғидан хабар олишга ундар эди. Булунғурнинг шимолий қисмида Ғазга ва унинг теварагига бир вақтлар Оқтов бағирларидан келиб ўрнашиб қолган туркман уруғларидан бўлган ҳамуруғлари орқали Жўш ва унинг атрофидаги воқеа ва ҳодисалар ҳақида маълумот олиб, у ерларда ҳам босмачиларнинг ваҳшиёна ҳаракатларини билгандан кейин ўз қишлоғига қайтиб келди. Бу вақтлар у шоирлик қилиб юрар эди. Жўшда ўрнашган революцион комитет бошлиғи Содиқ аканинг маслаҳати билан 1924 йилда Қоракисада қишлоқ болалари учун бир хонали мактаб очди. Совет мактаби таълимидан бехабар Эргаш эски усулда қишлоқ болаларини ўқитишга киришди. Қизиги шундаки, у мактабга келган ёш болаларни улардан анча илгари савод олганларга топшириб қўйиб, ўзи ёнидаги хонада каттароқ ёшдагиларга ҳикоялар, эртақлар, дostonлар айтиш билан 1925 йилнинг иккинчи ярмига қадар машғул бўлди. 1925 йилнинг охирларида Эргаш шоир, Иса Эрназар ўғлини Ўзбекистон ССР Халқ Маориф Комиссариати уни келтириш учун Жўшга командировка қилгандан кейин, Самарқандга келди, Илмий марказда олимлар билан танишиб, чақирилиш сабабларини билиб олгандан кейин яна қишлоққа қайтиб, ҳамқишлоқларини хотиржам қилиб, 1926 йилда «илмга хизмат қилиш учун» Самар-

қандга келди. Ана шундан кейин унинг ўз ижоди ва у билган халқ дostonлари ёзиб олина бошланди.

## ҚИЗИЛ

Шоирнинг «Қизил» (1-терма) термаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 10 йиллиги муносабати билан 1927 йилда яратилган. Асарни шоирнинг ўзи ёзиб топширган. Қўлёзмада сана кўрсатилмаган.

<sup>1</sup> Жайнамоқ — яшнамоқ.

<sup>2</sup> Қофия ва вазн талаби билан болалар боллар тарзида талаффуз қилинади.

<sup>3</sup> Моҳи, соллар — ой ва йиллар.

## ҚИЗИЛ

Шоирнинг «Қизил» (2-терма) термаси ҳам 1927 йилда яратилган. У икки вариантдан иборат. Биринчи вариантда шоир табиат манзарасига диққатни қаратган. Уни шоирнинг ўзи 1927 йилда ёзиб топширган. Иккинчи вариантыни эса, 1937 йилда Ҳоди Зариф ёзиб олган. Энди унда табиат манзараси фонида ижтимоий масалалар илгари сурилади. Тўпلامга асосий вариант сифатида Ҳоди Зариф ёзиб олган нусхани киритдик. Қуйида шоир ижодий такомилни кўрсатиш учун биринчи варианты (шоирнинг ўзи 1927 йилда ёзиб топширган нусхани) ҳам тўла келтирамыз:

Кун чиқиб келаётганда, булутлар қизариб турганда, булутларнинг қизилини кўриб, Ғози Олимнинг шоири шул шафаққа қараб айтган байти:

Эй дўстлар, офтоб чиқиб,  
Рўйи жаҳон бўлди қизил,  
Гулгун бўлиб, кўргин, шафақ  
Ул осмон бўлди қизил.

Оқшом ўтди, кеп кундузи,  
Еруғ бўлиб ернинг юзи,  
Йўқолиб тонгнинг юлдузи,  
Кўргин, туман бўлди қизил.

Ётган одам бари турди,  
Боғу бўстон қараб юрди,

Бизнинг учун суҳбат қурди,  
Бу анжуман бўлди қизил.

Турди одамзод эллари,  
Булбулдан гўё тиллари,  
Очилди боғнинг гуллари,  
Гўё чаман бўлди қизил.

Сарвқадлар зулфин туйиб,  
Ишқида печалар куйиб,  
Гулгун каби қирмиз кийиб,  
Қўп гулбадан бўлди қизил.

## ШҶРО

«ШҶро» термаси 1927 йилнинг 4 январида Муҳаммад Иса Эр-назар ўгли томонидан ёзиб олинган. «Қундуз билан Юлдуз» дostonи ёзиб тамомлангач, ўша дафтарга «Ҷози Олим», «Отажон Ҷошим», «Раҳбарларга», «ШҶро», «Октябрь», «Охунбобоев» термалари кетма-кет ёзилган. Термаларга сарлавҳа қўйилмаган. «Ҷози Олим», «Отажон Ҷошим», «Раҳбарларга» термалари ва «ШҶро»нинг бош қисми «Қундуз билан Юлдуз» дostonининг қўлёзмаси билан биргаликда муқоваланган. Шунинг учун ҳам «ШҶро»нинг бош қисми биринчи марта эълон этилаётир. Қолган термалар қўлёзмаси Ҷоди Зарифнинг шахсий архивида сақланиб қолган.

<sup>1</sup> Йиқилган — меҳнаткаш, камбағал маъносига.

<sup>2</sup> Бу сатр оригиналда йўқ. Лекин асарнинг нашрларида изчил сақланган. 1937 йилда Ҷоди Зариф асарни шоирга ўқиб берганида, Эргаш Жуманбулбул ўглининг ўзи бу мисрани киритган бўлиши мумкин. Ҷоди Зарифнинг барча нашрларда мазкур мисранинг сақланганлиги шундан бўлса керак. Ҷоди Зариф архивини тўла ўрганиш бу масалага янада ойдинлик киритади.

<sup>3</sup> Зўрлик, зулм, душманлик қилувчи маъносига.

<sup>4</sup> Нашрларда бу бандга баъзи ўзгартишлар киритилган. Бу ерда оригиналга мос, айнан берилди.

<sup>5</sup> Синфий душманга ён босиб, турли хил иғво тарқатувчилар кўз-да тугилади.

## ОКтябрь

«Октябрь» термасини ҳам Муҳаммад Иса Эрназар ўгли ёзиб олган. Худди «ШҶро» асарида бўлганидек, «Октябрь» термасида ҳам фольклорга хос ажойиб бир приём — жонлантириш усули ёрқин кў-



риниш берган. Шоир Улуғ Октябрь ҳақида йирик асар — дoston яратиш ниятида бўлган. Бунн шоирнинг турли қайдлари ҳам тасдиқлайди. Бироқ унинг бу ижодий режаси амалга ошмай қолган. Эҳтимол, шоир шундай асар яратгандир, чунки у билан 1929—1936 йилларда илмий ходимлар ва ижодий зиёлилар учрашиб турмаган. Бу даврда шоир яратган асарлари қаламга олинмаганлиги учун эсдан чиқиб кетган, ёзилганларининг қўлёзмаси йўқолган бўлиши мумкин. Бир-қанча термалар ва «Уртоқ Ленин» ҳамда «Таржимаи ҳол» дostonларининг давоми ёзилган қўлёзмани Тошкентга юборганлигини 1936 йилда шоирнинг ўзи Ҳоди Зарифга айтган экан. 1971 йилги экспедиция давомида 14 июль кунн Эргаш отанинг шогирди уста Холқулнинг шогирди бўлган Абдумурод бахши Бердихол ўғли (1893 йилда туғилган) билан учрашганимизда, у 1932 йилда Мижғон қишлоғида Тўрол Чоғатовнинг уйида Эргаш ота билан ҳамсуҳбат бўлганлигини эҳсос қилди. Унинг эслашича, шоирни бу қишлоққа Жолғош бахши эргаштириб келган бўлиб, бу даврда Эргаш отанинг ёнида доим дафтар, қалами бўлган: баъзан кўзини юмиб туриб, келиб қолди, дея ёза бошлар экан. Шу ерда пахта ҳақида уч варақлик шеър ёзиб, сўнг ўқиб берган экан. Абдумурод бахши шеърдан бирор банд ҳам эслай олмади. Лекин у «пахтани экинларнинг султони, деб мақтаган эди»,— деди. Шу ерда Эргаш ота бир дафтарни ёзиб тўлдириб, ўй соҳибига қолдириб кетган экан. Худди шунингдек, Раҳматулла Юсуф ўғли Эргаш шоир ёзиб чиққан «Авазнинг Фарангга сафари», «Варқа ва Гулшоҳ» каби дostonларни 1934—1935 йилларда ўқиб чиққанлигини хабар қилади. Аммо бу қўлёзмалар ҳанузгача топилгани йўқ. Мана шу айтилганлар Октябрь ҳақидаги дoston ҳам яратилган бўлиши мумкин, деб гумон қилишга имкон беради.

<sup>1</sup> Нашрларда «ёзилганга» деб берилган. Бунн шоирнинг ўзи ўзгартирганми ёки ноширларнинг тузатишими — аниқ айтиш қийин. Бу ерда оригиналга мос берилди.

<sup>2</sup> Шоир яратилажак дostonга шама қилаётир.

## УРТОҚ ЛЕНИНГА ОФАРИН

Термани Ҳоди Зариф ёзиб олган. Ёзиб олинган вақти кўрсатилмаган. Асар қўлёзмаси Ҳ. Т. Зарифовнинг 1944 йилга онд ёзувлари орасидан чиқди. Терманинг мазмунидан шу нарса англашиладики, асар «Уртоқ Ленин» дostonидан илгари яратилган бўлиши керак.

<sup>1</sup> Эл ҳолидан В. И. Лениндай огоҳ бўлиб турадиган киши йўқ маъноснда.

## ҲАЙКАЛ ТААССУРОТИ

Термадан уч банд шоирнинг ўзи томонидан «Хушкелди» дostonи қўлёзмасининг муқовасига ёзилган. Асар тугалланмаган. Тугалланган бўлса ҳам, тўла равишда ёзиб олинмаган. Шоир 1936 йилда Тошкентга келгач, В. И. Ленин майдонидаги доҳий ҳайкалини зиёрат қилиши муносабати билан ушбу термани тўқиган. Қаранг: Ҳоди Зариф, «Ўртоқ Ленин» дostonининг яратилиш тарихига доир», «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1970, 1-сон.

## РАҲБАРЛАРГА

Муҳаммад Иса Эрназар ўғли 1927 йилнинг январида ёзиб олган. Асар номи шартли равишда қўйилди.

<sup>1</sup> Ҳози Олим Юнусов, Отажон Ҳошимов таърифидан кейин баён этаётганлигига ишора.

## ОХУНБОБОВ

Терма 1927 йилнинг январида Муҳаммад Иса Эрназар ўғли томонидан ёзиб олинган. Айрим қисмларини шоирнинг ўзи ёзган. Тўла равишда биринчи марта эълон қилинаётир. Ўзбекистон ССРнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев халқ ижодчилари билан доим алоқада, муносабатда бўлган, уларнинг ижодий ўсувларига яқиндан ёрдам берган; бахшилар унинг Самарқанддаги уйига вақти-вақти билан меҳмон ҳам бўлиб туришган. Халқ Йўлдош Охунбобоев ҳақида бир қанча қўшиқлар яратган. Эргаш отанинг термаси ҳам шундай асарлардандир.

<sup>1</sup> Ўзбекистон ССРнинг пойтахти Самарқанддалигида (1925—1930 йиллар) ота ўш эрда яшаган. Бахши шуни назарда тутмоқда.

<sup>2</sup> Бу ерда юрт эгаси, мулкдор сўзларининг маънолари кенгайтирилган. Улар раҳбар, бошлиқ маъноларида қўлланилаётирки, сўзнинг ёндош маъноларини кенгайтириш ёки бошқача янги бир маънода қўллаш фольклорга хос ажойиб хусусиятдир. Эргаш шоир традицион дostonларни мукамал билгани учун ҳам ўзининг янги асарларида анъанавий лексикадан жуда унумли фойдаланган. «Охунбобоев» термасида кўп сўзларнинг маъноси кенгайтирилган ва янги маънода қўлланилганки, ундай сўзларнинг лексик маъноларигагина эмас, балки контекстан англашилган мазмунга диққат қилиш керак бўлади. Терма «Қундуз билан Юлдуз» дostonи тугашидан кейиноқ ёзилганлиги учун ҳам унда анъанавий лексика ва традицион формалар бир мунча устунлик қилиб қолган.

<sup>3</sup> Утмишда турли-туман солиқлар халқнинг тинқасини қуритар эди. Социалистик тузум буларнинг барисига барҳам берди. Бу ерда шу объект ҳақиқатга ишора қилинмоқда.

<sup>4</sup> Йигирманчи йиллардаги енгил машина назарда тутилмоқда.

## ҲОЗИ ОЛИМ

Ўзбекистон ССР Маориф Халқ комиссариати Илмий шўросининг Ўзбекларни ўрганиш комитети раиси Ҳози Олим Юнусов таърифланган бу шеър «Қундуз билан Юлдуз» достони қўлёзмасининг охирига 1927 йилнинг январида ёзилган. Бунга шоирнинг ўзи ҳам шама қилади («Шу сўзимга шу китобдир исботи»). Ҳози Олим шажарасини Чингизхон авлодига боғловчи сатрлар тушириб қолдирилди, чунки бу ҳақиқатга тўғри келмайди. Уруғларнинг оғзаки ва ёзма шажараларида бир қанча уруғларни (жумладан, қиётни) мўғул уруғларига боғлайдиларки, бу нарса қўшимча текширишларни талаб қилади.

<sup>1</sup> Ҳози Олим ҳақидаги иккинчи терма шоирнинг ўз қўли билан «Қизжипак» достони қўлёзмасининг охиридаги бўш ўринга ёзилган.

## ОТАЖОН ҲОШИМ

Асар 1927 йилнинг январида «Қундуз билан Юлдуз» достони қўлёзмасининг охирига ёзилган. Унда Ўзбекистон ССР Халқ Маориф комиссариати Илмий шўросининг раиси Отажон Ҳошимов таърифланган.

## ШОИРЛАРГА РАҲБАР ҲОДИ

Терма шоирнинг ўз қўли билан Тошкентда 1936 йилда ёзилган. Эргаш шоир фольклорист Ҳоди Зариф билан жуда яқиндан алоқадэ бўлган. 1936 йилнинг кеч кузидэ Тошкентга келгач, 1937 йилнинг апрелигачэ шу атоқли олимнинг уйидэ яшаган. Эргаш шоирнинг Ҳоди Зариф ҳақида яна бошқэ бир термаси бор эди. Лекин унинг қўлёзмаси топилмади.

## КЕЛДИМ

Асар шоирнинг 1936 йилда Тошкентга келиши муносабати билан яратилган. Уни Ҳоди Зариф шу йили ёзиб олган.

## ТОШКЕНТ ТАЪРИФИДА

Шоир 1936 йилда ўз қўли билан ёзиб топширган.

<sup>1</sup> Тўрт шоир — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ва Абдулла Нурали ўғли кўзда тутилмоқда. Уларни 1936 йилнинг кеч кузида Ҳ. Т. Зарифов Тошкентга олиб келган эди. Бу ерда шоирлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари, илмий ташкилотлар, завод-фабрикалар билан танишдилар, шаҳар меҳнаткашлари билан учрашдилар. Ана шу таасуротлар натижасида бу халқ шоирлари бир қанча асарлар яратдилар. Юқоридаги терма Эргашнинг ўша даврда яратган асарларидан биридир.

<sup>2</sup> Балда — шаҳар.

<sup>3</sup> Бўлар-бўлмасга сўйламас деган маънода.

## ЭШОН

Самарқанд область, Хатирчи район, Қатаған қишлоғида Ҳодич Зариф ҳузурида Пўлкан шоир «Тўйдик эшоннинг дастидан» термасини куйлагандан кейин кетма-кет ижод этилган. Шоир асарни ўз қўли билан ёзган. Қўлёманинг ҳошиясига Ҳ. Т. Зарифов: «1927 йил май ойида Қатаған қишлоғида Пўлканинг уйида ёзилди»,— деб изоҳ бериб қўйган.

<sup>1</sup> Авом маъносиди. Эшонлар ёлгон каромат билан йиллар давомида меҳнаткашларни алдаб келганлар.

<sup>2</sup> Тезроқ жўнаб қолиш таралдудиди бўлади маъносиди.

## АСОВ ҚИЗЛАР

Асарни шоир ўз қўли билан ёзган. Автограф ҳошиясига Ҳ. Т. Зарифов: «1927 йил май ойида Қатаған қишлоғида Пўлканинг уйида ёзилди»,— деб изоҳ ёзиб қўйган. Шоирнинг Самарқандда танноз, ўзига ўта зеб берган, ишەқмас бир жувонни кўриб қолиши мазкур юмористик асарнинг яратилишига сабаб бўлган.

<sup>1</sup> Айланиб, томоша қилиб кел, деган маънода.

<sup>2</sup> Носов — носоқ, соғ эмас, касал-мажруҳ.

## БИР ҲАФТА ХУП БЎЛДИ ЁҒИН

1926 йилда қишнинг бошида бир ҳафта ёмғир ёғиб, ордидан қор ёғади ва қаттиқ совуқ бўлади. Асар шу муносабат билан яратилган.

Уни 1927 йил бошида шоирнинг ўзи ёзган. Асарда шоирнинг юксак маҳорати намоён бўлган.

- <sup>1</sup> Жовин — ёғин.
- <sup>2</sup> Бовин — боғини.
- <sup>3</sup> Товин — тоғини.
- <sup>4</sup> Совин — соғини.
- <sup>5</sup> Жовин — ёғини (тоза томонини).
- <sup>6</sup> Жовиб — ёғиб.
- <sup>7</sup> Товиб — топиб.
- <sup>8</sup> Жамов — ямоқ.
- <sup>9</sup> Жовуқ — ёпиқ.
- <sup>10</sup> Жавуқ — яқин.

## ФАЗАЛ, ШЕЪР, ШОИРЛИҚ — БАЙТ АЙТМОҚДУР

Мухаммас шоирнинг ўзи томонидан 1936 йилда Тошкентда ёзилган. Сарлавҳани шоирнинг ўзи қўйган. Асар Эргашнинг отаси Жуманбулбулга бағишланган.

## ТАЖНИСЛИ ТЎРТЛИКЛАР

Бу тўртликларнинг бир қисмини шоир оғзидан 1927 йилда Ҳодӣ Зариф ёзиб олган ва уларни бир неча марта турли даврларда қайта-қайта эшитган ҳамда мисралардаги ўзгаришларни (вариантларни) қайд қилиб борган.

<sup>1</sup> Қайта ёзиб олинганда, тўртинчи мисра «Мақтовӣ кетди тўйингди» тарзида айтилган.

<sup>2</sup> Қозоқ сўзининг икки маъноси бор. Биринчи маълум халқ, иккинчиси содда, софдил, баъзан тез алданувчи шахс. Бу ўзбек ёки ўзбек терминининг халқимиз орасида мавжуд бўлган икки хил маъно ва икки хил талқинига тенг сўздор. Бундай иккинчи маънонинг юзага келиши ва тарқалишида шаҳар найрангбозлари, айниқса, алдамчи, қаллоб савдогарлар, жаллоб ва даллоллар «хизмат» қилган бўлсалар керак. Тажнисли тўртликларнинг айримларида ўтмишда текянхўр эшонлар тузоғига илинган соддадил кўчманчи қозоқлар (айни пайтда ўзбеклар ҳам!) орасидаги ўта ихлосмандлик танқид қилинса, баъзиларида содда ва софдил шахснинг маълум бир ҳолати тасвирланган.

<sup>3</sup> Бу тўртликнинг иккинчи варианты шундай:

Мерган онғни отади,  
Онғ ҳам ўзини отади,

Тентак бўлса бу мерган,  
Эшонга онгини отади.

4 «Равшан» дostonидан олинди.

## УСТОЗЛАР БИСОТИДАН

1936—1937 йилларда Ҳоди Зариф атоқли халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли билан XVIII—XIX асрларда ўтган машҳур дostonчилар тўғрисида жуда кўп суҳбатлашган. Бу суҳбатлар асносида Қўрғон дostonчилиқ мактабининг шажарасини тузиб чиққан ва эълон этган (Қаранг: «Қўрғон» дostonчиларининг шажараси, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 1970, 5-сон). Шундай суҳбатлардан бирида Эргаш шоир Ҳоди Зарифга шундай деган экан: «Ўғлим! Ешликда билмабмиз, беш-олти оғиз қўшиқни ўрганиб олиб, шунга кўнглимиз ўсиб, ҳеч ерда болаларга гап бермай: «Мен Жуманбулбулнинг ўғли бўламан, қўшиқни ҳам ўзим топиб бераман, гап десаң, хирмони билан уйиб бераман»,— деб кета берибмиз, бу замонга келиб керак қилувини билмабмиз. Ешлигимизда элда юрган шоирларнинг қадрига етмадик. Отамиз бечора, у ҳам шу гапни айтар эди: «Биз билмай қолибмиз, қишлоғимизда икки чечан кампир бор экан, ўлиб кетди. Улардан сўзни ўрганиб қолмабмиз. Ешлик қилдик, Тилла кампирдан гап—қўшиқ ўрганмадик. Биримиз—Жоссоқ, шоирларнинг устоди, биримиз—Булбул, Булбул билан қўшиқ айтишганда ўртадагилар бизникини қилади маъқул, Тилла кампирнинг ҳам топгани шул,—деб ўта бердик. Сўнг билсак, биз той эканмиз, у—тулпор, биз жилга эканмиз, у—булоқ, биз дарёмиз деганда, у—денгиз экан».

Шундай суҳбатларда Ҳ. Т. Зарифов шоирдан ўтмиш донгдор дostonчиларга нисбат берилиб келган анчагина сатрлар, уларнинг қайси муносабат билан тўқилганликларини ёзиб олди. Бу 1937 йилнинг январида бўлган эди. Бу бадий гўзал сатрлар «Устозлар бисотидан» номи остида берилди ва изоҳларда яратилиш сабаблари қайд этилди.

<sup>1</sup> Тилла кампир Жуманбулбулнинг момоси бўлиб, замонасининг машҳур дostonчиларидан бўлган. Хусусан, «Ойсулув» дostonини юксак санъаткорлик билан куйлаган. Эргаш шоирнинг айтишича, Тилла кампирнинг эри ака-укасиз—ёлғиз экан, шоира ёш вақтида эри ўлган, қўлида ёш боласи қолган. Худди шу вақтда унинг қўлига куйдирги яраси чиққан. Шунда юқоридаги сатрларни айтган экан.

<sup>2</sup> Султон кампир XIX асрнинг донгдор дostonчиси Қулсамад бахшининг онасидир. Айтишларича, Қўрғон дostonчиларининг дов-

ругини эшитган қозоқ оқинларидан бири айтишиш иштиёқида Қўрғон қишлоқ шоирлари йиғинига келади. Айтишиш бошланиб, қозоқ оқини йиғиндаги шоирларнинг барчасини енгади. Шунда бир ўзбек бахшиси: «Сен бизнинг Султон кампир билан тенг экансан»,— деган эмиш. Оқин Султон кампирнинг уйини сўраганда, уни йўлга соладилар. У отини миниб, сой бўйига тушиши билан оти бўйини чўзиб сув ича бошлаган. Езнинг куни, бир-бирининг устига сув сочиб уйнашиб юрган болалардан Султон кампирни сўраганда, болалар орқасига бурилса, Султон кампир кўза кўтариб сойга эниб келаётган экан. Болалар танитадилар. Шоира сой бўйига етиб келиши билан юқоридаги айтишув бўлган ва Қўрғон дostonчиларини енгган қозоқ оқини Султон кампирдан енгилган экан.

<sup>3</sup> Нурота беклигининг шимолий қисми — Қизилқум бағирларида яшаган қозоқлар чорвачилиқ билан тирикчилик қилганлари ҳолда айримлари саксавулдан тайёрланган кўмирни Нурота бозорига келтириб сотар эдилар. Амирлик улардан бож йиғиш учун Милтиқбой исмли бир амалдорни тайинлаган эди. Бир куни Милтиқбой Нурота бозорида Эргашнинг отаси Жуманбулбулга (1818—1886) дуч келиб қолади, шоирдан ўзини таъриф-тавсиф қилишини сўрайди ва эвазига остидаги қорабайир отини мукофот қилиб беришлигини айтади. Шунда халқ шоири жамоат ўртасида юқоридаги ўзи тўқиган ҳажвияни куйлаб, Милтиқбойнинг пасткашлигини фош этган экан.

<sup>4</sup> Айтишларича, бир кечқурун ёмғир ёғаётган пайтда Жуманбулбул Нурота яқинидаги Емонтуркман деган қишлоққа келади. Ҳеч ким отидан тушириб, жой бермайди. Шунда бир қудуқнинг олдида туриб юқоридаги термани куйлаганда, шоирлигини билиб, отдан тушириб, зиёфат қилиб қайтарган эканлар. Қишлоқ номи ҳам шундан қолган эмиш. Бу нақл нуроталик Эргаш Асобоевдан 1971 йилнинг 12 июлида ёзиб олинди.

<sup>5</sup> Қўлсамад бахши Султон кампир ўғли XIX асрнинг машҳур дostonчиларидан бўлган. Унинг Болта, Қувондиқ, Утаган деган уч ўғли ҳам замонасининг етук дostonчиларидан эди. Юқоридаги термани «Жоссоқ билан Жуманбулбул Қўлсамад бахшининг сўзи» дегич эди»,— деб эслайди Эргаш Жуманбулбул ўғли.

<sup>6</sup> Нуротанинг Вахшайиш қишлоғидан бўлган Қозоқхўжа деган бир эшон мурид овлаб Расул бахшиникига келиб қолган. Бахшининг зиёфатини еб, оладганини олиб, эшикдан далага чиққанда, ўт орасидан бир бедана учган, бир ёш бола беданани орқасидан қувиб кетган. Шунда Қозоқхўжа: «Шоир бўлсанг, шу беданани учишига, боланинг қувишига байт айт»,— деганда, юқоридаги тўртликни айтган экан.

<sup>7</sup> Амин бахши XVIII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган донгдор дostonчи бўлиб, Самарқанднинг шимолида,

Пойариққа қарашли Кампирўлди қишлоғидан. Булуғур дostonчилик мактабининг пешқадам вакиллари ва асосчиларидан бири. У бир кун Нуротага бораётганда Турк қишлоғида бир тўй бўлаётган экан. Амин бахшини шу тўйга чақириб келиб, дoston айттирадилар-да: «Шoир бoбo, тўйдан қуруқ қолманг»,— деб бир белбоғ, бир калла-пўш берадилар. Шунда Амин бахшининг аччиғи келиб, юқоридаги тўртликни айтган экан.

<sup>6</sup> Дostonларда кофир кўпчилик ҳолларда умуман душман, баъзан ғайридин маъносида қўлланилади.

<sup>9</sup> Амин бахши «Алпомиш» дostonини жуда юксак санъаткорлик билан куйлар экан. Ривоятларга қараганда, у бир гал дostonни уч ой давомида тингловчиларни зериктирмай куйлаган эмиш. Бахшилар қалмоқ оллларининг муболағавий портрети тасвирини (кураш эпизодини) унга нисбат берадилар. Юқоридаги сатрларни («Алпомиш» дostonининг кураш эпизоди тасвирига ўхшаш мисралар, лариантларни) Эргаш Жуманбулбул ўғли Амин бахши сўзи сифатида эслаган.

<sup>10</sup> Амин бахши муболаға услубининг пешқадам вакилларидадир. Бахшилар ўртасида муболаға ҳақида сўз кетганда, Эргаш Жуманбулбул ўғли Амин бахшининг юқоридаги тўртлигини мароқ билан тилга олар экан.

## ЭРГАШ ШОИР ҲАЗИ, ОТАСИ, ЕЗГАН ВА ЕЗДИРГАН ДОСТОНЛАРИ, СЎЗ САНЪАТИ ҲАҚИДА

Эргаш Жуманбулбул ўғли дoston ва дostonчилик, бадний сўз ва унинг асарда роль ҳақида ажойиб термалар ҳам тўқиган. Унинг бу ҳақдаги мулоҳазалари бутун асарларида сочилиб ётганидек, айрим мустақил характердаги термалар ҳам ижод қилган. Бу ерда унинг сўз санъати ҳақидаги бутун мулоҳазалари эмас (улар беш томликда ўз ўрнида бериб борилди), балки асосан мустақил характердаги термалари жамланди.

<sup>1</sup> «Қунтуғмиш» дostonи кўзда тутилади.

<sup>2</sup> Ғойиб, Қўр ғойиб, Мулла Ғойиб туркман шоирдир. Ғойиб ҳақида машҳур ўзбек халқ дostonчилари орасида қисман тарихий, қисман афсонавий тарзда биографик поэма мавжуд. Бу поэмада айтилишига кўра, Ғойиб Бухорода таҳсил қўрган. Устоди Эшон Намознинг фарзида имом бўлиб турган пайтда орқада имомга иқтидо қилиб намоз ўқийётган қизларга шарнат қонунини бузиб икки бор назар ташлагани учун кўр қилинган ва ўша даргоҳдан ҳайдалган. Ғойиб Бухоро кўчаларида тентираб қўшиқ айтиб юрар экан. шеърятни ғўноҳ санаган амир уни зиндонга солдиради. Шоир зиндонда ётганда ҳам куйлайди, қўшиқ ва сознинг Одам Атодан бери



мавжудлиги ҳақида бонг уради. Қўшиқ билан зиндондан қутулиб халқ орасига киради, қўшиқ билан яшайди. Бу қизиқарли поэманинг ҳозирча тўлароқ ҳисобланган бир вариантини Ҳ. Т. Зарифов Фозил Пўлдош ўғлидан 1934 йилда ёзиб олган. Эргаш Жуманбулбул ўғлининг ўстоз сифатида эслгани ана шу шоирдир.

<sup>3</sup> «Холдорхон» достони назарда тutilади.

<sup>4</sup> Бу терма «Холдорхон» достонида Бердиёр билан Мирза Аскарнинг вафоти муносабати билан Оға Юнус ва Мисқол париларнинг гам-ҳасрати тасвиридан кейин шоир чекиниши сифатида киритилган. «Холдорхон» достони воқеаларига бевосита боғлиқ бўлмаганлиги учун ҳам уни бу ерда алоҳида бердик. Асар 1927 йилда шоирнинг ўз қўли билан ёзилган.

<sup>5</sup> Бу терма «Емон бахшилар ҳақида» номи остида 1928 йилда Самарқандда Ҳоди Зариф томонидан ёзиб олинган. Бундан илгарироқ, 1926 йилда шоир «Далли» достонини ўзи ёзганида, қўлёзма охирида дoston мазмунига боғлаб юқоридаги термага ўхшаш бир шеър ёзган. Буларнинг ҳар иккаласида маълум бир фарқлар бўлгани учун Ҳоди Зариф ёзиб олган нусхани юқорида тўла келтириб, шоирнинг ўзи ёзган нусха билан қиёс қилиб, фарқларни кўрсата борамиз.

Ана энди тўйимни ҳам тарқатдим,  
«Хон Далли»ни яхши сўзман ўхшатдим,  
«Яхшидан от, ёмондан дод», ёронлар,

Яхши эди, яхши таърифин этдим,— деган банд Ҳоди Зариф ёзиб олган нусхада йўқ.

<sup>6</sup> Шу банддан кейин «Далли»да яна қуйидаги банд мавжуд:

Бошқа суҳанчи ҳам «Хон Далли» деди,  
Айт десангиз, ҳар нима деб бурчиди,  
Айтолмаса, тополмаса сўзларин,  
Билмадинг-ку, айтмагин деб ким деди,

<sup>7</sup> Бу мисра «Далли»да «Шў замонда неча шоир, неча нодонлар» тарзида берилган.

<sup>8</sup> Бу мисра «Далли»да шундай: «Илгари катта шоирлар ўтибди».

<sup>9</sup> Йўл қилиб — маълум бир йўлга солиб, бир услуб яратиб.

<sup>10</sup> Жўниктириб — мукамал бир тартибга тушириб.

<sup>11</sup> «Далли»да: «Ўзбеклар».

<sup>12</sup> «Далли»да: «Илгариги сўзларга».

<sup>13</sup> Шундан кейин «Далли»да қуйидаги тўртликлар мавжуд. Улар Ҳоди Зариф ёзиб олган нусхада йўқ:

Шу сўз бари Жуманбулбул сўзлари,  
Шоир бўл иззатман ўтган ўзлари,  
Шу замонда элу халққа машҳур бўл,  
Орзу билан ўтган қишу ёзлари.

Шул кишининг сўзин орзу қилади,  
Ҳали ҳам эшитса қулоқ солади,  
Бу шоирлар унинг сўзин айтмайди,  
Бўлмаса ўзбеклар сўзни олади.

Бу шоирлар жаврай берсин билганиң,  
Айтгандан жиритиб безор қўлади,  
Бир оз гапг элга таъсир қилмаса,  
Эримаса, қайтиб қулоқ солади.

<sup>14</sup> Бу кейинги тўрт банд «Далли»да учрамайди.

<sup>15</sup> «Алибек билан Болибек» достонининг охирига шоир ўз қўли билан ёзган.

<sup>16</sup> «Қундуз билан Юлдуз» достонини ёзиб олган котиб Муҳаммад Иса Эрназар ўғли назарда тутилмоқда.

<sup>17</sup> «Қундуз билан Юлдуз» достони, «Ғози Олим», «Отажон Ҳошим», «Раҳбарларга», «Шўро», «Октябрь», «Охунбобоев» термалари ёзиб тамомлангач, шоир достоннинг якуни сифатида юқоридаги термани айтган. 1927 йилнинг 4 январида Муҳаммад Иса Эрназар ўғли ёзиб олган.

<sup>18</sup> «Қизжипак» достонининг 1923 йилги Тошкент нашри кўзда тутилмоқда.

<sup>19</sup> Ҳар нинга — ҳар нимага.

<sup>20</sup> «Қизжипак» достони қўлёзмасининг бош қисмидан. Езувчи — шоирнинг ўзи.

<sup>21</sup> «Қизжипак» достони қўлёзмасининг охириги қисмидан. Шоирнинг ўзи 1927 йилнинг апрелида ўз қўли билан ёзган.

## АЙТМОҚ ДАРҚОР НАЗАРҚАРДА ЭРЛАРНИ

Бу шеър шоирнинг ўзи томонидан алоҳида бир вараққа ёзилган. Унга ҳеч қандай сана қўйилмаган. Асар тугалланмаган. Буни шоирнинг ўн учинчи мисрани ёза бошлагани ҳам тасдиқлайди. Шеър тугалланмай қолган бўлса-да, бахшининг эстетик қарашларини, қаҳрамонлик достонларига бўлган муносабатини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

## ҚУНЛАРИМ

Термани 1928 йилда Самарқандда Ҳоди Зариф ёзиб олган.

<sup>1</sup> Рустам асли Така-Евмитдан бўлиб, душман юртида Гўрўғлини чақалоқлигида олиб тарбиялаган чўпон.

<sup>2</sup> Бадкир — босқинчи душман подшосининг катта бир амалдори.

<sup>3</sup> «Гўрўғлининг туғилиши ва болалиги» достонида айтилишича, Гўрўғли ёш вақтида ўзи эмиб катта бўлган биядан туғилган урғочи қулунни Хуросоъ кўли ёнида боқиб юрганда, араблар подшоси Райхон Гўрўғлининг янгаси (тоғаси Аҳмад Сардорнинг хотини) Холжувонни олиб қочиб кетиш учун келади. Гўрўғли унинг отидан биясини қочириб олади. Бу вақт Райхон Гўрўғлини алдаб, ҳийла билан Холжувонни олиб қочади. Бу сатрлар ўша воқеага ишора.

<sup>4</sup> Аваз билан Ҳасанни асранди ўғил қилиб олганлигини айтас-тир. Урф-одатга кўра, ўтмишда катта тўй—йиғин қилиб, асранди болаларни халойиқ ўртасага олиб чиқиб, қўлига илик бериб, фарзанд қилиб олинар эди.

## АРМОНИНГ ҚОЛМАСИН

Бу термани 1937 йилда шоир оғзидан Ҳоди Зариф ёзиб олган.

<sup>1</sup> Гўрўғлининг ота-онасини асир олган душман подшосининг энг ишонган амалдори Бадкирни Гўрўғли пичоқлаб ўлдирган эдики, бу ерда шунга ишора қилинмоқда.

<sup>2</sup> Қўқбулоқдан Райхон подшонинг қизи Зайдинойни олиб қочи-б келганлигига ишора. Бу воқеаларнинг ўзи алоҳида бир достон.

<sup>3</sup> Гўрўғлига душман араб қўшинларининг лашкарбошиси.

<sup>4</sup> Қорадев — Қўйи Қоф билан Ирам боғини қўриқловчи девлар қўшинининг бошлиғи.

<sup>5</sup> Тўхтамиш — Гўрўғлига душман девларнинг номдор бошлиқ-ларидан.

## ГҲРҲҒЛИ

Бу термани 1937 йилда шоирдан Ҳоди Зариф ёзиб олган.

## ГҲРҲҒЛИБЕК — ЗҲР БОТИР

Бу термани ҳам 1937 йилда шоирдан Ҳ. Т. Зарифов ёзиб олган.

## АРМОНИМ ҚОЛМАДИ

Бу терма «Қундуз билан Юлдуз» достонининг воқеалари билан боғлиқ. Шоир достонни ёздириб тамомлагач, шу термани айтган, у достон қўлёмасининг охирига ёзилган. Ёзиб олувчи Муҳаммад Иса Эрназар ўғли.

<sup>1</sup> Ақли совга — ақли соққа.

<sup>2</sup> Ботирларнинг иши ёвда деган маънода.

## ИУЛИҚСА

Бу терма шоирнинг ўзи томонидан алоҳида вараққа ёзилган. Сана кўрсатилмаган. Унга шоирнинг ўзи «Байт рубои» деб сарлан-ҳа қўйган.

## АЛЛА

Бу қўшиқни Эргаш шоирдан Ғози Олим Юнусов ёзиб олиб, «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1926 йилги 6-сонида нашр этган.

## ҒАЗАЛИ САНОБАР

«Гул ва Санобар» достонидан олинган бу парчани 1927 йилнинг июлида шоирдан Ҳоди Зариф ёзиб олган. Бу ерда бир оз қисқартириб берилди.

## «АЛИБЕК БИЛАН БОЛИБЕК» ДОСТОНИДАН

### ПАРЧАЛАР

Достонни 1925 йилнинг охирида шоирнинг ўзи ёзиб топширган. «Алибек билан Болибек» достони «Юсуф билан Аҳмад» достонининг давоми сифатида наслий туркумлик йўли билан яратилган. Ундан олинган бир қанча парчалар китобхонларга маълум бир қисқартишлар билан ҳавола этилмоқда. Унинг тўла нашрини амалга ошириш келгусининг вазифаларидандир. Бу парчаларни З. Хусайнова нашрга тайёрлади.

<sup>1</sup> Масал — Миср.

## ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ УҒЛИ ВА УНИНГ ОИЛАСИ ХРОНОЛОГИЯСИ

XVIII асрнинг II ярми — XIX асрнинг I ярми — Жуманбулбулнинг момоси Тилла кампир ва отаси Мулла Холмуроднинг ҳаёт ва ижод даври.

1818 — Жуманбулбулнинг туғилган йили.

1868 — Эргаш туғилган йил.

1875/1876 — Эргашнинг Қишлоқ мачити ҳузуридаги мактабга ўқишган борган йили.

1878 — Абдухалил туғилган.

1880 — Абдужалил туғилган. Вафоти 1895/1896 йилларда.

1884/1885 — Эргашнинг синглиси Маккам (Маҳкам) ой туғилди. Вафоти XX аср бошида.

1884—1885 — Эргашнинг Бухоро мадрасасида ўқиган йиллари.

1885 — Эргаш мулла Утамурод хатибнинг қизи Зийнатойга уйланди (Зийнатойнинг вафоти XX аср бошида). Шу туфайли мактаб устоди Утамуродда билим соҳасида таҳсилни давом эттирди.

1886 — Жуманбулбул вафот этди.

1887, ёз — Эргаш ўз қайнатаси мулла Утамурод хатибнинг деҳқонлар ҳимматига яраша ҳосилдан берадиган кафсанларини йиғишга вакил бўлди.

1887—1889, ёз ойлари — Эргаш Бухоро амирлиги, Нурота беклигининг амлоқдорларидан бири Қўзибекка (Жўш ва унга қарашли қишлоқларда аҳолининг деҳқончилик ва чорвачилик миқдорини ҳисобга олиш вазифасида) мирза (котиб) бўлиб ишлади.

1891 — Эргашнинг қизи Зарбуви туғилган. Вафоти — 1929 йил.

1898 — Абдухалил вафот этган.

1885—1917 — Эргаш ўз қишлоғида деҳқончилик ва дostonчилик

билан машғул бўлди, кўп йиллари қишлоқма-қишлоқ дарбадарликда ўтди.

1918—1922 — Бухоро амирлиги чегарасидан Туркистон Совет ҳокимияти территориясига ўтиб, Зарафшон ва Самарқанд округларининг шаҳар ва қишлоқларини кезиб юрди.

1922/1923 — Эргаш ўз қишлоғи Қўрғонга қайтиб келди. Достончиликда шоғирдлар етиштиришни давом эттирди.

1924—1925 — Жўш қишлоқ шўросига қарашли Қоракиса қишлоғида қишлоқ болаларини ўқитиш учун бир хонали мактаб очди.

1925, куз — Ўзбекистон ССР Халқ Маориф комиссариати Илмий маркази Ўзбекларни ўрганиш комитетининг ташаббуси билан Самарқандга келтирилди.

1926 — Халқ достончилари Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ва Жоссоқ шоирнинг ўғли Жолғош бахшиларни қишлоқдан Самарқандга — Ўзбекларни ўрганиш комитетига олиб келди.

1926, ёз — Самарқанд область, Булунғур район, Қирқшоди қишлоғида Пўлкан шоир билан биргаликда достонларни ёзиб қолдиришга киришди. «Қундуз билан Юлдуз» достони ёзилди. Шу вақтдан бошлаб 1928 йилгача Қирқшоди машҳур ўзбек халқ шоирлари — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлканларнинг қароргоҳларидан бири, фольклор асарларини тўплашдаги фаолиятнинг қишлоқдаги муҳим пунктларидан бири бўлди.

1927, ноябрь — декабрь — Эргаш ўз таржимаи ҳолини ёзди.

1926—1928 — Ўзбекларни ўрганиш комитетининг тавсияси билан халқ достонлари, хусусан, ўзи билган достонларни ёзиб қолдиришга актив қатнашди.

1928 — Эргаш шоирдан «Ўртоқ Ленин» ва «Равшанхон» достонлари ёзиб олинди. Машҳур актриса Турсунойнинг фожиали ҳалокати муносабати билан марҳумага атаб қўшнқ ижод этди.

1929—1936 — Эргаш ўз қишлоғида асосан деҳқончилик ишлари билан машғул бўлди.

1936, охири — Ҳоди Зариф Қўрғонга махсус бориб, шоирни Тошкентга олиб келди.

1937, февраль — «Хушкелди» достонини ёзиб топширди.

1937, февраль — «Ойсулув» достонининг мазмуни ёзилди.

1937, апрель охири — Эргаш хаста ҳолда Тошкентдан Қўрғон қишлоққа Қувондиқ бахшининг ўғли Синдорнинг уйига келди. Май бошларида унинг ўз илтимоси билан Қўштамғали қишлоғига — куёви Турдимнинг уйига олиб борилди.

1937, 12 май — Эргаш Жуманбулбул ўғли қизи — марҳума Зарбувнинг уйида, невараси Абдуғанининг ҳузурда вафот этди. Қабри Қўрғоннинг ғарбида Пастки Қўштамғали қабристониди.

## МУНДАРИЖА

### Достонлар

Ўртоқ Ленин . . . . .	7
Таржиман ҳол . . . . .	21
Термалар, достонлардан парчалар	
Қизил . . . . .	79
Қизил . . . . .	80
Шўро . . . . .	81
Октябрь . . . . .	83
Ўртоқ Ленинга офарин . . . . .	86
Ҳайкал таассуроти . . . . .	88
Раҳбарларга . . . . .	89
Охунбобоев . . . . .	90
Ғози Олим . . . . .	93
Отажон Ҳошим . . . . .	97
Шоирларга раҳбар Ҳоди . . . . .	98
Келдим . . . . .	99
Тошкент таърифида . . . . .	100
Эшон . . . . .	101
Асов қизлар . . . . .	102
Бир ҳафта хўп бўлди ёғин . . . . .	103
Ғазал, шеър, шоирлик — байт айтмоқдир . . . . .	104
Тажнисли тўртликлар . . . . .	105
Устозлар бисотидан . . . . .	106
Эргаш шоир ўзи, отаси, ёзган ва ёздирган достонлари, сўз санъати ҳақида . . . . .	110
Айтмоқ даркор назаркарда эрларни . . . . .	126
Кунларим . . . . .	127
Армонинг қолмасин . . . . .	129
Гўрўғли . . . . .	137
Гўрўғлибек — зўр ботир . . . . .	141
Армоним қолмади . . . . .	144
Йўлиқса . . . . .	153
Алла . . . . .	154
Ғазали Санобар . . . . .	157
«Алибек билан Болибек» достонидан парчалар . . . . .	158
Т. Мирзаев. Улкан халқ шоири . . . . .	241
Изоҳлар . . . . .	295
Эргаш Жуманбулбул ўғли ва унинг оиласи хронологияси . . . . .	317

*На узбекском языке*

ПЕСНИ БУЛЬБУЛЯ

пяtitомник

Том V

НОВЫЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ И ТЕРМЫ

*Ўзбекистон ССР ФА А. С. Пушкин номи Тил ва адабиёт  
институту илмий совети, Ўзбекистон ССР ФА Тарих,  
тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими томонидан  
нашрга тасдиқланган*

Муҳаррир *Ҳ. Саъдуллаева*  
Рассом *В. С. Тий*  
Техмуҳаррир *В. Тарахович*  
Корректор *М. Каримбобоева*

Р05331. Теришга берилди 18/IV-73й. Босишга рухсат этилди 15/V-73й.  
Формати 70×108<sup>1/32</sup>. Босмахона қоғози №1. Босма л. 14.0. Қоғоз л. 5.0.  
Ҳиссб-нашриёт л. 12.0. Нашриёт № 464. Тиражи 5000. Баҳоси 1с. 7т. Заказ 103.  
ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент. Черданцев, кўчаси, 21.  
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.